

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Тошкент Давлат юридик институти

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик
мутахассислиги бўйича таълим олаётган
талабалари учун

Тошкент-2000

***Китоб Очиқ Жамият Институтини –
Кўмак Жамгармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
кўмагида чоп этилган.***

Юридик фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор **Ҳ.Б.Бобоев** ва юридик фанлар доктори, профессор **М.Х.Рустамбоевларнинг** умумий тахрири остида

Муаллифлар таркиби:

Раҳмонқулов Ҳ.Р. ю.ф.д., проф. (Кириш, XV бобнинг 1-§),
Усмонов М.Б. ю.ф.д. (I, XII, XIII боблар, IV бобнинг 4-§,
VI бобнинг 1-§, VII бобнинг 1,5-§лари), **Рўзиназаров Ш.Н.** ю.ф.д.
(V, X боблар, VI бобнинг 2,3,4 §лари, XV бобнинг 3,4-§лари),
Холмўминов Ж.Т. ю.ф.д. (VII бобнинг 2,3,4-§лари,
XVII бобнинг 1,2,3,4-§лари), **Рустамбоев М.Х.** ю.ф.д., проф.
(XVII бобнинг 5-§), **Ибратов Б.И.** ю.ф.д., проф. (XV бобнинг 2-§),
Бозоров У.Б. ю.ф.н., доцент (VIII боб), **Файзиёв Ш.Х.** ю.ф.н.
(II, III боблар), **Оқйўлов О.** ю.ф.н., доцент (IX боб),
Эгамбердиев Э.Э. ю.ф.н., доцент (XVI боб), **Аюбов У.Т.**
(IV бобнинг 1,2,3-§лари), **Турсунов Й.** (XI, XIV боблар).


Масъул муҳаррирлар:

ЎЗР ФА академиги, ю.ф.д., проф. **Ҳ.Р. Раҳмонқулов,**
ю.ф.д. **М.Б.Усмонов.**

К 51

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун \bРаҳмонқулов Ҳ.Р., Усмонов М.Б., Рўзиназаров Ш.Н. ва бошқ.; Масъул муҳаррирлар **Ҳ.Р.Раҳмонқулов, М.Б.Усмонов**-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. - 368 б. Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти.

I. Раҳмонқулов Ҳ.Р. ва бошқ.



ББК 67.407я73

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси аграр давлат ҳисобланади. Республика аҳолисининг 60 фоиздан ортиқроғи қишлоқ жойларда яшайди, жами ишлайдиганларнинг ярми аграр секторда хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги ижтимоий маҳсулотнинг тўртдан уч қисми ва миллий даромаднинг 40 фоизини, шунингдек мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоиздан ортигини беради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисини озиқ - овқат маҳсулотлари, саноатни эса ҳам ашё билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

«Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий эътибор бериб келинди ва кейинги ҳаракатларимизда ҳам бу ҳол ўз устунлигини сақлайди, – деб ёзади И.А.Каримов, – бугунги иқтисодийтимизда ва ижтимоий турмушда, бинобарин, сиёсатимизда ҳам қишлоқ соҳаси халқимизнинг фаровон ҳаёти, республикамизнинг тараққиёти ва ўсиш суръатларини ҳал қиладиган муҳим тармоқдир».¹ Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ муносабатларни чуқур ўрганиш муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, республикамиз ҳаётида, жамият ривожланишида ва давлат қурилишида муҳим ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар рўй берди, тарихий оламшумул воқеалар содир бўлди. Мустақил давлат – Ўзбекистон 1992 йил 8 декабрда ўз халқининг хоҳиш-иродасини ақс эттирувчи, ғоявий жиҳатдан тамомила янги Конституцияни қабул қилди. Янги Конституция мамлакатимизда ижтимоий мустақиллик йўлида эришилган ютуқларга яқун ясади, янги ижтимоий давлатнинг истиқболини, сиёсий ва иқтисодий тизимининг ривожланиш муаммоларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ифода этишга қаратилган асосий тамойилларни белгилаб берди.

Республикамиз Конституциясига амал қилган ҳолда мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди, иқтисодийнинг барча соҳаларида, жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўтмишда ишлаб чиқа-

¹ Каримов И.А. *Ўзбекистон келажаги буюк давлат.* - Т: «Ўзбекистон», 1992, 20-21- бетлар.

ришнинг иқтисодий манбаини социалистик мулкчиликнинг икки шаклидан иборат бўлган давлат ва колхоз–кооператив мулки ташкил қиларди. Ушбу мулк шакллари асосида давлат корхонаси «совхоз», жамоа ташкилоти ҳисобланган «колхоз»-лар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фаолият юритарди. Ушбу фаолият қатъий режа асосида ва юқори давлат органлари томонидан туширилган топшириққа асосан амалга ошириларди. Хўжаликни бундай бошқаришга асосий сабаб жамиятда давлат мулкнинг бошқа мулк шакллари билан, шунингдек колхоз–кооператив мулк билан ҳам устунлиги, иқтисодий муносабатларда ҳал қилувчи яқка ҳукмдорлик роли, шунингдек жамиятни бошқарув тизимида маъмурий-қўмондонлик усуллари қўллаш билан боғлиқ эди. Эндиликда қишлоқ хўжалигининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, уни бошқариш тартиби ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш усуллари тубдан ўзгариб кетди. Совхозлар давлатники бўлганлиги туфайли хусусийлаштирилди, колхозлар қайта ташкил қилинди ва улар манбаида турли жамоа ишлаб чиқариш хўжалик ширкатлари ва бирлашмалари, чунончи: оилавий пудрат хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари) ташкил қилинди.

Қишлоқ хўжалигида юз берган бу чуқур ислохотлар тегишли муҳим қонун-қоидалар воситасида амалга оширилди. Масалан, мулкчилик ва ер тўғрисидаги қонунлар, Ер кодекси, Ер кадастри, деҳқон хўжалиги, кооперативлар, фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 1998 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясидаги маърузасида «Мамлакатимизда янги мустақам ҳуқуқий замин яратилди» деб таъкидлаб ўтди ва шунинг билан бирга «қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш» лозимлигига алоҳида эътибор бериб ўтди.² Демак, ҳуқуқий замин яратилиши билан бирга ушбу заминдан кундалик ҳаётда мукамал ва тўғри фойдаланишни ва уни амалга ошириш учун

² «Халқ сўзи», 1998 йил 29 август.

зарур бўлган чора-тадбирларни қўллашни таъминлаш йўллари топиш таъсирчан механизмини яратиш муаммолари бири бири билан чамбарчас боғлиқ вазифалардан иборат.

Ушбу вазифани англаш, тасаввур қилиш ва республика-миз ҳаётида, жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасида малакали равишда амалга ошириш юз берадиган муаммоларни тўғри ҳал қилиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий воситалардан мукам-мал фойдаланиш, бозор иқтисодиётининг талабларини, ҳуқуқий қоидаларини тушуниш учун юридик ўқув юртлари-нинг талабалари юқори малакали билим ва қобилиятга эга бўлишлари талаб қилинади.

Республика-миз Ҳукумати иқтисодиётнинг бошқа соҳа-лари билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини ривожланти-ришга ҳам алоҳида эътибор беради. Чунки мамлакат бойли-гининг салмоқли қисмини қишлоқ хўжалигидан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Буларнинг ҳаммаси юрист хо-димлардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши хусусиятлари-ни, бу соҳадаги иқтисодий муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг шакллари ва усулларини пухта ўрга-нишни, билишни ва амалиётда улар талабларидан оғишмай қўллашни талаб қилади.

Юқорида зикр этилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳол-да, мазкур дарсликда қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предмети, яъни ушбу фан соҳаси талабаларга нималарни ўргатиши мум-кинлиги, предметнинг ҳуқуқий манбалари, қонун ҳужжатла-ри, улар асосида келиб чиқадиган муносабатлар, қишлоқ хўжа-лигида ишлаб чиқариш тузилмаларининг ташкилий – ҳуқуқий поғоналари, қишлоқ хўжалик ходимларининг ҳуқуқий маж-буриятлари, жамоа хўжаликлари ва бошқа корхоналарнинг мулк-ий ҳуқуқлари ва уларни тартибга солиш ва қишлоқ хўжа-лик ҳаётига тааллуқли бўлган бошқа муносабатларнинг ҳуқуқий масалаларини ёритишга эътибор берилди.

I боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ ПРЕДМЕТИ ВА ТИЗИМИ

1-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг тушунчаси, предмети ва ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи ҳуқуқ тизимидаги мустақил ҳуқуқ соҳаларидан бири ҳисобланади. Мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида қишлоқ хўжалик ҳуқуқи маълум турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга соладиган ушбу ижтимоий муносабатлар ўзига хослиги, маълум турда бўлишлиги, умумий жиҳатлари, бир мақсадга йўналтирилганлиги билан характерланади. Қишлоқ хўжалик ижтимоий муносабатларининг умумий бирлигини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Худди шу мақсад бу ижтимоий муносабатларни битта ҳуқуқ соҳаси билан тартибга солиш мумкинлигини, яъни қишлоқ хўжалик ҳуқуқи соҳасини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида тан олишликни билдиради. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ижтимоий–иқтисодий, мулкӣ, меҳнатни ташкил этиш шароитлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг барчаси бир мақсадга, яъни аграр муносабатларни тартибга солишга қаратилганлигини эътиборга олиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқини ҳуқуқ тизимидаги ўзига хос, алоҳида ҳуқуқ тармоғи деб ҳисоблашга барча асослар бор.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида ўзаро боғлиқ, бир-бирига яқин бўлган бир мақсадга хизмат қиладиган, бир-бири билан узвий боғланган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишга қаратилган ер, мулкӣ, меҳнат ва ташкилий–бошқарув соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар ўзига хослиги, турли–туманлиги, кенг доирада эканлиги билан характерланиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида вужудга келадиган ер, мулкӣ, меҳнат, ташкилий–бошқарув билан боғлиқ бўлган муноса-

батларни қамраб олади. Демак, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи комплекс аграр муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Умумий анъанага биноан ҳуқуқ тармоғи ва қонунчилик соҳаси бир бутун, яхлит, ҳатто бир хилда номланиши билан характерланиб келган. Масалан, жиноят ҳуқуқи ва жиноят қонунчилиги (жиноят кодекси), фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик қонунчилиги (фуқаролик кодекси), ер ҳуқуқи ва ер қонунчилиги (ер кодекси) ва ҳоказо. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбаини ташкил этувчи битта қонунни кўрмаймиз, чунки қишлоқ хўжалиги қонунчилиги асосини, таркибини бир қанча қонунлар мажмуи ташкил этади, улар аграр муносабатларни тартибга солувчи комплекс меъёрий ҳужжатлар йиғиндисиدير. Бу ҳолатни аграр муносабатларнинг турли-туманлигидан келиб чиқиб, бу муносабатларнинг ҳар бири мустақил қонунлар билан тартибга солиниши лозимлиги билан изоҳлаш мумкин. Чунончи, ер муносабатларини Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи йирик товар ишлаб чиқариш субъекти фаолиятини «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун, фермер хўжалиги фаолиятини «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун тартибга солади

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим ривожланган давлатларда (масалан, АҚШ, Туркия, Франция, Германия) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муносабатларини тартибга солувчи, қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги қонун деб юритилувчи яхлит, бир бутун қонунлар ҳам ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикасида эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи битта қонунга жамланган меъёрий ҳужжат (кодекс, қонун) йўқ. Юқорида таъкидланганидек, улар турли қонунлар билан тартибга солинади. Лекин, шунга қарамасдан, юридик адабиётларда бизнинг республикамизда ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган барча муносабатларни ягона бир қонун, яъни Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солиш керак

деган фикрлар учрайди.¹ Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг жуда кенглиги, турли-туманлиги, ушбу муносабатларнинг ҳар бири (ер, мулк, меҳнат, бошқарув) мураккаб, ўзига хос, мустақил муносабатлар эканлигини, бу муносабатларни битта қонунга жамлаш қийинлигини эътиборга оладиган бўлсак, Ш.Н. Рўзиназаровнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Бизнинг фикримизга кўра, ер муносабатлари ер қонунчилиги билан, меҳнат муносабатлари меҳнат қонунчилиги билан, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти улар тўғрисидаги қонунлар (масалан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар) билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ муносабатларнинг ягона қонун билан тартибга солинмаганлиги, улар тўғрисида битта қонунлар мажмуасининг йўқлиги қишлоқ хўжалик ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида тан олмаслик учун асос бўлмайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муносабатларини тартибга солидиган яхлит қонун бўлмасада, қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалиги тизимида мустақил тармоқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тармоқ билан боғлиқ муносабатларни мукамал тартибга солиш лозимлигидан, муҳимлигидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи вужудга келганлигини, унинг мавжудлигини, мустақил ҳуқуқ соҳаси эканлигини эътироф этишимиз керак.

Аmmo, юридик адабиётларда қишлоқ хўжалиги ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида мустақил ҳуқуқ соҳаси эканлиги тўғрисида турли хил фикрлар учрайди. Бир гуруҳ олимлар бу ҳуқуқ тармоғини ҳамда қишлоқ хўжалик қонунчилигини ҳуқуқ ва қонунчилик тизимида мустақил, алоҳида соҳа сифатида қарайдилар. Чунончи, В.З.Янчукнинг таъкидлашича, «Колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари қатнашаётган ҳозирги давр ижтимоий муносабатлари тараққиётида қишлоқ хўжалик қонунчилигини бутун қонунчиликнинг ажралмас ва таркибий қисми сифатида тан олиш

¹ Рўзиназаров Ш.Н. *Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тизимларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми.* -Т.: Адолат, 1997, 15-бет.

ҳақида сўз юритиш мумкин». ² Шундай фикрни В.В.Петров, В.С.Шелестовлар ҳам қўллаб-қувватлайди. ³ В.В.Лаптев эса қишлоқ хўжалик ҳуқуқини хўжалик ҳуқуқининг бир бўлаги сифатида қарайди. Бир гуруҳ олимлар, масалан, И.А.Ико-ницкая, И.Ф.Казьмин, Н.И.Краснов, И.Ф.Панкратов ва бо-шқалар қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг мустақил ҳуқуқ соҳаси эканлигини тан олмайдилар. ⁴ М.И.Козирь қишлоқ хўжалик ҳуқуқини комплекс ҳуқуқ тармоғи ҳисоблаб, у ўз таркибига мустақил ҳуқуқ соҳалари меъёр ва институтларини қамраб олганлигини ёзади. ⁵

М.И.Козирнинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлаш ўринлики, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ер, мулкӣй, меҳ-нат, ташкилий-бошқарув муносабатларини тартибга со-лувчи ҳуқуқий қоидалар ва институтларни жамловчи ком-плекс ҳуқуқ соҳаси сифатида қаралиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предме-ти бўлиб, биринчидан, ер ҳуқуқий муносабатлари; иккин-чидан, меҳнат ҳуқуқий муносабатлари; учинчидан, мулкӣй ҳуқуқий муносабатлар; тўртинчидан, ташкилий бош-қарув муносабатлари ҳисобланади. Лекин, қишлоқ хўжа-лик ҳуқуқи предмети, яъни у томонидан тартибга солина-диган ижтимоӣй муносабатлар доираси масаласида ҳам юридик адабиётларда турли хил мунозарали фикрлар мав-жуд. Баъзи олимлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқи фақат қиш-лоқ хўжалик корхоналаридаги ички хўжалик муносабат-ларини тартибга солиши керак деган фикрни айтиб, қиш-лоқ хўжалик корхоналарининг ташқи иқтисодӣй муноса-батларини тартибга солмайди деган ғояни илгари суради-лар. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик

² Янчук В.В. *Теоретические проблемы кодификации законодательства о колхозах*. – Автореф. докт. дисс. – М, 1969, 25-бет.

³ Петров В.В. *Сельскохозяйственное право*. – М, Юрид. лит. 1985, 22-бет; Шелестов В.С. *Теоретические вопросы развития сельскохозяйственного права*. Кишинев, 1979.

⁴ Қаранг: Панкратов И.Ф. *Сельскохозяйственное право как отрасль права? Нет оснований*. – *Сов. гос. и право*, 1973, №9, 51-52 бетлар.

⁵ Қаранг: Козирь М.И. *Советское сельскохозяйственное право: тенденции становления и развития*. – *Сов. гос. и право*, 1973, №6, 47-48-бетлар.

ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган барча ички ва ташқи муносабатларни тартибга солади.

Айтилганлардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин: биринчидан, бу ҳуқуқ комплекс ҳуқуқ тармоғи бўлиб, ўзида ер, сув, ўрмон, меҳнат, маъмурий, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг институтларини мужассамлаштиради; иккинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ер, мулк, меҳнат, ташкилий-бошқарув муносабатларини тартибга солади; учинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи хўжалик юритиш ва мулк шаклидан қатъи назар, барча турдаги хўжалик тузилмаларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди; тўртинчидан, барча турдаги мулк шакллари тенг ҳуқуқлилигини, уларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига бир хилда жорий этишга кенг имкониятлар яратиб беради; бешинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ташкилотларининг эркин хўжалик юритиш, етиштирилган маҳсулотларни мустақил айирбошлаш ҳуқуқини мустаҳкамлаб беради; олтинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ шароитининг табиий-иқлимий шароитларини эътиборга олиб тартибга солади; еттинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи демократия мезонларининг барча тамоилларини мустаҳкамлайди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан ҳамда ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқига қуйидагича таъриф бериш мумкин. *Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида келиб чиқадиган аграр муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидир.*

2-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари деганда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган муносабатларда қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи субъектларининг ўзига хос

жиҳатлари ҳамда умумийлигини уларнинг бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланишлари характерлайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тузилмалар турли-туманлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, ижара жамоалари, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалар шуғулланмоқдалар. Статистик маълумотларга кўра, республикаимиз қишлоқ хўжалигида 1802 та ширкат хўжалиги, 39172 та фермер хўжалиги, 1 млн 794 та деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тузилмалар (субъектлар) шаклини топиш доимо мураккаб бўлиб келган. Бу муаммонинг асосий сабаби қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мураккаблиги билан характерланади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи энг мақбул тузилмаларни ташкил этиш учун, биринчидан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиш; иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг табиий-иқлимий шароитларини инобатга олиш; учинчидан, ҳудудда меҳнат ресурсларининг таъминланиш даражасини ҳисобга олиш; тўртинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий восита ҳисобланган ер ресурсларининг аҳоли жон бошига етарлилик даражасини эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади. Санаб кўрсатилган омилларни тўла инобатга олмасдан туриб, қишлоқ хўжалигида бугунги кун талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш тузилмаларини вужудга келтириб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъектлар доирасини Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси қорхоналар тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари белгилаб беради. Ушбу қонунларда кўрсатилишича, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари шуғулланишлари ке-

рак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи асосий тузилмалар сифатида ушбу субъектлар белгиланишининг асосий сабаблари ва асослари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир: республикамиз қишлоқ хўжалиги асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган бўлиб, бу экин турлари давлат ва умумхалқ манфаатларига молик ҳисобланади ҳамда йирик техника қўллашни, мукамал суғориш иншоотларига эга бўлишни, йирик ишлаб чиқаришни ташкил этишни тақозо этади. Бу маҳсулотларни тайёрлашни фуқаролар ёки кичик ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этиб амалга ошириб бўлмайди, балки уларни етиштириш учун йирик товар ишлаб чиқарувчи субъектлар керак бўлади. Шу сабабдан, республикамиз қишлоқ хўжалигида энди йирик товар ишлаб чиқарувчи сифатида қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) фаолият кўрсатишлари ўзининг ҳуқуқий асосини топди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари етишмайдиган ҳудудларда, шунингдек чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи тузилма сифатида фермер хўжалигини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини амалиёт кўрсатди. Шунинг учун, фермер хўжаликлари ҳам асосий ишлаб чиқарувчи субъект тариқасида қонуний жиҳатдан мустақамланди. Улар фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун қабул қилиниб, унда фермер хўжаликлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект сифатида фаолият кўрсатиши мумкинлиги белгиланди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда, қишлоқ аҳолисининг моддий турмуш тарзини яхшилашда, уларнинг даромадларини юксалтиришда деҳқон хўжалиklarининг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Полиз экинлари, суг маҳсулотлари, сабзавот экинларини етиштиришда уларнинг улуши ҳатто 70-80 фоизни ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, деҳқон хўжаликлари ҳам республикамиз қишлоқ хўжалигида мустақил ишлаб чиқарувчи тузилма сифатида фаолият кўрсатиши кераклиги мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди ва улар фаолиятларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни

қабул қилинди. Бу қонун деҳқон хўжаликларини юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ёки шундай мақомга эга бўлмасдан ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект бўлиши мумкинлигини белгилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида саноат, транспорт ва бошқа корхона, ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари ҳам фаолият кўрсатадилар. Уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ёки қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи субъектлари эканлигини эътироф этиш ноқишлоқ хўжалик корхоналарининг тузилмалари бўлганлиги учун кўпинча назардан четда қолиб кетади. Ушбу ёрдамчи хўжаликлар юридик шахс мақомига эга бўлмасалар ҳам, уларни қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъекти сифатида тан олиш керак. Умуман, қоидага кўра қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъекти бўлиш учун юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш талаб этилмайди. Масалан, деҳқон хўжаликлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари ҳам эга бўлмасликлари ҳам мумкин, аммо улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тузилма сифатида, демак қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъекти бўлиб ҳисобланадилар. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ноқишлоқ хўжалик корхоналари ёрдамчи хўжаликлари ҳуқуқий мақомини белгиловчи меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Бу эса улар фаолиятини амалга оширишда қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабдан, улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари бўлиб давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз тасарруфидан чиқарди, хусусийлаштирди. Давлат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан бевосита шуғулланмайдиган бўлди ёхуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш функциясини амалга ошириш давлатнинг вазифасига ёт ҳисобланади. Аммо, давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда экин навлари, чорва зотлари, наслларини яхшилаш, ўқув-тажриба ишларини олиб бориш мақсадида давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига эҳтиёж сезилади.

Юқорида санаб кўрсатилганлардан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлараро ташкилотлар, шунингдек фуқаролар, чет эл юридик ва жисмоний

шахслари ҳам қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланишлари мумкин.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари бўлиб қорхона, муассаса, ташкилотлар ҳам, жисмоний шахслар ҳам, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва жисмоний шахслари ҳамда чет эл юридик ва жисмоний шахслари ҳам ҳисобланишлари мумкин. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари ёки юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмасдан ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин. Юридик шахс мақомига эга бўлган барча белгилар қишлоқ хўжалик ҳуқуқи субъектларига ҳам тааллуқли бўлади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этади. Ушбу ижтимоий муносабатлар доираси жуда кенг бўлиб, турли йўналишлардаги муносабатларни қамраб олади. Биринчи турдаги муносабатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқдир. Бу хилдаги муносабатлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шартнома муносабатларига киришиш, етиштирилган маҳсулотни айирбошлаш кабилардан иборат бўлади. Бу каби муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни, «Фермер хўжалиги тўғрисидаги»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар алоҳида роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этадиган иккинчи турдаги ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг табиий ресурслардан, хусусан ер ва сувдан фойдаланишлари билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади. Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ер ва сувдан фойдаланишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосини ташкил этади. Шу сабабдан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи меъёрлари ер ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратади. Ер ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалар ўз ифодасини асосан Ўзбекис-

тон Республикасининг Ер кодексига, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунида, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларида топган.

Навбатдаги турдаги ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлардир. Бу турдаги муносабатлар қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш шакллари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат интизоми, меҳнат низолари, иш вақти, иш ҳақи каби билан боғлиқ бўлади. Меҳнатни ташкил қилиш муносабатларини тартибга солишга бағишланган қондалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) намунавий устави», «Фермер хўжалигининг намунавий устави» каби меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Демак, қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатлари қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этадиган асосий ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объекти ҳисобланадиган тўртинчи йўналишдаги ижтимоий муносабатлар ташкилий – бошқарув билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш давлат бошқаруви ва ички хўжалик бошқарувиға бўлинади. Давлат бошқаруви давлатнинг тегишли органлари, хусусан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, ҳокимликлар томонидан амалга оширилса, ички хўжалик бошқаруви эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмалари томонидан хўжалик ичида ташкил этилган органлар томонидан амалга оширилади. Ташкилий бошқарув муносабатларини тартибга соладиган меъёрлар «Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги намунавий устав», «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низом», «Ер ресурслари давлат қўмитаси тўғрисидаги низом» ва бошқаларда белгиланган. Бу меъёрларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзлари томонидан бош-

қаришнинг ташкилий – ҳуқуқий шакллари, бошқарувни амалга оширувчи органлар тизими, уларнинг функциялари, бошқариш усуллари ва шакллари белгилаб берилган. Шундай қилиб, ташкилий-бошқарув соҳасидаги муносабатлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқи объектини ташкил этадиган ижтимоий муносабатлар турларидан бири ҳисобланади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи нормалари қишлоқ хўжалигида мулкчилик, қишлоқ хўжалигида молия, қишлоқ хўжалик қорхонасига аъзолик каби муносабатларни ҳам тартибга солади. Шунинг учун ушбу ижтимоий муносабатлар турларини ҳам қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объекти деб ҳисоблаш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи объектини ташкил қиладиган ижтимоий муносабатларни ички қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлари ҳамда ташқи қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлари каби турларга туркумлаш мумкин. Ички қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатларини қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ичида бўладиган ички бўлинмаларининг ўзаро ва бошқарув органлари билан муносабатлари, деҳқон хўжалиги билан ширкат хўжалигининг ўзаро муносабати, ширкат хўжалиги билан унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар, оилавий пудратчилар билан муносабатлар кабилар ташкил қилса, ташқи қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатларини эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг тайёрлов ташкилотлари, бошқа қорхона, ташкилот, муассасалар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари билан муносабатлар ташкил қилади.

3-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг институтлари

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг институтлари деганда бир турдаги қишлоқ хўжалик ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи бир-бирига яқин бўлган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади, яъни бир-бирига ўхшаш бўлган моддалар йиғилиб битта қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтини ташкил этади. Бундай ҳуқуқий моддалар битта қонунда эмас, балки бир неча қонунларда ўз ифодасини топиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ердан фойда-

ланиш ҳуқуқи институтига оид нормалар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларида ўз ифодасини топган.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтлари табиати қишлоқ хўжалик ҳуқуқи хусусиятидан, унинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқади. Маълумки, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи ўзида турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли бўлган муносабатларни тартибга солувчи турли қонунчилик соҳаларига тааллуқли бўлган нормаларни жамлайди. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлари ўзида молия, фуқаролик, хўжалик, ер, кооператив, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинадиган ташкилий, молиявий, шартномавий, мулкӣ муносабатлар тизимлари йиғиндисини ифода этади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтларининг мураккаблиги ва ўзига хослиги мана шу хусусиятлар билан боғлиқдир.

Айтиш керакки, алоҳида ҳуқуқ институти сифатида вужудга келиш асоси бўлган ҳар қандай турдаги ижтимоӣ муносабатлар бир томондан ички бирликка эга бўлиш, бошқа томондан эса ўзига хос автономлик, мустақиллик ҳолатларига эга бўлиши лозим. Қишлоқ хўжалик муносабатларида бир хиллик, ўхшаш характер, ички бирликни кўриш мумкин. Бу муносабатлар ижтимоӣ муносабатларнинг мустақил тури сифатида ўз доираси ва ички мазмунига эгадир. Бу бирликни қишлоқ хўжалик муносабатларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қаратилганлиги, ердан асосий восита сифатида фойдаланишнинг мавжудлиги, ташкилий бирликка асосланганлиги ва бошқаларда кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтлари қишлоқ хўжалик муносабатларини янада тўлароқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Бу институтлар ёрдамида биз қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга соладиган муносабатлар доираси, турлари тўғрисида маълумотга эга бўламиз. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи комплекс ҳуқуқ соҳаси бўлганлиги учун унинг институтлари бошқа ҳуқуқ соҳасининг ҳам институти ҳисобланиши мумкин. Чунончи, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи институти ер ҳуқуқининг ҳам мустақил институти, қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий фао-
2-К-8272

лияти институти молия ҳуқуқининг ҳам институти, қишлоқ хўжалик корхоналари мулкнинг ҳуқуқий ҳолати институти фуқаролик ҳуқуқининг ҳам институти, меҳнат муҳофаза-си, иш ҳақи каби институтлар меҳнат ҳуқуқининг ҳам институтлари, қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари институти хўжалик ёки фуқаролик ҳуқуқининг ҳам институтлари бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи комплекс ҳуқуқ соҳаси бўлганлиги учун унинг институтлари ҳам шундай характерда бўлади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг асосини ташкил этувчи асосий институтлар қуйидагилардир: қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларини бошқаришнинг ташкилий – ҳуқуқий шакллари; қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи; қишлоқ хўжалик корхоналари мулкнинг ҳуқуқий ҳолати; қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати; фермер хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; деҳқон хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; деҳқонларнинг ҳуқуқий мақоми; қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик; қишлоқ хўжалигида юридик хизматнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

Санаб ўтилган институтларнинг барчаси ўзига хос хусусиятларга, белгиларга эга бўлиб, уларнинг йиғиндиси бир бутун ҳуқуқ соҳаси – қишлоқ хўжалик ҳуқуқини вужудга келтиради.

4-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг тизими

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи фанининг тизими умумий ва махсус қисмлардан иборат. Умумий қисмга қуйидаги масалалар киради:

1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предмети ва таркиби;
2. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари;
3. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлари;
4. Қишлоқ хўжалик кўрхоналарининг ҳуқуқий ҳолати;
5. Фермер хўжалигининг ҳуқуқий ҳолати;
6. Дехқон хўжалигининг ҳуқуқий ҳолати.
7. Қишлоқ хўжалигини давлат йўли билан бошқариш;
8. Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.

Махсус қисмга қуйидагилар киради:

9. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмалари бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари;

10. Қишлоқ хўжалик корхоналари мулкнинг ҳуқуқий ҳолати;

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш, меҳнат интизоми ва меҳнатни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш;

12. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш;

13. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш;

14. Қишлоқ хўжалик корхоналарида шартнома муносабатлари;

15. Қишлоқ хўжалиги қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик;

16. Қишлоқ хўжалигида юридик хизматнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

5- §. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг асосий тамойиллари

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг тамойиллари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ муносабатларни қишлоқ хўжалик ҳуқуқи меъёрлари томонидан тартибга солишда қўлланиладиган асосий мезонлардир. Бу мезонлар бевосита ҳуқуқ меъёрида ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг са-

марадорлигига эришишга қаратилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 14-моддасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фақат ўта зарур ҳоллардагина тегишли органларнинг рухсати билангина бериш мумкинлиги ёки «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида бошқарувнинг демократик хусусияти, қарорлар қабул қилишда ҳуқуқлар тенглиги тамойили кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлигини таъминлаш тамойили; мамлакатимиз халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг устуворлик тамойили; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли хил мулкчилик ва турли хил хўжалик юритиш шаклини жорий этишни таъминлаш тамойили; қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги мустақиллигини таъминлаш тамойили; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши натижаларидан манфаатдорликни таъминлаш тамойили; давлат раҳбарлиги тамойили; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан ва техника ютуқларини кенг жорий қилиш тамойили; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан давлат мулкчилигини сақлаб қолиш тамойили; қишлоқ хўжалигида ер ва сувдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш тамойили; суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг устуворлиги тамойили; қишлоқ хўжалик қорхоналарини бошқаришда демократия ва қонунчиликни таъминлаш тамойили.

II боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ

1-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари тушунчаси, хусусиятлари ва таснифи

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Ҳаммамизга маълумки, республикамиз ўзининг ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражаси ва жиҳатларига кўра аграр давлат ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам давлат аграр сиёсатининг асосий мақсади ва вазифаси қишлоқ хўжалигида хилма-хил мулкчилик шакллари жорий этиш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ хўжалик инфратузилмасини ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаб халқимиз эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар миллий хусусият ва қадриятлар, демократик қонуниятлар ҳамда миллий деҳқончилик анъаналари асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи – ҳуқуқ тизимининг мажмуалашган (комплекс) ҳуқуқ соҳаси сифатида ўз манбалари асосида ривожланади ва аграр ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Шунинг учун ҳам аграр ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда манбаларнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси, ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали аграр сиёсатдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва мазмун моҳиятини очиб бериш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи манбалари тушунчаси ҳақида фикр юритишдан олдин «манбалар»нинг ҳуқуқшунослик фанидаги аҳамияти, мазмуни ва белгилари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир. Давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ манбалари ҳақида турли шаклларда назарий таърифлар берилган,

лекин ушбу назарий таърифларнинг моҳияти қуйидаги асосий белгиларда намоён бўлади:

1) манбалар жамият ҳаётининг турли жабҳаларида маълум ижтимоий муносабатларни тартибга солади; 2) манбалар ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинади ва тасдиқланади; 3) манбалар умуммажбурий аҳамият касб этади ва ҳоказо.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, ваколатли давлат органлари томонидан ўрнатилган, умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ҳужжатларининг йиғиндиси ҳуқуқ манбалари бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарий қоидаларига асосан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш объект ва йўналишларига кўра ҳуқуқ тизими соҳаларини мустақил йўналишга эга бўлган асосий соҳаларга ва маълум муносабатларни тартибга солишда турли ҳуқуқ соҳалари йўналиш ва институтларини жалб этадиган мажмуалашган (комплекс) соҳаларига бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи – ҳуқуқ тизимининг мажмуалашган (комплекс) ҳуқуқ соҳаси бўлиб, аграр муносабатларни тартибга солишда турли ҳуқуқ соҳалари, яъни ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа соҳалардаги мавжуд ҳуқуқий норма ва институтлардан фойдаланади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари тушунчаси, мазмуни ва хусусиятлари эса бевосита биз ўрганаётган қишлоқ хўжалик ҳуқуқи фанининг тушунчаси ва предмети билан чамбарчас боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи манбалари деб аграр муносабатларни тартибга соладиган қонунчилик ҳужжатларининг йиғиндисига айтилади.

Албатта, аграр муносабатлар деганда биз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш, етиштириш, ишлов бериш, йиғиб-териш олиш, хом ашё маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш, айирбошлаш, даромадни тақсимлаш билан боғлиқ агросаноат мажмуи жараёнида субъектлар ҳисобланган юридик ва жисмоний шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маъри-

фий ва ташкилий-техникавий жабҳалардаги фаолиятни тушунамиз.

Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, қишлоқ хўжалик инфратузилмасини ривожлантириш, кўп укладли хўжалик иқтисодиётини шакллантириш, маҳсулотни етиштириш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш билан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қишлоқ хўжалик ҳуқуқига оид хусусий таъмоиллар, институтлар, қоида-талаблар ва тузилмалар билан биргаликда бошқа асосий ҳуқуқ соҳаларининг маълум бир жараёнидаги муносабатларини тартибга солишга қаратилган қоида-талаблари кенг қўлланилади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ҳуқуқи мажмуалашган ҳуқуқ соҳаси сифатида кенг қамровли, кўп қатламли қонунчилик ҳужжатлари тизимидан иборатдир.

Хусусан, қишлоқ хўжалик ер-сувларидан фойдаланиш ва муҳофаза қи иш билан боғлиқ муносабатлар экология, ер ва сув қонунчилиги; қишлоқ хўжалиги а меҳнат билан боғлиқ жараёнлар меҳнат ҳуқуқи; мулкӣ ва хўжалик юритиш жараёни фуқаролик ва хўжалик қонунчилиги; агросаноат мажмуини бошқариш эса маъмурий қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари ўз хусусиятларига эга бўлиб, қуйидаги жиҳатлари билан бошқа ҳуқуқ соҳалари манбаларидан фарқланади:

1. Тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг турли-туманлиги;

2. Ягона кодификацияланган қонун ҳужжатининг мавжуд эмаслиги;

3. Аграр ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солишда табиат қонуниятлари, атроф табиий муҳит ҳолати даражасининг устуворлиги;

4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари меъёрий ҳужжатлари билан биргаликда тор доирадаги локал ҳужжатларнинг мавжудлиги;

5. Аграр-ҳуқуқий муносабатларда ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ва молия ҳуқуқи, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид қонунчилик ҳужжатларининг ихтисослашганлиги ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик қонунчилиқ ҳужжатлари мураккаб тизимга эга бўлиб, уларни аграр-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги иштироки, ҳаракат доирасининг ҳажми, мазмунига кўра қуйидагича таснифлаш (классификациялаш) мумкин:

1. Қонун ҳужжатларини қабул қилиш, тасдиқлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва юридик кучи бўйича қонун ости ҳужжатларига бўлинади. Қонунлар эса ўз навбатида асосий қонун – Конституция; кодификациялашган – Фуқаролик кодекси, Ер кодекси; умумий – мулкчилик, ижара қонунлари, ихтисослашган – деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунларга бўлиниши мумкин. Қонун ости ҳужжатлари ўз таъсир даражасига кўра эса умумий, ихтисослашган ва функционал аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

2. Қонунчилиқ ҳужжатида шахсларнинг эркини ифода этиш нуқтаи назаридан ташқи хўжалик ва ички хўжалик қонунчилиқ ҳужжатларидан иборат бўлади. Ташқи хўжалик қонунчилиқ ҳужжатлари агросаноат мажмуи тизимида фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасаларнинг бири-бири билан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ички хўжалик меъёрий ҳужжатлари эса маълум бир қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш субъекти, яъни қишлоқ хўжалик ширкати ёки давлат хўжалиги доирасидаги ички ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

3. Аграр муносабатларни тартибга солиш таъсири даражасига кўра императив, диспозитив санкциялашган ва тавсия аҳамиятига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи манбаларининг юқоридаги кўрсатилган белгилар бўйича таснифлаш ушбу манбаларнинг хилма-хиллиги ва мураккаб тизимга эга эканлигидан далолат беради.

Демак қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари бўлиб, қуйидаги қонунчилиқ ҳужжатлари ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

4. Аграр соҳада махсус ваколатли давлат органлари, яъни вазирлик, давлат қўмитаси ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари;

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий ҳужжатлари;

6. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан маъқулланган қишлоқ хўжалик ширкатлари уюшмалари, ташкилотларининг ҳужжатлари;

7. Қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасаларининг локал аҳамиятли, яъни ички хўжалик ҳужжатлари.

2-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг конституциявий асослари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдеворини яратиб, жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий тамойил ва қоида-талабларни белгилаб берди.

Конституциямиз мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, демократик тамойиллар, бозор иқтисодиёти қонуниятлари, миллий қадрият ва анъаналар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устуворлигини ифода этган ҳолда, республикамызда аграр муносабатларнинг ривожланиши ва янада такомиллашувининг ҳуқуқий асосини яратди.

Ҳуқуқ тизимининг кенг қамровли ихтисослашган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг ривожланиши, назарий-амалий ғоя, тамойил, усул ва услубиятнинг қўлланишида, қолаверса маҳсулотни экиш, етиштириш, йиғиб-териб олиш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ аграр жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлашда конституциявий қоида-талабларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки, Конституцияда ўз ифодасини топган тамойиллар ва асосий қоида-талаблар асосида аграр муноса-

батларни тартибга солишга қаратилган қонун, фармон, қарор, низом, норматив, стандарт ва бошқа шаклдаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади. Ушбу қишлоқ хўжалик қонунчилиги ҳужжатлари конституциявий қоида-талабларга мос бўлиши билан бир қаторда, уларнинг амалиётда ижросини амалга оширишга, яъни ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Асосий қонунимизда белгиланган қоида-талаблар тизимини аграр муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ва мазмуни жиҳатдан қуйидаги қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) қишлоқ хўжалиги ижтимоий-иқтисодий фаолияти билан боғлиқ фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;

2) қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик асослари;

3) қишлоқ хўжалигидаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳолати;

4) қишлоқ хўжалигида қонунчиликнинг қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш кафолатлари.

Шуни таъкидлаш жоизки, Конституцияда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни бекиёсдир. Айниқса, Асосий қонунимизнинг 18, 19, 20 - моддаларининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, биринчидан, аграр муносабатларда иштирок этаётган фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, қонун олдида тенглиги ҳамда қишлоқ хўжалик хусусиятлари, ижтимоий адолат тамойиллари асосида имтиёз ва манфаатларга эга бўлиши, иккинчидан, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари, эркинликлари ва ҳуқуқларига путур етказмаслиги тамойиллари белгилаб кўйилган.¹

Конституциямизнинг VII бобида белгиланган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек VIII бобдаги сиёсий ҳуқуқлари қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган, қишлоқ хўжалик меҳнати билан шуғулланаётган шахс-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. «Ўзбекистон»- 1995.

ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда уларнинг сиёсий фаоллигини жадаллаштиришга имкон яратиб беради.

Агросаноат мажмуида жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституцияда мустаҳкамланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, Асосий қонунда белгиланган ушбу қоидаларнинг аграр ижтимоий жараёнидаги ўрни муҳим, яъни, «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади»- 36-модда; шунингдек, «ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир»- 37-модда.²

Ҳаммамизга маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари билан бир қаторда уларнинг бурчлари ҳам Конституцияда ифода этилган бўлиб, жамиятнинг барча жабҳаларида, шу жумладан агросаноат мажмуида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, фуқаролар:

– Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати-ни ҳурмат қилишга мажбурдирлар – 48-модда;

– атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар – 50-модда;

– қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар – 51-модда ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамиятнинг иқтисодий негизлари, иқтисодиётнинг асосий тамойиллари, белгилари ҳам мустаҳкамланган бўлиб, ушбу қоида-талаблар бевосита қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади.

Хусусан, 53-моддада: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги-

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. «Ўзбекистон». 1995 й.

ни, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин», деб белгиланган.

Ушбу конституциявий қонуннинг агросаноат иқтисодиётидаги аҳамияти шундаки, биринчидан, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини жорий этиш, кўп укладли хўжалик жараёнини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади; иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда самарадорлигини оширишга қаратилган хўжалик юртишнинг турли шакл ва усулларини амалга оширишни таъминлайди ва кафолатлайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида давлат мулки, хусусий мулк, жамоа мулки, аралаш мулк ва бошқа мулк шаклларига асосланган мулкдорлар, яъни юридик ва жисмоний шахслар фаолият юритадилар. Конституциянинг 54-моддасида, юридик ва жисмоний шахслар мулк ҳуқуқининг мазмуни, яъни эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш каби мулкый ҳуқуқлари белгиланиб, мулкый муносабатларнинг моҳияти очиб берилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида мулкдан фойдаланиш, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини олиб бориш жараёнида атроф табиий муҳитга зарар етказмасликлари, экологик қонунчилик қондоталабларига амал қилишлари ҳамда фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузмасликлари шартдир.

Давлатимиз Асосий қонунининг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидир», деб мустаҳкамланган бўлиб, давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари, қондоталабларини Конституция да-ражасида белгилаб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз иқтисодиётининг шаклланиши, ривожланиши ва янада такомиллашувида табиий ресурсларнинг ўрни бекиёсдир. Айниқса, ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий бойликлар иқтисодиётнинг устувор тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан қишлоқ хўжалигининг ўзи табиат тизимида жойлашган; иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бевосита табиий ресурслардан фойдаланиш асосида амалга оширилади; учинчидан, табиатдаги турли ўзгаришлар агро-саноат ишлаб чиқариши жараёнига ўз таъсирини ўтказди ва ҳоказо.

Шунинг учун ҳам ушбу конституциявий қоидада муҳим тамойиллар, яъни:

– ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий бойликларнинг умуммиллий бойлик эканлиги;

– табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш мумкинлиги;

– табиат бойликлари давлат муҳофазасига олинганлиги белгиланган бўлиб, у агросаноат мажмуида кенг қўлланилади.

Табиий ресурслар қонунчилигига асосан, табиий бойликлар умуммиллий бойлик, давлат мулки ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш мақсадлари асосида эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун жисмоний ва юридик шахсларга берилди. Ер, сув ва бошқа ресурслардан қишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбурият, шарт-шароитлар асосида оширилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ер, сув ва бошқа ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоида-талаблари махсус ваколатли давлат органлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ер ресурслари давлат кўмитаси ва бошқа органлар орқали назорат қилиниб, давлатнинг муҳофаза функцияси таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қишлоқ хўжалигининг сиёсий-ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жабҳаларда ижтимоий муносабатларини белгиловчи, қишлоқ хўжалик қонунчилик чора-тадбирларининг ижросини

амалга оширишга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамланган.

Хусусан, Конституциямизнинг XVIII бобида олий давлат вакиллик органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган бўлиб, у қишлоқ хўжалик қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш; давлат аграр сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; қишлоқ хўжалиги соҳасида муҳим дастурларни тасдиқлаш; бюджетни қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш; қишлоқ хўжалигига оид турли солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш ва бошқа жараёнларда муҳим аҳамиятга эгадир.

Асосий қонунимизнинг XIX бобида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ, бурч, эркинликларини кафолатлаш, давлат аграр сиёсатини амалга ошириш, қишлоқ хўжалик қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлаш; Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига раҳбарлик қилиш; қишлоқ хўжалик бошқарув органлари фаолиятини шакллантириш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалигида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда ривожланиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш ва бошқа хил фаолиятларда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, Конституцияда қишлоқ хўжалик қонунчилик ҳужжатлари қоида-талабларини барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширишни таъминлаш, қонунийлик ва ижтимоий адолатни кафолатлашга хизмат қиладиган суд ҳокимияти тизими, прокуратура органларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланиб, жамиятимизнинг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишни кафолатлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий тамойил, қоида-талаблар асосида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари учун муҳим бўлган махсус қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинади.

Шундай қилиб, Конституция ҳуқуқ тизимининг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалиги ҳуқуқининг ҳам асосий манбаи ҳисобланади ҳамда конституциявий қоидаларда аграр муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланади.

3-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбаи сифатида қонулар

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа жабҳаларда кенг қамровли, туб ислоҳотларни амалга оширмакда. Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг асосий мақсади фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган кўп тармоқли иқтисодиётни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларини таъминлаш ва кафолатлаш асосида келажаги буюк давлатни яратишдан иборат. Албатта, олиб борилаётган туб ислоҳотларни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти чексиздир. Қонунчилик ҳужжатлари асосида жамият ҳаётининг турли соҳаларида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Республикаимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асосини қонунчилик ҳужжатлари ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, иқтисодиётда пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишда давлатимизнинг Асосий қонуни – Конституция муҳим аҳамиятга эга. Конституцияда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, усуллари, қоида-талаблари белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу конституциявий қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг ҳаётийлигини таъминлаш қонулар асосида амалга оширилади.

Иқтисодиётимизнинг устувор соҳаларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни амалга оширишда қонулар алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб, бундай хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Бозор муносабатларининг бутун

механизми давлат томонидан кўрсатиладиган ва қонун билан мустақамланидиган бозор шарт-шароитлари доирасидагина амалга оширилади. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак.³

Мустақил республикаимиз парламенти томонидан 1999 йилгача 350 яқин қонун қабул қилиниб, улар жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалигида кенг қамровли аграр муносабатларни тартибга солиш 50дан ортиқ қонунлар мажмуаси орқали амалга оширилади.

Ўқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли мураккаб тизимга эга бўлганлиги учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш, айирбошлаш, қайта ишлаш, сотиш, даромадни тақсимлаш ҳамда қишлоқ хўжалик инфратузилмаларини такомиллаштириш каби жараёнлар аграр қоида-талаблар билан бир қаторда фуқаролик, хўжалик, молия, маъмурий, меҳнат, экология қонунчилиги ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик қонунчилиги мураккаб тизимга эга бўлиб, агросаноат тизимида амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўналишлари, аграр муносабатларни тартибга солишдаги улуши вазифасига кўра ҳамда қонунларнинг мазмун-моҳиятини англаш, ўрганишни осонлаштириш мақсадида уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. умумий аҳамиятдаги қонунлар;
2. махсус қонунлар;
3. муҳофаза аҳамиятидаги қонунлар, яъни аграр-ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик қонунлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, агросаноат мажмуидаги тутган ўрнига кўра уларни шартли равишда турларга бўлиб ўрганамиз.

Умумий аҳамиятдаги қонунлар иқтисодиётнинг турли жабҳаларида ҳар хил муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида зарур шарт-

³ Қаримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йўли. Т. «Ўзбекистон», 1993 й. 69-70-бет.

лар яратиб, аграр-ҳуқуқий жараёнларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги муносабатларининг ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратадиган умумий аҳамиятдаги қонунлар тизими қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996 йил).⁴

– Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (1997 йил 24 апрел).⁵

– Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида» (1990 йил 31 октябр), «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида» (1991 йил 15 феврал), «Кооперация тўғрисида» (1991 йил 14 июн), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» (1991 йил 19 ноябр), «Ижара тўғрисида» (1991 йил 19 ноябр), «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида» (1992 йил 3 июл), «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» (1992 йил 9 декабр), «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992 йил 9 декабр), «Ер солиғи тўғрисида» (1993 йил 6 май), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993 йил 6 май), «Банкротлик тўғрисида» (1994 йил 5 май), «Банк ва банк фаолияти тўғрисида» (1996 йил 25 апрел), «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» (1997 йил 26 декабр), Ер кодекси (1998 йил 30 апрел), «Гаров тўғрисида» (1998 йил 30 апрел) ва бошқа қонунлар.⁶

Ушбу қонунлар қишлоқ хўжалик тармоқлари хусусиятларини қамраб олган ҳолда махсулотни ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш мақсадида махсус қабул қилинган бўлиб, муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, биринчидан, қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида туб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилади; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги тизимининг турли тармоқлари ва йўналишларидаги аграр муносабатларни тартибга

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., «Адолат». 1996 й.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т., «Адолат».

⁶ Ўзбекистоннинг янги қонунлари 2, 3, 4, 6, 7, 8, 10, 13, 18, 19-сон тўпламлари. Т., «Адолат». Уларда санаб ўтилган баъзи қонунларга қўшимча, тўлдириш ва ўзгартиришлар киритилган бўлиб, кўрсатилган қонунлар тўпламида чоп этилган.

солади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Ветеринария тўғрисида», «Уруғчилик ва селекция тўғрисида», «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонунлари; учинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши корхоналарининг комплекс муносабатлари, яъни меҳнат, молиявий, хўжалик, маъмурий, экологик ва ташқи соҳаларидаги фаолиятини ягона мақсадга бирлаштириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнига қўллайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни; тўртинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёни билан боғлиқ хусусиятлар, яъни, ишлаб чиқаришнинг табиий ресурслардан фойдаланиш орқали амалга оширилиши ва мавсумийлик асосида меҳнатни ташкил этиш, табиий омилларнинг (ёмғир, тошқин, қурғоқчилик, дўл, сел) ишлаб чиқаришга таъсири каби жиҳатлар кўзда тутилгандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари давлат аграр сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида аграр муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳофаза аҳамиятидаги, яъни, мавжуд аграр ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар тизими қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995 йил 21 декабр)⁷ ;

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994 йил 22 сентябр)⁸ ;

– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябр)⁹ ;

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. «Адолат», 1996 й.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат». 1995 й.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т., «Адолат», 1995 й.

– Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси¹⁰.

Қишлоқ хўжалик қонун ҳужжатлари тизими асосида агросаноат мажмуидаги хўжалик, молиявий, меҳнат, маъмурий, экологик, ташкилий ва бошқа муносабатлар тартибга солиниб, ўзига хос аграр ҳуқуқий тартиботни ташкил қилади.

Муҳофаза аҳамиятидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади, биринчидан, қишлоқ хўжалик қонунчилиги қоида-талаблари асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини тартибга солиш; иккинчидан, ўрнатилган аграр ҳуқуқий тартиботни юридик ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликларидан муҳофаза қилиш; учинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фаолият кўрсатаётган ҳодимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини кафолатлаш орқали ижтимоий адолатни таъминлаш.

Ушбу қонун ҳужжатларининг вазифаси, биринчидан, қишлоқ хўжалик қонунчилиқ ҳужжатлари қоида-талабларини бузган фуқаролар, мансабдор шахслар ҳатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш; иккинчидан, қишлоқ хўжалигидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни ўз вақтида қоплаш орқали амалга оширилиб, муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар тизими шартли равишда бир неча турларга бўлинишидан қатъи назар, бир-бири билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг махсус манбаи сифатида аҳамияти бекиёсдир.

4-§. Қонун ости меъёрий ҳужжатларининг аграр муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришда, агросаноат ишлаб чиқариш механизмида конституциявий қоидалар, қонунлар билан бир қаторда қонун ости меъёрий ҳужжатларининг ўрни муҳимдир.

¹⁰ *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси*. Т. «Адолат», 1996 й.

Ҳаммамизга маълумки, конституциявий қоидаларда белгиланган аграр муносабатларнинг асосий тамойиллари негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид қонунлар қабул қилинади. Қонунларда муносабатларнинг пайдо бўлиш, ўзгартириш ва бекор бўлиш асослари, агросаноат жараёнининг қоида-талаблари белгиланиб, улар қатта аҳамиятга эгадир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалиги табиат тизимида жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёни эса бевосита табиий бойликлар яъни, ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади. Табиат объектлари эса тирик организм сифатида доимо ўзгарувчан ва ривожланишдадир.

Табиий ресурслар ҳолатининг ўзгариши эса ўз навбатида улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш фаолиятининг ўзгаришига олиб келиши табиийдир. Ушбу ҳолат бевосита бошқа муносабатлар қатори аграр муносабатлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзгариши, тўлдирилиши ва ривожланишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам конституциявий қоидалар ва аграр муносабатларни бевосита тартибга солишга қаратилган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш, доимо ўзгарувчан табиат объектлари билан ҳамоҳанг равишда тўлдирилиб, янгиланиб бориш учун қонун ости меъёрий ҳужжатлари жорий этилади. Қонун ости меъёрий ҳужжатларининг асосий мақсади ва вазифаси конституциявий асослар ва қонун қоида-талабларини ҳар бир минтақа, вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқларнинг табиий ва маҳаллий хусусият ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга қўллашни таъминлашдан иборатдир.

Давлат ва ҳуқуқнинг умумий назариясида, қонунчилик ҳужжатлари тизими асосан, биринчидан, конституциявий қоидалар, иккинчидан, қонунлар мажмуи, учинчидан эса, қонун ости меъёрий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, яъни фармон, қарор, низом, йўриқнома, устав ва бошқалардан иборат бўлиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигига оид қонунларида агросаноат ишлаб чиқариши жараёнининг механизми, асосий қоида-талаблари ва шарт-шароитлари белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бир қишлоқ ишлаб чиқариш

субъектлари билан муносабатга киришиши ва ҳаётийлигини таъминлашда қонун ости меъёрий ҳужжатларининг аҳамияти беқиёсдир.

Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаларидан ҳисобланган табиий ресурслар ҳолатининг ўзгарувчанлиги қонунчилик ҳужжатларининг ўзгариши, уларни тўлдиришга олиб келади. Бизга маълумки, жамиятда махсус қонунларнинг тез-тез ўзгариб, тўлдирилиб турилиши ўз навбатида уларнинг барқарорлиги, яъни ҳаётийлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам, асосан қонунлар асосида қабул қилинган қонун ости меъёрий ҳужжатлари тез-тез ўзгартирилиб, тўлдирилиб, ўзгарувчан табиий омилларга мослашиб боради. Демак, қонун ости меъёрий ҳужжатлари, биринчидан, қонунларни ҳаётга татбиқ этишга, иккинчидан, қонунда белгиланган қоида-талабларининг барқарорлигини амалга оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда, аграр муносабатларни тартибга солишда қонун ости меъёрий ҳужжатлари тизими қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

– қишлоқ хўжалигида махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳисобланган вазирлик, давлат кўмита ва идораларининг низом, йўриқнома ва буйруқлари ва бошқа меъёрий кўрсатмалари;

– маҳаллий давлат ҳокимият органларининг қишлоқ хўжалигига оид фармойиш ва қарорлари;

– қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши корхона, ташкилот, муассасаларининг низом, устав ва ички хўжалик қоидалари ва бошқа ҳужжатлари.

Шундай қилиб, қонун ости меъёрий ҳужжатлари тизими улкан ҳажми ташкил этиб, аграр муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти, ўрни, иштироки ва усулига кўра бир-бирдан фарқ қилади.

Демак, мураккаб тизимга эга бўлган қонун ости меъёрий ҳужжатларини амалда қўллашни тартибга солиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш ҳамда ўрганишни осонлаштириш мақсадида шартли равишда қуйидаги турларга бўлишимиз мумкин:

1. Қишлоқ хўжалигида умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар;

2. Локал¹¹ аҳамиятга эга бўлган меъёрий ҳужжатлар.

Қишлоқ хўжалиги тизимида барча вазирлик, давлат қўмитаси, идоралар, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда фуқаролар учун умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг меъёрий ҳужжатларининг аҳамияти бекиёсдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги Фармони¹², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»¹³, «Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»¹⁴, «Қишлоқ хўжалигини ислох қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори¹⁵, «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁶ги қарори ва бошқалар шулар жумласига киради.

Агросаноат мажмуида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, махсус ваколатли давлат органларининг меъёрий ҳужжатларининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигида оид конституциявий асослар, қонунларда белгиланган қоида-ғалабларни

¹¹ Локал аҳамиятдаги ҳужжатлар – маълум корхона, ташкилот, муассасага тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар.

¹² «Қишлоқ ҳаёти», 1998 йил 20 март.

¹³ «Халқ сўзи», 1998 йил 10 феврал.

¹⁴ «Халқ сўзи», 1998 йил 23 апрел.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т., «Ўзбекистон», 1998 й.

¹⁶ Ўша ерда.

амалда қўлланишни таъминлашдан иборатдир. Ушбу вазифани амалга оширишнинг мазмун-моҳиятига кўра қонун ости меъёрий ҳужжатларини бир неча тоифага бўлиш мумкин:

– маълум муддатга ва номуайян муддатда амал қиладиган ҳужжатлар;

– республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар;

– агросаноат мажмуининг барча соҳалари ва қишлоқ хўжалигининг маълум тармоғига тегишли бўлган ҳужжатлар ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида» 1998 йил 18 мартдаги ПФ-1973-сон Фармони қабул қилинган бўлиб, муҳим аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан, ҳозирги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларини белгилайди; иккинчидан, аграр ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқирилишини таъминлайди; учинчидан, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қиладди.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни, 1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулккий пайларни жорий қилиш асосида, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни ташкил этиш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг пайчилик муносабатлари, меҳнатни ташкил қилишда оила (жамоа) пудрати шаклини қўллашни тартибга солишга қаратилган қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар маъқулланди:

1. «Мулкий пайларни жорий қилиш асосида фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжалиқларини қишлоқ хўжалиғи кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) тарзида қайта ташкил этиш жадвали», 1-илова;

2. «Фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжалиқларини қишлоқ хўжалиғи кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) тарзида қайта ташкил этиш тартиби», 2-илова;

3. «Мулкий пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалиғи корхоналарини қайта ташкил этиш комиссияси тўғрисида Намунавий низом», 3-илова;

4. «Қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи)-нинг Намунавий устави», 4-илова;

5. «Қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи)-нинг устав жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида Намунавий низом», 5-илова;

6. «Қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи)-нинг бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида намунавий низом», 6-илова;

7. «Қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи)да мулкий пайларни шакллантириш, уларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом ва мулкий пай тўғрисидаги намунавий гувоҳнома», 7-илова;

8. «Қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати тўғрисида Намунавий низом», 8-илова¹⁷.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги Намунавий низом асосида қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

а) «Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштириш ва хизматлар кўрсатиш учун оила (жамоа) пудрати тўғрисида намунавий шартнома», 1-илова;

б) «Ер участкаси бериш далолатномасининг намунавий шакли», 2-илова¹⁸.

Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишларидан бири сифатида, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожланти-

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т., «Ўзбекистон», 1998 йил, 102-158 бетлар.

¹⁸ Ўша ерда.

ришнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг ижросини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 15 июлда 300-сон қарорни қабул қилди. Ушбу қарорда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солишга қаратилган қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар маъқулланади:

1. «Фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби», 1-илова;
2. «Фермер хўжалигининг намунавий устави», 2-илова;
3. «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби», 3-илова;
4. «Ер участкасини узоқ муддатли ижарага беришнинг намунавий шартномаси», 4-илова;
5. «Фаолият кўрсатилган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартиш тартиби», 5-илова¹⁹.

Юқорида таъкидланган қонун ости меъёрий ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш механизмини таъминлайди, қишлоқ хўжалигида мулк шакллари ривожлантириш ва меҳнатни ташкил этишнинг самарали усуллари жорий этишга хизмат қилади.

Агросаноат мажмуида локал аҳамиятга эга бўлган, яъни қишлоқ хўжалик корхона, ташкилот, муассасаларининг ички хўжалик юритиш аҳамияти муҳимдир.

Ҳаммамизга маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигида турли мулк шакллари асосланган корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда хўжалик юритаётган жисмоний шахслар фаолият олиб бормоқда. Ушбу ишлаб чиқариш хўжалик

¹⁹ *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т., «Ўзбекистон», 1998 йил, 195-230 бетлар.*

субъектларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ қоида-талаблари ҳамда ўзига хос хусусиятлари бевосита «локал» аҳамиятдаги ҳужжатлар билан тартибга солинади. Хусусан, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг устави, Ички тартиб қоидалари, жамоа шартномаси ва бошқа ҳужжатлар билан. Ушбу ҳужжатлар фақат муайян қишлоқ хўжалик корхонаси доирасидаги барча ишчи ва хизматчилар учун мажбурий бўлган қоида-талабларини белгилайди ва ички хўжалик муносабатларининг ҳуқуқий ҳолатини таъминлайди.

Демак, қонун ости меъёрий ҳужжатлари республикаимиз аграр қонунчилик ҳужжатлари тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, қонун талабларининг амалиётда қўлланишини таъминлашга хизмат қилади.

III боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг тушунчаси, мақсади, йўналишлари ва хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги республикаимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаси сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам агросаноат мажмуида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётининг қоида-талабларини жорий этиш, хилма-хил мулк шаклларини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнини таъминлашда давлат бошқаруви муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз асарларида мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион ислоҳотлар асосида ўтиши ва туб ислоҳотларни амалга оширишда давлат бош ислоҳотчи, ташкилотчи бўлиши тамойилини илгари сурди. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури» қабул қилиниб, унда агросаноат мажмуи бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш кўзда тутилади.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш деганда агросаноат мажмуида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан давлат бошқарув органларининг фаолияти тушунилади.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади аҳолини сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга оширишда давлат бошқарув органларининг масъулиятли вазифа ва йўналишларни белгилаши тақозо этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш юзасидан олиб борилаётган фаолият ўз йўналишининг хилма-хиллиги, мураккаблиги ва мазмун-моҳияти билан собиқ социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнини тартибга солиш юзасидан давлат бошқарувидан тублан фарқ қилади. Собиқ СССР агросаноат мажмуини бошқариш марказлашган давлат бошқарув органлари тизими орқали маъмурий буйруқбозлик чорасуллари асосида тўғридан-тўғри амалга оширилар эди. Бу ҳолат эса ўз навбатида қишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллигини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини бўғиш, қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий манфаатдорлигининг пасайиши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсишига салбий таъсир кўрсатиш каби оқибатларга олиб келарди.

Бугунги кунда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг мазмун-моҳияти давлат бошқарув органларининг агросаноат мажмуини тартибга солиш чора-тадбирлари билан бир қаторда асосан иқтисодий чора ва усуллар қўлланишини талаб этади.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг иқтисодий ва хўжалик мустақиллигини таъминлаш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосида таъсир кўрсатиш, иккинчидан, маъмурий-ҳуқуқий усуллардан иқтисодий усулларнинг устуворлигини таъминлашни назарда тутилади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга доир қонунчилик ҳужжатларида давлат бошқарув органларининг қуйидаги йўналишлардаги фаолияти белгиланган:

- Агросаноат мажмуининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги ижтимоий муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш;
- Қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини такомиллаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

- қишлоқ хўжалик инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш;
- ерларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқига тўла эга бўлишини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида мулкый пайларни жорий этишни йўлга қўйиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқи ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, турли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш шакллари: қишлоқ хўжалик ширкати, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигини ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш учун зарур моддий-техника таъминотини йўлга қўйиш;
- пахтачилик, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги тизимини ривожлантириш, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлашда қўмаклашиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, айирбошлаш ва хорижий давлатларга экспорт қилишда зарур шарт-шароитлар яратиш ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агросаноат мажмуини давлат томонидан тартибга солиш иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларидаги давлат бошқарув жараёни билан умумий жиҳатлари мавжуд бўлиши билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу ўзига хос хусусиятлар қишлоқ хўжалигидаги мураккаб турли ижтимоий муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувининг хусусиятлари қуйидаги омиллар билан боғлиқдир.

1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнининг табиий омилларга боғлиқлиги, яъни ер, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва атмосфера ҳавосининг ҳолатига боғлиқлиги;
2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хослиги, яъни экинларни экиш ва маҳсулотни йиғиб-териб олишда мавсумийлигининг қўлланиши;
3. Агросаноат мажмуи йирик, мураккаб тузилмаларни ўз ичига олиб, нафақат қишлоқ хўжалик тармоқлари фаолияти, балки халқ хўжалигининг машинасозлик, кимё саноати билан чамбарчас боғлиқлиги ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган омиллар қишлоқ хўжалигининг давлат томонидан тартибга солишга қаратилган фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади ва давлат бошқарув органлари олдида турган янгидан-янги вазифа ва йўналишларни белгилайди. Чунки, қишлоқ хўжалиги табиат бағрида жойлашган, табиий ресурслардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш жараёни олиб борилади. Ушбу ҳолат эса ўз навбатида ушбу соҳада бошқарувни амалга ошираётган давлат органлари ўз фаолиятини атроф табиий муҳит ҳолати билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришини кўзда тутди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги иктисодиётимизнинг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотларни таъминлашда давлат органларининг ислоҳотчи, ташкилотчи бўлишини белгилайди.

2-§. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг шакл ва тамойиллари

Жамият ҳаётидаги барча фаолият маълум бир шакл, усул ва тамойиллар асосида олиб борилсагина, кўзланган мақсад ва натижага тез ва осон етишиш имкониятини беради. Шу жумладан, жамият ҳаётининг барча соҳалари қатори агросаноат мажмуидаги турли ижтимоий муносабатларни бошқариш ҳам ўз навбатида маълум шакл ва тамойилларга асосланади.

Қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва агросаноат мажмуини ислоҳ қилишга қаратилган дастурлар асосида белгиланган бўлиб, уч қисмга бўлинади:

- 1) Қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солишга қаратилган қоида-талабларни белгилаш;
- 2) Қишлоқ хўжалик қонунчилиги ҳужжатларининг ижросини таъминлаш;
- 3) Қонунчилик ҳужжатлари, дастурларда белгиланган қоида-талаблар ва чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳамда тегишли чораларни белгилаш.

Давлат бошқаруви юқорида санаб ўтилган шакллар асосида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш фаолиятини амалга оширади. Қишлоқ хўжалигини давлат

томонидан тартибга солишда давлат органларининг қонун ижодкорлиги фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш, етиштириш, йиғиб-териб олиш, айирбошлаш, қайта ишлаш, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Қишлоқ хўжалигига оид қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий аҳамиятдаги ҳужжатлар давлат ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилиниб, барча вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар учун умуммажбурий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик қонунчилиқ ҳужжатларида мустақамланган қоида-талабларнинг ижросини таъминлаш давлат ижро ҳокимияти органларининг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб, амалга оширилишини кўзда тутади.

Қишлоқ хўжалик қонунчилиқ ҳужжатлари қоида-талабларини барча вазирлик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини назорат қилиш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш билан боғлиқ давлат органларини қафолатлаб, ижтимоий адолатни таъминлаш ва ишлаб чиқариш субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг моҳиятини бозор муносабатларига ўтиш жараёнида агросаноат мажмуини қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиёти механизминини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва хўжалик субъектларига етарли шарт-шароитлар яратиш, илмий жиҳатдан асосланган йўналиш кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятлар ташкил этади.

Шунинг учун ҳам ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш фаолиятининг назарий-амалий ғояларга асосланган аниқ йўналишларга, яъни тамойилларга эга бўлиши катта аҳамиятга эга. Ҳаммамизга маълумки, жамият ҳаётида содир этилаётган барча ижтимоий муносабатлар маълум тамойил асосида олиб борилгандагина, белгиланган мақсад ва натижаларга тез, қулай ва осон эришиш имконини беради.

Бугунги кунда республикамиз агросаноат мажмуини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос тамойиллари белгиланган бўлиб, улар биринчидан, давлатимиз мустақиллиги ғояларига асосланган туб аграр ислохотларни жадаллаштириш, иккинчидан, қишлоқ хўжалигидаги хилма-хил

мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқларини кафолатлаш, учинчидан, қишлоқ хўжалигига хос хусусиятларни ўз ичига олади.

Ушбу муҳим тамойиллар ўз моҳиятига кўра мураккаб тузилишга эга бўлиб, уларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Умумий тамойиллар;
2. Махсус тамойиллар.

Умумий тамойиллар иқтисодий-ҳуқуқий барча соҳа ва тармоқлари каби қишлоқ хўжалигини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. Қонунийлик;
2. Ошкоралик;
3. Давлатнинг бош ислохотчи эканлиги;
4. Ижтимоий адолат ва ҳимоянинг устуворлиги ва ҳоказо.

Ушбу тамойиллар қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, давлат аграр сиёсатининг демократик ғояларга асосланишини белгилайди, иккинчидан, аграр ижтимоий муносабатлар қонунчилик ҳужжатлари қоида-талаблари асосида барча субъектлар томонидан амалга оширилишини таъминлайди, учинчидан, агросаноат мажмуида бозор муносабатларини йўлга қўйишда давлатнинг асосий ислохотчи, ташкилотчи бўлиши асосида барча ишлаб чиқариш ва хўжалик юртиш субъектлари учун етарли шарт-шароитлар ва бозор механизмини шакллантиришга хизмат қилади, тўртинчидан, қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий адолатни тиклаш, қишлоқ инфратузилмасини яратишга, хизмат қилади.

Махсус тамойиллар эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, даромадни тақсимлаш каби жараёнларда ишлаб чиқариш-хўжалик субъектлари билан давлат органлари фаолиятининг маълум йўналиш асосида олиб борилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда махсус тамойиллар тизими қуйидагилардан иборат:

1) Қишлоқ хўжалигини тартибга солишда маъмурий чоратадбирлар билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий усулларнинг қўлланиши;

2) Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ички хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашмаслик;

3) Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа субъектларининг маҳсулотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш;

4) Бошқарувни амалга оширишда тармоқ ва ҳудудий хусусиятларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилиши;

5) табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик соф маҳсулотни ишлаб чиқариш фаолиятини моддий рағбатлантириш ва ҳоказо.

Ушбу махсус тамойиллар агросаноат мажмуида давлат органларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги фаолияти йўналишларини белгилаб, қишлоқ хўжалигига оид ўзига хос хусусиятларни қамраб олган ҳолда аграр ислохотларнинг амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

3-§. Қишлоқ хўжалигини тартибга солувчи давлат органлари тизими ва уларнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимиз агросаноат мажмуи давлат томонидан тартибга солувчи тизимга эга бўлиб, бевосита қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган аграр ислохотлар мазмун-моҳияти ва хусусиятларига таянади.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг агросаноат мажмуида олиб бораётган фаолиятининг мазмуни, йўналиши ва хусусиятларига қараб, уларни 2 қисмга бўлиш мумкин:

1. Умумий ваколатли давлат органлари;
2. Махсус ваколатли давлат органлари.

Қишлоқ хўжалигида умумий ваколатли давлат органлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;
4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.¹

Республика Парламентининг агросаноат мажмуини тартибга солишга қаратилган фаолияти қуйидаги асосий йўналишлардан иборатдир:

1. Аграр муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

2. Қишлоқ хўжалик қонун ҳужжатлари қоида-талабларининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар томонидан вилоят, туманларда амалга оширилиши юзасидан парламент назоратини олиб бориш;

3. Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган давлат Дастур ва концепцияларини тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси фаолияти билан боғлиқ бошқа ваколатлар.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ваколатлари қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, юридик ва жисмоний шахслар учун умуммажбурий аҳамиятли қоида-талабларни белгилаб, агросаноат мажмуининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз Асосий қонунининг 89-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.² Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ижро ҳокимиятининг марказий органлари сифатида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ислохотларни ривожлантиришга қаратилган Дастур ва режаларни ҳаётга татбиқ этиш фаолиятини қуйидаги йўналишларида амалга оширади:

⇒ ягона давлат аграр сиёсатини олиб бориш;

⇒ аграр ислохотларни ривожлантириш юзасидан қонун ости меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. «Ўзбекистон» 1996 й.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. «Ўзбекистон» 1996 й.

⇒ агросаноат мажмуида вазирлик, давлат кўмитаси, идоралар ҳамда концерн, компанияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

⇒ аграр қонунчилик ҳужжатларининг бажарилиши юзасидан давлат назоратини ташкил қилиш;

⇒ агросаноат мажмуида бозор иқтисодиёти қонуниятларини татбиқ этишда юридик ва жисмоний шахслар учун етарли шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш;

⇒ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур моддий-техника, молиявий ресурслар тақсимланишини йўлга қўйиш;

⇒ қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасини яратиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш;

⇒ қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари ва тадбиркорликни ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу соҳада ижро ҳокимияти марказий органларининг фаолият-йўналишлари хилма-хил бўлиб, агросаноат мажмуида ислохотларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини олиб борувчи субъектлар учун шарт-шароитлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Умумий ваколатли давлат органлари тизимида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги асосий йўналишларда фаолият олиб борадилар:

⇒ агросаноат мажмуини ривожлантиришга қаратилган, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда чора-тадбирларни амалга ошириш;

⇒ ўз ҳудуди доирасида умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш;

⇒ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини ошириш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

⇒ ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

⇒ ер тузиш, ер мониторингини ўтказиш ва давлат ер кадастрини юритишни ташкил этиш;

⇒ юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалик мақсадлари учун эгалик қилиш, фойдаланиш учун ер ажрати бериш;

⇒ қишлоқ хўжалик корхоналари ва хўжалик фаолиятини олиб бораётган шахсларга зарур шарт-шароитларни таъминлаш ва ҳоказо.

Умумий ваколатли давлат органлари иқтисодийнинг барча соҳалари, шу жумладан қишлоқ хўжалигида туб аграр ислохотларни ривожлантириш, агросаноат мажмуининг ҳуқуқий пойдеворини шакллантириш, амалга ошириш ҳамда барча мулк ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Агросаноат мажмуини давлат томонидан тартибга солишда махсус ваколатли давлат органлари қуйидагилар ҳисобланади:

⇒ Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

⇒ Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари давлат кўмитаси;

⇒ Ўзбекистон Республикасининг Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги ва фаолияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бошқа давлат органлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат органлари қишлоқ хўжалигида аграр муносабатларни бевосита амалга ошириш фаолиятини олиб бориш юзасидан махсус ваколатларга эгадирлар.

Қишлоқ хўжалигида махсус ваколатли давлат органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий ўринни эгаллайди ва қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Ушбу давлат органи ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 ноябрдаги 419-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳақида»ги Низом асосида олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

⇒ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

⇒ мулк муносабатларини такомиллаштириш, давлат та-сарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, меҳнатни рағ-батлантириш механизмини такомиллаштириш ;

⇒ бозор иқтисодий инфратузилмасини ривожланти-риш, қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ-молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

⇒ қишлоқ хўжалигида ширкат хўжалиги, деҳқон, фер-мер хўжаликларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

⇒ қишлоқ хўжалигида юқори сифатли технология ва бошқа инвестиция воситаларини жалб қилиш, аграр соҳада илмий-техникавий ютуқларнинг жаҳон тажрибасини жорий этиш;

⇒ қишлоқ хўжалигида ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, уларни му-хофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

⇒ қишлоқ хўжалиги соҳасининг чорвачилик, пахтачи-лик, ғаллачилик, пиллачилик каби асосий тармоқларида маҳсулотни етиштириш, йигиб-териб олиш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш жараёнларига умумий раҳбарлик қилиш ва ҳоказо.

Бундан ташқари, ушбу Низомда Ўзбекистон Республика-си Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқда ижти-мой-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжа-лик ишлаб чиқариши, сув хўжалиги фаолияти, ташқи иқти-содий алоқалар, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаш-тириш, моддий-техника таъминоти ва маҳсулотни сотиш, кадрлар тайёрлаш, меҳнат ва ижтимоий ривожланиш, капи-тал қурилиш ва лойиҳалаштириш, истикболни белгилаш, иқтисод, молия ва бошқарув тизимини такомиллаштириш каби соҳалардаги ваколатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ва-зирлиги марказлашган тизимга эга бўлиб, марказий девон, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармала-ри, туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларидан ташкил топган. Бундан ташқари, ушбу вазирлик таркибига қарашли, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ турли йирик уюш-ма, бирлашма ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар агросано-ат мажмуида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигида махсус ваколатли давлат органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси алоҳида ўринга эгадир. Ушбу давлат органи Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 27 июлда 314-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳақида»ги Низом асосида фаолият олиб боради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси қуйидаги асосий йўналишларда фаолият олиб боради:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш;
- ер қонунчилигида белгиланган тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирларни барча вазирлик, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилишини назорат қилиш;
- ер тузиш, ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ер ресурслари ҳисобини юритиш ва баҳолаш, экологик муҳит ва табиий ландшафтларни яхшилаш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни кузатиш мақсадида ер мониторингини олиб бориш;
- давлат ер кадастрини юритиш ва ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ва ҳоказо.

Ушбу давлат қўмитаси тизими марказий девон, вилоят ер ресурслари бошқармаси, туман ер ресурслари хизматидан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ижтимоий-иктисодий ва статистика соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқару-

ви органи ҳисобланиб, агросаноат мажмуида ислоҳотларни ривожлантиришда муҳим вазифаларни амалга оширади.

Ушбу давлат органи ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 октябрдаги 474-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги тўғрисида»ги Низомга асосан олиб боради.

Қишлоқ хўжалигида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ йўналишлари, йўллари ва усулларини белгилаш, аграр секторда бозор механизмини таъминлаш;
- макроиқтисодий ва моддий балансларнинг миллий ҳисоблари тизимидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ривожланишининг истиқболларини белгилаш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалигида тўлов, молия ва ташқи савдо балансларини шакллантириш;
- қишлоқ хўжалигида энг мақбул суръатлар ва нисбатларни, минерал ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашни таъминловчи инвестиция дастурларини тайёрлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, маданиятининг ривожланишини, халқ турмуш даражаси ва фаровонлигининг юксалишини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг замонавий индикатив, таҳлилий ва статистик усуллари ҳамда воситаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва ушбу соҳадаги махсус ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда ўз фаолиятини амалга ошириб, агросаноат ишлаб чиқариши жараёнини ривожлантириш, бозор қонуниятларини шакллантириш механизмларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳисоб-китоби, молиявий ижтимоий ҳолати ва истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этиб, қишлоқ

хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш механизми-ни таъминлашга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фаолиятининг маълум йўналишлари агросаноат мажмуи билан боғлиқ турли вазирлик, давлат қўмитаси, идоралар ҳам мавжуд бўлиб, улар қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида махсус ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қиладилар.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизими шаклланган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан аҳолини таъминлашга хизмат қилади.

IV боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тушунчаси, улар турлари ва ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Аммо қишлоқ хўжалиги корхоналари меҳнатни ташкил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақтини белгилашда, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ушбу хусусиятлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашга ўз таъсирини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-72-моддаларида юридик шахслар ҳуқуқий мақомига тааллуқли қоидаларга мувофиқ белгиланади. Бундан ташқари, корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатига оид нормалар «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига мувофиқ ўз мулкида хўжалик юритишда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Барча корхоналарнинг, шу жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Юридик шахслар Фуқаролик кодексининг 40-моддасига мувофиқ тижоратчи ёки тижоратчи бўлмаган ташкилотларга бўлинади. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ташкилот тижоратчи деб ҳисобланади. Барча қишлоқ хўжалиги корхоналари «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини товар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш натижасида фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилганлари учун тижоратчи ташкилотлар қаторига кирадилар.

Шундай қилиб, корхоналарнинг қуйидаги асосий белгиларини кўрсатиш мумкин:

а) корхона мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши. Масалан, қишлоқ хўжалиги ширкатида ёки фермер хўжалигининг мол-мулки улар аъзоларининг мол-мулки ҳисобланиб, корхонага умумий мулк асосида берилади, қишлоқ хўжалиги давлат корхонасида эса мол-мулк давлат томонидан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилади;

б) корхона ўз кучи билан маҳсулотларни ишлаб чиқаради, ишларни бажаради, хизматлар кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг асосий предмети бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобланади, аммо шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлар бажариши ёки хизматлар кўрсатиши мумкин. Масалан, қурилиш ёки маиший хизмат кўрсатувчи бўлинмаларни очиши мумкин;

в) мустақил равишда хўжалик юритиши. Корхона ишлаб чиқадиغان маҳсулотлар турини ва ҳажмини ўз ишлаб чиқариш режаларида маҳсулотга, ишларга ва хизматларга бозордаги талабга мувофиқ белгилайдилар. Аммо, баъзи бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни корхоналар давлат буюртмаси асосида ташкил этиши мумкин, шу жумладан қишлоқ хўжалигида—пахта ва дон етиштириш шу тартибда амалга оширилади;

г) ишлаб чиқариш жараёнида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши. Корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари энг аввало қонун ҳужжатларида белгиланади, масалан, маҳсулотни сотиш ёки ўзига зарур бўлган мол-мулкни сотиб олиш ҳуқуқи, тегишли давлат органларига статистика ва бошқа ахборотларни тақдим этиш ёки солиқ тўлаш зарурияти. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан шартномавий муносабатларга киридилар. Қишлоқ хўжалиги корхоналари шу жараёнда ўғитлар, уруғлар, чорва моллари ва ҳоказоларни олиш мақсадида ёки етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар билан тегишли шартномалар тузادилар ва тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар;

д) судда даъвогар ва жавобгар бўлиши. Корхона мулкий ва номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлиб туриб, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини қонун асосида судда ҳимоя қила олади. Корхонанинг қонунда ёки шартномада белгиланган ҳуқуқлари бузилган тақдирда у судда уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир ва аксинча эса ўзга корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини бузганида корхона судда жавобгар сифатида қатнашиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида корхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини асосан суд орқали ҳимоя қилишга алоҳида ўрин берилган.

Корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатини ўрганишда қуйидаги масалалар инобатга олиниши лозим: корхонани тузиш тартиби ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши; корхонанинг муассислари; корхонанинг мол-мулки; корхонанинг бошқарув идоралари; ишлаб чиқаришни ташкил қилиш; меҳнат муносабатларни тартибга солиш; корхонада даромадни тақсимлаш; корхона ва давлат орасидаги муносабатлар; корхонани тугатиш ёки қайта ташкил этиш.

Фуқаролик кодексининг 42-моддасига мувофиқ юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида ташкил этилиши кўзда тутилган. Корхоналар тадбиркорликни юритиш шакли сифатида «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ корхона мол-мулки эгаси (эгала-

ри) ёки у (улар) вакил қилган идора, корхона, ташкилот қарорига мувофиқ ташкил этилиши мумкин.

Корхонани ташкил этиш учун муассис (муассислар)нинг қароридан ташқари юридик шахслар таъсис ҳужжатларини расмийлаштириши лозим. Қишлоқ хўжалиги корхонаси давлат органи ёки жисмоний шахс томонидан ташкил этилаётган бўлса, унда давлат органининг ёки жисмоний шахснинг ушбу корхонани тузиш тўғрисида қарори бўлиши лозим. Агар корхона бир неча мулкдор (шахс) томонидан тузилаётган бўлса, унда таъсис шартномаси тузилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддасига кўра юридик шахснинг, шу жумладан корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бири унинг устави ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси, «Қишлоқ хўжалиги корхонаси (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси корхоналар уставига киритилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини белгилайди ва шунга мувофиқ қуйидаги ҳолатлар корхона уставида акс эттирилиши лозим: корхонанинг номи, унинг жойлашган жойи, фаолият мақсади ва предмети (турлари), унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколатлари, мол-мулкни шакллантириш ва фойда (даромад)ни тақсимлаш тартиби, корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари. Корхонанинг турига мувофиқ унинг уставида ўзга ҳолатлар белгиланиши мумкин. Масалан, ширкат хўжалигининг уставида ширкатга аъзо бўлиш ва аъзолардан чиқиш тартиби, ширкатнинг пай, бўлинмас ва бошқа жамғармаларининг миқдори ва шакллантириш тартиби, фермер хўжалигининг уставида эса фермер хўжалиги ерларидан фойдаланиш тартиби кўзда тутилиши лозим.

Корхонани юридик шахс сифатида ташкил этишда асосий талаблардан бири уни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига мувофиқ юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги белгиланади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган

пайтдан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади. Корхоналарнинг турига қараб улар тегишли давлат органида рўйхатдан ўтказиладилар. Аксарият ҳолларда юридик шахслар улар жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимиятининг тегишли бўлимларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 июлдаги 159-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга (КТ 1991 йил, № 6, 19-модда) асосан рўйхатга олинадилар. Бунга истисно бўлиб акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналарнинг тегишли адлия органларида рўйхатга олиниши ҳисобланади.

Корхонани давлат рўйхатига олиш учун корхона муассислари тегишли давлат органига корхонанинг таъсис ҳужжатларини (таъсис шартномаси, корхонанинг устави, унитар корхонани тузиш тўғрисида мулкдорнинг ёки у вакил қилган орган (шахс)нинг қарори), давлат божини тўлаш тўғрисидаги ҳужжат, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларининг шу корхонани ташкил этиш тўғрисидаги маълумотномаси ва бошқа ҳужжатларни тақдим этадилар. Корхоналар давлат рўйхатига бир ой ичида олинади, аммо қўшма корхоналар эса беш кун, хусусий корхоналар уч кун муддат ичида давлат рўйхатига олиниши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Корхонанинг муассислари бўлиб корхонанинг мулкдори (мулкдорлари) ёки у (улар) вакил қилган шахс ёхуд ваколатли орган бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда корхонани мулкдор (мулкдорлар) таъсис этади. Агар корхона давлат органи ёхуд корхонанинг ваколатли органи томонидан ташкил этилаётган бўлса, улар корхона муассислари ҳисобланадилар. Масалан, қишлоқ хўжалиги давлат корхоналари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғига асосан ташкил этилади. Хўжалик жамиятлари (масъулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятлари ва бошқалар), агар улар юридик шахслар томонидан таъсис этилаётган бўлсалар, бу тўғрида улар тегишли органининг қарори қабул қилиниши лозим. Масалан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун-

нинг 84-моддасига мувофиқ акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши жамиятнинг шубба ва тобе корхоналарини ташкил этиши мумкин.

Фуқаролар, агар улар муомалага лаёқатли бўлсалар, юридик шахсни ташкил этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига мувофиқ, фуқаролар вояга етгач, яъни 18 ёшга тўлгач, тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўладилар. Фуқаролик кодексининг 28-моддасига мувофиқ, 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Юридик шахслар фақат қонун ёки таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бўлсагина, улар корхонанинг муассислари бўлиши мумкин.

Корхонанинг ҳар бир муассиси корхонанинг мол-мулкни шакллантиришда ёки унинг бошқарув органларини тузишда қатнашади. Аммо, алоҳида турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг муассислари корхонага нисбатан ўзгача муносабатда бўлиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги ширкатининг ёки фермер хўжалигининг аъзолари, агар улар меҳнатга лаёқатли ёшда бўлсалар, улар ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида ўз меҳнати билан қатнашиши лозим. Акциядорлик жамиятларининг аъзолари – жисмоний шахслар акциядорлар сифатида жамиятнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши ёки қатнашмаслиги мумкин.

Муассис (муассислар) томонидан корхонага ажратилган мол-мулк корхонанинг мол-мулкни ташкил этади. Асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар корхона мол-мулкни ташкил этади ва унинг устав фонди (капитали) ҳисобланади. Корхонанинг мол-мулки ишлаб чиқариш фаолиятидан олган даромади, кредитлар ва ўзга қарзлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг беғараз ажратган мол-мулки ёки қонун ҳужжатларида ман қилинмаган бошқа манбалар эвазига кўпайиши мумкин.

Муассис (муассислар) корхонанинг мол-мулки сифатида унга пул маблағлари, бино ва иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни ажратиб бериши мумкин.

Корхонанинг турига мутаносиб корхонанинг мол-мулки унга тегишли равишда бириктирилади. Масалан, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг мол-мулки муассислар (иштирокчилар) улушларига ёки акцияларга бўлинади ва уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишлидир. Масъулияти чекланган жамиятларда унинг мол-мулки улушларга муассислари киритган ҳисса миқдорида бўлинади ва муассис киритган улушни тасдиқловчи, қимматли қоғозлар тоифасига кирмайдиган гувоҳнома берилади ва жамият қатнашчилари ўзаро келишувга мувофиқ ўз улушларини бошқа қатнашчига ёки учинчи шахсларга сотиши ёки қўшимча улушлар ёки таъсисчилар киритиш натижасида улушлар мутаносиблигини ўзгартиришлари мумкин. Акциядорлик жамиятида эса унинг мол-мулки акцияларга одатда тенг миқдорда бўлинади, акциялар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, улар муомалада бўлиши мумкин.

Унитар корхоналарда эса, аксинча мол-мулк унинг таъсисчисига тааллуқлидир. Битта таъсисчиси бўлган корхона унитар корхона бўлиб ҳисобланади ва унинг мол-мулки бўлинмасдир, у қўшган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир (Фуқаролик кодексининг 70-моддаси).

«Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан корхона ўз уставига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув таркиби, шакли ва услубларини қонун ҳужжатларга асосан мустақил аниқлайди, штатларни белгилайди. Корхоналарни бошқариш улар бошқарув органларининг фаолияти орқали амалга оширилади. Корхона бошқарув органларининг ваколатлари қонунларда ва корхонанинг уставиди белгиланади. Корхонанинг бошқарув органлари унинг турига қараб шакллантирилади. Корхонанинг бошқарувида муассис (муассислар) қатнашиши корхона бошқарувининг асосий хусусиятларидан биридир.

Корхонанинг бошқарув органларини шартли равишда учта гуруҳга бўлиши мумкин – олий органи (қатнашчиларнинг умумий йиғилиши, мулкдор), ижроия органлари (бошқарув, дирекция, раис, директор), тафтиш органлари (тафтиш комиссияси, тафтишчи).

Корхонанинг муассислари бир неча шахсдан иборат бўлган ҳолларда (қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият) корхонанинг олий органи унинг аъзоларининг (қатнашчиларининг) умумий йиғилиши шаклида ташкил этилади. Хусусий корхоналарда эса олий орган ваколатини корхонанинг мулкдори шахсан ўзи амалга оширади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да ижроия ширкат бошқаруви ташкил этилади. Бошқа биргаликдаги мулкка асосланган корхоналарда ижроия органи сифатида бошқарув ёки дирекция ёхуд директор лавозими муассисларнинг қарорига биноан корхонанинг уставда белгиланади.

Тафтиш органи корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида ташкил этилади. Тафтиш органи коллегиал орган – тафтиш комиссияси ёки якка шахс – тафтишчи сифатида ташкил этилиши корхонанинг уставда белгиланади.

Фермер хўжаликларига бошқарув органлари Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ўзгача ҳолда ташкил этилади. Ушбу Қонун фермер хўжалигини бошқаришни асосан хўжалик бошлиғи орқали амалга оширишни белгилайди (4, 10, 17, 24-моддалар ва бошқалар). Аммо ушбу Қонуннинг 20-моддаси фермер хўжалигининг мол-мулки унинг аъзоларига умумий биргаликда мулк асосида тегишлилигини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти билан боғлиқ йирик масалалар албатта биргаликда ҳал қилиниши лозим, чунки Фуқаролик кодекси 225-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади. Демак, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунда фер-

мер хўжалиги аъзоларининг уни бошқаришда қатнашиши қатъий белгиланмаган бўлса ҳам, юқорида қайд этилганга асосан улар хўжаликни бошқаришда қатнашиши лозимдир.

Меҳнатни ташкил қилишда, иш вақтини белгилаш ва меҳнатга ҳақ тўлашда қишлоқ хўжалик корхоналарининг хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ушбу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ердан асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилиши;
иккинчидан, меҳнатнинг мавсумийлиги;

учинчидан, меҳнатга ҳақ тўлашда натура шаклининг, яъни ишлаб чиқарилган махсулот билан ҳақ тўлашнинг қўлланилиши.

Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиқадики, қишлоқ хўжалиги корхоналари қонун ҳужжатлари, ўз устави ва бошқа ички ҳужжатларга асосан меҳнатни эркин равишда ташкил этадилар.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилишнинг яна бир асосий хусусиятларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)да устувор равишда меҳнатнинг оилавий (жамоа) пудрат асосида ташкил этилишидир.

«Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, ҳамма турдаги корхоналарда хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич фойда (даромад)дир. Олинган фойда (даромад)дан корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди, қолган қисмини эса унинг уставида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, корхонанинг жамғармаларини ташкил этишга йўналтиради, корхона муассислари орасида тақсимланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида даромадни тақсимлашнинг асосий хусусияти бўлиб, унинг йил якунида тақсимланиши ҳисобланади.

Муассислар орасида фойда (даромад)нинг бир қисмини тақсимлаш қишлоқ хўжалиги ширкатларида унинг аъзолари мулкий пайлари миқдорига мутаносиб тақсимланади («Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги

Қонуннинг 19-моддаси), акциядорлик жамиятларида акцияларнинг сони ва уларнинг турига мутаносиб тақсимланади («Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддаси).

Қорхона ва давлат орасидаги муносабат қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Бунда, давлат қорхонанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишни кафолатлайди. Қорхонанинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятига давлат органларининг ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг аралашшига йўл қўйилмайди. Давлат ва унинг органлари қорхонанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, қорхона эса давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қорхонага дахлдор қарорлар қабул қилиш чоғида ва ўзларининг шу қорхона билан муносабатларида қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун жавобгардирлар. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фақат қонунларда белгиланган асослар ва тартибда қорхонага кўрсатма беришлари мумкин. Давлат органлари қонун ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган ҳужжатларни қабул қилган тақдирда қорхона бундай ҳужжатни ҳуқуқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Давлат органлари ёки унинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари оқибатида қорхонага етказилган зарар улар томонидан тўланиши шарт («Ўзбекистон Республикасида қорхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси).

Қорхона белгиланган тартибда статистика ҳисоботини ва бухгалтерия ҳисобини тегишли давлат солиқ, статистика ва бошқа органларига тақдим этиши шарт («Ўзбекистон Республикасида қорхоналар тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддаси, «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддаси, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси).

Қорхоналарни, шу жумладан қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарини тугатиш ёки қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-57-моддаларида, «Ўзбекистон Республикасида қорхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 38-40-моддаларида, «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасида белги-

ланган тартибда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг қайта ташкил этилиши – қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида амалга оширилади. Корхонани қайта ташкил этиш унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида вакил қилинган орган қарорига мувофиқ амалга оширилади. Қонунда белгиланган ҳолларда корхонани бўлиш ваколатли давлат органи ёки суд қарори билан амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхонасини қўшиб юборишда иккита ёки ундан ортиқ корхона битта корхонага айлантрилади, масалан, иккита фермер хўжалиги битта фермер хўжалигига қўшилади. Корхонани қўшиб олишда корхонага бошқа корхона қўшилиб кириб кетади, масалан, ширкат хўжалигига фермер хўжалиги қўшиб олинади. Корхонани бўлишда битта корхона иккита ва ундан ортиқ корхонага бўлинади. Ажралиб чиқишда эса корхона таркибидан бошқа корхона ажралиб чиқади, масалан, қишлоқ хўжалиги ширкатининг чорвачилик фермаси негизда фермер хўжалиги ташкил этилганда. Корхонани ўзгартиришда унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаради, масалан, давлат хўжалиги давлат тасарруфидан чиқариш натижасида қишлоқ хўжалиги ширкатига ёки акциядорлик жамиятига айлантрилади.

Корхонани қайта ташкил этишда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилган корхонага Фуқаролик кодексининг 50-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ ўтади.

Корхонани тугатиш унинг муассислари ёки таъсис ҳужжатлари бўйича шунга ваколатли бўлган органнинг ёхуд суднинг қарорига асосан амалга оширилади. Фуқаролик кодексининг 53-57-моддаларида корхонани тугатишнинг тартиби ва шартлари белгиланган.

Корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қуйидаги тушунчасини бериш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулк ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи ёхуд оператив бошқариш ҳуқуқи бўйича тегишли мол-мулкдан фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб

чиқарадиган ва сотадиган, кишлоқ жойларда ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Кишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкдан фойдаланиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги);

фермер хўжаликлари;

кишлоқ хўжалигидаги акциядорлик жамиятлари;

давлат кишлоқ хўжалиги корхоналари;

деҳқон хўжаликлари;

кишлоқ хўжалигидаги хусусий корхоналар;

кишлоқ хўжалигидаги бошқа корхоналар.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларини қуйидагиларга бўлиш мумкин: йирик товар ишлаб чиқарувчилар–кишлоқ хўжалиги ширкатлари ва бошқа йирик корхоналар, ўрта товар ишлаб чиқарувчилар – фермер хўжаликлари ва майда товар ишлаб чиқарувчи – деҳқон хўжаликлари. Кодексадан ушбу хўжалик юритувчи субъектларга ер беришнинг асосий шартлари белгиланган.

2-§. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ҳуқуқий ҳолати

Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар, кишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пайчилик ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кишлоқ хўжалик корхоналарнинг бир тури ҳисобланиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги «1998-2000 йиллардаги даврда кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ пахта ва дон ишлаб чиқариш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар сифатида ташкил этиш кўзда тутилган.

Кишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

кооперативга (ширкатга) аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан эркин чиқиш мумкинлиги;

кооператив (ширкат) фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этиши шартлиги;

маҳсулот етиштириш ва меҳнатни хўжалик ичида асосан оила (жамоа) шартномаси асосида ташкил этиш;

кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулоти (базарган иши) ҳажмига, сифатига қараб ҳақ тўлаш;

якуний даромадни (фойдани) кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида уларнинг мулкый пайларига мувофиқ тақсимлаш;

бошқарувнинг демократик хусусияти, қарорлар қабул қилишда ҳуқуқлар тенглиги (кооперативнинг (ширкатнинг) бир аъзоси – бир овозга эга бўлиши);

кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган тартибда унинг иши устидан кооператив (ширкат) аъзоларининг назорат қилиши;

ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерларнинг муҳофаза қилинишини ва тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлаш.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг олдинги колхозлардан (жамоа хўжалиқларидан) фарқи ширкат аъзоларининг хўжалик мол-мулкидаги реал улуши пай тариқасида белгиланишидан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг асосий тури қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришдир. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан бир қаторда кооперативнинг (ширкат хўжалигининг) ўз ҳудудида ҳам, шунингдек ундан ташқарида ҳам қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмолли моллари, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотик, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли.

Юқорида қайд қилинган фаолият турлари ширкатнинг уставида кўзда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Ширкатнинг аъзолари сони «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ чекланмаган. Аммо ширкат хўжалиги аъзолари сонини белгилашда ҳар бир гектарга тўғри келадиган иш кучи сонига қараб, меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадидан келиб чиқиш тавсия этилган.

Ўн олти ёшга тўлган, ширкат уставини тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи, ширкат фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги ширкатининг аъзоси бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл давлатининг фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ширкат аъзоси бўлиши мумкин.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 7-модда иккинчи қисмига мувофиқ ширкатнинг жамоа аъзолари сифатида юридик шахсларнинг қатнашиши кўзда тутилган. Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан фермер хўжаликлари ва юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ширкатнинг жамоа аъзоси сифатида хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиши мумкин. Ширкат ва унинг жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

Ширкатга аъзоликнинг асосий талаби ширкатнинг фаолиятида қатнашиш бўлишига қарамасдан қонун истисно тариқасида жисмоний шахслар учун ширкатга аъзоликни сақлаб қолиш ҳолларини кўзда тутди. Бу ҳоллар қуйидагилардир: мажбурий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган вақтда; давлат ва жамоат органларига сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланган муддатда; ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш вақтида; бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан белгиланган муддатга йўлланганда.

Ширкат хўжалиги аъзолари қарилик ёки ногиронлик бўйича пенсияга чиқсалар, умумий йиғилиш қарори билан уларнинг аъзоликлари сақланиб қолиниши мумкин.

Ширкат хўжалиги аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни,

Ер кодексига ва ширкатнинг уставига мувофиқ бошқарув, меҳнат, мулкӣ ва ер билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Ширкат хўжалигини бошқариш унинг ҳуқуқий ҳолати хусусиятларини белгилайди. Ширкат хўжалигининг бошқарув органлари олий (умумий йиғилиш), ижроия (бошқарув, раис) ва назорат (тафтиш комиссияси ёки тафтишчи) органларига бўлинади.

Ширкат хўжалигининг умумий йиғилишида барча ширкат аъзолари қатнашишга ҳақлидир. Ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши ширкатнинг фаолиятига тааллуқли бўлган барча масалаларни ҳал қилишга ҳақлидир. Шу билан бирга «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ умумий йиғилиш мутлақ ваколатларга эга. Ушбу ваколатлар ширкат фаолиятининг муҳим масалалари билан боғлиқ бўлиб, ижроия органнинг ваколатига ўтказилиши мумкин эмас.

Аъзоларининг сони 500 кишидан ортиқ бўлган йирик ширкат хўжаликларида умумий йиғилиш ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиши учун уставда назарда тутилган ҳолларда вакиллар йиғилиши чақирилиши мумкин («Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сон «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) намунавий уставининг 54-банди).

Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида овоз беришнинг хусусияти шундан иборатки, бошқа хўжалик жамиятларидан фарқ қилган ҳолда ҳар бир аъзо, шу жумладан жамоавий аъзоси мулкӣ пайнинг миқдоридан қатъи назар битта овозга эга бўлади. Умумий йиғилиш ҳар йили молия йили тугаганидан кейин ўтказилади (навбатдаги умумий йиғилиш). Ширкат хўжалиги бошқарувининг ёки раисининг қарорига биноан ёки ширкат аъзоларининг камида ўндан бир қисми ташаббуси билан умумий йиғилиш чақирилиши мумкин (навбатдан ташқари умумий йиғилиш).

Ширкат хўжалигининг жорий фаолиятига бошқарув ва раис раҳбарлик қилади. Бошқарув коллегиал орган ҳисобланади, унинг аъзолари ширкат уставда кўзда тутилган муддат ва сон миқдорида умумий мажлис томонидан сайланади. Ширкат хўжалигининг фаолиятига кундалик раҳбарликни ширкат уставда белгиланган муддатда умумий йиғилиш томонидан сайланадиган раис амалга оширади.

Ширкатнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни унинг аъзолари ширкат уставда кўзда тутилган муддат ва сон миқдорида умумий йиғилиш томонидан сайланадиган ва унга ҳисобот берадиган тафтиш комиссияси ёки тафтишчи амалга оширади.

Ширкат хўжалигининг мустақил балансида акс эттирилган асосий жамғармалар, айланма маблағлар ҳамда бошқа бойликлар ширкатнинг мол-мулкни ташкил этади. Ушбу мол-мулк Фуқаролик кодекси 58-моддасининг биринчи қисмига ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун 17-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ унинг мулки ҳисобланади. Шу билан бирга ширкатнинг мол-мулки унинг аъзоларининг умумий мулки ҳисобланади.

Ширкат хўжалиги мол-мулкни ҳуқуқий ҳолати хусусияти, унинг пай ва бўлинмас жамғармаларга тақсимланишидир. Бўлинмас жамғармани шакллантиришдан мақсад ширкат хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини, ирригация иншоотларини сақлаш ва янги иншоотларни қуриш, техника олиш, тупроқ унумдорлиги ошириш тадбирларини ўтказишни таъминлашдир. Бўлинмас жамғарма ширкат устав фондининг 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорида ташкил этилиши лозим.

Бўлинмас фондга ажратилган мол-мулкдан ташқари бошқа мол-мулк ва ширкат хўжалигининг ер майдони қиймати унинг пай жамғармасини ташкил этади. Пай жамғармаси ширкат аъзолари орасида пайларга тақсимланади. Пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзоларига умумий улушли мулк асосида, бўлинмас жамғарма эса умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади.

Мулкий пай ширкат ҳар бир аъзосининг пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва унга хўжаликнинг

якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушини олиш ҳуқуқини беради. Мулкий пайлар қонун ҳужжатларида ва ширкатнинг уставида ҳамда бошқа ички ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ширкат хўжалиги ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Ширкат хўжалиги бозор талабида шартномаларга асосланиб етиштирилган маҳсулот тури ва ҳажминини мустақил белгилайди. Ширкат хўжалиги асосан дон ва пахта етиштирувчи хўжалик сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотни етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактига асосан (Фуқаролик кодекси 29-боб 4-§) ўз хўжалик фаолиятини ташкил этиши мумкин.

Ширкат хўжалигининг ҳуқуқий ҳолати хусусиятларидан бири, унда меҳнатни ташкил қилиш ҳисобланади. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ оила (жамоа) пудрати ширкат хўжалигида ички хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишнинг устун шакли, яъни ширкат хўжалигида меҳнат оила (жамоа) пудрати шартномаси асосида ташкил қилинади. Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра – етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига қараб амалга оширилади. Бу эса ширкат хўжалиги аъзоларининг хўжаликнинг йил давомидаги фаолият натижаларига кўра пайга мутаносиб дивиденд олишларини истисно қилмайди.

Ширкат хўжалигида меҳнат муносабатлари «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, ширкатнинг устави ва ички иш тартиби билан тартибга солинади. Ширкат хўжалиги ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида ширкат аъзоси бўлмаган шахсларни меҳнат шартномаси асосида ишга жалб этиши мумкин. Ширкат хўжалиги аъзоларига мулкий пайлар бўйича тўланган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига киритилмайди.

Ширкат хўжалиги аъзолари белгиланган тартибда ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртага ҳақлидир.

Ширкат хўжалиги ўз маҳсулотини сотиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан, шу жумладан маҳсулотни етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактини ҳамда ўзини моддий-техникавий таъминлаш мақсадида ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномаларини тузишга ҳақлидир.

Ширкат хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди.

Ширкат хўжалиги қишлоқ хўжалиги корхонаси сифатида ердан асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланади. Ширкат хўжалигида ер участкалари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида ширкат хўжалиги қўшимча ер майдонини вақтинча фойдаланишга ёки ижарага олиши мумкин.

Ширкат хўжалигининг ерлари жамоа эгалигидаги ерлардан, шунингдек фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун бериб қўйилган ерлардан иборат бўлади.

Ширкат хўжалиги ерлардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланиши ва ерни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириши лозим.

Ширкат хўжалиги Ер кодексининг 55-моддасига мувофиқ умумий йиғилиш қарори билан фуқароларга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида томорқа ер участкаларини беришга ҳақлидир.

Ширкат хўжалигида ердан фойдаланишнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, ер участкалари оила (жамоа) пудрати шартномаси асосида оилаларга ва ишлаб чиқариш бўлимларига вақтинча фойдаланишга берилади.

Ширкат хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативининг бир тури ҳисобланади ва бу ҳолат ширкатни тугатишда ўз аксини топади. Ширкат хўжалигининг кредиторлар даъволари қаноатлантирилгандан кейин қолган мол-мулкнинг қиймати унинг аъзолари ўртасида тақсимланиши «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасида белгиланган.

3-§. Қишлоқ хўжалигидаги акциядорлик жамиятларнинг ҳуқуқий ҳолати

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар акциядорлик жамияти шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин. Акциядорлик жамияти деб устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Акциядорлик жамияти очиқ, яъни акциялари эркин муомалада бўладиган ёки акциялари белгиланган муайян шахслар, асосан муассислар орасида тақсимланадиган, яъни ёпиқ турда бўлиши мумкин. Ёпиқ турдаги жамиятнинг муассислари камида уч шахсдан иборат бўлиши лозим. Акциядорлик жамияти акциядорларининг минимал ва максимал сони бошқача тарзда чекланмайди. Акциядорлик жамияти янгидан таъсис этилиши ёки мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш йўли билан тузилиши мумкин. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор муассисларнинг таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Қонунга мувофиқ давлат корхонаси қайта ташкил этилаётганда, чет эл инвесторлари иштирокида жамият тузилганда ва бошқа ҳолларда ўзгача қоидалар белгиланиши мумкин.

Жамиятнинг таъсис йиғилишида унинг устави тасдиқланади, устав фондининг миқдори ва унинг акцияларга бўлиниши, акцияларнинг хиллари ва турлари ҳамда сони белгиланади, жамиятнинг бошқарув органлари сайланади. Жамиятнинг устави асосий таъсис ҳужжати ҳисобланиб, унда қуйидагилар кўзда тутилади: тўлиқ ва қисқартирилган номи ҳамда жойлашган манзили; фаолият соҳаси, мақсади ва муддатлари; устав фондининг миқдори; устав фондини кўпайтириш ёки камайитириш тартиби; чиқарилаётган акциялар тур-

лари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати; даромад (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби; захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби; жамият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; жамият бошқарувининг тузилиши, ижроия ва назорат органлари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, бу органларнинг ваколатлари; йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби; жамиятни қайта тузиш ва тугатиш тартиби.

Акциядорлик жамияти Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган «Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги Низом (ҚТ, 1994 йил, № 3, 18-модда) билан кўзда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

Акциядорлик жамиятига тегишли бўлган барча мол-мулк унинг устав фондини ташкил этади. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Қонун устав фондининг энг кам миқдорини белгилайди ва унинг миқдори очиқ турдаги жамиятда рўйхатдан ўтказиш санасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан кам бўлмаслиги, ёпиқ турдаги жамиятда эса 100 бараваридан кам бўлмаслиги керак. Жамиятнинг устав фонди «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 21 ва 23-моддаларида кўзда тутилган тартибда кўпайтирилиши ёки камайитрилиши мумкин.

Акцияларнинг номинал қиймати 100 сўмдан кам бўлиши мумкин эмас ва улар эгаси ёзилган ва ёзилмаган, имтиёзли ва оддий бўлиши мумкин. Акциянинг турига қараб туриб унинг эгаси жамиятни бошқаришда қатнашиш, дивидендлар олиш ҳуқуқларига эга бўлади. Акциядорлар тегишли акциядорлик жамиятининг акциядорлик реестрига киритилиш, ундан кўчирмалар олиш, жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш, жамият тугатилганда уларга тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

Акциядорлар акциянинг тўла қийматини жамият рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач тўлашлари шарт. Белгиланган муддатда акциялар сотиб олинмаса, акциядорлик жамияти ташкил этилмаган деб ҳисобланади.

Акция бўйича бериладиган дивиденд солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестициялаш амалга оширилганидан сўнг жамият ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган фойданинг бир қисмидир. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади. Дивидендлар йил якуни ёки маълум давр (1 ой, чорак, ярим йил) якунлари бўйича тўланиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари бўлиб: акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, директор ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг ҳисобот умумий йиғилишини) ўтказишга мажбур. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади.

Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига: жамият фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш, унинг режаларини ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш; жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; бошқарув ва тафтиш органларини сайлаш; дивидендларни тақсимлаш тартибини тасдиқлаш ва «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасида кўзда тутилган бошқа муҳим масалаларни ҳал қилиш киради.

Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Кузатув кенгаши: жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга; мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашга; акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар беришга ва «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 82-моддасида белгиланган масалаларни ҳал қилишга ҳақлидир.

Жамиятнинг ижроия органи бўлиб якка бошчилик асосида директор ёки коллегиал ижроия органи – дирекция ёки бошқарув ҳисобланади ва у жамиятга кундалик раҳбарликни амалга оширади.

Директор акциядорларнинг умумий йиғилишига, кузатув кенгашига ҳисобдор ва уларнинг қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти ва унинг ижроия органининг фаолияти устидан назоратни акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган тафтиш комиссияси (тафтишчи) амалга оширади. Тафтиш комиссияси молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтишларни ўтказиши.

Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишига, кузатув кенгашига амалга оширилган тафтишлар ва текширишлар натижалари ҳақида ҳисобот ва маълумотни беришга; жамият манфаатларига амалда хавф етган тақдирда ваколатли ташкилотлардан навбатдаги ташқари акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиришни талаб қилишга мажбур.

Жамиятнинг фаолияти: хўжалик судининг ёки суднинг қарори асосида жамият тўлов қобилиятини йўқотган ҳолда ёхуд у томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари сурункали ёки қўпол равишда бузилган ҳолларда; акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида тўхтатилиши мумкин.

Жамият фаолиятининг тўхтатилиши қайта ташкил қилиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш) ёки тугатиш йўли билан юз беради. Жамиятнинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-57-моддаларида ва «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 95-104-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4-§. Бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъектларнинг тенглигини таъминлаш ва мулкчиликнинг турли шакллари

ривожлантириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш натижасида давлат корхоналарининг маҳсулот етиштиришдаги улуши охириги йилларда кескин камайди. Аммо бу ҳолат қишлоқ хўжалигида давлат корхоналарининг ташкил этилиши ва фаолият юритишини истисно қилмайди.

Давлат хўжаликлари қишлоқ хўжалигида асосан уруғчилик ва наслчиликни ягона тизимда тартибга солиш учун ташкил этилади.

Давлат корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик давлат корхонаси тижорат ташкилоти–уни-тар корхона ҳисобланади. Давлат қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳуқуқий ҳолати хусусиятлари бўлиб, унинг давлат органи томонидан ташкил этилиши ёки тугатилиши, унинг мол-мулки хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқига асосланганлиги ва корхонанинг бошқарилиши ҳисобланади.

Давлат қишлоқ хўжалик корхонаси давлат органлари, асосан қишлоқ ва сув хўжалиги органларининг қарорига биноан ташкил этилади. Ушбу қарорда корхонанинг устави тасдиқланади ва унинг устав фондида давлат мулкидан мол-мулк ажратилади. Давлат корхонасининг уставида Фуқаролик кодексининг 70-моддасига мувофиқ корхона устав фондининг миқдори тўғрисида, уни ташкил этиш тартиби ва манбалари тўғрисида маълумотлар бўлиши керак.

Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат корхонасининг фирма номида унинг давлат корхонаси эканлиги кўрсатилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкига нисбатан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган доирада ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширади.

Қишлоқ хўжалик давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси ортикча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Кишлоқ хўжалик давлат корхонаси бириктирилган мол-мулкни фақат мулкдорнинг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли. Давлат корхонаси ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни, агар қонун ҳужжатларида ўзга тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ўзи мустақил тасарруф этади.

Кишлоқ хўжалик давлат корхонасининг даромадларини тақсимлаш тартиби унинг таъсисчиси томонидан белгиланади.

Давлат корхонасининг қарзларини тўлашда мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

Кишлоқ хўжалик давлат корхонасини бошқариш таъсисчи томонидан тайинланадиган коллегиял орган – дирекция ёки яқка бошчиликда директор томонидан амалга оширилади. Давлат корхонасини бошқариш органини тайинлаш тартиби ва шартлари корхонанинг уставида белгиланади. Корхона уставида кўзда тутилган ҳолларда корхонани бошқариш масалалари бўйича унинг раҳбари билан шартнома (контракт) тузилиши мумкин.

Давлат корхонаси уни тузган органнинг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда, масалан банкротликка учраганда, давлат корхонаси суднинг қарорига биноан тугатилади.

Кишлоқ хўжалигидаги хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хусусий тadbirkorлик тўғрисида»ги Низом (ҚТ, 1995 й., 2-сон, 3-модда) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Кишлоқ хўжалик хусусий корхоналари хусусий мулк эгасининг қарори билан таъсис этилади ва унитар корхона ҳисобланади. У ўзи жойлашган жойдаги туман ҳокимиятида рўйхатга олинган вақтдан юридик шахс мақомига эга бўлади. Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати бўлиб унинг мулкдори томонидан тасдиқланган устав ҳисобланади.

Хусусий корхонанинг мол-мулки унинг мулкдори, яъни жисмоний шахс томонидан хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

Қишлоқ хўжалик хусусий корхонасининг мол-мулкни асосий ва айланма маблағлар; шунингдек қиймати корхонанинг балансида акс эттирилган бошқа маблағлар ташкил этади. Хусусий корхона эгаси ўз мол-мулкига нисбатан қонун ҳужжатларига зид булмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Хусусий корхонанинг мулкдори корхонани ташкил этади, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлайди, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директорини (раҳбарини) тайинлайди, корхонага хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ажратилган мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва сақланишини назорат қилади. Корхонанинг мулкдори корхона фаолиятидан олинган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Хусусий корхона унга мулкдор томонидан бириктириб қўйилган кўчмас мол-мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга ёки бу мол-мулкни ўзгача тассаруф этишга ҳақли эмас.

Хусусий корхонани бошқариш унинг раҳбари (директори) ёки раҳбарияти (дирекция) томонидан амалга оширилади. Директор (дирекция) таъсисчининг қарори билан корхонанинг уставида белгиланган шартлар ва тартибда тайинланади ва у корхонанинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади.

Корхонанинг фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал қилишдаги ўз ваколатини мулкдор уставда кўзда тутиши мумкин.

Уставда ижроия органининг фаолияти устидан назорат олиб бориш учун таъсисчи томонидан тайинланадиган тафтиш комиссияси ёки тафтишчи – тафтиш органи кўзда тутилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида акциядорлик жамиятларидан ташқари масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ташкил этилиши мумкин. Ушбу жамиятлар қўйидаги хусусиятларга эгадир: улар бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилади; устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган улушларга бўлинади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг аъзолари жамият қарзлари бўйича фақат уларнинг устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда жавобгар бўладилар. Қўшимча масъулиятли жамият қатнашчилари эса унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган қарали миқдорда жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларнинг таъсис ҳужжатлари бўлиб таъсис шартномаси ва устав ҳисобланади. Таъсис шартномаси жамият қатнашчилари томонидан тузилади ва унда жамиятнинг тури, унинг фаолият предмети, мақсадлари ва муддати, қатнашчиларнинг таркиби, устав фондининг миқдори ва уни шакллантириш тартиби, даромадларни тақсимлаш ва бошқа қоидалар киритилади. Жамият уставида Фуқаролик кодексининг 43-моддасида ва «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида назарда тутилган маълумотлар киритилиши лозим.

Хўжалик жамиятининг устав фонди энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлиши мумкин эмас. Жамият давлат рўйхатига олинмиш санасигача ҳар бир қатнашчи ўз улушининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорни устав фондига, қолган қисмини эса жамият рўйхатга олингандан кейин бир йил давомида киритиши лозим. Ўз улушини тўлиқ киритган жамият аъзосига қимматли қоғозлар тоифасига кирмайдиган гувоҳнома берилади. Жамият қатнашчилари бошқа қатнашчиларнинг розилиги билан ўз улушини (улушининг бир қисмини) шу жамиятнинг бир ёки бир неча қатнашчисига ёхуд учинчи шахсларга жамиятнинг таъсис ҳужжатларида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши мумкин.

Қатнашчи масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таркибидан чиққан тақдирда унга устав фондидаги улушига мутаносиб тарзда жамият мол-мулки бир қисмининг қиймати тўланади. Жамиятдан чиққан қатнашчига у жамиятдан чиққунига қадар жамият ўша йили олган фойданинг унга тегишли қисми тўланади. Қатнашчи жамиятга фақат фойдаланиш учунгина берган мол-мулк натура ҳолида, эскириб ишдан чиқишини инобатга олган ҳолда, ҳақ тўламасдан қайтарилади.

Масъулияти чекланган ёки кўшимча масъулиятли жамиятларнинг бошқарув идоралари сифатида қатнашчиларнинг умумий йиғилиши – олий орган, дирекция (директор) – ижроия орган, тафтиш комиссияси (тафтишчи) – тафтиш органи бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида бошқа турдаги хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳам тузилиши мумкин. Иштирокчилар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари қонун ҳужжатлари ва уставларига мувофиқ шубба ва тобе корхоналар ва жамиятлар ташкил этишлари мумкин. Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шубба хўжалик жамияти – юридик шахс ҳисобланади.

Шубба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди. Асосий жамият (ширкат) айби билан шубба хўжалик жамияти ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпрогига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти тобе жамият – юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўз мол-мулкининг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шўба корхона)ни ташкил этиши мумкин.

5-§. Ижара жамоасининг ҳуқуқий ҳолати

Ижара жамоаларини тузиш Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонуни 20-моддасида кўрсатилишича, корхона ёки унинг таркибий бирлиги меҳнат жамоаси унинг асосида ижара корхонасини барпо этиш учун ижарачилар жамоасини тузишга ҳақлидир. Ижарачилар жамоаси ва унинг бошқарув идораларини тузиш тўғрисидаги қарор меҳнат жамоасининг қарор қабул қилишга ваколати бўлган умумий йиғилиши (конференцияси)да ҳозир бўлганларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Демак, ижара жамоаси қонунда белгиланишича, меҳнат жамоаларининг ўзлари томонидан мустақил равишда, ўз хоҳишларига биноан тузилади.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижара жамоасини тузиш учун, аниқроғи бирор-бир корхонани ижарага олиш учун, қонунда юқори органнинг, яъни ижарага берувчи ваколатига эга органнинг розилигини олиш лозимлиги белгиланган. Амалиётда шундай орган бўлиб, одатда вазирликлар, давлат идоралари ҳисобланади, яъни улар ижарага берувчи бўлиб ҳаракат қилади. Шу ўринда савол туғилади: вазирликлар, давлат идораларининг корхоналарни ижарага берувчи сифатида иш юритиши тўғрими? Ё бўлмаса, корхоналарни ким ижарага топшириши керак? Бу муаммо хусусида махсус адабиётларда турли хил фикрлар учрайди. Чунончи, Ю.Г.Басиннинг ёзишича, ижарага берувчи бўлиб ижарачиларга буйруқ қилишдан манфаатдор вазирликлар ва юқори идоралар эмас, балки ишлаб чиқариш ва хўжалик вазифаларини бевосита ҳал этмайдиган, давлат мулкидан фақат жа-

мият учун самарали фойдаланишдан манфаатдор бўлган махсус органлар фаолият юритиши керак. Демак, бунинг учун давлат мулкани бошқарувчи махсус органни ташкил қилиш масаласини муҳокама этиш лозим.¹

Бундан ташқари, корхоналарни ижарага берувчи сифатида тармоқ вазирликлари ёки давлат идоралари ҳаракат қилишлари керак, деган фикр ҳам учрайди. Амалиётда эса ҳақиқатда давлат ваколат берган мана шу вазирлик ва давлат идоралари ижарага берувчилардир. Давлат уларга ижара шартномасини тузиш ҳуқуқини берган. Ижарага берувчи ваколатидан фойдаланаётган, шундай ҳуқуққа эга бўлган вазирлик ва давлат идоралари амалда норентабел корхоналарни ижарага топшириб, рентабелли корхоналарни эса ижарага бермаяпти, кўпчилик корхоналар ижарага ўтиш ҳақидаги аризаларига вазирликдан рад жавобни олмақдалар. Шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда ҳам, ижара тўловларини аниқлашда ҳам ижарага берувчи сифатидаги вазирлик ва давлат идоралари бир қатор устунликларга эга бўлиб, ижара жамоаларини вужудга келтириш, уларни кўпайтириш ишига тўсиқ бўлмақдалар.

Юқорида айтилганлардан шундай фикрга келиш мумкинки, ижарага берувчи сифатида ҳаракат қиладиган, давлат мулкани махсус бошқарувчи янги органни ташкил қилиш ҳам, шунингдек ҳозирда амалда бўлган ижарага берувчиларни (вазирлик ва давлат идораларини) корхоналарни ижарага топширувчи сифатида қараш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бозор муносабатларига ўтиш даврида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда, давлатнинг унга хос хусусиятларига мос келмайдиган вазирлик ва давлат идораларидан эса воз кечилаётган ва шундай вазирлик ва давлат идоралари бошқаришнинг бошқа шакллариغا ўтказилаётган бир даврда янги бир давлат бошқарув органининг ташкил этилиши мантиққа тўғри келмайди. Вазирлик ва давлат идораларининг корхоналарни ижарага берувчи сифатида қонунда белгиланиши эса юқорида айтилган салбий оқибатларга сабаб бўлади.

¹ Басин Ю.Г. *Некоторые существенные особенности аренды государственно-го имущества. //Сов. гос. и право. 1990, № 5, 58-бет.*

Шунинг учун, фикримизча, корхоналарни ижарага берувчи бўлиб, ҳамма вақт давлат мулкининг эгаси ҳисобланган давлат ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) ҳаракат қилишлари керак. Негаки, давлат ҳокимияти органларининг ижара жамоаларига нисбатан мулкдан самарали, оқилона фойдаланиш, бюджет тўловларини ва ижара ҳақини ундириб олишдан ўзга манфаатлари бўлмайди ва шундагина ижара жамоалари эркин ва мустақил фаолият юргизишлари мумкин бўлади.

Ижара жамоаларини тузиш маълум тайёргарлик ишларини амалга оширишни талаб этади. Бунда биринчи навбатда ижара жамоасини тузиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланиши керак. Бундай ҳужжатлар қаторига: ижара корхонаси тўғрисидаги шартнома, ижара корхонаси устави, корхона ижара ҳақи ҳисоб-китоблари, ижарачилар жамоаси бошқаруви (кенгаши) ҳақидаги низом ва ҳоказолар киради. Бу ҳужжатлар ижарага берилаётган корхона ходимлари томонидан тузилган комиссия томонидан ишлаб чиқилади ва шу ходимлар умумий йиғилиши томонидан маъқулланади.

Барча ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, жамоа умумий йиғилиши томонидан маъқуллангандан сўнг ижарачилар жамоаси тузилганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилиниши лозим. Бу қарор Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунда кўрсатилишича, меҳнат жамоасининг қарор қабул қилишга ваколати бўлган умумий йиғилиши (конференцияси)да ҳозир бўлганларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади.

Ижарачилар жамоасини тузиш учун меҳнат жамоасининг йиғилиши ёки конференцияси корхона маъмурияти томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ва меҳнат жамоаси кенгаши билан биргаликда чақирилади. Ижара жамоасига айлантирилаётган меҳнат жамоаси аъзоларининг ярмидан кўпроғи ушбу йиғилишда иштирок этсагина, у масалани ҳал этиш ваколатига эга бўлади. Агар ижара жамоасига айлантирилаётган корхонанинг умумий йиғилишини чақириш қийин бўлса, у ҳолда конференция ўтказиб ҳам ижара жамоасини тузиш мумкин. Бунинг учун корхона маъмурияти касаба уюшмаси ва меҳнат жамоаси кенгаши билан биргаликда вакиллар нормаларини белгилайдилар.

Ижара жамоасини тузиш учун конференцияда вакилларнинг учдан икки қисми иштирок этгандагина, у масалани ҳал этиш ваколатига эга бўлади. Ижара жамоаси тузиш ҳақидаги қарор конференцияда оддий кўпчилик овоз билан қабул қилиниши мумкин. Ижара шартномасини тузишда ижарага берувчи билан ижарачи ўртасида келиб чиқадиган қарама-қаршиликлар, шунингдек шу корхонани ижарага беришдан асоссиз бош тортиш, шартномани кўриб чиқишни орқага суриш каби ҳолатлардан келиб чиқадиган низолар судлар томонидан кўриб чиқилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунда, бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳам корхоналарни ижарага бериш учун қандай сабаблар ва шароитлар тўсқинлик қилиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Ижара қонунчилигидаги бу камчилик амалиётда ижара муносабатларининг кенг жорий этилишига тўсқинлик қилмоқда. Тармоқ вазирликлари ва давлат идоралари ҳар қандай йўл билан бўлсада, ўз қарамоғидаги корхоналарни ўз ҳукми доирасида ушлаб туришга ҳаракат қилмоқдалар, уларга мустақиллик ва ишлаб чиқариш эркинлигини беришни ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда хоҳламаяптилар. Шу сабабдан, бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунда корхоналарни ёки бошқа мол-мулкларни ижарага топширишга йўл қўймайдиган сабаблар тўла ва очиқ-ойдин белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу тўлдириш корхоналарни ва мол-мулкларни ижарага топширишдан асоссиз бош тортишнинг олдини олган бўларди.

Агар ижара шартномаси ҳар иккала тараф томонидан тасдиқланса, ижара жамоаси давлат корхонасининг мулкни белгиланган тартибда қабул қилиб олади ва ижара корхонаси мақомига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 22-моддасида кўрсатилишича, ижара корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ва корхона мулкни белгиланган тартибда қабул қилиб олгандан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Ижара корхонаси давлат рўйхатидан ўзи жойлашган ҳудуддаги туман ҳокимлигида ўтказилади.

Ижара жамоаси давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс мақомига эга бўлгандан сўнг мустақил хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади. У жамоа умумий йиғилиши (конференцияси)да тасдиқланган ва туман ҳокимлиги томонидан рўйхатдан ўтган ижара жамоасининг устави асосида ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунида белгиланишича, ижарага олувчи ижарага олинган корхонанинг хўжалик фаолиятини мустақил юритади. Ижара шартномаси бўйича олган мажбуриятларини бажариш доирасидан ташқарида ижарачи бошқарувда ва ўз хўжалик фаолиятида батамом эркиндир. Ижарага берувчининг ижарага олинган корхона фаолиятига аралашшига, режаларни, ҳисоботларни ва қонунда кўзда тутилмаган бошқа маълумотларни ўзига беришни талаб қилишга йўл қўйилмайди (22-модда).

Демак, ижара жамоасининг асосий хусусияти, давлатга қарашли ва бошқа корхоналардан асосий фарқи қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, ижара жамоаси давлат, жамоа ва бошқа корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкани ижарага олиш йўли билан вужудга келади. Давлат корхоналари давлат мулки асосида вужудга келса, кооперативлар (шу жумладан жамоа хўжаликлари ҳам) улар аъзоларининг пайлари асосида вужудга келади; иккинчидан, ижара жамоалари мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар юқоридан ҳеч қандай буйруқ ва кўрсатмаларни кутмасдан ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этадилар. Давлат корхоналари эса бевосита давлат органлари, вазирликларнинг режалари, кўрсатмалари асосида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишга мажбурдирлар; учинчидан, ижара жамоалари ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ва улардан олинган даромадларга нисбатан тўла мулкчилик ҳуқуқига эгадирлар. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотни мустақил айирбошлаш, сотиш ҳуқуқига эгадир. Давлат корхоналари эса бундай ҳуқуққа эга эмас.

Ижара жамоаларининг ҳуқуқий ҳолатини тадқиқ қилиш улар фаолиятини бошқариш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтишни талаб этади. Ижара жамоасини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Респуб-

ликасида корхоналар тўғрисида»ги қонунларига, ҳамда уларнинг Уставларига кўра, тўла ўз-ўзини бошқариш, демократия, ошқоралик масалаларини ҳал этишда жамоа барча аъзоларининг иштироки мезонлари асосида амалга оширилади.

Ижара жамоасининг олий органи бўлиб ижарачиларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилиш ижара жамоаси фаолиятига оид барча масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлади. Ижара жамоаси фаолиятига тааллуқли бўлган энг муҳим масалалар, яъни ижара жамоасининг Уставини қабул қилиш ва тасдиқлаш; ижара жамоаси Кенгаши ва унинг раисини сайлаш; ижара жамоасининг иқтисодий режаларини кўриб чиқиш, белгилаш ва тасдиқлаш; Кенгашнинг ҳисоботини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш; марказий фондлар сметаларини белгилаш; ижара жамоасини қайта ташкил қилиш ёки тугатиш масаласини ҳал этиш ва бошқалар бевосита умумий йиғилиш ваколатига тегишилидир.

Ижарачиларнинг умумий йиғилиши заруриятга қараб, аммо йилига камида 2 марта чақирилиб турилиши керак. У ижарачиларнинг ярмидан кўпининг талабига биноан ҳамда ижара жамоаси Кенгаши раисининг ташаббусига биноан чақирилади.

Ижара жамоасининг доимий ижроия органи бўлиб ижарачилар Кенгаши ҳисобланади. Ижарачилар Кенгаши ижарачилар умумий йиғилишининг қарорларини бажаришни назорат қилиш, жамоанинг режаларини, шартнома мажбуриятларини, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижаларининг бажарилиши ҳақида раиснинг ҳисоботини эшитиш, идора жамоасининг ташкилий тизимини, иш ҳақи тизимини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларидан, фан ва техникадан фойдаланиш тўғрисида, шунингдек ижтимоий тараққиёт, уй-жой қурилишига, ижтимоий-маданий объектларга маблағлар ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларини ҳал қилиш ижара жамоаси бўлинмалари вакилларини эшитиш, моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳақида таклифлар киритиш ва бошқа муҳим масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

Ижара жамоасининг Кенгаши 3 йил муддатга сайланиб, унга жамоанинг раиси бошчилик қилади. Унга ижара жамоа-

сининг етакчи мутахассислари, илғор ижарачилар, жамоа бўлинмаларидан вакиллар аъзо бўлиши мумкин. Ижара жамоасининг Кенгаши ўз ваколатларини амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан, «Ижара тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонунларга ҳамда ижара жамоасининг Уставига биноан ҳаракат қилади. Ижара жамоаси Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилиши ижара жамоасининг барча аъзолари учун мажбурийдир.

Ижара жамоаси Кенгашининг мажлислари заруриятга қараб, лекин йилига камида тўрт марта чақирилади. У ижара жамоаси раиси томонидан ёки Кенгаш аъзоларининг тўртдан уч қисми талабига биноан чақирилади.

Ижара жамоасининг, шунингдек ижара жамоаси Кенгашининг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижара жамоасининг раиси томонидан амалга оширилади. У ижарачилар умумий йиғилиши томонидан уч йилга сайланиб, ижара жамоасининг давлат органлари, бошқа корхона, муассаса, ташкилотлар билан ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-хўжалик алоқалари, муносабатларида қонуний вакили сифатида ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлади. У жамоанинг барча аъзолари учун мажбурий бўлган буйруқ ва кўрсатмалар чиқаради.

Шуни айтиш керакки, ижара жамоасининг унумли фаолияти кўп жиҳатдан маҳаллий давлат ҳокимият органлари (туман халқ депутатлари Кенгаши, туман ҳокимлиги) ва тармоқ юқори органлари билан ўзаро муносабатига боғлиқ бўлади. Бу муносабатлар ҳуқуқий томондан қанчалик тартибга солинганлиги билан белгиланади. Ижара жамоасининг маҳаллий давлат ҳокимият органлари, тармоқ юқори органлари (вазирликлар, давлат идоралари), корхона, муассаса, ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонуни бўлиб, бу қонунда ушбу муносабатлар тўла хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, тенг ҳуқуқлик мезонлари асосида қурилиши белгиланган. Барча давлат ҳокимият ва бошқарув органлари ижара жамоаларининг хўжалик мустақиллигини, талбиркорликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни таъминлашлари лозим.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек тармоқ юқори органлари ижара жамоасининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитларни таъминлаши, унинг ҳуқуқларига қатъий риоя қилиш ва амалга оширилишига ёрдам бериши, хўжалик фаолиятига аралашмаслиги, ҳалал бермаслиги лозим. Юқори органлар ижара жамоалари ходимларининг ижтимоий масалаларини ҳал қилишда яқиндан ёрдам бериши керак.

Ўз навбатида ижара жамоаси ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва тармоқ юқори органлари олдида тўловлар билан боғлиқ бўлган ўз мажбуриятларини қатъий равишда бажариш шарт. Ижара жамоаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги натижасида ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш, аҳолини маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шунингдек қонунда белгиланган маҳаллий бюджетни вужудга келтиришда фаол иштирок этади.

Ижара жамоаси билан маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижара ҳақи, давлат буюртмаси, солиқлар орқали тартибга солинади. Бу муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб ижара шартномаси ҳисобланади. Ижара шартномасида ушбу тўловлар бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ижара жамоаси билан ўзаро муносабати шу ҳудуддаги бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўлган муносабат сингари кўрилади. Қонунларда белгиланган умумий қоидалар ижара жамоасига ҳам тааллуқли бўлади. Мажбурий тўловларнинг миқдори бошқа корхоналар сингари ижарага топширилган асосий ва айланма фондларнинг қиймати, шартнома тузилган пайтдаги меҳнат ресурслари, давлат ва маҳаллий бюджетга фойдадан ажратмалар, ишлаб чиқаришда фойдаланадиган табиий ресурслар ҳажми билан аниқланади. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ижара жамоаларига кам рентабелли ва қолоқ корхоналарни, эскириб қолган бинолар, қурилмалар, техникаларни, кам ҳосилли ерларни имтиёзли шартларда, яъни кам ижара ҳақи, тўловларни кечиктириш асосида ҳам ижарага

беришга ҳуқуқи бор. Бу кам рентабелли, қолоқ корхоналарни ижара жамоаларига айлантириш орқали бу корхоналарнинг синиши, тугатилиб кетишининг олдини олиш ҳамда уларни қайтадан тиклаш, ривожлантириш имконияти вужудга келади. Демак, ижара бу вазифани бажариш ва шу асосда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади.

Ижара жамоаларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида фикр юритганда бу жамоаларда меҳнатни ташкил этиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Ижара жамоаларида меҳнатни ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда жамоанинг ўз Устави билан тартибга солинади. Ижара жамоаси ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизими, иш куни, иш сменаси, дам олиш ва таътил кунларини белгилаш тартибини мустақил белгилайди. Ижара жамоасига ходимлар шартнома асосида қабул қилинади ва қуйидаги ҳолатларда улар билан ушбу шартнома бекор қилиниши мумкин: а) штатлар сони қисқартирилганда; б) ходим ҳарбий хизматга чақирилганда; в) соғлиғи ёмонлашганда; г) олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга ўтганда; д) ижара шартномаси аъзоси вафот этганда; е) ходим ўз ихтиёри билан ишдан бўшаган ҳолатларда.

Ижара жамоаси аъзоси пенсияга чиққанда, у ўзи эга бўлган қимматли қоғозлар, акциялар бўйича фоизлар кўринишида даромад олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Агар ижара жамоаси аъзоси меҳнат интизомини бузиш сабабли жамоадан четлатилган бўлса, унга шу йил учун акцияларига фоизли даромадлар тўланмайди. Ижара жамоасидан чиқиб кетган ижарачининг акциялари ижара жамоасида қолади. У ижарачига қайтариб берилмайди. Ижарачининг шахсий пул (пай) маблағлари ҳисобидан вужудга келган ушбу акцияларнинг қиймати ижарачига у ишдан бўшагандан сўнг бир ойлик муддат ичида тўланади, хўжалик ҳисоби даромадлари асосида вужудга келган акциялар қиймати эса, ижарачи ишдан бўшаган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида тўланади. Агар ижарачи вафот этган бўлса, акцияларнинг қиймати қонунга биноан унинг меросхўрларига тўланади. Агар ижа-

ра жамоаси тугатилса, акцияларнинг қиймати жамоанинг барча аъзоларига тўланиши керак.

Ижара жамоасининг аъзолари бўлиб барча ходимлар, бошқарув аппаратидаги мутахассислар, ўз акциясига эга бўлган ва жамоадан пенсияга чиққан пенсионерлар ҳисобланадилар. Ижара жамоасининг аъзолари жамоанинг Уставига, ички меҳнат тартиби қоидаларига, умумий йиғилиш ва жамоа Кенгаши қарорларини бажаришга, ҳалол ва виждонан меҳнат қилишга, меҳнат интизомига бўйсунушга, ижарага олинган мулкни, шунингдек жамоа мулкни эҳтиёт қилишга, хўжасизлик ҳолатларига йўл қўймасликка мажбурдирлар. Шу билан бирга ижара жамоаси аъзоси жамоа фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифлар киритиш, сайлаб қўйиладиган мансабларга сайлаш ва сайланиш, жамоа Кенгашига бошқа ҳар қандай масалаларни кўриб чиқиш учун қўйиш ҳуқуқига эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижара жамоасида меҳнатни ташкил қилиш тadbиркорлик, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи бошқариш, эркинлик, тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалга оширилади.

Ижара жамоасининг ташқи иқтисодий фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунига биноан амалга оширилади. Ижара жамоалари ўз фаолиятини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилиш қонун нормаларига тўла риоя этишга мажбурлар. Улар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишлари, ўз хўжалик фаолияти таъсирида унга зарар етказмасликлари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишлари шарт.

Юқорида айтилганлардан ташқари, ижара жамоалари қонунда белгиланган тартибда давлат ижтимоий суғурта фондларига ўз даромадларидан ажратмалар тўлашлари лозим.

Ижара жамоаси фаолиятини тугатиш ижарага берувчи билан келишилган ҳолда жамоа умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади. Ижара жамоасини тугатишда шартномани бекор қилиш тўғрисида ижарага берувчини бир ой олдин огоҳлантириш керак.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, ижара жамоаларининг ташқи иқтисодий фаолияти, давлат ижтимоий суғурта, пенсия фондларига тўловлар, шунингдек ижара жамо-

аларини тугатиш масалалари жуда муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлсада, лекин ҳозир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонунида уларни тартибга соладиган биронта ҳам қонидани кўрмаймиз. Бу эса ижара жамоалари фаолиятини ташкил этишда, уларнинг давлат органлари билан бўлган муносабатларини амалга оширишда кўп қийинчилик ва англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонунининг «Корхоналарни ижарага олиш» деган II бўлими ижара жамоасининг ташқи иқтисодий фаолиятини, давлат ижтимоий суғурта ва пенсия фондларига тўловлар ҳамда жамоани тугатиш асосларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

V боб. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§. Фермер хўжалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши талбиркорлик субъектлари таркибида қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) билан бир қаторда фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 1- моддасига асосан фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги ҳуқуқий ҳолатининг моҳиятини белгилашда унинг қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)дан фарқли хусусиятларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Агар фермер хўжаликлари тузилиши жиҳатидан оддий таркибли юридик шахс бўлиб ҳисобланса, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) мураккаб таркибли тижоратчи қишлоқ хўжалик корхонаси ҳисобланади. Унинг тузилиш жиҳатидан мураккаб таркибининг моҳияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ихтиёрийлик асосида бирлашишида бир томондан фақат фуқаролар қатнашса, иккинчи томондан эса бир қатор ҳолларда юридик шахслар ҳам бирлашиб иштирок этиши мумкин.

Фермер хўжаликларини ташкил қилишда асосан оилавий характердаги аъзолик муҳим аҳамиятга эга бўлса, қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) бирлашишда эса бир оиладек бўлиши шарт эмас. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва уларнинг жамoa аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабат шартнома асосида белгиланиши назарда тутилса («Қишлоқ хўжалиги коопера-

тиви (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси), фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни оилавий ташкил қилиш ҳукмрон бўлганлиги сабабли бундай шартномани тузиш қонунда ифода этилган.

Фермер хўжаликлари аграр, фуқаролик, ер, молия ҳуқуқий муносабатларининг ва қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг мустақил ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ фаолиятни ўзини мужассамлаштирган учта компонентни: мулкий, томорқа участкаси ва фуқарони ўзида ифода этади;

иккинчидан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъекти сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир;

учинчидан, товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фаолияти узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасида амалга оширилади.

Қонунга асосан, фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлиғининг туман ҳокимига ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёзма мурожаати асосида ташкил этилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилишга олиб чиқали, умумий йиғилиш бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Фермер хўжаликлари рухсат олиш тартибда ташкил қилинадиган юридик шахслар жумласига киради. Бинобарин, туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишнинг қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олган ҳолда фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисобкитоб ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг махсус ҳуқуқ лаёқатини амалга оширишида унинг аъзолари ва бошлиғига ҳам муайян масъулият юкланади. Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, фермер хўжалиги аъзолари қаторига хўжаликни бирга юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган шахслар киради. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар фермер хўжалиги аъзоси ҳисобланмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради. Фермер хўжалигининг бошлиғи бўлиб шу хўжаликнинг ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли аъзоларидан бири ҳисобланади. Фермер хўжалигининг бошлиғи бўлиш учун қонунда 18 ёш аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Деҳқон хўжалигига эса оила бошлиғи ёки муомалага лаёқатли аъзолардан бири бошлиқ бўлиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 28-моддасига асосан вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинган (эмансипация) тақдирда ўн олти ёшга тўлган шахс ҳам деҳқон хўжалиги бошлиғи бўла олади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)дан фарқли равишда фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари қонунда аниқ мустақкамлаб қўйилган. Фермер хўжалиги танлов асосида, аксарият ҳолларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади. Чорвачилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,30 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда камида 0,45 гектар, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади. Деҳқончилик маҳсулоти етишти-

ришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

2-§. Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳукуқи

Фермер хўжаликларига ер беришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб биринчидан, фермер хўжаликларига захира ерлар, махсус республика ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва янги суғориладиган ерлардан бериш, иккинчидан, уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари берилиши ҳисобланади. Конунчиликда рўй берган энг муҳим янгилик фуқароларга фермер хўжалиги учун ер участкалари элик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилишининг ҳукуқий ифодаланганлигидир. Бундай узоқ муддатли ерни ижарага бериш тартибининг Ўзбекистон Республикаси ҳукуқий амалиётига киритилганлиги, энг аввало хорижий давлатлар тажрибасига асосланган бўлиб, ердан оқилона фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий йиғилишнинг қарори асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни қайта ишлаш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 20-моддасига асосан ер участкаларидан фойдаланиш қисқа муддатли – уч йилгача ва узоқ муддатли – уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти тақозо этганда бу муддатлар тегишлича қисқа муддатли ва узоқ муддатли, вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади.

Фермер хўжалигига ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорни туман ҳокими қишлоғи хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йигилишининг қарори асосида қабул қилади. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Ер участкасини олишда мазкур жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар. Туман ҳокимлиги ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг ер участкасини беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин. Фермер хўжалигини юритиш ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг уй жойидаги томорқа ерлар сақланиб қолади.

Қонунда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг фермер хўжалигини ташкил этишдаги хусусиятлари белгиланган.

Чунончи, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хўжалигини юритиш истагида бўлган аъзолар кооператив (ширкат) уставига биноан ўзларига тегишли мулкый пай қийматини ҳамда даромаддан (фойдадан) миқдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнатдаги иштирокини инобатга олган ҳолда аниқланадиган улушни олишга ҳақлидир. Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан шу кооператив (ширкат) ерлари таркибидан қонунда белгиланган тартибда узоқ муддатли ижарага ер участкаси олиш ҳуқуқига эга. Бунда ер участкасининг узоқ муддатли ижарага берилиши қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

3-§. Фермер хўжалиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш

Фермер хўжалигининг ҳуқуқ субъекти эканлиги унга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида тадбиркорлик

фаолиятини амалга оширишни талаб этади. Қонунга асосан фермер хўжалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тadbиркорлик шаклларида бири бўлиб, у ташкил этилишидан кўзланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги бошқа шаклларда хўжалик фаолиятини юритувчи тижоратчи корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга. Фермер хўжалиги тadbиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида бир қатор ҳуқуқларга эга. Булар: фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида уставда назарда тутилган доирада мустақил ташкил этиш; етиштириладиган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш; ўзи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш; харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш; тadbиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган микдорда даромад (фойла) олиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш; кредитлар олиш; бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан фермер хўжаликларига кредитни зарур гаров, суғурга ҳамда бошқа камомадларини таъминлаган ҳолда имтиёзли кредитлашга жалб этиш; ижарага берувчининг руҳсати билан ёки қонунда ёхуд ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш; ўрта ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш; ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш кабилардан иборатдир.

Фермер хўжалиги муайян ҳуқуқларга эга бўлиш билан бир қаторда қонун билан белгиланган тегишли мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Хусусан ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш; табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик; ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш; ер участкасини, агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат

белгиланган бўлмаса, бир йил ичида ўзлаштириш; агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутга рияз этиш; фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўла жавобгар бўлиш; фермер хўжалигининг барча аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига ва Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига мажбурий бадаллар тўлаш, фермер хўжалигининг аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш; хўжалик аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш; маданий-маърифий тадбирларга, ободонлаштириш ишларига шартнома асосида маблағлар ажратиш шулар жумласидандир.

Фермер хўжалиги ҳуқуқий ҳолатида уларнинг мулкий мустақилликка эга эканлиги юридик шахс сифатида энг керакли белгилардан бири бўлиб, илмий ва амалий жиҳатдан керакли аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир фермер хўжалиги қонунга кўра, ўзига қарашли уй-жой, хўжалик шароитлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек бошқа мол-мулкларга; ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга; олинган даромадларга (фойдага) ва қонунда тақиқланмаган асосларда эга бўлинган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағлари, товарлар, ишлар, хизматлар реализациясидан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадлар (фойдалар), қимматли қоғозлардан олинган даромадлар, кредитлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг пул жамғармаларини ҳосил этиш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги мулклари ҳуқуқий режимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда

тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлган фермер хўжалигининг мол-мулкига унинг аъзолари ўзаро келишув асосида эгалик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф этадилар. Фермер хўжалиги таркибидан бошқа фермер хўжалигини ташкил этиш мақсадида чиқаётган аъзолагина фермер хўжалиги таркибидан чиққанда мол-мулкдаги улушни натурада ёки тенг қийматда олиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиги мол-мулкнинг таркибига кирган мулклар фуқаролик ҳуқуқининг объектлари сифатида ўзига хос ҳуқуқий режимга эга.

Фермер хўжалигининг мол-мулки фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида унинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кўчар мулкка ва кўчмас мулкка бўлинади. Фуқаролик кодексининг 83-моддасига кўра, кўчмас мулк таркибига ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек бинолар ва иншоотлар, қонунда кўрсатилган ҳолларда, бошқа мол-мулклар ҳам кириши мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Фермер хўжалиги юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхонаси сифатида кўчмас мулк ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 85- моддасига асосан бутун корхона мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Бутун корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Мулкий комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентарь, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхона, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради.

Бизга маълумки, илгари корхоналар фуқаролик ҳуқуқи муомаласида бўлмаганлиги туфайли, фақат ҳуқуқи муносабатнинг субъекти бўлиб, Фуқаролик кодекси воситасида тартибга солинадиган муносабатнинг объекти бўлишига йўл қўйилмас эди.

Корхонанинг фуқаролик ҳуқуқи объекти таркибида ўзига хос хусусияти шунингдек, корхонага нисбатан ворисликнинг Фуқаролик кодексига ифода этиб берилиши ҳуқуқ назариясида янги илмий-тадқиқот йўналишини белгилаб беради.

Аммо ҳуқуқий адабиётларда фермер хўжалиklarининг корхона сифатида кўчмас мулк ҳолатидаги ҳуқуқий мақоми етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, келгусида фермер хўжалигининг – қишлоқ хўжалик корхонаси – кўчмас мулк сифатида ҳуқуқий режимини ўрганиш фуқаролик ҳуқуқи фанининг муҳим вазифасидир.

Фермер хўжалиги мол-мулки таркибида кўчар мулклар алоҳида ўрин тутиб, улар манбаларни ҳосил қилишнинг муҳим воситасидир. Фуқаролик кодексининг 83- моддасига кўра, кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади.

Агар кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилса, кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Фермер хўжалиги мол-мулкларининг кўчмас ва кўчар мулкларга бўлиниши, унинг таркибига кирадиган мол-мулкларни туркумлаб ҳуқуқий режимини ёритиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, фермер хўжалигининг моддий ёки номоддий объектлари моҳияти, мазмуни ва улар ҳуқуқий режимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш нафақат илмий нуқтаи назардан, балки амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.

Бозор шароитида фермер хўжаликлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари сифатида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишнинг қарори билан белгиланган ихтисослашувга мувофиқ ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат хариди тартибида реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига

эга. Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, мустақил равишда нарх белгилайди.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар ва қондаларга риоя этиши шарт. Фермер хўжалиги етиштираётган маҳсулотни экспортга етказиб бериш, шунингдек чет эллик шериклар билан ҳисоб-китоб қилиш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Одатда, фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда ташкилотларининг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларининг, улар мансабдор шахслари ва фуқароларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) натижасида, шунингдек бундай органлар, ташкилотларининг, улар мансабдор шахсларининг фермер хўжалигига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари оқибатида фермер хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Умумий қоидага асосан, давлат фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича, фермер хўжалиги эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4-§. Фермер хўжалигини тугатиш асослари ва тартиби

Юридик шахс сифатида фермер хўжалигининг фаолияти қайта ташкил этилиши ва у тугатилиши мумкин. Қонунда фермер хўжалигини қайта ташкил этиш, тугатиш асослари ва тартиби белгиланган. Фуқаролик кодексининг 49-моддасида ҳамда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг

31- моддасида фермер хўжалигини юридик шахс сифатида қайта ташкил этиш тартиби белгиланган. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш кўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, қайта тузиш шаклларида амалга оширилади. Фуқаролик кодексининг 49- моддасига асосан, қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган органларнинг қарори билан ёхуд суд қарорига кўра амалга оширилади. Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилган давлат юридик шахси ваколатли давлат органининг қароридан белгиланган муддатда қайта ташкил этилаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини таъминлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Фермер хўжалигини кўшиб юбориш, кўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколати туман ҳокимининг розилиги билан амалга оширилади. Фермер хўжалигини кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб фермер хўжалиги қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Фермер хўжалиги унга бошқа фермер хўжалигини кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганда кўшиб олинган фермер хўжалигининг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайдан бошлаб бундай фермер хўжалиги қайта ташкил этилган ҳисобланади. Қонунчиликнинг ривожланиш амалиёти кўрсатишича, фермер хўжалигини тугатиш асосларида қисман

ўзгаришлар рўй берди. Улар фаолиятини тугатишнинг аввалги асослари сақланиб қолган ҳолда муайян янги асослар ҳам ўзининг ифодасини топди. Фермер хўжалигини тугатиш асосларини шартли равишда ўзининг моҳичтига кўра бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин, чунончи, фермер хўжалиги аъзоларининг ўз хоҳиши ёки ихтиёрийлиги ер участкаларидан фойдаланиш ва олиб қўйиш билан боғлиқлиги ва фермер хўжалигининг қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслиги оқибатида тугатилиши шулар жумласидандир.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунда ҳам жисмоний ва юридик шахс сифатида улар фаолиятини бекор қилиш асослари сақланиб қолинди. Агар фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тугатилса, улар аъзоларининг қарорини чиқариш талаб этилади. Башарти фермер хўжалигининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган тақдирда, у қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда суднинг ҳал қилув қарорига асосан тугатилади.

Юқоридаги шартга асосан фермер хўжалигини тугатишнинг моҳияти шундан иборатки, фақат бир ҳолатда, яъни объектив сабабга кўра, агар хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса, унинг фаолиятини тугатиш учун шу ҳолат асос бўлади.

Фермер хўжалигини тугатиш асосларининг асосий қисми ер участкасидан фойдаланиш, олиб қўйиш ва ерга оид қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқдир. Булар жумласига: ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиш; ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти бўлмаслиги; ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинмаган ҳосилдорлик меъёрий кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда; ернинг экологик ҳолати ёмонлашганда; ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда; фермер хўжалиги ер олган пайдан эътиборан бир йил мобайнида хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятига кирмаганлиги; шартнома шартлари бузилганлиги муносабати билан ерни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганлиги кабилар киради. Бундан ташқари, қонун талабларининг бузилиши шартли асосида фермер хўжалиги бан-

крот деб топилганда, ижара ҳақи белгиланган муддатларда муттасил тўланмай келинганда, фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол тарзда бузилганда улар фаолиятини тугатиш учун асос бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликлари ҳуқуқий ҳолатининг самарали нормалар асосида мустаҳкамланиб борилиши улар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун объектив шароит яратиб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

VI боб. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§. Деҳқон хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий табиати ва ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги вақтда республикамызда барча соҳаларда бозор муносабатлари амал қилаётган шароитда қишлоқ аҳолисининг ёрдамчи хўжалигидан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг турмуш даражасини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликларидан унумли фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Шу сабабдан, кейинги йилларда республикамызда фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга бағишланган бир қатор Президент Фармонлари қабул қилинди. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 мартдаги «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озик-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини кўрсатиш мумкин. Ушбу Фармонда фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликларини юритиш учун уларга ажратилиб бериладиган ер участкаларини суғориладиган ерлар ҳисобига кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 18 мартдаги Фармонига биноан, шахсий ёрдамчи хўжаликларга ажратиб берилган ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ажратиб берилган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланилаётган қишлоқ хўжалигидаги энг яхши товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш тариқасида уларга бериладиган ер майдонларини суғориладиган ерларда 0,25 гектардан 0,35 гектаргача ва лалми ерларда 0,5 гектардан 1 гектаргача кўпайтириш мумкинлиги тавсия этилди. Шу билан бирга Фармонда томорқа ер участкаларидан хўжасизларча фойдаланаётганлардан бу ерларни Ер кодекси талаблари асосида қайтариб олиш лозимлиги кўрсатилди.

Юқоридаги Фармонлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар ўтказилаётган ҳозирги даврда фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. «Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида кўлга киритилган энг муҳим натижа, - деб ёзади И.А.Каримов, – шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини амалда ер билан таъминлашдан иборат бўлди».¹

Одамларга ер берилиши чинакам инқилобий аҳамият касб этди, – деб давом этади И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида, – бу билан ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тугатилди.¹ Шахсий томорқа учун берилган ернинг умумий майдони деярли 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан зиёд одам ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда. Томорқа ерларининг ўртача ҳажми 0,2 гектардан ортиқ бўлиб, бу ер ресурслари чекланган бир шароитда жуда катта бойликдир. Шахсий хонадонларда жами қорамолларнинг 40 фоизи, қўй ва эчкиларнинг ярми боқилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида бу хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши 30 фоиздан 44 фоизга етди. Уларда 1994 йил якунларига кўра жами сутнинг 76 фоизи, картошканинг 56 фоизи, сабзавотнинг 63 фоизи ва меванинг 60 фоизи етиштирилмоқда.²

Ушбу мисоллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўп жиҳатдан фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига кўпайтириш мумкин. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш шундан далолат бераптики, бутун етиштирилган сабзавот, поллиз, гўштнинг ярмидан кўпи ва сутнинг учдан икки қисми ёрдамчи хўжаликларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда, яъни уларнинг давлат озиқ-овқат фондини тўлдиришга қўшаётган ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 65-66 бетлар.

² Ўша ерда. 66-67 бетлар.

Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликларига ердан борган сари самаралироқ фойдаланилмоқда ва ҳозирги пайтда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш жамоа секторига нисбатан 3-4 барабар кўпроқ бўлмоқда.

Бундан ташқари, ёрдамчи хўжаликнинг қишлоқ меҳнатқашларини, айниқса ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги, уларда ерга эгалик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти ҳам каттадир. Буларнинг барчаси пенсионерлар ва серфарзанд оилалар меҳнатидан фойдаланиш, ижтимоий тангликни бартараф этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Социалистик ишлаб чиқариш усули» даврида асосий эътибор жамоа ишлаб чиқаришига қаратилиб, фуқароларнинг ёрдамчи хўжалик юриштишларига иккинчи даражали нарса сифатида қараб келинди. Фуқаролар томонидан ёрдамчи хўжалик фаолиятини амалга ошириш социализм мезонларига хос ҳисобланмайдиган хусусий мулкчиликни келтириб чиқарувчи, кишини киши томонидан эксплуатация қилишга олиб келувчи омил деб ҳисобланди.

Бу гоё ва қарашларнинг натижаси ўлароқ фуқароларнинг мол-мулкдан бегоналашуви рўй берди. Улар эгалигида бўладиган мол-мулкларнинг сони ва миқдори ўта даражада чеклаб қўйилди. Фуқаролар оиласи ва вояга етмаган фарзандлари билан биргаликда фақат битта уй-жойга, битта автотранспортга, бир бош қорамол, ўн бош қўй-эчкилар, томорқа хўжалиги юритиш учун оддий ишлаб чиқариш қурол – аслаҳаларига эга бўлишлари мумкин эди. Бошқа мол-мулкларга эга бўлиш қонун билан чеклаб қўйилган эди. Фуқароларга тадбиркорлик, ишбилармонлик, ташаббускорликка имконият яратилмаган бўлиб, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи цехлар очиши, боғлар барпо этиши, чорвачилик фермаларини ташкил этиши мумкин эмас эди. Шундай тадбиркорликни амалга оширган кишиларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласи ҳам белгиланган эди.

Бу каби салбий ҳолатларнинг натижасида фуқароларда ишлаб чиқаришга нисбатан совуққонлик, лоқайдлик аломатлари ҳукм суриб, уларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига олиб келди. Шунинг учун, ҳозирги вақтда мамла-

катимиз қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг турли хил шакллари кенг жорий қилиш ва ривожлантиришга, тармоқда чуқур иқтисодий ислохотларни амалга оширишга катта аҳамият қаратилмоқда. Хўжалик юритиш ва мулкдан самарали фойдаланишнинг ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, кишиларда тадбиркорликка кенг имконият очишнинг, меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдорликни рўёбга чиқаришнинг асосий воситаларидан бири бошқа хўжалик юритиш шакллари билан бир қаторда ёрдамчи хўжаликни (деҳқон хўжалигини) ҳам ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир. Фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликни ривожлантириши ер участкаларидан ҳамда бошқа мол-мулклардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ташаббускорликни ривожлантириш, меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш каби хусусиятларни шакллантиради. Бугунги кунда фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликларига деҳқон хўжалиги мақоми берилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Деҳқон хўжаликларининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, деҳқон хўжалигини юритиш оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади; иккинчидан, деҳқон хўжалигидаги ишлаб чиқариш хусусий ва шахсий мулкчиликка асосланади; учинчидан, деҳқон хўжалигига ажратиб берилган ер участкаларига нисбатан давлат мулкчилиги сақланиб қолинади; тўртинчидан, деҳқон хўжаликлари қишлоқ аҳолисининг даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

2-§. Деҳқон хўжалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби

Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқий мақоми 1998 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни билан белгиланади. Бундан ташқари, унинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, мулкчилик, тадбиркорлик тўғрисидаги ва бошқа қонунлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасига асосан деҳқон хўжалиги – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалиги ҳуқуқий мақомининг характерли хусусиятларидан бири шундан иборатки, бундай хўжаликдаги фаолият тadbиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилади. Қонунда кўрсатилишича, деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради. Деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бири ҳисобланади. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганида у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, деҳқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи унинг номидан ишончномасиз иш кўриш, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, ишончномалар бериш ва ҳисоб-варақлар очиш ҳуқуқларига эга. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи деҳқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг манфаатлари ҳимоя қилиниши ва ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаши шарт, ўз навбатида деҳқон хўжалиги аъзолари хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига кўра биргаликда ёки якка тартибда фойдаланадиган даро-

мадан ўз улушини олиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий сугуртасидан ўтказилиш ва ижтимоий таъминланиш, шунингдек товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб берилган тақдирда меҳнат стажига киритилиш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқий мақомини ёритишда уни ташкил этиш тартибининг ўзига хос хусусиятга эга эканлиги намоён бўлади. Қоидага кўра, деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлигининг туман ҳокимига, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчисига (маъмуриятига) ёзма мурожаатига асосан ташкил этилади. Энг аввало, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиш муҳокамасига киритади, йиғилиш бу ҳусудда тегишли қарор қабул қилади. Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарори асосида ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг ҳулосасини инobatга олган ҳолда деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Деҳқон хўжалигининг бошлигини давлат рўйхатига олиш деҳқон хўжалиги бошлигининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади. Деҳқон хўжалиги бошлиғига Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда белгиланган намунадаги давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Агар давлат рўйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи асоссиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рад этилган бўлса, хўжалик бошлиғи судга мурожаат қилиши мумкин. Кўрғон, қиш-

лок ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир деҳқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни кайд этиб қўяди.

3-§. Деҳқон хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи

Деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақомини очиб беришда уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида тўхталиб ўтиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Деҳқон хўжаликларига ер беришни ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти жуда каттадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 7- моддасига кўра, томорқа ер участкаси – қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир. Томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

Деҳқон хўжаликларига ер участкалари мерос қилиб, умрбод эгалик қилиш учун берилди. Қишлоқ жойларда яшовчи фуқароларга суғориладиган ерлардан 0,35 гектаргача, суғорилмайдиган ерлардан 0,5 гектаргача ер участкалари берилди. Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин. Янги ташкил этилаётган деҳқон хўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш

ҳуқуқидан мазкур жойда камида уч йил мобайнида доимий яшаб келган шахслар фойдаланадилар.

Деҳқон ҳўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари хусусийлаштирилиш ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Қонунда кўрсатилган ҳолларда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Деҳқон ҳўжалигига берилган томорқа ер участкасининг ўлчами ва чегаралари деҳқон ҳўжалиги бошлиғи розилиги билангина ўзгартирилиши мумкин. Деҳқон ҳўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу ҳўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, деҳқон ҳўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган ҳўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Деҳқон ҳўжалиги бошлиғи меҳнат қобилятини тўла йўқотган тақдирда, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳўжалик аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

4-§. Деҳқон ҳўжалиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш

Деҳқон ҳўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида ўзига берилган томорқа ер участкасида деҳқон ҳўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш; етиштирилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш; етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш; харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш; тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш ва ўз мол -мулкани, шунингдек томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш

ҳуқуқини, шу жумладан кимошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қўйиш ҳуқуқига эгадир.

Шу билан биргаликда деҳқон хўжалиги муайян мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Булар жумласига: томорқа ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш; ерга табиий объект сифатида зарар етказмаслик; томорқа ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш; янги берилган томорқа ер участкасидан; агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлмаса, бир йил ичида белгиланган режим талабларига, сақлаш вазифаси ва сервитутга риоя этиш; деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари бўйича тўла жавобгар бўлиш; хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш кабилар кирди. Деҳқон хўжаликлари ўзларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, муайян мол-мулкларга эгадир. Қонунга асосан, деҳқон хўжалиги ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуналар ва ашё анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек бошқа мол-мулкларга; ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга; олинган даромадга (фойдага); қонунда тақиқланган асосларда эга бўлинмаган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Деҳқон хўжалиги мулкнинг ҳуқуқий режими моҳияти шундан иборатки, уларга қарашли мол- мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Мулкдорнинг ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида тегишли бўлади. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига унинг аъзолари келишув асосида эгалик қиладилар, ундан фойдалана-

дилар ва уни тасарруф этадилар. Деҳқон хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, кўпайтириш, сотиб олиш, уни ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида шартномалар тузиш ҳуқуқига эга. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва тақлиф нисбатидан келиб чиқиб, мустақил равишда баҳо белгилайди. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган ва реализация қилаётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Деҳқон хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди. Давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг улар мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (қарорлари) натижасида, шунингдек бундай органлар, ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларнинг деҳқон хўжаликларига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари оқибатида деҳқон хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Деҳқон хўжалиги ўз мажбуриятларига мол-мулки билан жавоб беради. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мол-мулки олиб қўйилиши мумкин. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 30- моддасида ифодаланганидек, деҳқон хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундирилиш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк билан жавоб беради. Давлат деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича, деҳқон хўжалиги эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

5-§. Деҳқон хўжалигини тугатиш асослари ва тартиби

Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида фикр юритганда унинг тугатилиши ёки фаолиятининг тўхтатилишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Улар фаолияти бекор қилинишининг характерли хусусияти шундан иборатки, биринчидан, деҳқон хўжаликлари юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тузилган бўлса, фаолиятини тўхтатиш, агар юридик шахс ташкил қилиб фаолият юритаётган бўлса, улар хўжалик фаолиятини тугатиш сифатида эътироф этиш лозим. Бундай ҳолда юридик шахс фаолиятини тугатишга нисбатан Фуқаролик кодексининг 53-55-моддалари қоидалари қўлланилади. Бу ўринда шунини таъкидлаш лозимки, деҳқон хўжаликлари фаолиятини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)нинг асосий фаркли жиҳати шундаки, у ҳам бўлса бундай қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тадбиркорлик тузилмалари ташкилий-ҳуқуқий шаклларда (юридик шахсни ташкил қилмасдан ёки юридик шахсни ташкил қилган ҳолда) фаолиятини амалга оширишга чамбарчас боғлиқдир. Деҳқон хўжалиги қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан қатъи назар, биринчидан, хўжалик фаолиятини давом эттириш истаги бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса; иккинчидан, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда; учинчидан, томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда; тўртинчидан, белгиланган солиқлар муттасил тўланмай келинганда; бешинчидан, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, янги берилган томорқа ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришмаган тақдирда ва ниҳоят, деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда, уларнинг тугатилиши (фаолияти тўхтатилиши) учун асос бўлади.

Деҳқон хўжалиги асосан икки хилда: деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг ҳал қилув қарорига асосан тугатилади (фаолияти тўхтатилади).

Деҳқон хўжалиги юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда якка тадбиркорлик фаолиятини юритса, Фуқаролик кодексининг 26-моддасига кўра ночор (банкрот) деб ҳисобланиши лозим. Чунончи, якка тадбиркор кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин. Якка тадбиркорнинг суд томонидан банкрот деб топилиши ёки унинг ўзини ўзи банкрот деб расмий равишда эълон қилиши 1998 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган асослар ва тартибга мувофиқ амалга оширилади. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 57-моддасига кўра, юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши тугатилишга олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунида жисмоний шахснинг банкротлиги ҳақида махсус нормалар алоҳида бобда ўз ифодасини топди.

Хўжалик судига жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қарздор жисмоний шахс, кредитор, прокурор, шунингдек солиқ ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин.

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётган пайтда ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги, шунингдек шахсий йўсиндаги бошқа талабларни қўяётган кредитор ўз талабларини қўйишга ҳақлидир.

Хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда жисмоний шахснинг мол-мулкани хатлаб қўяди. Жисмоний шахснинг аризасига биноан хўжалик суди жисмоний шахс кредиторлари билан ҳисоб-китоб қилиши ёки келишув битимига эришиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишни узоғи билан бир ой муддатга кечиктириши мумкин.

Хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан бошлаб унинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотади, шунингдек фаолиятнинг айрим тур-

лари билан шуғулланиш учун унга берилган лицензия бекор қилинади.

Банкрот деб топилган жисмоний шахс унинг банкротлиги эътироф этилган кундан эътиборан бир йил ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинishi мумкин эмас. Банкрот деб топилган жисмоний шахс кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кредиторларнинг жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга оширилади билдирилган талабларини келгусида бажаришдан озод этилади.

VII боб. ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§. Дехқонлар ҳуқуқий мақомининг умумий тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Аграр давлат ҳисобланган Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тадбиркорлик, ташаббускорликни ҳар томонлама ривожлантиришга катта имкониятлар яратилиб, дехқонларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга катта эътибор берилляпти, уларга эркин хўжалик юритиш, етиштирилган маҳсулотларни мустақил айирбошлаш, меҳнатнинг охириги натижаларидан манфаатдорлик ҳуқуқи каби имкониятлар яратилди. Дехқонларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган муҳим қонунлар қабул қилинди.

Дехқонларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида фикр юритишдан олдин, кимлар дехқон бўлиши мумкинлиги, яъни ушбу субъект доирасига кимларни киритиш мумкинлигини аниқлаш муҳимдир. Дехқонлар тоифасига қуйидагилар киради: биринчидан, давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчилари; иккинчидан, ширкат хўжалиги аъзолари; учинчидан, хўжаликлараро ташкилотларнинг ходимлари; тўртинчидан, агросаноат бирлашмаларининг ходимлари; бешинчидан, фермер хўжаликларнинг аъзолари; олтинчидан, ижара жамоаларининг аъзолари ёки якка тартибдаги ижарачилар ва ниҳоят еттинчидан, дехқон хўжалиги аъзолари.

“Дехқон» тушунчаси «қишлоқ хўжалик корхоналарининг ходимлари» тушунчасига қараганда анча тор тушунча бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, дехқон деганда биз бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчини тушунамиз. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ходимлари доирасига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бевосита шуғулланувчи дехқондан ташқари, бошқа ходимлар, яъни иқтисодчилар, бухгалтерлар ҳам киритилади.

Дехқонлар билан қишлоқ хўжалик корхоналарининг бошқа ходимлари ҳуқуқий мақомида бир қатор фарқлар бўлиб,

улар ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил қилиш, иш вақти, дам олиш вақти, иш хақи каби масалаларда бир хил ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлмайдилар.

Дехқонлар ҳуқуқий мақоми мезонлари бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари (бурчлари) ва қонуний манфаатлари ҳисобланади. Дехқонларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер кодекси, «Ижара тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар, Фуқаролик кодекси умумий асослар родини ўйнайди.

Умумий асослардан ташқари, давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ишчиларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонуни, Меҳнат кодекси, ички меҳнат тартиби қоидалари билан, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни, Ширкат хўжалигининг намунавий устави, ширкат хўжалиги ички меҳнат тартиби қоидалари билан, деҳқон хўжалиги аъзосининг ҳуқуқий мақоми «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун билан, ижарачи деҳқонларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни билан белгиланади. Ушбу умумасосий қонунлар ва махсус меъёрий ҳужжатларда деҳқонлар ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатлари, деҳқонларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий, ижтимоий ҳуқуқий мақомлари ҳамда уларнинг асосий мақомий мажбуриятлари ўрнатилган бўлади.

Ўзбекистон Конституциясида белгиланган фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари деҳқонлар ҳуқуқий мақомининг ҳам умумижтимоий асосини ташкил этади. Конституциянинг 2-бўлимида ўз ифодасини топган фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий – иқтисодий, шахсий ҳуқуқлари ва уларнинг бурчлари деҳқонлар ҳуқуқий мақомини белгилашда асосий роль ўйнайди. Конституцияда белгиланган «Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи» (25-модда), «Турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқи» (27- модда), «Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи» (29-модда), «Жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали

иштирок этиш ҳуқуқи» (32- модда), «Ҳар бир шахс мулкдор бўлиши ҳуқуқи» (36-модда), «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи» (37-модда), «Дам олиш ҳуқуқи» (38-модда), «Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи» (39-модда) кабилар деҳқонлар ҳаёт, фаолиятига ҳам тааллуқли бўлган ҳуқуқлардир.

Деҳқонлар ҳуқуқий мақоми мазмунининг катта қисми тармоқ қонунчилик нормаларида ўз ифодасини топган. Деҳқонларнинг тармоқ қонунчилиги билан мустаҳкамлаб қўйилган ягона ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатлари конституциявий қоидалар сингари улар ҳуқуқий мақомини асосини ташкил этади.

Деҳқонларнинг тармоқ қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларига уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, аёллар ва ёшларга имтиёз, уларни тунги ишларга жалб қилмаслик, уларни қисқартирилган иш вақти билан таъминлаш каби ҳуқуқлар, меҳнат нормаларини бажариш, маъмурият топшириқларини бажариш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича талабларга риоя этиш, корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш каби уларнинг мажбуриятлари ташкил этади.

Деҳқонларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи учинчи йўналишдаги қоидалар касбий-тармоқ ҳуқуқларини белгиловчи қонунчиликдир. Бу меъёрий ҳужжатларда қишлоқ хўжалигидаги меҳнат шароитларининг хусусиятлари акс эттирилади. Демак, касбий-тармоқ ҳуқуқлари, бурчлари ва манфаатлари деҳқонлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди.

Деҳқонлар ҳуқуқий мақомидаги асосий белгилардан бири уларнинг ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишлиги ҳисобланади. Шунини айтиш керакки, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган фуқароларгина деҳқон ҳуқуқий мақомига эга бўлишлари мумкин, ҳуқуқли ва бурчли бўлиш имкониятига эга бўлган шахсларгина ҳуқуқий мақом олишлари мумкин. Ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлик-ҳуқуққа эга бўлиш эмас, балки унинг заминидир. У фуқароларни ҳуқуқий мақомга эга бўлиш учун қобилиятли ёки қобилиятсиз деб табақалаштиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашиш учун деҳқон ишга лаёқат-

ли, ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳуқуққа эга бўлиши, ўзи учун бурч (вазифалар)ни вужудга келтириши лозим.

Дехқонларнинг тўла муомала лаёқати улар балоғат ёшига етиши билан вужудга келади. Дехқонлар 18 ёшга етгунга қадар қисман (тўла бўлмаган) муомала лаёқатига эга бўлган субъект ҳисобланади.

2-§. Ширкат хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати

Бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳада қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ишлаб чиқариш билан шугулланиши ўзининг алоҳида аҳамияти ва хусусиятига эга. Қишлоқ хўжалиги тизимига ширкат хўжалигининг кириб келиши ширкат хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолатини янги давр талаби даражасида ёритиш лозимлигини кўрсатди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати амалдаги қонун¹ ва намунавий устав² билан тартибга солинади. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)га аъзо бўлиб кириш унинг барча ҳуқуқий ҳолатларини юқорида номи зикр этилган ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш ва муҳофаза қилишга асос бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзо бўлиб кириш ва унга аъзолик масаласи мазкур қонуннинг 7- моддасида ўз ифодасини топган.

Унга кўра, ёши 16 га тўлган, кооператив (ширкат) уставини тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи, кооператив (ширкат) фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг аъзоси бўлиши мумкин.

¹ Қаранг: *Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонуни.*

² Қаранг: *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сон қарорига биноан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) нинг намунавий уставини».*

Юридик шахслар ҳам қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) жамоа аъзолари бўлишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзо бўлиб кириш берилган ариза асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг (раисининг) кооперативга (ширкатга) қабул қилиш тўғрисидаги қарори кооперативнинг (ширкатнинг) умумий йиғилишида ариза берган шахснинг иштирокида тасдиқланиши лозим.

Қонунчиликда, қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзолик ундан вақтинча чиқиб кетган шахслар учун қуйидаги ҳолларда сақланиб қолади:

- ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда;
- давлат ва жамоа органларида сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганда;
- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирганда;
- бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), хўжаликлараро ва бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан белгиланган муддатга ишга йўлланганда.

- қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) аъзолари қариллик ёки ногиронлик бўйича ишни тўхтатса, унинг умумий йиғилиш қарори билан белгиланган асос ва шартларда ўзларининг кооперативига (ширкатга) аъзоликларини сақлаб қоладилар (7-модда).

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, уларни амалга ошириш ҳамда муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга.

Ушбу масала мазкур қонуннинг 8- моддасида батафсил кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кооператив (ширкат) ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- кооперативнинг (ширкатнинг) бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

- кооператив (ширкат) хизматларидан фойдаланиш;
- ўз меҳнати натижаларига мувофиқ даромадлар олиш;
- мулкый пайга мувофиқ дивидендлар олиш.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари уставга риоя этишлари, кооперативнинг (ширкатнинг) умумий йиғилиши ва бошқаруви қарорларини бажаришлари шарт.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ширкат хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг Намунавий уставига асосан кенгрок, батафсил, аниқроқ кўрсатилган. Демак, юқорида таъкидланган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан бошқа қуйидагиларга ҳам эътибор берилган.

Намунавий уставнинг VI бўлими, 34- бандига асосан:

- ширкат хўжалиги фаолияти тўғрисида маълумот олиш, унинг ҳужжатлари билан танишиш;
- ширкат хўжалиги тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қоладиган мол-мулкдан ўз улушини ёки унинг қийматини олиш;
- ширкат хўжалигининг маҳсулот ва хизматларидан биринчи навбатда фойдаланиш;
- ширкат хўжалиги аъзолигидан ўз хоҳишига кўра чиқиш, ўзининг мулкый пайини қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав асосида мерос қилиб қолдириш.

Шунингдек, ширкат хўжалиги аъзоларининг қуйидаги аниқ мажбуриятлари мавжуд.

- қонун ҳужжатлари, ширкат хўжалигининг таъсис ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, унинг бошқарув органлари қарорларини бажариш;
- ширкат хўжалиги фаолиятига тааллуқли, сир тутилдиган тижоратга оид ва бошқа ахборотларни ошкор қилмаслик;
- ширкат хўжалиги мол-мулкни сақлаш, ишлаб чиқариш воситаларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;
- ширкат хўжалигида виждонан меҳнат қилиш, ўз иш натижалари учун жавоб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, меҳнатни ва табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш(35-банд).

Ширкат хўжалиги аъзолари булардан ташқари ер-сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишлари, ветеринария, санитария қоидаларига қаттиқ риоя қилишлари, ер

кадастри талаблари ва қоидаларини амалга оширишлари, солиқларни ўз вақтида тўлашлари, шахсий хўжалик юриштишлари ҳамда ижтимоий-маданий ишларни ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиши, қабул қилинган барча қонунларни хурмат қилишлари ва бажаришлари, агарда ширкат хўжалиги аъзосининг айби билан унинг фаолияти ва мулкига зарар етказилса, ушбу зарарни тўлаши (қоплаши) лозим.

Шу билан бирга улар давлатимиз манфаатига зид келадиган шартномалар тузмасликлари керак.

Ширкат хўжалиги ўз аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ва оила (жамоа) пудрати шартномасига мувофиқ мустақил равишда белгилайди (37-банд).

Ширкат хўжалиги аъзоларининг пай жамғармасидаги мулкий пайлари миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) пай жамғармасини шакллантириш, мулкий пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга³ биноан белгиланади.

Пай жамғармаси ва унга мувофиқ ширкат хўжалиги аъзолари мулкий пайларининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) умумий йиғилиш қарори билан амалга оширилади (40-пункт).

Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкий пайи номи ёзилган гувоҳнома билан расмийлаштирилиб, рўйхатга олиш рақамига эга бўлади ва у қимматли қоғозлар тоифасига кирмайди.

Низомга асосан ҳар бир аъзо учун ширкат хўжалиги молия-ҳисоб-китоб марказида шахсий ҳисобварақ очилади ва унда бошланғич мулкий пайи, қўшимча пай бадаллари, мулкий пайнинг йиллик ўсиш суммаси, шунингдек тўланган дивидендлар акс эттириб борилади. Барча аъзоларнинг шахсий ҳисобварақларидаги мулкий пайларнинг йиғиндиси

³ Қаранг: Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да пай жамғармасини шакллантириш, мулкий пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисида. 1998 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 299-сон қарорига асосан қабул қилинган Низом.

ширкат хўжалигининг пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши керак (42-банд).

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқида ширкат хўжалигига аъзоликнинг тугатилишида ҳуқуқий ҳолатнинг кўрсатилиши катта аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонуннинг 9- моддаси ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) Намунавий уставининг 38-бандида кўрсатилишича:

ширкат хўжалигига аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- ширкат хўжалиги аъзолигидан ихтиёрий равишда чиқилганда;
- ширкат хўжалиги фаолиятида меҳнат билан иштирок этиш тугатилганда;
- ширкат хўжалиги аъзолигидан унинг уставида белгиланган ҳолларда ва тартибда чиқарилганда;
- бошқарувнинг (раиснинг) ширкат хўжалигига қабул қилиш тўғрисидаги қарори умумий йиғилишда тасдиқланмаганда ;
- ширкат хўжалиги хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига ўзгартирилиб, қайта ташкил этилганда ёки ширкат хўжалиги тугатилганда.

Ширкат хўжалиги аъзоси аъзоликдан чиқиш тўғрисида ширкат хўжалиги бошқарувини икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши зарур.

Ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқишда меҳнат дафтарчасини расмийлаштириш, йил якуни бўйича дивидендлар олиш тартиби ширкат хўжалиги уставида назарда тутилади.

Ширкат хўжалиги аъзосининг аризасига мувофиқ ширкат бошқаруви аъзоликдан чиқариш тўғрисида қарор чиқарилади ва уни умумий мажлис тасдиғига киритади.

Ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқариш устидан суд тартибида ҳам шикоят қилиш мумкин.

3-§. Фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш ва қонун билан тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

Фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолатлари Ўзбекистон Республикасида махсус қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун⁴ билан тартибга солинади.

Фермер хўжалиги аъзолари жумласига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа шахслар киради.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар фермер хўжалиги аъзоси ҳисобланмайди (3-модда).

Шуниси эътиборлики, амалдаги қонун талабларига асосан, қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хўжалиги юритиш истагида бўлган аъзолари кооператив (ширкат) уставига биноан ўзларига тегишли мулккий пай қийматини ҳамда даромадан (фойдадан) миқдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнат иштирокини инobatга олган ҳолда аниқланадиган улушни олишга ҳақлидир.

Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг қарорига биноан шу кооператив (ширкат) ерлари таркибидан ушбу қонуннинг 10- моддасида белгиланган тартибда узоқ муддатли ижарага ер участкаси олиш ҳуқуқига эга.

Бунда ер участкасини узоқ муддатли ижарага ажратиш қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) унинг фаолият кўрсатиш учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) собиқ аъзоси томонидан ташкил этилган фермер хўжалигини рўйхатдан ўтказиш «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 7- моддасида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, фермер хўжалиги аъзосининг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш, уларнинг бевосита, қонуний асосдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ.

⁴ Қаранг. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил 6 июн.*

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 3- боб, 18- моддасида фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган.

Шунингдек, фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, «Фермер хўжалигининг намунавий устави»да⁵ ҳам батафсил кўрсатилган.

Намунавий уставнинг 3-бўлим, 14- бандида фермер хўжалиги аъзоларининг асосий ҳуқуқлари ёритилган:

- хўжалик аъзолари ўртасидаги шартномага боғлиқ тарзда биргаликда ёки яқка тартибда фойдаланадиган даромаддан (фойдадан) ўз улушини олиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртаси ва ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиги аъзолари:

- фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши;

- белгиланган меҳнат тартибига бўйсунитиши шарт

Кўрсатилган ушбу ҳуқуқлардан ташқари фермер хўжалиги уставида фермер хўжалиги аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Фермер хўжалиги аъзолари яна қуйидаги қўшимча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

- фермер хўжалиги даромадларидан ўзбошимчалик билан ўз улушларини олишлари мумкин эмас;

- ҳар бир аъзо фойдали, сифатли ва самарали меҳнат қилишлари лозим;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилишлари;

- ўзларига берилган ер участкаларидан оқилона, унумли фойдаланишга ёрдам беришлари;

- агротехника қоидаларига амал қилишлари шарт;

- шунингдек улар хавфсиз меҳнат шароитларида ишлашни фермер бошлиғидан талаб қилишлари ҳам мақсадга мувофиқдир.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сон қарорига асосан тасдиқланган «Фермер хўжалигининг намунавий устави».

Фермер хўжалигининг бошлиғи унинг асосий аъзоларидан бири бўлиб, фермер хўжалиғи аъзоларининг ишларини бошқаради ва бошқа масалаларни ҳал этади.

Шунинг учун ҳам, Фермер хўжалигининг намунавий устави V бўлим, 17-бандига асосан, фермер хўжалигининг ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалиғида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган муомалага лаёқатли аъзоларидан бири фермер хўжалигининг бошлиғи бўлиши мумкин.

Фермер хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганида, у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига ёки юқорида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган бошқа ҳар қандай шахсга (шартнома асосида) беришга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг бошлиғи, шу фермер номидан иш кўриши, битим, шартномалар тузиши, шартнома асосида ишга ёллаши, бошқа аъзолар ўртасида тегишли вазифаларни тақсимлаши, иш вақтини ва уни муддатини, иш ҳақини белгилаши, моддий рағбатлантириши ва меҳнат интизоми бузилганда интизомий жазолар белгилаши мумкин.

Хуллас, фермер хўжалиғи аъзолари ўз фаолиятларида қабул қилинган барча аграр ва экологик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларини тўла амалга оширишлари ҳамда ҳурмат қилишлари лозим. Улар мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишлари билан бирга, озиқ-овқат масаласини ҳал қилишда, аграр қонунларининг бажарилишини таъминлашда ўзларининг фидокорона меҳнатларини аямасликлари шарт.

4-§. Дехқон хўжалиғи аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати

Дехқон хўжалиғи аъзоларининг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш катта аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик тизимида иқтисодий ислохотларни амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Дехқон хўжалиғи аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Дехқон хўжалиғи тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади.

Деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради (3-модда). Қонун:

- деҳқон хўжалиги аъзоларининг ўзаро бирлиги, яъни уларнинг оилавий майда -товар хўжалик асосида бўлиши;

- деҳқон хўжалиги фаолиятида бевосита оила аъзоларининг шахсий меҳнати билан қатнашиши;

- оила бошлиғига умрбод эгалик қилиш учун берилган томорқа ерига эгалиги;

- берилган ва мавжуд томорқа ерида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши;

- деҳқон хўжалиги аъзолари томонидан етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишлари деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати хусусиятларини характерлайди.

Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш уларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида таъкидлашни талаб этади.

Мазкур қонуннинг 14-моддасига асосан, деҳқон хўжалиги аъзоларининг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд.

Деҳқон хўжалиги аъзолари:

- хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига кўра биргаликда ёки яқка тартибда фойдаланиладиган даромаддан ўз улушини олиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши ва ижтимоий таъминланиш, шунингдек товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб берилган тақдирда меҳнат стажига киритилиш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Деҳқон хўжалиги аъзолари ўзбошимчалик билан, бошлиқнинг розилигисиз ёки аъзоларга ваколат берилмаганда қонунсиз хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин эмас.

Уларнинг ўзбошимчалик билан:

- юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузишлари;

- ишончномалар беришлари;

- деҳқон хўжалиги номидан ишончномасиз иш кўришлари;

- банкда ҳисобварақлари очишлари ва ундан фойдаланишлари тақиқланади.

Ана шундай ҳуқуқ ва мажбуриятларни фақат деҳқон хўжалиги бошлиғигина амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Деҳқон хўжалиги аъзолари ўз ҳуқуқ доираларида оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бирини деҳқон хўжалиги бошлиғи сифатида тавсия қиладилар.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганда, у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, деҳқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида муомалага лаёқатли бўлган ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир.

Умуман олганда деҳқон хўжалиги аъзолари ҳар қандай шароитда, Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳурмат қилган ҳолда унинг барча талабларига жавоб беришлари, амалга оширишлари шарт, уларнинг ўз фаолиятида қонунларимизда тақиқланган ҳар қандай қишлоқ хўжалик (ёки бошқа) экинларини экишлари ҳамда уни реализация қилишларига йўл қўйилмайди.

Деҳқон хўжалиги аъзолари ўз меҳнат фаолиятларида берилган ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланишлари, қўшни ерларига зарар етказмасликлари, ер участкасини асрашлари, унинг унумдорлигини оширишлари, агротехника талабларига тўла риоя қилишлари, хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашлари лозим.

5-§. Қишлоқ хўжалигида ижарачи деҳқонларнинг ҳуқуқий мақоми

Ҳозирги вақтда республикамизда хўжалик юритиш ва мулкдан самарали фойдаланишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, кишиларда тадбиркорликка

кенг йўл очишнинг, эркин ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни айирбошлашнинг, меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдорликни рўёбга чиқаришнинг асосий воситаларидан бири сифатида якка тартибдаги ижара муносабатларини кенг жорий қилиш ва ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Якка тартибдаги ижара кишиларда мол-мулкдан оқилона ва самарали фойдаланиш, ташаббускорликни ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнатга ижобий муносабатда бўлиш каби хусусиятларни шакллантиради.

Ҳозирги вақтда республикамиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ижара жамоалари билан бир қаторда якка тартибдаги ижарачилар ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Бунинг асосий заруриятларидан бири, юқорида айтилганлардан ташқари, шундан иборатки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос шундай хусусиятлари борки, улар жамоа бўлиб эмас, балки якка тартибда хўжалик юритишни талаб этади. Чунончи, кичик чорвачилик фермалари, қайта ишлаш цехлари, дурадгорлик, ҳунармандчилик устахоналари, ёғ ишлаб чиқарувчи жувозхоналар, боғлар, полиз майдонлари ва шу кабиларни якка шахснинг ижарага олиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тизимида ижарачи фуқаролар мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида энди вужудга келмоқда, шунинг учун уларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги масалалар ҳали махсус адабиётларда етарли даражада ўрганилмаган. Шу билан биргаликда таъкидлаш ўринлики, ижарачи фуқаролар ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи қонунлар ҳам ҳали етарли тарзда ишлаб чиқилмаган. Ижара муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ижарачи фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларини кафолатлашда амалиёт талабларидан анча орқада қолиб кетган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг III бўлими мулкнинг фуқаролар томонидан ижарага олинишига бағишланган бўлиб, фақатгина иккита моддадан иборат. Бу моддаларда ижарачи фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатларини тартибга солувчи қоидалар умуман ўз ифодасини топмаган. Бу эса ама-

лиётда ижара муносабатларини кенг жорий этиш ва ривожлантиришга ўта салбий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Шунга қарамасдан таъкидлаш лозимки, ижарачи фуқароларнинг ваколатларини тартибга солишда ҳозирда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари муҳим аҳамиятга эга. Булар жумласида Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунларини кўрсатиш мумкин. Санаб кўрсатилган қонунларда фуқаролар якка тартибдаги ижарачилар сифатида ҳаракат қилишлари мумкинлиги белгиланган.

Фуқаролар якка тартибдаги ижарачи ҳуқуқига эга бўлиш учун даставвал ижарага олинаётган мол-мулк эгаси номига ариза билан мурожаат этишлари лозим. Маълумки, қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларининг вужудга келиши ердан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун якка тартибда ижарачи ҳуқуқига эга бўлиш истагини билдирган фуқаролар ер участкаларини ижарага олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг талабларига биноан тегишли ўзини ўзи бошқариш органи орқали туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилишлари лозим. Мол-мулкни ёки ер участкаларини ижарага олиш сўраб берилган ариза ижарага берувчи томонидан бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши керак.

Мол-мулк ёки ер участкаларини ижарага олиш тўғрисидаги ариза ижобий ҳал этилиб, ижарага берувчи билан ижарачи ўртасида ижара шартномаси имзоланганидан сўнг ижарачи фуқаро мустақил хўжалик фаолиятини амалга оширувчи субъект мақомига эга бўлади. Шунини айтиш керакки, ижара шартномаси бўйича олган мажбуриятларини бажариш доирасидан ташқарида ижарачи-фуқаро ўз хўжалик фаолиятида батомом эркиндир, яъни у қишлоқ хўжалик экин турларини ёхуд фаолият турини белгилашда тамомила эркиндир. Бу мустақиллик ва эркинлик улар ҳуқуқий мақомидаги энг асосий белгиларидан бири ҳисобланиди.

Ижарачи фуқаролар ҳуқуқий мақомидаги навбатдаги асосий белгилардан бири уларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мустақил ва эркин айирбошлаш ҳуқуқига эга экан-

ликларидир. Ижарачи фуқаролар қонунга биноан ўзлари мустақил равишда давлат буюртмаларини қабул қилиб, етиштирилган маҳсулотларни унга сотиши ёхуд бошқа корхона, муассаса, ташкилотлар билан шартнома тузиб уларга сотишлари ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунига кўра, ижарачилар ишлаб чиқарилган маҳсулотларини хорижий давлатларга ҳам чиқариб сотишлари мумкин.

Навбатдаги асосий ваколатлардан бири ижарачиларнинг ижарага олинган ер участкаларида ижарага берувчи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга мўлжалланган зарурий иншоотларни қуриш ҳуқуқидир. Ижарачи фуқаролар томонидан ижарага олинган ер участкаларида ўз ҳисобларидан қурган бино ва қурилмалар уларнинг мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисидаги»ги қонунига кўра, ижара муддати тугагач ижарачининг маблағлари ҳисобига қурилган, бошқа жойга қуриш мумкин бўлмаган бинолар ва иншоотлар ижарага берувчига тегишли бўлади (9-модда). Ижарачи эса уларнинг қийматини ижарага берувчидан қайтариб олишга ҳақлидир.

Моддий-техника таъминоти, транспорт, ремонт ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланиш учун ижарачи фуқаролар тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузишлари мумкин. Бунда улар фуқаролик қонунларига биноан барча бошқа турдаги хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг даражада кўриладилар, яъни ижарачи фуқаролар шартнома муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланадилар.

Юқориди айтилганлардан ташқари, ижарачи фуқаролар банк муассасаларида пул муомалаларини амалга ошириш учун ўз ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида банк муассасалари билан келишилган ҳолда қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар олишлари мумкин. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни айирбошлаш, бажарилган ишлар ва хизматлардан орттирилган фойда ижара ҳақи, солиқлари ва банк қарзлари тўланганидан сўнг ижарачи фуқаролар томонидан мустақил тарзда тасарруф қилинади.

Ижарачи фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида фикр юритганда улар меҳнатини ташкил этиш масаласига алоҳида

тўхтаб ўтиш керак. Улар меҳнатини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Ижара тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларига биноан тартибга солинади. Ижарачи фуқаролар меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизими, иш кунни, иш сменаси, дам олиш ва таътил кунларини белгилаш тартибини мустақил аниқлайдилар. Ижарачи фуқаролар шартнома асосида одамларни ишга жалб қилишлари мумкин, яъни улар ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ижарачи фуқаролар ижара шартномаси талабларига тўла роя қилишга, ҳалол ва виждонли меҳнат қилишга, меҳнат интизомига бўйсунушга, ижарага олинган мол-мулкни эҳтиёт қилишга, хўжасизлик ҳолатларга йўл қўймасликка мажбурдирлар. Улар табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишлари, ўз хўжалик фаолияти таъсирида унга зарар етказмасликлари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишлари лозим.

Шуни айтиш керакки, ижарачи фуқаролар меҳнатни ташкил этишда тадбиркорлик, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, тўла хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини бошқариш, эркинлик, тенг ҳуқуқийлик мезонларига амал қилишлари керак.

VIII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ЕРДАН ФЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ

1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ер асосий восита ролини ўйнайди. Шу сабабдан қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятларини ерсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ер ресурсларидан, хусусан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан асосан қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари шуғулланадилар. Уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» қонунлар билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг мустақил ва марказий институтларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик қонунчилиги ердан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи бир қатор ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ичида қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўринни эгаллайди. Чунки қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи йирик товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги кооператив-

ларига (ширкат хўжаликларига) ер участкалари белгиланган мақсадда, товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги кооперативларига ер участкалари заруриятига қараб қўшимча равишда ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) бериб қўйилган ерлар икки тоифага бўлинади. Булар, биринчидан, жамоат ерларидан, иккинчидан эса деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ерлардан иборат. Ушбу тоифа ерларнинг миқдорини белгилаш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кириб, уларнинг чегараларининг белгилашга доир қарорига асосан амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) жамоат ерлари ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ерларнинг миқдори ўзгармас бўлмасдан, уларнинг чегаралари умумий йиғилишнинг қарорига биноан ўзгартирилиши мумкин. Яъни деҳқон хўжалигини юритиш учун мўлжалланган ерлар миқдори жамоа ерлари ҳисобига кўпайтириб борилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунга кўра қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштириш ва олди-сотди, гаров, ҳада, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га ер участкалари доимий эгалик қилиш учун туман ёки вилоят ҳокимининг қарорига асосан, ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатини топширган ҳолда берилади.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)да ички хўжалик еридан фойдаланиш асосан оила пудрати асосида амалга оширилади. Жамоа ерлари шартнома асосида оилаларга бўлиб берилади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида кўрсатилишича, оила пудрати – қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан оилага вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари

асосида берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир. Оила пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви билан оила бошлиғи ўртасида тузилади. Оила пудрати шартлари асосида бериладиган ер участкаларидан катъий белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг ички хўжалик ерларидан жамоа пудрати асосида ҳам фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ердан фойдаланиш ҳуқуқининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, уларга берилган ер участкаларининг қиймати улар пай жамғармасининг таркибий қисмини ташкил этади. Ер участкасининг қийматини белгилаш ва уни пай жамғармасига киритишдан асосий мақсад ер участкаларининг унумдорлигини сақлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер ҳосилдорлигидан кооператив аъзоларининг манфаатдорлигини таъминлашдир. Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкаларининг қиймат баҳоси Давлат ер кадастри асосида ва белгиланган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида чиқарилади. Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкалари қийматидан кооператив аъзоси дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ичида фермер хўжаликлари алоҳида аҳамият касб этади. Фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш муҳим ўринни эгаллайди. Фермер хўжаликларига ер участкалари ижара асосида берилди. Ер участкасини ижарага бериш муддати «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга кўра 10 йилдан кам бўлмаслиги, 50 йилдан ошиб кетмаслиги керак. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

Фермер хўжаликларига захирадаги ерлар, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва суғориладиган янги мавзелардаги ерлар берилди. Уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабел-

ли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ерлари фермер хўжаликлари кооператив аъзолари умумий мажлиси қарорига биноан берилади ва бу қарор асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасининг ўлчами ер участкасини берадиган орган томонидан ҳар бир муайян ҳолатда маҳаллий шароитларни, шунингдек фермер хўжалигида ишловчилар сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Шу билан биргаликда фермер хўжаликларига ер бериш миқдорлари қонунда белгиланган. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига кўра, фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Ҳоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,30 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектар, суғорилмайдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этиши керак. Фермер хўжаликларига берилган ер участкалари давлат мулки ҳисобланади, шу сабабдан у хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, фермер хўжаликларига ижарага берилган участкалари иккиламчи ижарага ҳам берилиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тизимида қишлоқ хўжалик корхонаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжаликлари муҳим ўринни эгаллайди. Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжалигини қишлоқ хўжалик корхонаси сифатида тан олиншининг сабаби унинг қонунда кўрсатилган майда товар хўжалиги эканлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириши ва реализация қилиши, талбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши каби белгилари билан характерланади (Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни 1-моддаси).

Деҳқон хўжаликларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (55-модда) ҳамда «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 2-боби билан тартибга солинади. Ушбу ҳуқуқий қоидаларга биноан қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси-

нинг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимининг оиласига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун берилмайдиган ер участкаларининг ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлигига қараб ҳамда оиланинг жамоат ишлаб чиқаришидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативларида (ширкат хўжаликларида), бошқа жамоа қишлоқ хўжалик корхоналарида – уларнинг юқори бошқарув органлари томонидан, бошқа қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик корхоналари, муассасалари, ташкилотларида – уларнинг иш берувчиси (маъмурияти) қарори билан белгиланади, мазкур қарор асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдирилмайдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида сотилиши мумкинлиги қонунда кўрсатилган (Ер кодексининг 55-моддаси, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси).

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига кўра, янги ташкил этилаётган деҳқон хўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқидан мазкур жойда камида уч йил мобайнида доимий яшаб келаётган шахслар фойдаландилар.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган хўжаликларга қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий йиғилишнинг қарори асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилади.

Дехқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат: биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларига берилган ер майдонларидан асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланадилар; иккинчидан, ер қишлоқ хўжалик корхоналари учун асосий ишлаб чиқариш воқитаси бўлганлиги учун ундан оқилона фойдаланишлари, унинг ҳосилдорлигини доимо ошириб боришлари лозим; учинчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари фойдаланишида бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар олтин фондимишни ташкил этганлиги учун хусусийлаштирилиши, олдидан қилиниши, гаров, ҳада, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас; тўртинчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар давлат мулки ҳисобланиб, қишлоқ хўжалик корхоналари уни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўладилар.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, уларга фойдаланиш учун бериб қўйилган ер участкаларига эғалик қилиш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Бу ҳуқуқий нормалар қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби ва асослари, уларнинг ердан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби муносабатларни тартибга солади.

2-§. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъект ва объектлари

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари деганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан

фойдаланувчи ишлаб чиқариш тузилмалари тушунилади. Бу субъектлар доираси Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига кўрсатилган. Шу Кодекснинг 47-моддасига кўра, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни айирбошловчи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисобланади. Ушбу корхоналар қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари бўлиш учун юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари доирасини фарқлаш лозим. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари доираси қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектларига нисбатан анча кенгдир. Чунки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш субъектлари қаторида қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари, фуқаролар, илмий муассасаларнинг, олий ўқув юртларининг тажриба ўқув участкалари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ичида энг муҳим ўринни қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) эгаллайди. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалик корхонасининг асосий ташкилий ҳуқуқий шаклидир. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ўзларига доимий эгалик ҳуқуқи асосида бериб қўйилган ер участкаларини ички хўжалик бўлинмаларига, оилаларга фойдаланиш учун биркитиб қўяди. Ушбу тузилмалар (бригада, звенолар, оилалар) қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланмайдилар, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъекти сифатида доимо қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳаракат қиладилар.

Маълумки, қишлоқ хўжалик кооперативларининг ерлари деҳқон хўжаликлари юритиш учун ҳам ажратиб берилган бўлади. Деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мустақил субъектлари ҳисобланадилар. Улар ўзларига бериб қўйилган ерларга нисбатан мустақил хўжалик юритиш, етиштирилган маҳсулотларни мустақил айирбошловчи, тўлақонли ердан фойдаланувчи субъект бўладилар.

Амалдаги ер қонунчилигига биноан фермер хўжаликлари ҳам қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мустақил субъекти бўладилар. Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Фермер хўжалиги ер участкаларини ижара асосида олади. Ижара шартномаси фермер хўжалиги бошлиғи ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви раиси томонидан имзоланади. Бундан фақат фермер хўжалиги бошлиғи қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъекти бўлади деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Субъект сифатида барча фермер хўжалиги аъзолари, бутун фермер хўжалиги тан олинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари сифатида юқорида санаб кўрсатилганлардан ташқари, Ер кодексида белгиланишича, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар (52-модда), жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги билан шуғулланувчи фуқаролар (56-модда), ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари (57-модда) бўлишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи умумий тавсифномаси ушбу ҳуқуқ объекти масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтишни зарурат қилиб қўяди. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг объекти деганда, қишлоқ хўжалик корхоналарига хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун бериб қўйилган ерларнинг тоифаларини, чегараларини, тизимини белгилаш би-

лан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Маълумки, қишлоқ хўжалик қорхоналарига аввало, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилади. Демак, қишлоқ хўжалик қорхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи объектини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар деб қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерларга айтилади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида белгиланишича, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади (43-модда). Шунингдек ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида суғориладиган ерлар муҳим ўринни эгаллайди. Суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ хўжалик қорхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи объектларини бир қанча жиҳатларига қараб тавсифлаш мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига қараб қишлоқ хўжалик қорхоналари ерлари товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга мўлжалланган ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларга (уй-жойлар, бинолар, иншоотлар, йўллар ва ҳоказо) бўлинади. Сув билан таъминланганлик даражасига қараб, қишлоқ хўжалик қорхоналари ерлари суғориладиган ерлар ҳамда лалми ерлари тоифаларига бўлинади. Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалик қорхоналарнинг ерлари хўжалик юритиш шаклига қараб, жамоа фонди ерлари ва дехқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерлар тоифаларига бўлинади.

3-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни

Умумий қоидага кўра, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни ердан фойдаланувчи субъектларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер билан боғлиқ муносабатларга доир ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини ташкил этади. Яъни қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни уларга тегишли ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборатдир.

Маълумки, ер ҳуқуқий муносабатлари мазмуни учта унсурдан: ерни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқидан иборат бўлади. Демак, ер ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг, жумладан қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмуни ерни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари билан характерланади, яъни қишлоқ хўжалик кооперативлари юқорида саналган ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, ер қонунчилигига кўра, қишлоқ хўжалик корхоналари ернинг эгаси бўлмаганлиги сабабли уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу ҳуқуқ фақат ернинг эгаси бўлган давлатда сақланиб қолади. Демак, қишлоқ хўжалик корхоналарига хўжалик фаолиятини юритиш учун ер берилганда унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлатда сақланиб қолади ва ҳеч вақт у иккинчи томонга ўтмайди. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналари ернинг эгаси ҳисобланмайдилар ва тасарруф қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмайдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик корхоналари фақат ерни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Субъектив мулк ҳуқуқининг асосий унсури бўлган тасарруф этиш ҳуқуқи эса мулк эгасида, яъни давлатда сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер билан боғлиқ бўлган муносабатларида ерга эғалик ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Ерга эғалик ҳуқуқи туфайли қишлоқ хўжалик корхоналари ундан мустақил тарзда фойдаланишлари, ўзлари хоҳлаган экин турларини етиштиришлари, етиштирилган ҳосилни мустақил айирбошлашлари мумкин.

Ерга нисбатан эғалик ҳуқуқи ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам келтириб чиқаради. Ерни эғалламасдан туриб, ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун уларни кўп жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ дейиш мумкин. Шунга айтиш керакки, ердан фойдаланиш ҳуқуқи – мустақил унсур сифатида ер ҳуқуқий муносабатларида алоҳида аҳамиятга ва ўзига хос хусусиятларга эга. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ернинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, ерни иқтисодий маънода эксплуатация қилиш тушунилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни тўғрисида фикр юритганда, бу ҳуқуқни бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатишнинг умумий асослари қонунда белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси). Бу умумий асослар қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиш учун ҳам тааллуқли ҳисобланади. Булар, асосан ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш; ер участкаси берилган муддатнинг тугаши, корхона фаолиятининг тугаганлиги, ердан қонунда белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланишлик, ер участкасининг тупроқ унумдорлиги пасайиши, унинг кимёвий ва радиоактив бўлганлиги, экологик вазиятнинг ёмонлашишига йўл қўйишлик, белгиланган муддатлар мобайнида ер солиғини узлуксиз тўламаслик ва ҳоказодир.

Шу билан бирга, ер участкаларидан фойдаланишни тўхтатиш қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасида кўрсатилган ерга нисбатан ғайриқонуний ҳаракатларни содир этганда ҳам, шунингдек ернинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 37-моддаси) муносабати билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни тўғрисида фикр юритганда, албатта, бу корхоналарнинг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўхталиб ўтиш лозим. Чунки қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига кўрсатилган. Чунончи, ушбу Кодекснинг 39-моддасига кўра, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидаги ҳуқуқларга эга: ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи, ер участкасидаги мавжуд фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротехник ва бошқа мелиорация ишларини ўтказиш, қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш мақсадида суғориш манбаларидан сув олиш, уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаси олиб қўйилган тақдирда, унга етказилган зарарнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда сарфланган ҳаражатларнинг тўланишини талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Ер кодексининг 40-моддасида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш бўйича мажбуриятлари санаб кўрсатилган. Булар: ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер солигини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини бузмаслик, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисида маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш, ерларни муҳофаза этиш, минерал ўғитларни тўғри қўллаш, бегона ўтларга қарши курашиш, ерни эрозияга учратмаслик, ерга нисбатан давлатнинг мулк ҳуқуқини бузувчи битимлар тузмаслик ва ҳоказолардир.

4-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади ва ҳимоя қилинади. Ер тўғрисидаги қонун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларини муҳофаза этади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш деганда қишлоқ хўжалик корхоналарига қонунда белгиланган тартибда ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига, уларни ер билан таъминлаш, ер участкаларини гайриқонуний равишда олиб қўймаслик, ўзбошимчалик билан эгаллаб олмаслик, етказилган зарарни қоплашга қаратилган чоратadbирлар йиғиндиси тушунилади.

Ер тўғрисидаги қонун аввало қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерларини ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжларига ўтказишдан ҳимоя этади. Айниқса суғориладиган ерларни бошқа тоифага ўтказишга алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилади. Бунда қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги идоралари, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан келишиб амалга оширилиш, ер ўта зарур шарт-шароитлар вужудга келгандагина берилиши лозим. Ер кодексининг 44-моддасига кўра, суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда тупрок-мелиоратив ва иктисодий шартлар ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланишида бўлган алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилмайди, корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади (Ер кодекси, 45-модда).

Ер қонунчилиги қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ерларини асоссиз равишда тортиб олишдан, олиб қўйишдан ҳимоя қилади. Чунончи, Ер кодексининг 37-моддасида кўрсатилишича, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишлича туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади. Агар ер эгаси ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ерларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишдан ҳимоя қилиниши Ер кодексида алоҳида белгиланган. Ушбу Кодекснинг 91-моддасига биноан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади. Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, ер қонунчилиги қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти даврида уларга етказилган зарар, нобудгарчиликнинг ўрнини қоплаш масаласини ҳам ҳал қилган. Ер кодексининг 86-моддасида кўрсатилишича, ер участкасидан фойдаланувчига етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда)нинг ўрни қуйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланади: ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганида; сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда. Етказилган зарар айбдор қорхона, ташкилот томонидан қопланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Чунончи, Ер кодексининг 41-моддасида белгиланишича, ер эгалари фаолиятига давлат, хўжалик органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг аралашуви тақиқланади. Шунингдек, ер эгаларининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши керак. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланганлиги, қонун билан муҳофаза қилиниши улар ишлаб чиқариш фаолияти барқарорлигини таъминлашга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга олиб келади.

IX боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ МУЛКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналари мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари ва турлари

Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўз таркибий қисмлари бўйича бошқа ҳар қандай ишлаб чиқаришлардан фарқ қилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида табиий ресурслар – ер, сув албатта иштирок этади. Инсон меҳнатини қўллаш табиий ресурслар орқали, улар воситасида амалга оширилади, бунда олинadиган самара ҳам уларнинг таркибий маҳсули бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолат ишлаб чиқаришда вужудга келадиган мулкчилик муносабатларида ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Табиий ресурслар мулкчилик муносабатларининг объекти сифатида ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга. Бу ҳуқуқий мақом Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Конституциянинг 55-моддасида кўрсатилишича, ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ва бу табиий ресурслар давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бу ўринда Конституцияда «мулк», «мол-мулк» эмас, балки «умуммиллий бойлик» ибораси ишлатилгани диққатга сазовордир. «Умуммиллий бойлик» юридик категория сифатида биринчи гада объектнинг кимга тегишли бўлишини эмас, балки ундан кимларнинг манфаати йўлида фойдаланиш лозимлигини билдиради. Табиий ресурслар мулк сифатида мулк муносабатлар тизимида, мол-мулк сифатида хўжалик муомаласида бўлганида уларнинг «умуммиллий бойлик» сифатидаги вазифаси ҳисобга олинади. Бу ўринда яна шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, давлат гарчи табиий ресурсларга нисбатан мулкдор (баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда мутлақ ҳуқуқлар соҳиби, якка-ягона, танҳо мулкдор) бўлиб ҳисобланса ҳам, «умуммиллий бойлик»нинг ягона субъекти эмас (табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича). Давлат иқтисодий-мулк

муносабатларда бошқа субъектлар билан ўзаро муносабатларда деярли тенг ҳуқуқий мақомга эга ва табиий ресурсларга мулкдор сифатидаги ҳолатдан фойдаланиб устунликка, афзалликка эга бўлиши, уни суниестемол қилиши мумкин эмас. Табиий ресурсларнинг «умуммиллий бойлик» мақомини ҳисобга олганда табиий ресурсларнинг мулкдори сифатида одатдаги хўжалик муомаласи иштирокчиси бўлган давлат эмас, балки сиёсий ҳокимият, суверенитет соҳиби бўлган давлат назарда тутилади деб айтиш мумкин. Миллий бойлик – халққа тегишли бўлган бойликдир. «Халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаидир» (Конституциянинг 7-моддаси). «Давлат халқ эркиродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади» (Конституциянинг 2-моддаси). Давлат сиёсий ҳокимият ролида бошқарувни идора қилишнинг маълум бир ташкилий тузилмаси, механизми сифатида намоён бўлар экан, унинг бу қиёфасида табиий ресурсларга нисбатан мулкдор сифатидаги ваколатларини амалга ошириш тартиби ҳам мужассамлашди. Бу, энг аввало, табиий ресурслардан фойдаланиш тартибини маъмурий воситалар орқали белгилашда яққол кўринади. Бироқ бу ҳолатни мутлақлаштириш ҳам тўғри эмас. Давлат бозор муносабатлари тизимининг ўзига хос иштирокчиси. Бозор муносабатлари эса ўз моҳиятига кўра субъектлар ҳуқуқий мақомида, мулкчилик муносабатларида тенглик, ўзаро манфаатдорлик, ихтиёрийликни тақозо этади. Бунда турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни расмийлаштирувчи ҳуқуқий восита – шартномалар ҳисобланади. Давлат табиий ресурсларни мол-мулк объекти сифатида муомалага киритиб, бошқа субъектларга фойдаланишга берар экан, бу муносабатларни шартномалар орқали расмийлаштиради ёки алоҳида тартибда фойдаланиш учун бириктириб қўяди. Бунда давлат табиий ресурсларни бошқа субъектларга фойдаланишга беришда умуммиллий манфаатлардан келиб чиқади. Бинобарин, давлат табиий ресурслардан фойдаланувчи субъект манфаатларини умуммиллий манфаатларга йўналтириб туради.

Табиий ресурсларга нисбатан айрим субъектлар фойдаланиш жараёнида мулк ҳуқуқи асосида эмас, балки ашёвий ҳуқуқ асосида ҳаракат қиладилар. Масалан, Фуқаролик кодексининг 165-моддасида мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ва ер участкасига

расмий эгалик қилиш ва ундан фойдаланниш ҳуқуқи мавжуд. Табиий ресурслар бўлган ер-сув қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мулкӣ объект сифатида қатнашувида фуқаролик ҳуқуқӣ меъёрлари билан бир қаторда маъмурий бошқариш меъёрлари ҳам уларнинг ҳуқуқӣ режимини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси мулк ҳуқуқӣ объектӣ сифатида турли кўчмас ва кўчар мол-мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, чорва моллари, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳоказо)га эга бўлишлари мумкин. Корхоналар мол-мулкларининг вужудга келиш асослари бўлиб ушбу корхона муассислари (аъзолари) мол-мулкни бирлаштириш ёхуд корхонанинг ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолияти бўлиши мумкин. Муассислар сифатида давлат, нодавлат юридик шахслар, шунингдек фуқаролар чиқиши мумкин.

2-§. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан кейин иктисодиётда маъмурий буйруқбозлик усулларидан воз кечиб, бозор муносабатлари тизимини шакллантириш йўлини танлаб олди. Маълумки, социализм даврида барча мол-мулк давлат кўлида тўпланган эди. Бироқ давлат мавҳум ва ҳаддан ташқари бесўнақай тузилма сифатида мулкдан самарали фойдаланиш, уни оқилона бошқариш вазифаларини бажара олмади. Бошқача айтганда, умумхалқ мулки бўлган давлат мулки хўжасизлик, қаровсизлик, сансалор ва талон-торож объектӣ бўлиб қолди. Меҳнаткаш инсон мулкдан бегоналаштирилган, узоқлаштирилган эди. Худди шу сабабли мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бозор муносабатларини қарор топтириш йўлидаги энг биринчи қадамлардан бўлганлиги бежиз эмас. Бу жараён қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам кенг авж олдирилди. Бироқ бу борада етарли тажриба бўлмаганлиги, меҳнатни ташкил қилиш, мулкчилик муносабатларини қайта қуриш ва хўжалик фаолиятини юритиш шакллари

ўзаро узвий боғланмаганлиги учун бу борада етарли ижобий силжишлар рўй бермади. Қишлоқ хўжалик корхоналари оммавий равишда турли шаклларга айлантира бошланди. Ёлик ва очик турдаги акциядорлик корхоналари, ҳар хил агроузилмалар синаб кўрилди. 90-йилларнинг ўрталарида ҳам қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг самарадорлиги аниқ-равшан кўринмаётган эди. «Бунинг сабаби шундаки, хўжаликлар бозор муносабатлари тизимида деярли ишламаяпти, қандайдир ярим, аниқроғи чала бозор муносабатлари вужудга келиб қолган, уларни эски бошқарувнинг маъмурий буйруқ-бозлик усуллари ва сарқитлари тўрига ўраб ташламоқда». (И.А.Каримов. «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи». «Халқ сўзи». 1997 йил 26 декабр). Бироқ ушбу қисқа тажриба бекор кетмади. Энг асосийси, қишлоқ хўжалигида туб қайта қуришлар, ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш йўналишлари белгилаб олинди. Бу борадаги муҳим вазифа юртбошимиз томонидан аниқ-равшан белгилаб берилди. «Биринчи ва асосийси – мулкый муносабатни тубдан ўзгартириш ҳисобига» қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг рентабелли бўлишига эришиш лозим. И.А.Каримов бу борада ерга эғалик масаласи энг муҳим масала бўлиб қолишини таъкидлаб кўрсатди. Қишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтириш ернинг ўз хўжайини бўлишини тақозо этади. Айни вақтда ер деҳқончилик, касб-хунардан узоқ бўлган турли ношудлар ёки лўттибозлар кўлига тушиб, ҳар хил чайқов битимлари предмети ҳам бўлмаслиги керак. Мулкчилик муносабатлари тизими билан меҳнатни ташкил этиш тизими ўртасидаги узвий боғлиқлик қишлоқ хўжалигида пайчилик муносабатларини ривожлантиришда ўзининг мукамал тимсолини топди. Хўжалик юритишнинг бундай шаклида қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган «ер хўжалик аъзолари ўртасида тақсимланади, аммо ҳеч кимга уни сотиш, сотиб олиш ҳуқуқи берилмайди. Ер ва хўжаликнинг бошқа мулки натурал ҳолатда эмас, қиймат шаклида, яъни хўжалик активини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади»¹. Хўжаликнинг ҳар бир аъзосига

¹И.А.Каримов. *Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи*. – «Халқ сўзи», 1997 йил 26 декабр.

мулкнинг маълум қисмига ва хўжалик оладиган даромаднинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини берадиган юридик ҳужжат берилади. Бу ҳолат охир-оқибатда деҳқоннинг ерга, мулкка ва ўз меҳнат самарасига муносабатини ўзгартиради. «Меҳнатни ташкил этиш эса бир неча йил давомида ўзини оқлаган оилавий пудрат шаклида амалга оширилиши лозим...- Пудрат бошқа шакллардан шуниси билан фарқ қиладики, ижарачилар ернинг вақтинча эгаси бўлган ҳолда етиштирган маҳсулотни ва ўз меҳнати натижасининг тўлақонли эгаси бўлади... Буларни барчасини умумлаштирадиган бўлсак, айти пай ва пайчилик муносабатларининг оила пудратига асосланган меҳнатни ташкил этиш билан уйғунлашуви қишлоқда мулк муносабатларини ҳал қилишнинг энг мақбул йўлидир»².

И.А.Каримов қишлоқда мулкчилик муносабатларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ислохотларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини аниқ-равшан белгилаб берди, уларнинг моҳияти, вазифалари, қўллаш тартибини асослаб берди. Бу шаклларнинг :

«биринчиси пай шакли бўлиб, деҳқоннинг ерга, бутун жамоа олган даромаднинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлайди;

иккинчиси – оилавий пудрат бўлиб, у ҳар бир ходим меҳнат харажатини унинг даромади билан боғлашга имкон беради, хўжалик ичида меҳнатни ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади;

учинчиси – қишлоқ хўжалик ширкати, у қишлоқ хўжалик корхонаси барпо этишнинг ҳар бир деҳқон, ҳар бир ходим манфаати билан уйғунлигини таъминлайдиган энг самарали ташкилий- ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Ширкатнинг ҳар бир аъзоси унинг мустаҳкамланишидан, жамғармалар барпо этилишидан бир хил манфаатдор бўлиши лозим. Шу жамғармалар ҳисобидан қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси шаклланади, тупроқнинг ҳосилдорлиги таъминланади, мелиоратив ишлар амалга оширилади».³

²И.А.Каримов. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – «Халқ сўзи», 1997 йил 26 декабр.

³И.А.Каримов. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – «Халқ сўзи», 1997 йил 26 декабр.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари ташкилий-ҳуқуқий томонидан қишлоқ хўжалик корхонаси хўжалик фаолиятининг субъекти, меҳнатни ташкил этиш шакли бўлиши билан бирга мулкчилик муносабатлари нуқтаи назаридан хусусий мулкнинг бир кўриниши бўлган юридик шахслар мулки ҳисобланади. Бу мулкнинг субъекти юридик шахсдир, яъни кооператив (ширкат хўжалиги)нинг ўзидир. Айтилган вақтда бу субъект яхлит ҳолда мулкнинг муносабатларда ўз номидан қатнашади. Бироқ кооператив аъзолардан иборат бўлиши, кооператив аъзоларининг эрк-иродаси бирлашган ҳолда юридик шахснинг субъект сифатидаги хатти-ҳаракатларида намоён бўлишини назарда тутсақ, у ҳолда ширкат хўжалигининг аъзоларини ҳам муайян маънода мулкнинг ҳуқуқлар соҳиби деб айтиш мумкин. Бу шунчаки гап эмас, балки муайян юридик фактлар асосида ётган реал ҳолатдир.

Биринчидан, ширкат аъзоси мулкдор, у ширкат мол-мулкида ўзининг пай кўринишидаги мол-мулкка эга. Бу мол-мулк тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уни кўпайтириш ва ривожлантириш унинг бурчидир ва мулкдор сифатида у бундан манфаатдор. Иккинчидан, ширкат аъзоси ширкатни бошқаришда иштирок этиш бўйича кенг ҳуқуқларга эга. Энди у колхоз давридагидек бундай ҳуқуқларга лоқайд, бепарқ қарай олмайди, уларга расман муносабатда бўлмайди. Ширкат хўжалиги ишлаб чиқариши ширкат фаолиятининг якуний натижаларидан манфаатдор бўлган мулкдор хўжайинлик туйғуси унда яққол намоён бўлади. Учинчидан, ширкат аъзосида мулкдор, хўжайинлик туйғуларининг шаклланиши мол-мулкдан фойдаланиш, уни сақлаш, тасарруф этиш жараёнига ҳам таъсир этади. Ушбу мол-мулкка нисбатан илгари бўлганидек, хўжасизлик, қаровсизлик, ташмачилик ва талон-торожлар рўй беришига йўл қўймайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари кооператив (ширкат хўжалиги) кўринишидагина эмас, балки давлатга қарашли бўлган корхона шаклида ва тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишда бошқа тузилмалар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, илмий-ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик экинлари навларини ва чорва моллари янги зотларини етиштириш билан шуғулланувчи корхона одатда, давлат корхонаси ҳисобланади. Уларга давлат мол-мулки хўжалик юритиш

хукуки бўйича бириктириб қўйилади. Корхона қонунда белгиланган тартибда бу мол-мулкни эгаллаш, тасарруф қилишни амалга оширади. Қишлоқ хўжалик давлат корхонасининг мулккий ҳуқуқларига нисбатан ФК нинг 176-177, 179-моддаларида белгилаб қўйилган қоидалар амал қилади. Қишлоқ хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, масалан, тўлиқ ширкат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти шаклларида бўлганида, бу тузилмаларнинг устав жамғармаларида улар иштирокчиларининг улушлари белгилаб қўйилган бўлади. Бу тузилмаларнинг мулккий ҳуқуқ субъекти сифатидаги ваколатлари ва уларнинг муассислари, яъни иштирокчиларнинг мулккий ҳуқуқлари ФК, шунингдек, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳақидаги, акциядорлик жамияти ҳақидаги тегишли ҳужжатлар билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига тегишли бўлган бириктириб қўйилган мол-мулк кимга тегишли бўлишига қараб улар: а) давлатга қарашли; б) жамоага қарашли; в) хусусий шахсларга қарашли корхоналар бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ равишда қишлоқ хўжалик корхоналари оммавий мулк ва хусусий мулкка асосланади. Қишлоқ хўжалигидаги мулкчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – ҳеч қайси мулк шакли «мутлақ соф», «идеал» ҳолатда бўлмайди, балки ўзига хос тарзда уйғунлашган тарзда мавжуд бўлади. Масалан, ширкат хўжалиги мол-мулкни олиб қарасак, масалан, табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи давлатга тегишли бўлса, айрим инвентарлар хусусий шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалигига хорижий сармоядорлар жалб қилинган ҳолларда, улар иштирокидаги кўшма корхоналар мол-мулки ўзига хос ҳуқуқий режимга эга эканлигини эътиборга олсак, у ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мулкчилик турлари доираси кенг эканлигини кўриш мумкин. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тузилмалар турлари қанча бўлса, мулкчилик турлари ҳам шунча деб айтиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишда қишлоқ хўжалик корхоналари мулк ва мулккий ҳуқуқларининг кафолатлари ва уни ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилди. Бундай кафолатлар Ўзбекистон

Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Солиқ кодекси, «Мулкчилик тўғрисида»ги қонун ва шу қабиларда ўз ифодасини топган. Масалан, Конституциянинг 50-моддасида бозор муносабатлари тизими мамлакатимиз иқтисодиёт тизимини ташкил этиши, барча мулк шакллариининг тенглиги, айниқса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий негизи бўлган хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган асослар бўйича ва белгиланган тартиблагина мулкдан маҳрум этилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси мулк ҳуқуқни амалга оширишни қафолатлайди, мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди, қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари мол-мулкни кўпайтиришни чеклашга ҳамда уни мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди деб кўрсатилади. Бундай қафолат Ўзбекистон Республикаси номидан, яъни нафақат қонун чиқарувчи орган ёки давлат бошлиғи, балки бутун мамлакат номидан берилаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демак, бу қафолат ҳокимиятнинг барча тузилмалари билан қафолатланади, қишлоқ хўжалик корхоналари мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарига қарашли бинолар, иншоотлар, дов-дарахтлар, экинзорлар жойлашган ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳақида давлат ваколатли органлари томонидан қабул қилинган қарор устидан қонунларда белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин. Бундай қарор чиқарган давлат идораси ўз қарорини нафақат қонунга мувофиқлигини, балки мақсадга мувофиқлигини ҳам исботлаб бериши лозим. Айни пайтда шундай қарорлар қабул қилиш натижасида мулкдорга етказилган зарарлар тўла қопланиши шарт. «Корхоналар тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига асосан нормал фаолият юритаётган корхонага қарашли асосий фондлар, айланма маблағлар ва барча мол-мулкнинг ўзбошимчалик билан тортиб олинишига йўл қўйилмайди (корхона банкрот деб эълон қилинган ёки тугатилган ҳоллар бундан мустасно).

Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кичик ва ўрта корхоналар алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай корхоналар ихчамлиги, ҳаракатчанлиги сабабли бозордаги ҳар қандай ўзгаришларга тезда мослаша олади, янги техника ва технология соҳасидаги янгиликларни тез ва осон ўзлаштириб, амалиётга қўллаш олади. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тузилмалар бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари мана шундай ўрта ва кичик тадбиркорлик шаклларида ҳисобланади. Бинобарин қонунларда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган имкониятлар уларга нисбатан ҳам тўла тааллуқлидир. Меъёрий ҳужжатларда ҳокимликлар ва бошқа юқори органлар томонидан корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига аралашмаслик, қишлоқ хўжалик корхоналари маблағлари ҳисобига мажбурий равишда ҳар хил жамғармалар ташкил этилишига йўл қўйилмаслик ҳам белгилаб қўйилган⁴. Бу қонунлар ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг мулкий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ўзига хос қафолати ҳисобланади.

3-§. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) мол-мулки

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муҳим ўрин эгаллайди. Ширкат хўжалиги мол-мулкининг ҳуқуқий мақоми «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунда белгилаб қўйилган.

Кооперативнинг (ширкат хўжалигининг) мустақил балансида акс этириладиган асосий жамғармалар, айланма маблағлар, ушбу мол-мулк ўз таркиби бўйича (вужудга келиш манбалари нуқтаи назаридан) қуйидагича турларга бўлинади:

- а) асосий жамғармалар қиймати;
- б) етиштирган маҳсулот, уни сотишдан тушган даромадлар;

⁴ *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (1994 йил 24 январ).* «Халқ сўзи», 1994 йил 22 январ.

в) кооператив аъзоларининг пул ва моддий бадаллари;
г) банк кредитлари, қимматли қоғозлар ҳисобидан ҳамда кооперативнинг уставларида назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ва қонунда тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган даромадлар.

Ширкат хўжалиги мол-мулки асосини устав жамғармаси ташкил қилади. Устав жамғармаси умумий мажлис қарори билан шакллантирилади. Устав жамғармаси пай жамғармаси ва бўлинмас жамғармадан иборат. Қонунда бўлинмас жамғарманинг тайинланиш мақсади белгилаб қўйилган. Унга асосан бўлинмас жамғарма тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш, ирригация иншоотларини сақлаш, янги ирригация, мелиорация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш, техника воситаларини сотиб олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бошқа ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланади. Бўлинмас жамғарма ширкат аъзоларига умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Бинобарин, бўлинмас жамғарманинг ҳуқуқий асоси ФК нинг 225-226-моддалари билан белгиланади. Бўлинмас жамғарма ширкат фаолият юритиши давомида тайинланиш мақсадидан бошқа мақсадларга сарфланиши ёки ширкат аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Ширкат бутунлай тугатилган тақдирдагина у аъзолар ўртасида тақсимланиши мумкин.

Ширкат хўжалигининг пай жамғармаси ер участкаларининг қиймати баҳосини, асосий жамғарманинг қийматини ва ширкатнинг бўлинмас жамғармасига кирмайдиган бошқа мол-мулкларни қийматини ўз ичига олади. Пай жамғармаси кишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларига умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Бу мулк ҳуқуқий мақоми ФК нинг 217-223-моддалари билан белгиланади. Пай жамғармаси ширкат аъзолари ўртасида мулк пайларга тақсимланиши лозим. Мулк пай кишлоқ хўжалиги кооперативи ҳар бир аъзосининг ширкат пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив аъзосига кооперативнинг якуний даромадидан дивидендлар тариқасида тегишли улушини олиш ҳуқуқини беради. Ширкат хўжалиги тузилаётган вақтда белгиланган пай жамғармаси – бошланғич пай жамғармасидир. У ширкат хўжалиги ҳар бир аъзоси-

нинг бошланғич мулкый пайини аниқлашда асос бўлади. Пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзолари томонидан қўшимча бадаллар киритилганда кўпаяди ва тегишли равишда уларнинг мулкый пайларига қўшилади. Ширкат аъзосининг мулкый пайини ҳисоблашда аъзонинг меҳнат даври стажи ва охириги йиллар мобайнидаги йиллик иш ҳақи ҳисобга олинади. Ширкат хўжалиги аъзосининг мулкый пайи қимматли қоғозлар тоифасига кирмайдиган ва ҳар бир аъзога бериладиган номи ёзилган гувоҳнома билан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи даромадининг пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил яқунларига кўра тақсимланади ва мулкый пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади. Ширкат аъзоси фермер хўжалиги ёки янги ширкат ташкил этиш мақсадида кооперативдан чиққан ҳолларда мулкый пайлар қонун ҳужжатларига мувофиқ натура шаклида ажратиб берилиши мумкин. Қолган ҳолларда мулкый пай қиймат шаклида тўланади. Ширкат аъзосининг ўз пай миқдорига мутаносиб равишда дивиденд олиш ҳуқуқи ширкат хўжалигининг фаолияти ижобий самара, яъни даромад билан тугаган ҳолдагина амалга оширилади. Дивиденд соф фойданинг солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўлангандан кейин ширкат хўжалиги ихтиёрида қоладиган, ширкат хўжалиги аъзолари ўртасида тақсимланиши лозим бўлган қисмидир. Қишлоқ хўжалиги кооперативи устав жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида намунавий низомда (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сон қарори билан тасдиқланган) кўрсатилишича, устав жамғармасининг миқдори ширкат уставида кўрсатилади. Устав жамғармасини ўзгартириш тўғрисидаги қарор ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида чиқарилади. Бундай ширкат хўжалигининг устави белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим. Устав жамғармаси ширкат хўжалигининг мулки ҳисобланади ва қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари уни олиб қўйиш мумкин эмас. Устав жамғармаси ширкат хўжалигининг балансида асосий воситалар ва айланма маблағларнинг йиғиндиси сифатида акс эттирилиб, ширкат хўжалиги фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланади. Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, механизмлар, машиналар,

транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор моллар, кўп йиллик дарахтлар, коллектор-дренаж тармоқлари ва бошқа гидротехника иншоотлари, йўллар, ижтимоий-маиший объектлар, номоддий активлар, узоқ муддатли молиявий ва капитал қўйилмалар ва бошқа узоқ муддатли капитал қўйилмалар киради. Айланма маблағларга хом ашё, тайёр маҳсулотлар, уруғ, ем-хашак, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, ҳисобварақлардаги пул маблағлари, дебиторлик қарзлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва бошқа маблағлар киради. Юқорида устав жамғармаси тайинланиш мақсади бўйича бўлинмас жамғарма ва пай жамғармасидан иборат эканлиги кўрсатилган эди. Ширкат хўжалиги ташкил этилаётганда бўлинмас жамғарма ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиш қарорига кўра устав жамғармасининг 40% дан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади. Соф фойдадан ажратмалар ширкат хўжалиги бўлинмас жамғармасини тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Ширкат хўжалигининг мол-мулкни шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар қўшиш йўли билан иштирок этишлари мумкин. Ширкат хўжалиги томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларининг мол-мулкида унинг улушли иштирокига мувофиқ шу ширкат хўжалиги юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун олиш ҳуқуқига эга.

Ширкат хўжалиги ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини мустақил амалга оширади. Ширкат хўжалиги мол-мулки ҳар йили қайта рўйхат қилинади ва унинг натижалари умумий йиғилишда тасдиқланади. Ширкат хўжалиги номидан унинг мол-мулкига нисбатан ширкат хўжалиги органлари мулкий ҳуқуқларни амалга оширади.

Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши:
кооператив (ширкат) аъзоларининг мулкий пайлари миқдорини белгилайди;

кооператив (ширкат) фаолиятининг бизнес режаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

даромадни (фойдани) тақсимлаш тартибини, кооперативнинг (ширкатнинг) бўлинмас, пай ва бошқа жамғармалари турларини, микдорини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви ва раиси:

ширкатнинг жорий хўжалик фаолияти масалаларини унинг уставига мувофиқ ҳал этади (мол-мулкдан фойдаланиш, уни тасарруф қилиш бўйича шартномалар, битимлар тузади);

кооперативнинг (ширкатнинг) мол-мулки сақланишини таъминлайди ҳамда етказилган зарарнинг ўрни қопланишига доир чораларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг намунавий устави 60 бандида ширкат хўжалиги раисининг ширкат хўжалиги мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада аниқроқ ва равшанроқ белгилаб қўйилган:

раис ширкат хўжалигининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, мол-мулкни тасарруф этади, шартномаларни, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади, ишончномалар беради, банкда ҳисобварақлар очади.

Ширкатнинг бошқа органлари, унинг тузилмалари ва бошқа мансабдор шахслар ширкат мулкий ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақли эмас. Умумий йиғилиш, бошқарув ёки раис томонидан уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун алоҳида мол-мулк бириктириб қўйилиши мумкин, бироқ улар мол-мулкни тасарруф эта олмайдилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қаршли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан жавоб бермайди.

Кооператив тугатилганда кредиторлар даъволари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулк қиймати унинг аъзолари ўртасида тақсимланади.

4-§. Фермер хўжалигининг мол-мулки

Фермер хўжалиги мустақил юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига эга бўлади. Бу мол-мулк унинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятининг асосини ташкил этади.

Фермер хўжалиги мол-мулкининг объектлари «Фермер хўжалиги тўғрисида» 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунда (19-модда) белгилаб қўйилган. Бунга асосан фермер хўжалиги:

ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек бошқа мол-мулкларга;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга;

олинган даромадларга (фойдаларга) ;

қонунда тақиқланмаган асосларда эга бўлинган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Фермер хўжалигининг мол-мулки қуйидагилардан вужудга келиши мумкин:

а) фермер хўжалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағлари;

б) товарлар, ишлаб чиқариш ва сотишдан, ишлар, хизматлар кўрсатишдан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадлар (фойдалар) дан;

в) турли хил қимматли қоғозлар сотиб олиш, сотиш, сақлашдан, шунингдек акциялар дивидендларидан;

г) кредит муассасаларидан олинган кредитлардан;

д) юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз (текин) хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари;

е) қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалардан.

Фермер хўжалигининг ўзига қарашли бўлган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир. Фермер хўжа-

лиги тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасига асосан фермер хўжалигига ўрта ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барчаси жорий қилинади. Бинобарин Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонунда кичик ва ўрта корхоналар мулкий ҳуқуқлари бўйича имтиёзлар, масалан, тезлаштирилган амортизацияни жорий қилиш, имтиёзли кредит бериш, энергия таъминоти манбаини ишлатишда имтиёзлар бериш, тадбиркорлик хатаридан ҳамда кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан имтиёзли шартларда суғурта йўли билан ҳимоя қилиш ҳақидаги қондалар татбиқ қилинади. Фермер хўжалигининг мол-мулки умумий улушли мулк ёки умумий биргаликдаги мулк бўлиши мумкин. Агар фермер хўжалиги аъзолари ўртасида фермер хўжалиги мол-мулкни умумий улушлар асосида ташкил этиш ҳақида ўзаро келишув (шартнома, битим) мавжуд бўлса, бу мол-мулкни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф қилиш тартиби ФК нинг 217-224-моддалари билан белгиланади. Агар юқоридагидек келишув мавжуд бўлмаса, у ҳолда фермер хўжалигининг мол-мулки унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида тегишли бўлади. Бундай мол-мулкни эгаллаш, тасарруф этиш ФК нинг 225-227-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Қонунда фермер хўжалиги бошлигининг фермер хўжалиги мол-мулкни тасарруф этиш бўйича алоҳида ваколатлари белгилаб қўйилмаган. Бироқ «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради деб кўрсатилган. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига кўра, фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалиги ҳисобварағидаги маблағларни фақат унинг розилиги ёки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин деб белгилаб қўйилган. Фермер хўжалигининг банк билан пул операцияларини ўтказишда фермер хўжалиги бошлигининг иштирок этишини назарда тутсақ, шунингдек фермер хўжаликлари билан тузиладиган шарт-

номаларда унинг номидан хўжалик бошлиғи иш юритишини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда, фермер хўжалигининг мулкый ваколатини амалга оширишда фермер хўжалиғи бошлиғи алоҳида мавқега эга деб айтиш мумкин. Фермер хўжалиғи таркибидан бошқа фермер хўжалигини ташкил этиш мақсадида чиқаётган аъзоларгина фермер хўжалиғи таркибидан чиққанда, мол-мулкдаги улушни натурада ёки пул қийматида олиш ҳуқуқига эга. Қонунда айрим соҳалар бўйича фаолият юритаётган фермер хўжаликлари мол-мулкнинг энг кам миқдори белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, чорвачилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиғи камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида фаолият юритаётган фермер хўжалиғи аъзолари фермер хўжалиғи мажбуриятлари бўйича унинг мол-мулкидаги ўз аъзосининг бошқа кредиторлар олдидаги қарзлари учун унинг фермер хўжалиғи мол-мулкидаги ҳиссадан ҳақ ундиришлари мумкин. Агарда фермер хўжалиғи мол-мулки умумий биргаликдаги мол-мулк бўлиб ҳисобланса, фермер хўжалиғи ва аъзоларининг мол-мулк мажбуриятлари бўйича жавобгарликлари ФК нинг 227-моддаси талаблари асосида белгиланади. Фермер хўжалигининг мол-мулкни тугатиш ФК нинг 1115-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-§. Дехқон хўжалигининг мол-мулки

Дехқон хўжалиғи юридик шахс сифатида фаолият юритганда ҳам, юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда фаолият юритганда ҳам ўз мол-мулкига эга бўлади. Бу «Дехқон хўжалиғи тўғрисида» 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонуннинг 15-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан дехқон хўжалиғи:

ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек бошқа мол-мулкларга;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга;

олинган даромадга (фойдага);

қонунда тақиқланмаган асосларда эга бўлинган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Дехқон хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир. Бунинг моҳияти шундан иборатки, деҳқон хўжаликлари мол-мулкнинг кўпайиши учун шарт-шароит яратиб беради. Деҳқон хўжалигининг мулк ҳуқуқи дахлсиз ва у давлат томонидан кафолатланади. Деҳқон хўжалиги қонунда белгиланган тартибда, масалан, ишлаб чиқаришни амалга ошириш, аъзолар мулквий бадаллари ҳисобига ўз мол-мулкни вужудга келтириш, уни кўпайтириш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга бериш, ўзгаларнинг мол-мулкни вақтинча фойдаланишга олишга ҳақлидир. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида тегишли бўлади. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш хўжалик аъзоларининг ўзаро келишувлари асосида амалга оширилади. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда мол-мулкни бошқариш тартиби суд томонидан белгиланади.

Деҳқон хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф қилиш учун банк муассасасида ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга. Деҳқон хўжалиги юридик шахс сифатида ташкил этилганда эса банк муассасасидаги ҳисобварағида маблағларини фақат унинг розилиги ёки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин. Деҳқон хўжалигининг пул билан боғлиқ операцияларини амалга оширишда деҳқон хўжалиги номидан деҳқон хўжалиги бошлиғи қатнашади. Деҳқон хўжалигининг мулквий ҳуқуқларини амалга оширишда, шу жумладан шартномалар орқали мол-мулк олиш ёки мол-мулкни бегоналаштиришда ҳам деҳқон хўжалиги номидан деҳқон хўжалиги бошлиғи қатнашади. Деҳқон хўжалигининг аъзоси деҳқон хўжаликлари мажбуриятлари бўйича деҳқон хўжалиги мол-мулкидаги ўз улуши ҳажмида жавобгардир.

Дехқон хўжалиги аъзосининг бошқа кредиторлар олдидаги қарзлари учун унинг дехқон хўжалигидаги мол-мулкидаги улушидан ҳақ ундирилиши мумкин. Дехқон хўжалигининг мол-мулки фуқаролик қонунларида белгилаб қўйилган тартиб ва асосларда мерос бўлиб ўтади.

Х боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, мезонлари ва мазмуни

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасидаги ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, Фуқаролик кодекси қишлоқ хўжалик тадбиркорлигининг икки хил кўринишини, биринчидан, оддий шаклдаги, яъни яқка тартибдаги тадбиркорлик – деҳқон хўжалигини юридик шахс тузмасдан амалга ошириш; иккинчидан, мураккаб шаклдаги юридик шахс тузган ҳолда, деҳқон хўжалигини, фермер хўжалигини, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), ижара корхонаси, акциядорлик жамиятлари, чет эл инвестицияси иштирокидаги қишлоқ хўжалик корхоналари, кичик корхоналар, унитар корхоналар ташкил қилиб хўжалик фаолиятини юритишни назарда тутади.

Фуқаролик кодексининг 24-моддасига кўра, фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб аниқлашилмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида

ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга нисбатан ушбу Кодекснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида якка тартибда тадбиркорлик–мулкӣ муносабатларда фойда олиш мақсадида ҳар бир шахс ўз номидан таваккалчилик асосида фаолият юритишидан иборатдир. Тадбиркор кредиторлари олдида ўз қарзлари бўйича нафақат тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ мол-мулк ҳисобидан, шунингдек ўзига тегишли бошқа мол-мулклари билан ҳам жавоб беради.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти билан 18 ёшга тўлган ва бу ёшга тўлмасдан никоҳдан ўтган ёки вояга етмасдан 16 ёшидан эмансипация қилинган, яъни тўлиқ муомалага лаёқатли деб тан олинган фуқаролар шуғулланишлари мумкин. 14 ёшдан 18 ёшгача ёки спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш натижасида муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар тадбиркорлик фаолияти билан қонуний вакиллари, ота-она, фарзандликка олувчилар ёки васийларнинг розилиги билан шуғулланишлари мумкин.

Ўшни таъкидлаш лозимки, ўтмишда юридик шахсни ташкил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган фуқаро ёлланма меҳнатни жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Ҳозирги пайтда Фуқаролик кодекси 26-моддасининг 3-қисмига ва 56-модданинг 1-қисмига мувофиқ ёлланма меҳнатни жалб қилишга рухсат берилади.

Мураккаб шаклдаги юридик шахсни ташкил қилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритувчилар ўзининг субъект таркибига кўра хилма-хил фаолиятни амалга оширувчи тижоратчи қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг амалда ҳамма кўриниши намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларининг тижоратчи корхоналарга бўлиниши уларнинг мулкӣ ҳуқуқи ва фаолиятининг хусусиятларига қараб белгиланади. Умумий қоидага кўра, тижоратчи ташкилотнинг асосий мақсади фойда олиш ва уни муассислар ўртасида тақсимлашдан иборат.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар асосан тижоратчи ташкилот-

лардан ташкил топади. Фуқаролик кодексининг 40-моддаси 2-қисмида тижоратчи ташкилотлар ташкилий- ҳуқуқий шаклларининг тўлиқ рўйхати келтирилган. Бу қишлоқ хўжалигида фаолият юритадиган ишлаб чиқариш тадбиркорлик тузилмаларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Қоидага асосан, юридик шахснинг номида унинг ташкилий- ҳуқуқий шакли, албатта, кўрсатилган бўлиши керак. Бу унинг турли хил ҳуқуқий муносабатларига киришишда контрактлари учун ҳам зарур бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида юридик шахс ташкил қилиб амалга ошириладиган тадбиркорликда унинг фаолиятининг хусусиятлари, ҳуқуқ доираси, мажбурийат юзасидан жавоб беришга оид қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ўз ифодасини топиши лозим.

Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналарининг тадбиркорлик фаолияти муайян принциплар ва шартларга асосан амалга оширилади. Булар жумласига қуйидагилар киради.

Биринчидан, ҳар қандай тадбиркорликнинг асосий принципи бўлиб унинг субъектларининг хусусан, фуқаролар, уларнинг бирлашмалари, юридик шахсларнинг мустақил ташаббус кўрсатиш фаолияти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида агар тадбиркор фаолият юритиш учун мустақил ташаббус кўрсата олмаса, у ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмайди, рақобатга бардош бера олмайди, натижада банкротга учраши муқаррар. Бундай тижоратчи корхоналарга нисбатан санация ва банкротликка оид қонун нормаларининг қоидалари қўлланилади. Бозор шароитида қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини мустақил белгилайди, режалаштиради ва уюштиради. Унинг фаолиятини юқори турувчи давлат органлари томонидан режалаштиришга йул қўйилмайди. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик тузилмалари ҳуқуқий шакл жиҳатидан ўз фаолиятини юридик шахс ташкил қилиб ёки юридик шахс ташкил қилмасдан амалга оширишидан қатъи назар, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотга, хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини ўзлари мустақил ҳолда белгилайди.

Ўз-ўзидан равшанки, ташаббуссиз мустақил тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга имконият яратилмайди. Ўтмишда, иқтисодиётдаги фаолият ташаббусга асосланмаганлиги, мус-

тақилликдан маҳрум бўлганлиги учун маъмурий буйруқбозликка бўйсундирилган социалистик «колхоз» ва «совхоз» ишлаб чиқаришини бошқарув шакллари муваффақиятсизликка учради. Шу сабабли, аграр тармоқда тадбиркорлик мустақиллиги амалдаги қонунлар доирасида амалга оширилиб, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинган тақдирда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигига эришиш мумкин.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг оқилона ривожланиш учун нафақат Ўзбекистон Республикаси миқёсида сиёсий, ҳуқуқий ва ахборот майдони зарур бўлиб қолмасдан, балки жаҳон бозорига чиқиш ҳам самарали ҳуқуқий нормалар билан қатъий мустаҳкамланган бўлиши шарт. Умумбашарий тадбиркорлик фаолияти қайси соҳада амалга оширилишидан қатъи назар муайян маъмурий-ҳудудий, ҳатто давлат чегараси билан чекланиб қолмаслиги керак. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан ҳар томонлама тенг имкониятлар яратилиши иқтисодий ислоҳотларни тармоқда жадаллаштиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда давлатнинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уни самарали амалга оширишни белгиланган тартибда ҳуқуқий нормаларда ифода этади, муайян салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий таъминлаш чораларини кўради; алоҳида тадбиркорлик субъектларининг монополистик фаолиятини чеклайди, товар бозорларида соғлом рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилишни кафолатлайди.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шarti бўлиб тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин фуқарога тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳуқуқ берилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига кўра, деҳқон хўжалигининг бошлиғини давлат рўйхатига олиш деҳқон хўжалиги бошлиғининг доимий яшаш

жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади. Деҳқон хўжалиги бошлиғига ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда белгиланган намунадаги давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Агар давлат рўйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи асосиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рад этилган бўлса, хўжалик бошлиғи судга мурожаат қилиши мумкин.

Кўрғон, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир деҳқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бошқарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий- ҳуқуқий (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди.

Агар қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъекти юридик шахс сифатида ташкил қилинса, уларни рўйхатга олиш тартиби Фуқаролик кодексининг 44-моддасида белгиланган тартибга асосан амалга оширилади. Чунончи, ушбу моддага кўра, юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг мазмунини эркин амалга ошириладиган, қонун билан тақиқланмаган фаолият ташкил этади. Шу сабабли, ҳамма қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларига моддий, молиявий, меҳнат, ахборот ва табиий ресурс-

ларни олишда тенг имкониятлар бериледи. Қоидага кўра, қишлоқ хўжалик тадбиркорларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятлари ҳар хил турдан иборат бўлишидан қатъи назар улар қонун олдида тенг ҳуқуқлидир.

Фуқаролик кодексининг 41-моддаси 4-қисмига асосан юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тармоқ ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти, ишлаб чиқаришнинг муҳим воситаси сифатида ердан фойдаланишга асосланади. Бундан ташқари, кенг ҳудудда турли хил агротехник шароитда амалга оширилиши, иш даври билан ишлаб чиқариш вақтининг номутаносиблиги, табиий об-ҳаво шароитига боғлиқлиги, тупроқнинг ҳолати, ернинг ирригация ва мелиоратив ҳолатини инобатга олишнинг зарурлиги шулар жумласидадир. Хуллас, бутун дунёда инсоният яшаши ва эҳтиёжи учун фақат қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқон ва фермер ва бошқа хўжаликларни ташкил қилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, яна бир қатор субъектив ва объектив омиллар мавжудки, улар бевосита қишлоқ хўжалик тижорат корхоналари ва тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг биологик жараёни, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг устуворлиги, қишлоқ хўжалигининг иқтисодий рақобатбардошлик хусусиятлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини соҳалаштириш ва ихтисослаштириш тузилмавий ўзгаришларининг алоҳида муҳим ўрин тутиши, деҳқончиликни ривожлантиришнинг ўта ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга моликлиги инобатга олиниши лозим.

Қайд этилган ҳар бир омилнинг таъсири билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини ёритишда ўз ечимини топиши лозим. Бу эса ўз навбатида,

биринчидан ягона, қулай, самарали бозор хўжалигини вужудга келтириб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тадбиркорлик тузилмалари тузилишини жаҳон давлатлари тажрибаси ва ҳуқуқий амалиётига мувофиқлаштирилишини; иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тузилмаларининг республикамиз иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда мавқеи ошиши ва уларнинг тадбиркорлик фаолият юритишини ҳуқуқий таъминлашни; учинчидан, қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналарининг иқтисодий қарамсизлиги ва хўжалик мустақиллигини ҳамда уларнинг тадбиркорлик ва бизнес соҳасида фаолиятини рағбатлантириш мурватларининг қонуний асосларини мустаҳкамлашни: тўртинчидан, республика қишлоқ хўжалигининг имкониятига, қишлоқ хўжалик тадбиркорларнинг ташаббускорлиги ва деҳқонларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришга ҳаққоний баҳо беришни талаб этади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг асосий мазмуни шундан иборатки, деҳқонларга ўзларининг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини руёбга чиқариш учун кенг эркинлик бериш, ишлаб чиқариш воситаларининг ўз хўжайинига эга бўлиш, ўз меҳнатларининг пировард натижалари бўйича манфаатдорлигини ошириб, ишлаб чиқарган маҳсулотларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаш зарур. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг мазмунини тушуниб олишда тармоқдаги турли хил тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида уларнинг тугган ўрни, ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини эътироф этиш улар фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектлари томонидан самарали фаолиятнинг ташкил қилиниши, қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар тадбиркорликнинг принциплари моҳият ва мазмунини чуқур англаган ҳолда, хўжалик фаолиятини юритиши аграр тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади.

2-§. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик фаолияти муайян режалаштириш асосида амалга оширилсагина ўз самарасини бериши мумкин. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш биринчидан, давлат ва унинг органлари томонидан, иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тадбиркорлик тузилмаларининг бизнес режаларини тузиши орқали амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан режалаштириш мажбурий характерга эга бўлмасдан, балки тавсиявий кўринишда бўлади. Бинобарин, бундай режалаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, давлат ўтмишда ҳукмрон бўлган, яъни маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизимдан фарқ қилган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти давлат режаларига қатъий боғлиқ қилиб қўйилмасдан, ўз ишлаб чиқаришини мустақил ташкил қилишда ва уни ўз манфаатларига мослаб режалаштириш имкониятига эга бўлади. Қишлоқ хўжалик корхоналари тадбиркорлик мустақиллигига эга бўлиб ўз фаолиятининг самарадорлигини оширишга муайян шароит яратилади. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг режаларини бизнес-режаларида белгилаб олиб ишлаб чиқариш фаолиятини юритади. Давлат томонидан белгиланадиган режалаштириш мажбурий маъмурий кўрсатмаларга асосланмасдан, балки иқтисодий воситалар ёрдамида ахборот маълумотлари орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида режалаштиришнинг иқтисодий воситалари бўлиб тармоқни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан давлат истеъмолчи сифатида қатнашиши, давлат солиқ сиёсати, муайян йилларга мўлжалланган давлат дастури асосида тармоқ иқтисодиётини юксалтириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалиги-

даги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури ҳақида»ги Фармонига асосан қишлоқ хўжалигини 1998-2000 йиллар мобайнида давлат томонидан ривожлантиришнинг истиқболи назарда тутилди, қишлоқда бозор муносабатларини жорий қилиш муаммоларини ечишда мутлақо янгича ёндашув асосида ҳал қилишни талаб этмоқда. Дастурга асосан, 1998-2000 йилларда узоқ муддатли (3-5 йилгача) ва фьючерс шартномаларини тузишни кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бўнак билан таъминлаш, шунингдек жойларнинг ўзидан маҳсулотларни сотиб олишга тўғридан-тўғри шартномаларни кенг қўллаш, ихтисослаштирилган бозорлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи сотиб олинган ҳажмларини ошириш, улгуржи бозорларда маркетинг хизмати ва товарларни сертификатлашни ташкил этиши, транспорт, почта банк хизматлари ва суғуртани ривожлантиришни таъминлаш белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан бошқариш механизми, жумладан давлат эҳтиёжларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш тизими янада такомиллаштирилади, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини иқтисодий рағбатлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кучайтирилади ва ҳоказо.

Жойларда ҳуқуқий, иқтисодий ва маркетинг маълумотларини йиғиш ва тарқатиш бўйича маълумот хизматлари тузиш асосида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини маълумот билан таъминлашни ташкил этишни яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Давлат қишлоқ хўжалик тадбиркорлик ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кафолатлар беришни уларга бир қатор ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятини яратиш орқали таъминлайди.

Бинобарин, давлат қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини мустақил шуғулланиш, мулкларини ноқонуний олиб қўйишдан ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият соҳасини эркин танлаш, мулкларини, ишлаб чиқариш маҳсулотларини даромад (фойда)ни тасарруф этиш, товар бозорларида монополистик фаолиятдан ҳимояланиш, нарх, маҳсу-

лотларни реализация қилиш шакл ва усуллари ҳақидаги масалаларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш тизимини ва ходимлар сонини мустақил белгилаш кабиларни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 апрелда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни 25-моддасига кўра, давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи деҳқон хўжалиқларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди. Давлат органлари деҳқон хўжалигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари лозим.

Шунингдек, ушбу қонун асосида давлат деҳқон хўжалиқларининг тадбирларини назарда тутиб, давлат рўйхатидан ўтказилганлик йиғимини тўлашдан ва биринчи мартаба томорқа ер участкаси олган бундай хўжалиқлар рўйхатга олинган пайтдан эътиборан икки йил муддатга ер солиғидан озод қилишга оид тартибни белгилайди. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан режалаштириш қуйидаги йўналишлар асосида амалга оширилиши мумкин: қишлоқ хўжалик сиёсатини ва уни амалга ошириш тартибини белгилаш; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорининг жорий таҳлили ва истиқболини белгилаш ҳамда рағбатлантириш; мамлакатда озиқ-овқат ресурслари ва ишлаб чиқариш воситаларига оид ахборот маълумотларини қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларига етказишни таъминлаш; қишлоқ хўжалигини илмий жиҳатдан таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш; қишлоқ хўжалигига устувор тармоқ сифатида давлат ва маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш ва уни харажат қилишнинг ижроси юзасидан назоратни амалга ошириш; қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўйича қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларини муайян тавсиялар ишлаб чиқишга фаол жалб этиш; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари стандартларини тартибга солиш; хорижий давлатларда агросаноат ривожланишини қиёсий таҳлил этиб, мамлакатимизда ушбу соҳани жадаллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий истиқболларини белгилаш; қишлоқ хўжалигига солиқ орқали таъсир ўтказиш ва тегишли имтиёз-

ларни бериш; қишлоқ хўжалик, ер ва бошқа тармоққа оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш; давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат контрактини белгилаш, моддий- техника ресурслари билан таъминлаш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг импорт ва экспорт қилинишини ташкил қилишни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалигида мулкый пайларни жорий этиш, қишлоқда хўжалик корхонаси фаолиятининг пировард натижалардан манфаатдорлигини ошириш мақсадида меҳнатни ташкил этишнинг оилавий (жамоа) пудратига асосланган ички хўжалик муносабатларини ривожлантириш; тупроқ эрозиясига қарши кураш ва мелиоратив тадбирларни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг саноатга асосланган энг замонавий технологиясини жорий этиш ҳисобига деҳқончилик маданиятини, тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали юритишнинг асосий мезони сифатида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи замонавий агротехник қоидалари ва талабларига риоя этиш, пахтачиликни ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ривожлантириш, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос районлаштирилган навларни тўғри танлаш ва жойлаштиришни ташкил этиш ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан режалаштириш, қоидага кўра, давлат бюджети ҳисобидан ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари ушбу масалалар билан шуғулланувчи органлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни давлат томонидан режалаштириш давлат дастури асосида амалга оширилиб, тармоқда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган муайян ҳудудий режалаштириш тадбирларида ҳам ўз ифодасини топиши лозим.

Ҳозирги шароитда республикаимиз вилоятларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, давлат томонидан ҳудудий режалаштириш асосида тадбиркорликни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалигидаги иқти-

содий ислохотларни чуқурлаштириш дастурига асосан ҳар бир вилоят ва туманларнинг тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг жорий ва истиқболга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этиш қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан режалаштиришни амалиётга татбиқ этишда қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари томонидан амалга ошириладиган бизнес-режалар алоҳида ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигига оид бўлган давлат ёки ҳудудий дастурларнинг бажарилиши энг аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тадбиркорлик тизимлари орқали таъминланади. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари мустақил равишда ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятнинг ҳажмлари ва турларини белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунининг 20- моддасига асосан, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз фаолияти йўналишларини ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги нормативлар ва стандартларга, экология, санитарияга оид ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиши шарт.

Давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Кези келганда шунини таъкидлаш керакки, қонун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг хўжалик фаолияти деганда, унинг фаолиятини режалаштиришни ҳам кўзда тутди. Демак, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги тижоратчи корхонаси, шу жумладан, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз жамоа тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мустақил равишда бизнес-режаларини тузишга ҳақлидир; давлат органлари ва мансабдор

шахслар томонидан уни ўзгартириш, кўшимчалар киритишга ёки бекор қилишга йўл қўйилмайди; қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари бизнес-режаларида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантиришга қаратилган истиқболга мўлжалланган режаларни белгилайди. Бу бизнес-режалар уларнинг бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликни кенг миқёсда жадаллаштиришга, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришга, уларнинг банкротликка учраш хавфини бартараф қилишда, фаолиятни молиявий барқарорлаштириб, унинг пировард натижасидан фойда (даромад) олишда муҳим омил яратишига имкон беради. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналарининг ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига оид режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро қилиш унинг уставида кўрсатилади, энг аввало корхонанинг органлари томонидан бажарилиши назорат қилинади. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхонасининг бизнес-режалари унинг юқори бошқарув органлари мажлисларида муҳокама қилиниши ва уни такомиллаштириш юзасидан ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш масалалари кўриб чиқилиши лозим. Шунингдек, қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналарининг фойда олиш режаси, муассасалар операциялари ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва баланслари устидан солиқ органлари томонидан назорат амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида тармоқ ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш асосан қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари зиммасига тушиб, улардан катта масъулият талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни давлат томонидан режалаштиришнинг тавсиявий кўрсаткичларини инобатга олиб, ҳар бир аграр тармоқ тадбиркорлик субъекти қандай ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариши, қандай баҳода сотиши, контрагентни танлашини мустақил белгилашни ўзлари ҳал қиладилар. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурлари ва давлат режалаштириш маълумотлари ҳар бир қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари учун ўз бизнес-режаларини тузишда асос бўлиб хизмат қилади.

3-§. Қишлоқ хўжалигида ички хўжалик муносабатларини ташкил қилишда пай шаклининг афзаллиги ва моҳияти ҳамда оила (жамоа) пудрати асосида тадбиркорликни амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби

Бозор шароитида қишлоқ хўжалигида ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш тадбиркорлик фаолиятини кенг ёйишга имкониятлар яратади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида пай шаклини жорий этиш ва оила пудрати асосида тадбиркорликни ривожлантириш деҳқонларда ҳуқуқий мулкдорлик туйғусини шакллантиришда ва уларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган таркибий ўзгаришларнинг самарадорлиги ҳам кўп жиҳатдан пайчилик муносабатларини шакллантиришга ва оила (жамоа) пудрати асосида тадбиркорликни ривожлантиришга чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармони асосида тасдиқланган. «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури»га асосан қишлоқда мулк муносабатларни тубдан ислох қилиш учта ягона бошланғич асосни жорий этиш билан амалга оширишни назарда тутди, булар қуйидагилардан иборат: пай муносабатлари, бу деҳқонга, қишлоқ хўжалик кооперативининг аъзосига, мулк пайни-мулк қийматининг ва хўжаликнинг мажбуриятлардан холи бўлган активларининг маълум қисмини ва у билан бошқа бўлган жами жамоа оладиган пировард даромаднинг бир қисмини олиш ҳуқуқини бериш; оилавий пудрат-ҳар бир ишчининг меҳнат сарфини унинг даромадлари, оиладаги моддий фаровонлиги билан узвий боғлашга имкон берувчи, хўжалик ичида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг асоси сифатида намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалигида пай муносабатларини ва оила (жамоа) пудратини ҳуқуқий таъминлашга оид нормалар биринчи мартаба 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекис-

тон Республикасининг Ер кодекси ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 50-моддасига кўра, қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) доимий эгалик қилиш учун берилган ер участкалари қиймати унинг пай жамғармасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкаларининг қиймат баҳоси Давлат кадастрлари асосида ва қонун ҳужжатлари билан белгиладиган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида чиқарилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси ер участкаларининг қиймат баҳосини ва асосий жамғармаларининг қийматини ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) мажбуриятлардан холи бошқа активлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтирилган маблағлар бундан мустасно. Пай ва бўлинмас жамғармаларнинг миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставида белгилаб қўйилади.

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари ўртасида мулкый пайларга тақсимланиши лозим. Мулкый пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат хўжалиги) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улуш олиш ҳуқуқини беради.

Мулкый пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш, тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкый пайнинг аниқ миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) аъзосига унинг мол – мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган ҳуқуқини белгилаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) да-ромадининг (фойдасининг) пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкый пайнинг миқдорига мутаносиб равишда йўлланади.

Мулкый пай ҳар бир аъзонинг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) пай жамғармасидаги улушидир. Мулкый пайни ҳисоблаш учун ишловчи аъзолар тўғрисида меҳнат даври, охириги йиллар мобайнидаги ўртача йиллик иш ҳақи аниқланиши лозим. Шу ҳақни ҳисоблаш учун олин-надиган йиллар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжа-лиги) умумий йиғилишида тақсимланадиган пай жамғарма-сини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзо-ларининг сонига бўлган ҳолда бир пайнинг ўртача қиймати аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг умумий пайи икки қисмдан иборат. Бирин-чиси, бошланғич мулкый пай кооператив (ширкат) тузилаёт-ган пайтда унинг ҳар бир аъзосига тегишли мулкый пай бўлса, иккинчиси эса, қўшилган мулкый пай, кооператив (ширкат) аъзосининг бошланғич мулкый пайдан ташқари кейинги дав-рларда қўйилган пай бадалларидан ташкил топади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг молия-ҳисоб марказида ҳар бир аъзо учун шахсий ҳисобва-рақ очилиб, унда пайчининг бошланғич мулкый пайи, қўшим-ча пай бадали, олди-сотди натижасида йиллик кўпайган мулкый пай миқдори ҳамда уларга тўланган дивиденд ҳисоб-га олиб борилади. Барча аъзоларнинг ҳисобварағидаги мул-кий пайлари миқдори ширкат пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши шарт.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)дан чиқиш фермер хўжалиги ёки янги кооператив (ширкат) таш-кил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда мулкый пайлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратиб берилади.

Мулкый пайнинг қийматини тўлаш шакли ва тартиби иккала тарафнинг келишувига биноан амалга оширилади. Агар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзо-си вафот этган тақдирда, унинг меросхўрлари ўзларига ўтган

мулкий пай билан кооператив (ширкат)нинг умумий йиғилиши қарорига асосан ўз хоҳишига кўра қонун ҳужжатларида ва Уставда назарда тутилган тартибда пай қийматини тўлиқ олиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолияти тугатилаётган пайтда кредиторлар талаби қондирилганидан сўнг қолган мол-мулк (пай жамғармаси) кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисм ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзосининг ҳар бирига тақсимланадиган дивиденднинг миқдори умумий йиғилиш томонидан белгиланади ҳамда иш ҳақи, мукофот ва бошқа тўловлар миқдорига боғлиқ бўлмайди.

Дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) молия-ҳисоб маркази томонидан амалга оширилади. Дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги ҳисобот бир йилда бир марта тузилади ва умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да мулкий пайлар ва дивидендлар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда оилавий (жамоа) пудрат шартномаси асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг аҳамияти беқиёсдир.

Қишлоқ хўжалигида оилавий (жамоа) пудрат муносабатларини тартибга солишда бир қатор ҳуқуқ нормалари қўлланилиб, унинг таркибида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун муҳим ўрин эгаллайди.

Қишлоқ хўжалигида оила (жамоа) пудрати шартнома муносабатларига Фуқаролик кодексининг 37-бобидаги пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар татбиқ этилади. Ушбу Кодекснинг 631-моддасига кўра пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топширигига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатга топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб

олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шуни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 51-моддасида биринчи маротаба ер участкаларини хўжалик ичида тақсимлаш ва оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги норма ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди. Ўхшаш қондалар Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги» қонунда ҳам белгиланди. Чунончи, Ер кодексининг 51-моддасига кўра, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномалари шартлари асосида берилади.

Ер участкалари муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ходимларининг гуруҳларига ҳам вақтинча фойдаланишга жамоа пудрати шартномаси шартлари асосида берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида оила пудратининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, оила (жамоа) пудрати шартнома шартларига асосан, вақтинча фойдаланишга бериб қўйилган ер участкаларида пудратчи оила аъзоларининг бевосита иштирок этишида ифодаланади.

Оила пудрати – қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилоти томонидан оиллага вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир. Гарчи, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунда оила пудрати ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил қилиш шакли деб эътироф этилган бўлсада, оила пудратида – талбиркорлик фаолиятининг белгилари,

ташаббус кўрсатиш, таваккалчилик, даромад олиш ва ўз мажбуриятлари юзасидан ўзлари жавоб бериш кабилар мужассамлашган. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, оила пудрати шартномаси асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритишни тadbиркорликка оид фаолият сифатида қараган ҳолда, оила пудрати шартномасини – ички хўжалик тadbиркорлик шартномаси деб аташ ўринли булур эди.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа жамоа қишлоқ хўжалик корхонаси юқори бошқарув органлари орқали шу кооператив (ширкат) жамоа корхонаси билан ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларнинг иш берувчиси (маъмурияти) билан оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили) ўртасида тузилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

ер участкасининг ўлчами, жойлашган ери ва ҳолати;

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш чизмасига мувофиқ ернинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш борасидаги, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасидаги мажбуриятлари;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни реализация қилиш шартлари;

пудратчини суғориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида бериладиган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкаларининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра етиштирилган маҳсулотларнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига кўра амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари (пудрат-

чилар) – пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолияти якуний натижаларига кўра белгиланадиган дивидендлар оладилар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилган ер участкаси учун пудратчидан ер ҳақи ундирилмайди. Бу участкалардан олинадиган ер солиғини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари белгиланган тартибда тўлайди. Пудрат шартномаси шартлари асосида олинган ер участкасини ижарага ёки ёрдамчи пудратга бериш тақиқланади. Шунингдек, пудратга олинган ер участкасида уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш ман этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунининг 21-моддасига кўра пудратчи, агар оила (жамоа) пудрати шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ишларни бажариш усуллари мустақил равишда белгилайди, уларни ўз кучи ва воситалари билан амалга оширади. Буюртмачи пудратчига оила (жамоа) пудрати шартномасида назарда тутилган ҳажмда ва тартибда ишларни бажаришда кўмаклашиши шарт. Кўрсатилган ишларнинг бажарилишини моддий-техникавий таъминлаш, агар оила (жамоа) пудрати шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи томонидан амалга оширилади. Ишлар тугагандан кейин пудратчи буюртмачи томонидан берилган моддий-техника ресурсларидан фойдаланганлик тўғрисида буюртмачига ҳисобот тақдим этиши, шунингдек уларнинг қолдиғини буюртмачига қайтариши ёхуд пудратчига фойдаланилмай қолган моддий-техника ресурслари қийматини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўлаши лозим бўлган ишлар қийматини буюртмачининг розилиги билан камайтириши шарт.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси бўйича тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Пудратчи шартномада кўрсатилган миқдордан ортик етиштирган (пахта, ғалладан ташқари) маҳсулотни ўзи истаган жойда келишилган (эркин) нархда сотади ёки шу нархда хўжаликка топшириш, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта, пенсия, дам олиш ва меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик учун ёрдам (нафақа) олиш ва бошқа имтиёزلардан фой-

даланиш учун олиб қўйилган тақдирда, пудратчи етказилган зарар ва бошқа ҳаражатларнинг, шу жумладан, бой берилган фойданинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланишини та-лаб этиш ҳуқуқига эга.

Пудратчининг мажбуриятлари бўлиб берилган ер уча-сткаларидан белгиланган мақсадга кўра ва шартнома шар-тларига асосан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигининг па-сайишига, атроф муҳитнинг ёмонлашувига йўл қўймас-лик, агротехника қодаларига риоя қилиш; берилган ер участкаларида ариқ ва зовурларни ўз вақтида тозалаш, мавжуд бўлган кўп йиллик дарахтларни парвариш қилиш ва сақлаш; муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиш-тириш ва уни келишилган муддатларда буюртмачи – хўжа-ликка топшириш; моддий-техника ресурсларидан фойда-ланишда тежамкорликни таъминлаш, техника хавфсизли-ги ва меҳнатни муҳофаза қилишга риоя этиш кабилар ҳисобланади.

Ўз навбатида, хўжалик бошқаруви, иш берувчи (маъмури-ят) эса ер участкасини ва шартномада кўрсатилган бошқа мол-мулкларни пудратчига далолатнома асосида бериш; пудратчига уруғ, ўғит, кимёвий ва бошқа моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва уни зарур техника воситалари билан шартно-мада белгиланган муддатга таъминлаш, ҳақ баробарига хизмат кўрсатиш; агротехника тадбирларини ўз вақтида самарали ўтка-зиш бўйича малакали мутахассисларнинг маслаҳатларини таш-кил этиш, техника хавфсизлиги назоратини таъминлаш; пуд-ратчилар етиштирган, топширган ва сотган маҳсулотларининг ҳисобини олиб бориш учун даромад ва ҳаражатлар ҳисоб-кито-би бўйича молия-ҳисоб марказида шахсий ҳисобварақ очиш, ўзаро ҳисоб-китоб ишлари, чек ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилишини ташкил этиш; иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, хўжалик аъзолари (ҳодимлари)га белгиланган миқдордан кам бўлмаган миқдорда ижтимоий жамғармага бадалларни тўлаши лозим, шунингдек, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжа-лиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалик тижоратчи корхонаси режа-ни бажарганда пахта етиштирувчиларга шартномада назарда тутилганидан ортиқча етиштирилган ҳар бир тонна пахта хом ашёси учун пахта ёғи, кунжара ва бошқаларни белгиланган тартибда бериш, таъминлаш мажбуриятини олади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаси (буюртмачи) билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома шартлари юзасидан улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида жавобгар бўлади. Шартнома шартлари бажарилмаганда айбдор тарафга шартномада назарда тутилган ҳуқуқий чоралар қўлланилади. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхонаси (буюртмачи) билан пудратчи ўртасида вужудга келадиган низолар суд тартибида ҳал қилинади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналарида ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш мақсадида унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш тармоқда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг гарови бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида пай шаклини ва оила (жамоа) пудрати шартнома муносабатларини тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш аграр соҳада иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

XI боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ- НИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий муносабатларнинг умумий тушунчаси

Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда улар иштирокидаги молиявий муносабатларнинг аниқ-равшан қонунчилик база-сига эга бўлиши, ушбу муносабатда қатнашувчи томонлар ўз ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини чуқур англаб етишлари, уларни лозим даражада, тўлиқ бажаришлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли мамлакатимиз ўз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўтган йиллар давомида юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий хусусиятларидан бири – иқтисодий барқарорлик ва ривожланишни таъминлай оладиган, мавжуд моддий ва бошқа ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишга хизмат қила оладиган молиявий қонунчилик тизимларини вужудга келтириш, хўжалик юри-тувчи субъектлар томонидан молия интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш, давлат ва маҳаллий бюджетлар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида қилинишини ташкил этишга қаратилган таъсирчан иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ме-ханизмларни қидириб топиш ва уларни ишга солишдан иборат эканлиги табиий ҳолдир. Сўнгги йилларда қабул қилинган қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ана шу мақсаднинг амалга оширилишига қаратилгандир.¹

¹ Қаранг: «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қонун («Ўзбекистоннинг янги қонунлари», №8), Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Тошкент, «Адолат», 1997 й), Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни («Ўзбекистоннинг янги қонунлари», №13), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимларини мустаҳкамлаш чоралари ҳақида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 апрелдаги «Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва бошқалар.

Халқ хўжалигининг бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид бўлган умумий принциплар ҳамда қоидалар қишлоқ хўжалиги соҳасида иш юртитувчи хўжалик субъектлари учун ҳам хосдир.

Жумладан, ҳар қандай молиявий ҳуқуқий муносабат – молиявий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабат бўлиб, бу муносабат иштирокчилари ўзларига берилган ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларни давлат пул жамғармалари ва даромадларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат амрини бажариш мақсадида амалга оширадilar.

Давлат томонидан молиявий фаолиятни амалга ошириш чоғида илгари сурилган мақсадларни рўёбга чиқаришлик учун ушбу соҳада юзага келувчи муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати вужудга келади. Молиявий фаолият давомидаги муносабатлар молиявий-ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиниши натижасида улар молиявий-ҳуқуқий муносабатга айланадилар ва бу муносабат иштирокчилари субъектив ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятлар орқали ўзаро боғланадилар, бундай алоқалар қонун воситасида ҳимоя қилинади. Фақат молиявий қонунлар таъсир кучи билан молиявий фаолият амалга ошиши, режадаги маблағларнинг давлат хазинасида тўпланиши, уларнинг тақсимланиши ҳамда мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиши мумкин бўлади.

Халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғида, шу жумладан қишлоқ хўжалиги секторида ҳам молиявий ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Улар қуйидагилар:

1) улар давлат ва маҳаллий пул жамғармалари ҳамда даромадларининг режали равишда шакллантирилиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиши жараёнида, яъни давлат молиявий фаолияти натижасида вужудга келади;

2) молиявий ҳуқуқий муносабатлар мулкый муносабатларнинг бир тури бўлиб, давлатнинг пул, молиявий ресурслари билан боғлиқ равишда юзага келади;

3) молиявий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчилардан бири ҳар доим давлат ёки ваколат берган орган бўлади. Давлат органлари молиявий-ҳуқуқий муносабатларда давлат номидан қатнашар эканлар, барча бошқа иштирокчилар (бош-

қа турдаги давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, жисмоний шахслар) учун мажбурий кучга эга бўлган фармонлар чиқариш ваколатига эга бўладилар. Шу билан бирга молиявий ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатида давлатнинг ваколатли органлари муайян мажбуриятларга ҳам эга бўлиб, мажбуриятларнинг бажарилиши молиявий-ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи бошқа шахслар (корхоналар, жисмоний шахслар) ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кафолатлашга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларда ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларида, молия, солиқ ҳамда бюджетга оид қонун нормаларида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуни хўжалик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи универсал қонун бўлгани туфайли унда хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа барча фаолият йўналишлари қаторида молиявий-ҳуқуқий жабҳадаги муносабатларнинг ҳам умумий қоидалари белгилаб қўйилган.

Жумладан, ушбу Қонуннинг 24-моддасида айтилишича: «Корхона молиявий ресурсларининг шаклланиши манбаи бўлиб фойда (даромад), амортизация ажратмалари, қимматли қоғозлар савдосидан тушумлар, меҳнат жамоаси аъзоларининг, корхоналар, ташкилотлар, фуқароларнинг пай ва бошқа бадаллари, бошқа тушумлар ҳисобланади».

Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ресурслари, улардан фойдаланиш, бюджет билан ҳисоб-китоб, молиявий муносабатларнинг бошқа масалалари қишлоқ хўжалик корхоналарининг айрим шаклларида оид махсус қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Хусусан, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида айтилишича: қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг мустақил балансида акс эттириладиган асосий жамғармалар, айланма маблағлар ҳамда бошқа бойликлар шу кооперативнинг (ширкатнинг) мулкидир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мол-мулки асосий жамғармалар қиймати, етиштирган маҳсулоти, уни сотишдан тушган даромадлар (фойда), аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари, банк кредитлари, қимматли қоғозлар ҳисобидан ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) уставида назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ва қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳосил бўлади. Кооператив (ширкат) мол-мулкни шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар киритиш йўли билан иштирок этишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки уларнинг улушли иштирокига мувофиқ шу кооперативнинг (ширкатнинг) мулкдир.

Таркибига қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), мулкчиликнинг турли шаклидаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар кирган уюшмаларнинг мол-мулки уларнинг умумий (улушли) мулки ҳисобланади. Таркибига фақат кооперативлар (ширкатлар) кирган уюшмаларнинг мол-мулки, агар уюшмаларнинг таъсис ҳужжатларида ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шу кооперативларга (ширкатларга) умумий (улушли) мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқи эга.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) нинг капитали (устав жамғармаси) пай жамғармаси ҳамда кечиктириб бўлмас эҳтиёжлар учун ажратиладиган (тупроқ унумдорлигини ошириш, ирригация иншоотларини сақлаш, техника сотиб олиш, ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш ва бошқа мақсадларга мўлжалланган) маблағлардан ташкил топади. Пай жамғармаси, бўлинмас жамғарма миклори, уларни тасарруф этиш тартиблари қонун ҳужжатларида, кооператив уставида белгилаб қўйилади.

Ана шундай қоидалар «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисидаги»ги Қонунларда ҳам белгилаб қўйилган (Қаранг: «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 25,27, 28-моддалари; «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 15, 17, 21-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 3 апрелдаги «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий муносабатларни такомиллаштириш, молиявий қонунларга оғишмай амал қилишни таъминлаш, уларнинг молиявий мустақиллигини янада ошириш чоралари назарда тутилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молияси Ўзбекистон Республикаси молиявий тизимининг таркибий қисми сифатида ҳуқуқий тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоғи сифатида молиявий-ҳуқуқий жиҳатдан умумий хусусиятларга эга ва умумий қоидалар ҳамда принциплар асосида тартибга солинсада, улардаги мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усулига кўра ўзига хос жиҳатларга ҳам эга эканликлари қайд этилмоғи лозим.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғида ёки аграр секторида жамоа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари каби нодавлат мулкчиликка асосланган корхоналар билан бир қаторда нисбатан оз бўлсада турли тадқиқот, тажриба, ўрмон хўжаликлари тарзидаги ва бошқа шакллардаги давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам мавжуд, уларнинг молиявий фаолияти ўзига хос усуллар ҳамда ҳуқуқий воситалар билан тартибга солиниши табиий.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молияси халқ хўжалиги молиясининг асосий таркибий қисми сифатида давлатимиз ҳаётида етакчи ўрин эгаллайди. Унинг воситасида нафақат шу

соҳага оид корхоналар моддий ишлаб чиқариши ва ижтимоий фаолияти, балки мамлакат пул жамғармалари, бюджетнинг шаклланишини, пенсия, соғлиқни сақлаш, фан ва маориф ҳамда бошқа тармоқлар ривожини таъминлашга кўмаклашади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молияси, – пул даромадларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий эҳтиёжлар учун пул маблағларини жамғариш билан боғлиқ бўлган пул муносабатларидир. Бундай пул муносабатлари маҳсулотларни реализация қилиш, корхона томонидан яхши ва соф даромад олиш натижасида вужудга келади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молияси ҳам бошқа тармоқларда бўлганидек тақсимот хусусиятига эга, чунки барча турдаги молиявий муносабатларнинг вужудга келишига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализациясидан тушган пул маблағларининг тақсимланиши асос бўлади. Маҳсулот реализациясидан тушган пулнинг, корхона даромадининг ҳамда соф фойдасининг тақсимланиши туфайли қуйидаги гуруҳларга оид молиявий муносабатлар юзага келади:

1) даромад, қўшилган қиймат, ер, мулк ва бошқа солиқлар ҳамда носолиқ тўловларни тўлаш юзасидан бюджет (давлат ва маҳаллий) билан бўладиган молиявий муносабатлар;

2) давлат бюджетидан ташқари жамғармалар (суғурта бадаллари, пенсия, бандлик ва бошқа фондлар) билан бўладиган молиявий муносабатлар;

3) турли соҳалараро ва тармоқ уюшмалари, жамғармаларига маблағ ажратиш билан боғлиқ молиявий муносабатлар;

4) корхона ичида турли фондлар (устав жамғармаси, мақсадли фондлар ва бошқалар)ни шакллантириш ва сарфлаш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатлар;

5) корхона даромадлари ва жамғармаларини сарфлаш, ташқаридан маблағлар жалб этиш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатлар.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олганда, қишлоқ хўжалик корхонаси молияси корхона ихтиёридаги пул фондлари йиғиндисидан иборат деб айтиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхонаси томонидан йўл қўйилган хатоликлар учун бюджетга тўланадиган, шартнома интизо-

мига риюя этилмаганлиги учун ўз хўжалик ҳамкорларига тўлайдиган жарима санкциялари ҳам моҳият жиҳатидан молиявий муносабатлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик корхонасининг молиявий муносабатлари иқтисодий жиҳатдан хилма-хил бўлиб, ўзига хос тарзда ҳуқуқий тартибга солишликни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий фаолияти тизимида мақсадли ички хўжалик жамғармалари (фондлари)ни ташкил этиш, улардан фойдаланиш етакчи ўрин тутати. Бундай фондларнинг асосий турлари, ҳуқуқий ва иқтисодий режими қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига оид қонунларда («Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»), бундай корхоналарнинг таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молияси марказлаштирилмаган молиявий ресурслар қаторига кирази ҳамда улар муайян корхонада вужудга келтирилади ва ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш – ижтимоий мақсадлари учун сарфланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари иштирок этадиган молиявий муносабатлар иқтисодий жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, улар молиявий ҳуқуқий нормалар билан ҳам, фуқаролик ҳуқуқи билан ҳам тартибга солинади. Бунда давлат ва маҳаллий бюджетлар билан, суғурта ҳамда бошқа фондлар билан солиқлар, носолиқ тўловлар, суғурта бадаллари тўлаш, бу фондлардан маблағлар олиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар молия ҳуқуқи нормалари билан; банк муассасалари, бошқа корхоналар, тадбиркор фуқаролар билан бўладиган маблағларни жойлаштириш, иқтисодий жазо чораларини қўллаш, хўжаликлараро фаолиятларда улушбай иштирок этиш, кредитлар олиш ва уларни қайтариш ҳамда бошқа ўзаро тенг муносабатларга асосланган молиявий муносабатлар эса фуқаролик қонунлари, шартнома ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясининг режими, юқорида қайд этилганидек, мулкчилик шаклига, хўжалик фаолияти турига кўра ўзаро фарқланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий муносабатлари бозор муносабатлари ривожланиб ва такомиллашиб

бораётган ҳозирги кунда бу корхоналарнинг асосий қисми нодавлат, хусусий мулкчиликка асосланганлиги, ўз молиявий фаолиятларини амалдаги қонунлар доирасида мустақил равишда ташкил этишлари, ўз даромадлари ва молиявий ресурсларини эркин, ихтиёрий равишда тасарруф этиш ҳуқуқига эга эканлиги, ўз молиявий фаолиятлари учун ўзлари масъул эканлиги билан диққатга сазовордир.

2-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий фаолиятини режалаштириш

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бозор шароитларига янада мослаштириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, зарур моддий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитларни яратиб бериш мамлакатимиз ички хўжалик сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлгани сабабли ушбу тармоқда туб қайта қуришларни амалга оширишга қаратилган қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.² Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад – республика иқтисодиётининг етакчи соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳсулот миқдори ва сифатини кескин ошириш, меҳнат, моддий ҳамда бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини бозор муносабатлари талабларига мувофиқлаштириш, уларнинг бозор ва эркин рақобат шароитида яшовчанлигини таъминлашдан иборат.

Маълумки, ҳар қандай корхона, шу жумладан қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳам асосий фаолият кўрсаткичи бўлиб, у оладиган фойда хизмат қилади. Корхона фойдаси сотилган маҳсулот учун тушган пул ҳисобидан ташкил топади. Корхона томонидан солиқлар ва бошқа носолиқ тўлов-

² Қаранг: «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 3 апрелдаги Фармон; «Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда «Қишлоқ хўжалигининг ислоҳ қилинишига оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқалар.

лар тўлангунига қадар олинган фойда ялпи фойда деб аталади. Корхона ялпи фойдаси, унинг тақсимланиши билан боғлиқ қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган.

Корхона янги даромадининг манбаи бўлиб маҳсулот реализацияси натижасида, асосий фондлар ва бошқа мол-мулкларни сотиш, реализацияга оид бўлмаган операцияларни амалга ошириш (хўжалик шартномаларини тузиш, молия бозорида қатнашиш ва бошқалар) туфайли олинadиган тушумлар хизмат қилади.

Корхона даромадларини белгилашда маҳсулот таннархи, яъни қишлоқ хўжалик корхонаси томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш харажатлари муҳим роль ўйнайди.

Маҳсулот таннархини аниқлаш юзасидан ягона қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Қишлоқ хўжалик корхонаси молиявий фаолиятининг барча қирралари унинг молиявий режасида ўз аксини топади.

Нодавлат мулкчилигига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий режалаштириш корхоналар уставлари ва бошқа таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг олий органлари – умумий йиғилиш (конференция) томонидан ишлаб чиқариш хусусиятлари, иқтисодий мақсад ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда мустақил равишда амалга оширилади. Бунда иқтисодий ривожланиш ва молиявий кўрсаткичларни белгилашда қишлоқ хўжалик корхонаси қонунлар доирасида тўла эркиндир.

Давлат мулкчилигига асосланувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий режаларини тузишда тегишли директив органлар томонидан берилadиган кўрсаткичлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси молиявий режалари ишлаб чиқилаётганида маҳсулот етиштириш, уни сотиш, капитал қўйилмаларни жойлаштириш, хом ашё ва материаллар сотиб олиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича қилинган ҳисоб-китоблар асос қилиб олинади.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг молиявий режаси лойиҳаси корхона иқтисодий хизмат бўлинмаси томонидан тай-

ёрланади ва кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун тегишли органга (умумий йиғилиш (конференция), бошқарув ва ҳоказо) тақдим этилади. Бу режа куйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- 1) даромадлар ва маблағларнинг тушиши;
- 2) харажатлар ва маблағларнинг ўтказилиши;
- 3) кредит олиш ёки бериш;
- 4) бюджет билан ўзаро муносабатлар.

Молия режасининг биринчи бўлимида корхона олади-ган фойда, асосий воситаларни тиклаш учун қилинадиган амортизация ажратмалари, бошқа даромадлар ифода этилади; иккинчи бўлимда фойданинг тақсимланиши, капитал кўйилмалар учун харажатлар ва бошқалар кўрсатилади; учинчи бўлимда банклардан олинadиган кредит суммаси, уларни узиш юзасидан ва банк фоизларини тўлаш бўйича харажатлар назарда тутилади; тўртинчи бўлимда эса бюджетга тўланадиган солиқлар, носолиқ тўловлар, бюджетдан олинadиган маблағлар акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий режаларини ишлаб чиқишда ҳозирги шароитда куйидаги усуллардан фойдаланилади:

1) Экстраполяция усули – бу усулда молиявий режалаштириш аввалги даврдаги ривожланиш динамикасига, режалаштирилаётган давргача тузилган молиявий-иқтисодий ҳисобот кўрсаткичларига асосланilган ҳолда, конкрет иқтисодий шароит хусусиятлари ҳисобга олиниб амалга оширилади. Бу усулда режалаштириш корхона барқарор таракқиётини, фойда (даромад)нинг бир меъёрда бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

2) Норматив усул – бюджетга солиқлар ва бошқа носолиқ тўловларни тўлаш, бюджетдан ташқари жамғармалар (фондлар) га тўловлар, амортизация ажратмалари суммалари молиявий жиҳатдан ушбу усулда режалаштирилади.

3) Математик моделлаштириш усули – қишлоқ хўжалик корхонасининг хўжалик фаолияти ушбу усулда молиявий режалаштирилганида реал иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг олдиндан моделлари тузилади, ушбу моделларда бу жараёнларнинг бориши, иқтисодий, молиявий, ижтимоий оқибатлари қандай бўлиши илмий асосда олдиндан тахмин

қилинади. Узоқ истиқболли режалар ва тахминлар ишлаб чиқилишида ушбу усулдан кенг фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси молиявий режаси тегишли ваколатли орган (умумий йиғилиш (конференция) ва ҳоказо) томонидан тасдиқланганидан кейин бажарилиши шарт бўлган юридик ҳужжатга айланади ва корхона молиявий фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатини ўзида акс эттиради.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг молиявий режаси корхонанинг бир маромда ривожланишини таъминлаш, иқтисодий жиҳатдан барқарорлигига эришиш, иқтисодий салбий жараёнларини олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

3-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида кредит муносабатлари

Қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантириш, яъни янги ерларни ўзлаштириш, ирригация тармоқларини барпо этиш, янги техника сотиб олиш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, бошқа туб иқтисодий ўзгаришлар қилиш жиддий капитал маблағлар сарфланишини талаб қилади ва бундай бўш маблағлар қишлоқ хўжалик корхонаси ихтиёрида ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермайди. Ана шундай шароитда маблағ жалб этиш эҳтиёжи вужудга келади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи тармоқлардан бўлганлиги туфайли бу соҳани ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шу сабабли Ўзбекистон ҳукумати қишлоқ хўжалиги тармоғини кредит билан таъминлаш юзасидан қулай ва имтиёзли ҳуқуқий база яратишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоб тизимларини такомиллаштиришнинг туб чоралари ҳақида», 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори, Ўзбекистон Республикаси Марказий

банки томонидан 1998 йил 27 мартда тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит линиясини очиш пайтида деҳқон ва фермер хўжаликларини кредит билан таъминлаш тартиби» каби бир қатор меъёрий ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги қорхоналарини кредит билан таъминлашга оид «қулай шароитлар яратиш» сиёсати ифодаланган.

Қишлоқ хўжалик қорхоналаридаги кредит муносабатлари ҳам умуман кредит муносабатларининг бир кўриниши бўлганлиги сабабли унинг ҳуқуқий негизида умумфуқаролик қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг мажбуриятлар ҳақидаги, шартномалар тўғрисидаги, қарз ва кредит муносабатларига оид ҳамда бошқа қоидалари), халқ хўжалиги тармоқларини кредит билан таъминлаш юзасидан умумий ҳукумат қарорлари ётади, ушбу соҳадаги муносабатлар ҳам кредитга оид классик ҳуқуқий назария талаблари асосида амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 744 – моддасида айтилганидек:

«Кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади».

Кредит муносабатлари пул қарз беришдан ташқари муайян ашёларни кредитга бериш, шунингдек муайян мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб туриш (бўнак беришни, олдиндан пул тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш шаклидаги тижорат кредити) шаклларида ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 10 майда тасдиқланган 330-сон «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни узоқ муддатли кредитлашни ташкил этиш қоидалари» билан мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахс ҳисобланувчи қорхоналарни, шу жумладан қишлоқ хўжалик қорхоналарини узоқ муддатли (10 йилгача, аммо объект ўз-ўзи

ни қоплаш муддатидан кўп бўлмаган даврга) кредитлар билан ҳақ тўлаш асосида, қайтариб берилиши шарти билан, гаров билан таъминланган ҳолда, муддатли ҳамда белгиланган мақсадда фойдаланилиши таъминланиши шарти қўйилгани ҳолда кредитлаштириш тартиблари белгилаб қўйилган.

Мазкур Қоидалар кредитлаштириш объектлари доирасини (1.5-банд), кредитдан фойдаланиши мумкин бўлган субъектларни, кредит беришни (2-бўлим) расмийлаштириш тартибларини, кредит баҳосини ва бошқа барча масалаларни назарда тутади.

Деҳқон ва фермер хўжалиklarини кредит билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25-октябрдаги «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳақидаги низомни ва маблағларни жамлаш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида ҳамда ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 27 мартда тасдиқланган «Деҳқон ва фермер хўжалиklarини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби»да белгилаб қўйилган.

Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш фонди (жамғармаси) тижорат банкларида очадиган кредит линиялари орқали шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиklари уюшмаси ва унга аъзо бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари имтиёзли тарзда муддатли қайтариладиган, ҳақ олинадиган кредит билан узайтириш шартсиз уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга кредит олишлари мумкин.

Кредит линиясини очишга қарор қилинганидан сўнг фонд тегишли тижорат банкига бош келишув тузишни сўраб мурожаат қилади. Мурожаат кўриб чиқиб маъқуллангач, бош келишув тузилади. Шундан сўнг банк қарз олувчи деҳқон ва фермер хўжалиklarига кредит бериш масаласини ҳал қилади. Уларга кредит бериш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1) кредит олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш ва қарз олувчининг молиявий истикболини аниқлаш;

2) қарз олувчининг молиявий аҳволини ва тўлов қобилиятини, қарз бериш билан боғлиқ хатар даражасини белгилаш;

3) кредит сўралаётган объектни комплекс экспертизадан ўтказиш;

4) кредит шартномаси тузиш ва расмийлаштириш.

Қишлоқ хўжалик корхонаси томонидан кредит олинаётганида унинг қайтарилиши кафолатланиши ва таъминланиши лозим. Гаровга қўйиш ва унинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий оқибатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (264-289-моддалари), Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида» (янги таҳрирда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» Қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ушбу қонун ҳужжатларига мувофиқ кредитни таъминлашнинг асосий турлари бўлиб:

- мол-мулкнинг гаровга қўйилиши;
- банк ёки суғурта компаниясининг кафолати;
- юридик ёки жисмоний учинчи шахслар кафиллиги;
- қарз олувчи томонидан қарзнинг қайтарилмаслиги эҳтимоли хатарини суғурталаш ҳақида «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси томонидан берилган суғурта полиси (гувоҳномаси) ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредит муносабатлари юқорида таърифланганидек, шартномавий алоқалардан иборат бўлиб, унинг иштирокчиларига берилган ҳуқуқлар, юклатилган мажбуриятлар, шартнома талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари бевосита назарда тутиб қўйилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари иштирокидаги кредит муносабатлари деганда, нафақат улар қарз олувчи сифатида қатнашадиган муносабатлар, балки қишлоқ хўжалик корхоналари маблағларидан банкларнинг фойдаланиши, давлат қимматли қоғозларининг сотиб олиниши, улар томонидан бошқа шахсларга мулкӣ ёки пул қарзлари бўлиши ҳоллари, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари қарз берувчи сифатида иштирок этадиган муносабатлар ҳам назарда тутилмоғи зарур.

Кредит муносабатлари ўрнатилганида олинган кредитлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилишини, уларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997

йил 9 июлдаги «Айланма маблағларининг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонида айтилганидек: «Ўз айланма маблағларини сақлаш ва тўлдиришга масъулиятсизларча муносабат хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кооперация асосидаги алоқаларнинг бузилишига, тўланмаган қарзларнинг кўпайишига, бюджет тўловлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслигига олиб келмоқда ва умуман ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин».

4-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Ҳисоб-китоб муносабатлари деганда, икки шахс ўртасидаги шундай муносабат назарда тутилдики, унга кўра бир тараф (пул тўловчи) Қонун талабларига мувофиқ нақд пул билан ёки нақд пулсиз шаклда иккинчи тарафга (пул ундирувчига) етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун шартномада ёки тарафлар келишувида кўзда тутилган пул суммасини белгиланган муддатда ва тартибда тўлаши лозим бўлади.

Ҳисоб-китоб муносабатлари фуқаролик муомаласининг яқунловчи босқичи бўлиб, унинг амалга оширилиши одатда ўзаро мажбуриятларнинг бажарилганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида нақд пулда ҳам, нақд пулсиз ҳам ҳисоб-китобларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлсада, юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шугўлланувчи жисмоний шахслар ўртасида қоида тариқасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилинишлиги белгиланган.

Халқ хўжалигида асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тартибининг белгиланиши янгича иқтисодий муносабатларга ўтиш даврида бир қанча мақсадларни кўзлайди ва мамлакат иқтисодиётини мураккаб жараёнлардан, ижтимоий тангликлардан ҳимоя қилишга хизмат қилади. Жумладан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилиши туфайли:

1) муомаладаги нақд пул масаласининг кескин камайитрилишига эришиш, бу орқали нақд пул эмиссиясини чеклаш, пул қадрсизланишининг олдини олишга, нақд пул муомаласи барқарорлигига эришилади;

2) корхоналар молиявий фаолиятини ҳаққоний баҳолаш, улар устидан амалий назорат таъмин этилади;

3) яширин иктисодиёт йўлига ғов солинади ва унинг иктисодий ҳаётга ўтказадиган салбий таъсирининг олди олинади;

4) корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар техник жиҳатдан осонлашади ва уларни электрон ҳисоблаш воситаларини қўллаш орқали ўта тезлаштириш, шу йўл билан айланма маблағлар ҳаракатини жадаллаштириш имкони яратилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам бошқа корхоналар билан ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китоб қиладилар. Ана шу мақсадда улар ўзлари танлаган бир банк муассасасида ҳисоб-китоб рақами (ҳисобварағи) очиши лозим бўлади. Бунинг учун қишлоқ хўжалик корхонаси белгиланган шаклдаги ариза ҳамда унга илова қилинадиган зарур ҳужжатлар билан ўзи танлаган банк муассасасига мурожаат қилиши лозим бўлади. Унинг асосида тегишли банк муассасаси билан қишлоқ хўжалик корхонаси ўртасида банк ҳисобварағи шартномаси тузилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 771-моддасига кўра, банк ҳисобварағи шартномаси тузилишидан банк учун ҳам, унинг мижози учун ҳам бир қатор ҳуқуқлар ва мажбуриятлар келиб чиқади. Унга кўра, асосан банк – мижоз пул маблағлари ҳисобини олиб бориши, унинг топшириғига кўра банк операцияларини бажариши, мижозга зарур ахборот ва маслаҳатлар бериши, мижознинг ҳисобварағида турган маблағидан фойдаланилган тақдирда, унга тегишли фоизларни тўлаши лозим бўлади.

Мижоз ҳам ўз навбатида пул маблағларини ҳисобварағида сақлаши лозим бўлади. Банк ҳисобварағи шартномаси ёзма шаклда, одатда намунавий шартномаларга мувофиқ тузилади. Мижознинг банк ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари, улар бўйича амалга оширилган банк операциялари ва бошқа ахборотлар қатъий сир сақланади. Бундай ахборотлар қонунда кўзда тутилган ҳолларда суд, тергов, солиқ

ва бошқа ваколатли органларнинг расмий талаблари билангина уларга берилиши мумкин. Мижоз ҳисобварағига оид ахборотларни гайриқонуний тарзда ошкор қилганлиги учун банк муассасаси мижоз олдида қонунларга мувофиқ жавобгар бўлади.

Мижознинг ҳисобварағида турган пул маблағлари фақат мижознинг топшириғи асосидагина кўчирилиши мумкин. Мижоз топшириғи ва розилигисиз унинг маблағларини кўчиришга фақат суднинг қарори асосида, қонунларда назарда тутилган бошқа махсус ҳоллардагина йўл қўйилади.³

Банк билан мижоз ўртасидаги ҳисобварақ шартномаси қонунларда белгиланган тартиб ва шартларда тўхтатиб қўйилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (790-816-моддалар); Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» Қонуни (31-33-моддалар); Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоб тизимларини такомиллаштиришнинг туб чоралари ҳақида»ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 27 июнда тасдиқланган 60-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳақидаги низом», Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 24 январда тасдиқланган 376-сон «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш қоидалари» ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 791-моддасига кўра корхоналар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

³ *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 134-моддаси, 2-қисми; 1998 йил 2 февралдаги 408-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини ҳисобдан чиқариши тўғрисидаги йўриқнома» ва бошқалар.*

- 1) тўлов топшириқномалари;
- 2) аккредитивлар;
- 3) чеклар;
- 4) инкасса бўйича ҳисоб-китоблар;
- 5) қонунларда ва банк муомаласи қоидаларида назарда тутилган бошқа шаклларда.

«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳақидаги низом»нинг 1-5-бандига кўра Марказий банк томонидан белгиланган қуйидаги пул ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:

- А) тўлов топшириқномаси;
- Б) тўлов шартномаси;
- В) аккредитив учун ариза
- Г) инкасса топшириқномаси;
- Д) тижорат банкининг ҳисоб- китоб чеки;
- Е) мемориал ордер.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қонунчилик талабларига тўла мувофиқ тарзда амалга оширилиши, ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилиши, уларда ифодаланган ахборотларнинг ҳақиқийлиги учун тегишли банк муассасаси раҳбари ҳам, қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбари ҳам жавобгар бўлади.

Корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши мамлакат иқтисодий ҳаёти ва тараққиётида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳада йўл қўйиладиган сусткашлик, совуққонлик ва масъулиятсизлик натижасида айланма маблағлар ҳаракати секинлашади, халқ хўжалиги тармоқлари, минтақалар ва корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар издан чиқади, бюджетга режадаги даромадлар тушмайди, натижада жамият ижтимоий соҳасида кескинликлар, силкинишлар учун шароит юзага келади, пул муомаласига жиддий зиён етади, бошқа кўплаб ижтимоий-иқтисодий салбий оқибатлар вужудга келади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳукумати халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга, айланма маблағлар оборотини тезлаштиришга, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажмини кескин камайтиришга, бу соҳада корхона ва таш-

килотлар раҳбарлари жавобгарлигини оширишга қаратилган қаттиқ чораларни кўрмоқда.⁴

Ушбу кескин чоралар халқ хўжалигида тўлов, молия интизомининг янада мустаҳкамланишига, корхоналарни, шу жумладан қишлоқ хўжалик корхоналарининг тез ўзгариб бораётган бозор иқтисодиёти шароитларига тезроқ мослашиб олишларига, қаттиқ рақобат шароитида муваффақиятли хўжалик фаолияти билан шуғулланишни ўрганиб олишларига, омилкорлик ва ташаббускорликни янада ривожланишига кўмаклашмоқда. Бундай хусусиятларнинг тезроқ шаклланиши бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлиги шубҳасиздир.

⁴ Қаранг: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида», 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизومي ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимларини мустаҳкамлаш чоралари ҳақида», «Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги «Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1997 йил 29 октябрдаги 488-сон «1997 йил IV чорагида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чоралари ҳақида», 1998 йил 7 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа қарорлари.*

ХII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари

Бозор иқтисодиёти шароитида республикаимиз қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг турли хил илғор шакллари кенг жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакллари дан ижара пудрати, оила (жамоа) пудратилар кенг қўлланилиб, улар мустақил хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат натижаларидан манфаатдорлик, бошқаришнинг кенг демократияга асосланганлиги билан характерланади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш мулкчиликнинг турли хил шакллари га – давлат, жамоа, кооператив, хусусий, шахсий, аралаш шакллари га асосланган бўлиб, уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан тенг ҳуқуққа эга ва бир хилда ҳимоя этилади. Мулкчиликнинг шакли дан қатъи назар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши да меҳнатни ташкил қилиш хўжалик юритувчининг хоҳиши га кўра яққа тартибда, оилавий ёки жамоа асо си да амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши да меҳнатни ташкил қилиш халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари дан фарқли ўлароқ, қишлоқ шароитининг ўзига хос хусусиятлари, иқлим шароитлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг даврийлиги (мавсумийлиги), бу даврда иш вақтининг узайтирилиши, дам олиш кунларининг бошқа даврга кўчирилиши каби хусусиятлар билан характерланади.

Қишлоқ хўжалиги да меҳнатни ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғриси да», «Фермер хўжалиги тўғриси да», «Ўзбекистон Республикаси да корхоналар тўғриси да» ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат

кодекси, «Ижара тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлари, «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг намунавий устави», ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг устави ҳамда Ички меҳнат тартиби намунавий қоидаларида белгиланган тамойиллар асосида амалга оширилади.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрсатилишича, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақикланади (37-модда). Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди (53-модда).

Ширкат хўжалигининг намунавий уставида белгиланишича, жамоа хўжалиги аъзолари қизиқиши, қобиляти, касб тайёргарлиги, маълумотига кўра ва жамоа хўжалиги эҳтиёжларини эътиборга олиб, ўзи сарфлаган меҳнат миқдори ва сифатига мувофиқ жамоа хўжалигидан ҳақ тўланадиган иш олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил этиш асосан ижара пудрати, жамоа пудрати, оила пудрати ва яқка тартибдаги пудрат асосида амалга оширилмоқда. Республикамининг деярли барча қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларида, айниқса ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликларида ижара ва оила пудрати муносабатлари меҳнатни ташкил қилишнинг энг самарали усулларида бири сифатида жорий қилинмоқда.

Ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўринни Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни эгаллайди. Ушбу қонундан ижара пудрати муносабатларини тартибга солишга бағишланган алоҳида модда (27-модда) ўрин олган бўлиб, бу моддада ижара пудратини корхоналарда жорий қилиш имкониятлари, ижара пудрати асосида ердан фойдаланиш тартиби каби қоидалар белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида ижара пудрати муносабатларини қўллаш зарурияти ва уларнинг қонуний мустаҳкамланиши шу билан характерланадики, жамоа хўжаликлари, давлат,

кооператив ва бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотлари ерга нисбатан мулк эгаси бўлмаганликлари учун, ижарага берувчи (ерга нисбатан) сифатида бўла олмайдилар, давлат эса ерга нисбатан мулк эгаси сифатида уларга ижара пудратини жорий қилишга рухсат беради ва бу муносабатларни ҳуқуқий мустаҳкамлайди.

Ижара, оила пудратининг ҳуқуқий тавсифномаси ҳақида фикр юритганда унинг тушунчаси, субъектлари, объектлари, турлари, ўзига хос хусусиятлари, ижарадан фарқ қиладиган жиҳатларига тўхталиб ўтиш керак.

Энциклопедик лугатларда «пудрат» термини шартнома асосида меҳнатни ташкил қилишнинг шакли тушунчаси сифатида очиб берилади. Меҳнатни ташкил қилишнинг бу шаклида пудрат хўжалик ҳисобининг бир тури сифатида қаралади.

Ижара, оила (жамоа) пудрати деганда, шартнома асосида вақтинчалик фойдаланиш учун ишлаб чиқариш воситаларини бир тарафнинг (корхона ташкилот, фуқаро) бошқа тарафга (жамоа, оила, фуқаро) беришидан вужудга келадиган меҳнатни ташкил қилиш шакли тушунилади. Ф.М.Раянов жуда тўғри таъкидлаганидек, пудрат қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг энг кўп тарқалган асосий шаклидир¹.

Ҳуқуқий адабиётларда ижара, оила (жамоа) пудратига қуйидагича тариф берилган: «Бу шартнома бўлиб, унга кўра бир тараф (хўжалик) бошқа тарафга (ёлланувчи – жамоа, оила ёки яққа ходим) ҳақ эвазига вақтинчалик фойдаланиш учун зарур ишлаб чиқариш воситаларини бериш мажбуриятини олади»².

Юқорида билдирилган тушунчалардан англаш мумкинки, ижара, оила (жамоа) пудрати ўз мазмунига кўра ижарадан фарқ қилади. Илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ижарадан фарқли ўлароқ ижара, оила (жамоа) пудратигаги ўзаро муносабатларда предмет ва асос бўлиб пуд-

¹ Раянов Ф.М.: *Правовое обеспечение коллективного подряда на селе.* - М.:Знание, 1988, 6-бет.

² Қаранг: *Организация коллективного, семейного и арендного подрядов на кооперативных началах.* – Киев: Уражай, 1988, 6- бет.

рат топшириғи бўлади, яъни ижарага олинган асосий воситалар билан маълум турдаги маҳсулотни, тегишлича сифатли қилиб, белгиланган вақтда ишлаб чиқариш лозим бўлади. Шу сабабдан ижара, оила (жамоа) пудратини мустақил хўжалик юритиш шакли сифатида қараш мумкин эмас. Ўз мазмунига кўра, у ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобининг бир тизими бўлади ва илгариги хўжалик юритиш шаклларига қараганда бир қатор афзалликларга эга бўлади. Оила (жамоа)га алоҳида товар ишлаб чиқарувчи сифатида корхона ҳуқуқларининг бир қисми ўтади. Аввало бу хўжалик ҳисоби даромадларини тақсимлаш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, объектлардан фойдаланиш ва иш вақти, режадан ортиқча маҳсулот чиқариш, ўзга хизматлар ва топшириқлар ва бошқа масалаларга тааллуқли бўлади. Бу бир томондан ижара жамоасининг ҳуқуқлари ва хўжалик мустақиллигининг тубдан ошишига олиб келса, бошқа томондан, корхона ҳар бир таркибий тузилмасининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун мажбуриятлари ва моддий жавобгарлигини аниқ белгилашни тақозо этади³.

Ижара, оила (жамоа) пудратининг ижарадан асосий фарқ қилувчи белгилари ва хусусиятлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: биринчидан, қишлоқ хўжалиғи таркибий тузилмалари тизимида ижара, оила (жамоа) пудратчилари мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланмайдилар, улар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмайдилар, ижарачилар эса қонунга биноан хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил субъектлар ҳисобланадилар;

иккинчидан, ижара, оила (жамоа) пудратчилари ишлаб чиқариш воситаларини берган топшириқ берувчининг топшириқларини бажарадилар, ижарачилар эса ишлаб чиқариш тизимини мустақил аниқлайдилар;

учинчидан, ижара, оила (жамоа) пудрати шартномасига кўра, пудратчилар етиштирилган маҳсулотни топшириқ берувчига топширишга мажбурдир, ижарачилар эса ўз меҳнат натижаларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эгадилар;

³ Часова О.В., Попова В.М., Садыкова Г.М. *Аренда и арендный подряд на промышленных предприятиях*. -М.: Финансы и статистика, 1991, 8-9-бетлар.

тўртинчидан, ижара, оила (жамоа) пудрати асосида ер бериш жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан эмас, балки ердан бирламчи фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади. Ерни ижарага бериш эса фақат унинг эгаси томонидан, яъни давлат ёки у вакил қилган орган томонидан амалга оширилади;

бешинчидан, ижара, оила (жамоа) пудратида ер участкалари пудратчи-ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалик корхоналарининг жамоат (асосий) ер фондларидан берилади, ер ижарага эса давлатнинг захира ер фондларидан, давлат маҳаллий ҳокимияти органлари ерларидан берилади;

олтинчидан, ижара, оила (жамоа) пудратида пудратчи-ердан фойдаланувчи ер участкасидан бирламчи ердан фойдаланувчи белгилаб берган мақсадлардагина фойдаланади. Ижара муносабатларида эса ижарачи ижарага олинган ер участкасининг фойдаланиш мақсадларини ўзи мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ижара, оила (жамоа) пудрати муносабатларининг субъектлари бўлиб бир томондан жамоа, кооператив, давлат қишлоқ хўжалик корхоналари, иккинчи томондан эса бўлимлар, бригадалар, звенолар, оилалар, алоҳида ходимлар ҳисобланадилар. Ижара, оила (жамоа) пудратчи субъектлари бўлиб қишлоқ хўжалик корхонаси билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимлар, шунингдек ўзга шахслар ҳам ҳисобланиши мумкин. Биринчи ҳолатда пудратчи меҳнат шартномаси (контракт) асосида қишлоқ хўжалик корхонасида меҳнат қилаётган ходим бўлади. Уларнинг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади.

Ижара, оила (жамоа) пудрати муносабатлари тенглик ва мустақил тарзда тузиладиган шартнома асосида вужудга келади. Бу шартнома, меҳнат, кооператив, ер, фуқаролик ҳуқуқи қоидаларидан иборат қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг комплекс институтини ўзида ифода этади. Бу институт меҳнат, мулкый, ер ҳуқуқий муносабатларини тартибга солади.

Меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва амалиётни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, меҳнатни ташкил қилишнинг пудрат шакли жамоа пудрати, звено пудрати, бригада пудрати, оила пудрати, якка тартибдаги пудратларга бўлинади. Ушбу шакллар моҳиятига кўра ўхшаш бўлиб, бир-биридан фақат субъектив таркибига асосан фарқланади.

Пудратчиларга ижара, оила (жамоа) пудрати шартномаси асосида ер, молхоналар, фермалар, техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари бериледи. Бу хилдаги мол-мулклар ижара, оила(жамоа) пудрати муносабатларининг объекти ҳисобланади.

Ер участкалари ижара, оила (жамоа) пудрати асосида қуйидаги тартибда ажратиб бериледи. Пудратчи жамоа раҳбари, хўжалик маъмуриятига ижара, оила (жамоа) пудрати шартномаси асосида ер участкаси берилишини сўраб ариза беради. Аризада зарур ҳажмдаги ер майдони, экиш учун режалаштирилаётган экин тури, ходимлар сони кўрсатиледи.

Шундан сўнг ушбу ариза бош агроном, ер тузувчи, бош зоотехник, иқтисодчи, гидротехниклардан иборат тартибдаги комиссия йиғилишида 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқилади. Бу комиссия томонидан қабул қилинган ҳужжат қишлоқ хўжалик корхонаси йиғилишида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шундан сўнг ижара, оила (жамоа) пудрати шартномаси тузилиб, хўжалик раҳбари ва пудратчи ўртасида имзоланади.

Ижара, оила (жамоа) пудрати муносабатлари ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш, шартнома муддатининг тугаши, тарафларнинг ўзаро келишувига биноан шартномани бекор қилиш, ер участкаларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ер участкасидан бир йил давомида фойдаланмаслик ва бошқа ҳолатларда тугатилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ижара, оила (жамоа) пудратининг аҳамияти тўғрисида гапирганда шуни таъкидлаш мумкинки, у ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мол-мулклардан оқилона ва самарали фойдаланишга, қишлоқ меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни жорий этишга, ишлаб чиқариш жараёнини унумли бошқаришга, меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдорликка олиб келади.

2-§. Қишлоқ хўжалигида иш вақти ва дам олиш вақти

Қишлоқ хўжалик корхоналарида иш вақти ва дам олиш вақти Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, ширкат хўжаликларининг намунавий устави ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари Ички меҳнат тартиби қоидалари билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида иш вақти – қишлоқ хўжалик ходими жамоат ишлаб чиқаришида сарфлаши зарур бўлган меҳнат миқдоридир. Иш вақтини меъёрлаш қишлоқ хўжалик ходими ўз иш жойида бўлишга ва ўз вазифасини виждонан бажаришга мажбур бўлган вақт даврлари билан белгиланади. Иш вақтининг меъёрий муддати Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига кўра ҳафтасига 40 соатдан ошиши мумкин эмас. Шу сабабдан, қишлоқ хўжалик корхоналарида меъёрий иш вақтининг давомийлиги олти кунлик иш ҳафтасида кунига етти соат, дам олиш ва байрам кунлари олдидан эса олти соат қилиб белгиланади.

Қишлоқ хўжалигида иш вақтини меъёрлаш ўзига хос хусусиятга эга. Ишлаб чиқариш зарурияти туғилиб қолганда қишлоқ хўжалик корхоналарида белгиланган иш куни тартиби бузилиб, иш кунининг бошланиши ва тугаши ўзгартирилиши, узайтирилиши мумкин. Аммо қишлоқ хўжалик корхоналарида кунлик иш вақтини узайтириш ўн соатдан ошиб кетмаслиги керак. Узайтирилган иш вақти ҳомиладор аёллар, эмизикли аёллар, ёш боласи бор аёлларга нисбатан татбиқ қилиниши мумкин эмас.

Дала ишлари кўп бўлган даврларда меъёрий иш вақтидан ортиқча ишлаган шахсларга бошқа дала ишлари даврида ёки қиш даврида иш куни тегишлича қисқартирилиб, йиллик иш вақти ўртача меъёрий иш вақтидан ошиб кетмаслигига эришилади. Агар йил давомида меъёрий иш вақтига эришиб бўлмаса, қишлоқ хўжалик ходимига қўшимча ҳақ тўланиши мумкин.

Чорвачилик ва бошқа ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлган ишларда, шунингдек долзарб қишлоқ хўжалик ишларида қатнашаётган механизаторлар учун икки ёки уч сменали иш вақти ташкил этилиши мумкин. Бундай ҳолларда

ишлаб чиқариш характериға қараб меҳнатни ташкил этиш графиги тузилади.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг айрим тоифалари, масалан ёш боласи бор аёллар, вояға етмаган ўсмирлар, зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар учун қонунда белгиланган тартибда қисқартирилган иш вақти белгиланиши мумкин.

Деҳқон хўжаликлари иш вақтини ўзлари мустақил тарзда белгилайдилар.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг иш вақтини меъёрлаш уларнинг дам олиш вақтини аниқлашға ёрдам беради. Қишлоқ хўжалик ходимларининг дам олиш вақтлари кунлик ва йиллик дам олиш вақтларига бўлинади. Кунлик дам олиш вақтига иш кунида дам олиш вақти; кунлик ишдан кейин дам олиш; ҳафталик узлуксиз дам олиш вақти; ортиқча ишлаган вақти учун қўшимча дам олиш; байрам кунлари, дам олиш вақти киради. Йиллик дам олиш вақтига эса асосий ва қўшимча таътиллар киради.

Қишлоқ хўжалик ишлари қизгин пайтларда қишлоқ хўжалик ходимларининг дам олиш вақтларини иш кам пайтларға кўчириш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг дам олиш кунлари ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш билан ҳам кафолатланади. Қишлоқ хўжалик ходимларининг йиллик ҳақ тўланадиган таътиллари давомийлиги 24 иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Айрим тоифадаги қишлоқ хўжалик ходимларига қўшимча таътиллар ҳам берилиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалигида ишлаётган тракторчи аёлларға қўшимча таътил 12 кунгача узайтирилиши мумкин. 12 ёшгача икки ва ундан ортиқ боласи бор аёлларға уч кунлик қўшимча ҳақ тўланадиган таътил берилади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган қишлоқ хўжалик ходимларига ҳам қўшимча таътиллар беришда бир қатор имтиёзлар белгиланган.

3-§. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасида кўрсатилган. Унга кўра меҳнатни

муҳофаза қилиш деганда, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизими тушунилади. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг асосий мақсади ва вазифаси ишлаб чиқариш жараёнида инсоннинг соғлигини сақлаш, унинг ҳаётини хавф остида қолдирмаслик, унга қулай меҳнат шароити яратиб беришдан иборатдир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, давлат томонидан бошқарилади, яъни ушбу функцияни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигига эришиш, мулк шаклидан қатъи назар ягона тартиб-қоидаларни белгилаб қўйишлик, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини назорат қилиш, маблағ билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш, ходимни махсус кийим, парҳез овқатлар билан таъминлаш, жабр кўрган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш кабиларга қаратилган бўлади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, Меҳнат кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун, Ширкат хўжалигининг намунавий устави, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, фермер хўжалигининг намунавий устави ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрсатилишича, ҳар бир шахс адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгадир (37-модда). Ушбу ҳуқуқий қоида талабига кўра қишлоқ хўжалик ходимлари ўзларининг соғлиғига, ҳаётига хавф солмайдиган, зарар етказмайдиган меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқларига эга бўладилар. Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз ходимларига шундай шароитни яратиб беришга мажбур ҳисобланадилар.

Давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси муҳим роль ўйнайди. Ушбу қонунлар

мажмуининг 211-моддасида белгиланишича, барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Ушбу кодексга кўра, ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига, шунингдек маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт (212-модда).

Қишлоқ хўжалик корхоналарида хавфсиз меҳнат шароитини ташкил этиш учун давлат ва бошқа жамоа хўжаликлари раҳбарлари жавобгар бўладилар. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 211-моддасида белгиланишича, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади. Иш берувчи меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак (213-модда).

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари қуйидаги ходимларни меҳнат шартномаси тузиш чоғида ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилишлари шарт: ўн саккиз ёшга тўлмаганларни; олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёлларни; ногиронларни; меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганларни ва бошқаларни.

Ширкат хўжаликларида ширкат хўжалиги намунавий уставига биноан меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича тадбирлар ўтказишга ва махсус кийим ва пойабзал, ҳимоя мосламаларини сотиб олишга маблағ ажратилади.

Ширкат хўжалиги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун фермалар, устахоналар, гаражлар, омборхоналарни инвентарлар билан жиҳозлайди,

ички хўжалик бўлинмаларини ва ширкат хўжалиги аъзоларини хавфсизлик техникаси бўйича адабиётлар ва кўргазмали қуроллар билан таъминлайди, ширкат хўжалиги аъзоларини ўқитиш ва инструктаж ўтказиш ишларини амалга оширади ҳамда уларнинг хавфсизлик техникаси бўйича билимларини текшириб туради.

Ширкат хўжалиги аъзосининг соғлиғини муҳофаза қилиш учун кириш инструктажи, иш жойида инструктаж ва ўқитиш ишлари олиб борилади. Хавфсизлик техникаси бўйича кириш инструктажи қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши лозим: ички тартиб қоидалари; ширкат хўжалиги аъзосининг хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича қоида ва нормаларни бажариш юзасидан мажбурияти; хўжалик ҳудудида юрганда эҳтиёт бўлиш шартлари; электр хавфсизлигининг умумий қоидалари; аёллар ва ўсмирларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида аёллар ва ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган меъёрдан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади. Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.

Ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш меъёрлари камайтирилиб, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланади. 2 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ишга ўтказилади. Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Ҳомиладор аёлнинг, 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш куни белгиланиши мумкин.

Шу билан бирга вояга етмаган қишлоқ хўжалик ходимларининг ветеринария-санитария, наслдор отларни боқиш, қишлоқ хўжалик машиналарининг прицепчиси бўлиш, қудук-

ларда ишлаш сингари ва бошқа зарарли ишларда ишлаши мумкин эмас. Вояга етмаган ўсмирларни заҳарли химиявий моддалар билан боғлиқ ишларда, кечаси бажариладиган ишларда ишлатиш ҳам мумкин эмас. Вояга етмаганлар учун қисқартирилган иш куни белгиланади ва уларни меъёрдан ташқари ишларга жалб этиш тақиқланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунларини бузган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 28-моддасида кўрсатилишича, маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди. Бир марта бериладиган нафақа миқдори жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим. Агар ходим даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож бўлса, корхона жабрланган ходимга бу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни тўлайди ҳамда жабрланувчининг касбини ўзгартириб қайта тайёрланишини ва тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлашишини таъминлайди ёки ана шу мақсадлар учун кетадиган харажатларни қоплайди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда, корхона ходимнинг қариндошларига моддий зиённи ҳамда бир марта бериладиган нафақани тўлайди.

4-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизومي

Қишлоқ хўжалиги тараққиётини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, саноатни хом ашё, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат интизомини мустаҳкамламасдан туриб қишлоқ хўжалиги тараққиётига эришиб бўлмайди.

Меҳнат интизоми деганда кишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар, кишлоқ хўжалик корхоналари ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилган бурчларига оғишмай риоя қилиш мажбуриятлари тушунилади. Меҳнат интизоми тушунчаси ўз ичига кишлоқ хўжалик ходимларининг ўзига юклатилган вазифаларни виждонан бажариши, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши, меҳнат натижаларининг сифат ва самарадорлигига эришиши кабиларни қамраб олади.

Кишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизоми билан боғлиқ бўлган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, ширкат хўжаликларининг намунавий устави, ҳар бир корxonанинг ички меҳнат тартиби қоидалари билан тартибга солинади. Бу меъёрий ҳужжатларда кишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг бурчлари, меҳнат интизомини таъминлаш чоралари, рағбатлантириш, интизомий жазолар каби муносабатлар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 176-моддасида кўрсатилишича, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкани авайлаб асраши шарт.

Меҳнат интизомини бузиш узрсиз сабабларга кўра кишлоқ хўжалик корхоналари умумий йиғилиши, бошқа бошқарув органлари қарорини ёки мансабдор шахсларнинг фармойишларини бажармаслик, ишга кеч келиш, прогул қилиш, ишдан эрта кетиб қолиш, ишга маст ҳолда келиш, мажбурий меҳнат минимумини бажармаслик, жамоа мулкига бепарволик билан муносабатда бўлиш, хавфсизлик техникаси қоидалари ва ёнғиндан муҳофаза қилиш тадбирларига риоя қилмаслик, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ердан фойдаланиш қоидаларини бузиш каби кўринишларда намоён бўлади.

Меҳнат интизомини таъминлаш ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари орқали, ноинсоф ходимларга нисбатан эса жазо чораларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Ходимни рағбатлантириш усуллари жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа келишувлари, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгиланади. Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Меҳнат интизомини таъминлаш мақсадида ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллаш мумкин: 1) хайфсан; 2) ўртача ойлик иш ҳақининг 20%идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима; 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (182-модда), қишлоқ хўжалиги кооперативларининг намунавий устави ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг ички тартиб қоидаларида белгиланган.

5-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби

Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат низолари деганда, корхона маъмурияти билан ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилади. Бу келишмовчиликлар қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш, қишлоқ хўжалик корхонасига етказилган зарарни ундириш учун иш ҳақидан ушлаб қолиш, бошқа ишга кўчириш, эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш, мажбурий прогул учун иш ҳақи тўлаш, таътил ва унга ҳақ тўлаш, ходимга етказилган зарарни тўлаш ва унга ҳақ тўлаш, меҳнат меъёрини бажариш, меҳнат муҳофазаси ва шунга ўхшашлардан иборат бўлиши мумкин. Меҳнат низолари қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат низолари комиссиялари ҳамда туман судлари томонидан кўриб чиқилади.

Меҳнат низолари комиссияси қишлоқ хўжалик корхоналарида бошқарув органи (маъмурият) ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тенглик асосида тузилади. Комиссиянинг сони иккала тарафнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади.

Меҳнат низолари комиссияси қуйидаги масалаларга оид низоларни кўриб чиқиш ваколатига эга:

- қишлоқ хўжалик корхонасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги қонунда белгиланган, ходимга тўланиши лозим бўлган иш ҳақи;
- қишлоқ хўжалик корхонасига етказилган зарарни қоплаш учун иш ҳақидан ушлаб қолинган суммани қайтариш;
- бошқа ишга кўчириш ва бунда меҳнатга ҳақ тўлаш;
- эгаллаб турган лавозимидан (ишидан) бўшатиш;
- бирор сабаб билан ишга чиқмаганда ўртача иш ҳақини тўлаш;
- таътил бериш, унга ҳақ тўлаш ва меҳнат муносабатларини тугатишда фойдаланмай қолган таътил учун пул компенсацияларини тўлаш;
- қишлоқ хўжалик корхонасига етказилган зарарни қоплаш учун иш ҳақидан ушлаб қолинган суммани қайтариш;
- қишлоқ хўжалик корхонасида тасдиқлаб қўйилган иш меъёрлари ва ишбай меҳнат учун тўланадиган ҳақ, шунингдек, иш меъёрларини бажаришни таъминловчи меҳнат шароитларини қўллаш;
- интизомий жазо қўллаш (бериш);
- махсус кийим, махсус пойабзал ва муҳофаза мосламалари (асбоблари) бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қишлоқ хўжалик корхонасида кўзда тутилган бошқа бир қатор талбирларни бажариш ва ҳоказо.

Меҳнат низолари комиссияси қуйидаги низоларни кўришга ҳақли эмас:

- ширкат хўжалигига аъзо қилиб олиш ва ундан чиқариш;
- иш меъёрларини (микдор меъёрлари), мансаб маошлари ва тариф ставкалари, штатни ўзгартиришни белгилаш;
- бир марта бериладиган мукофот;
- ижтимоий суғурта, нафақа ва пенсияларни ҳисоблаб чиқиш, тайинлаш ва тўлаш, пенсия ва нафақа тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаб чиқиш;
- ширкатнинг бош мутахассисларини бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бушатиш;
- ширкат раисига ва тафтиш комиссиясининг раисига, бошқарув аъзолари ва тафтиш комиссиясининг аъзоларига интизомий жазо бериш каби масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар.

Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида кўриб чиқиши керак. Низо асосан ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Аммо меҳнат комиссияларида низоларни ариза берувчининг иштирокисиз ҳам кўриб чиқиш мумкин, бунинг учун ходимнинг бу ҳақда ёзма розилиги талаб қилинади. Комиссиянинг мажлиси, қоидага биноан, иш вақтидан ташқари вақтда ўтказилади.

Ходим узрли сабабсиз комиссия мажлисига кела олмаса, низони кўрувчи комиссия аризани кўрмасдан кейинги навбатдаги комиссиянинг мажлисига қолдиради. Агар ходим комиссия мажлисига иккинчи марта узрли сабабсиз келмаса, комиссия аризани кўрмаслик тўғрисида қарор чиқариш ҳуқуқига эга. Лекин, комиссия низони кўриш учун ходимни ариза бериш ҳуқуқидан маҳрум этолмайди. Ходим яна хоҳлаган вақтида ушбу низони кўришларини талаб қилиб, комиссияга мурожаат эта олади ва ходимнинг бу талабини комиссия бажаришга мажбурдир.

Меҳнат низоларини кўрувчи комиссия ишни (низони) малакали ва асосли кўриб ҳал қилиш мақсадида комиссия мажлисига гувоҳларни чақириши, алоҳида мутахассис кишиларга техник ва бухгалтерлик текширувини топшириши, ширкат хўжалиги бошқарувидан керакли ҳужжат ва ҳисобкитобларни тақдим қилишларини талаб қилиши мумкин. Меҳнат низоларини кўриб чиқишликни сўраб мурожаат этган ходим комиссия мажлисининг бошида меҳнат низолари комиссиясининг ҳар қандай аъзосига асосли равишда радия беришга ҳақли. Бундай ҳолда меҳнат низолари комиссиясининг мажлиси бошқа вақтга кўчирилади, радияни қаноатлантириш масаласи эса қишлоқ хўжалик корхонаси бошқаруви вакилига нисбатан қишлоқ хўжалик корхонаси бошқаруви томонидан, қишлоқ хўжалик корхонаси касаба уюшмаси кўмитаси вакилига нисбатан қишлоқ хўжалик корхонаси касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ҳал қилинади.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори қишлоқ хўжалик корхонаси бошқаруви вакиллари ва қишлоқ хўжалик корхонаси уюшмаси кўмитаси вакилларининг ўзаро келишуви билан қабул қилинади (яъни тарафларнинг келишуви

билан қабул қилинади) ва қабул қилинган қарор мажбурий кучга эга бўлиб, бирон -бир тарзда тасдиқланмайди.

Комиссия томонидан қарор комиссия аъзолари кўпчилигининг овоз бериш йўли билан қабул қилинишига йўл кўйилмайди. Комиссия аъзолари фақат ҳаммаси, тарафлар бир фикрга келганларидагина қарор қабул қилишлари мумкин.

Ҳар бир комиссия мажлисида албатта белгиланган тартибда баённома юритилади. Бу баённома шу комиссия мажлисининг ўзида комиссия мажлисига раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади. Агар меҳнат низолари комиссияси мажлисида қишлоқ хўжалик корхонаси қасаба уюшмаси кўмитаси билан қишлоқ хўжалик корхонаси бошқаруви вакиллари ўзаро келишолмасалар, бу ҳақда баённомада қайд қилинади, яъни ҳар икки тараф ўзларининг нимада келиша олмаганликларини баён этадилар ва бир битимга кела олмаганликларини қайд қиладилар.

Комиссия баённомасининг кўчирма нусхаси 3 кунлик муддат ичида қасаба уюшмаси кўмитаси ва қишлоқ хўжалик корхонаси бошқарувига топширилади. Шу муддат ичида, яъни 3 кун ичида комиссия баённомасининг кўчирмаси манфаатдор ходимга ҳам тилхат билан топширилади. Меҳнат низолари комиссиясининг қарори, бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтганидан кейин, уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори устидан манфаатдор ходим ёки иш берувчи комиссия қарорининг нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида туман судига шикоят қилиши мумкин. Ушбу муддатни ўтказиб юбориш аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўла олмайди. Қишлоқ хўжалик корхонасида меҳнат низолари келиб чиққанда қуйидагилар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир: 1) ходим, қасаба уюшмаси органи; 2) меҳнат ҳуқуқи бўйича инспектор; 3) қишлоқ хўжалик корхонаси бошқаруви; 4) прокурор.

Қуйидаги меҳнат низолари бевосита туман судларида кўриб чиқилиши керак: а) агар корхонада меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса; б) ишга тиклаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгар-

тириш тўғрисидаги, шунингдек мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўлашга доир ишлар; в) қишлоқ хўжалик корхонасига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги ишлар; д) ишга қабул қилишни рад этишга доир ишлар.

Меҳнат низоларини ҳал этишни сўраб судга мурожаат қилиш муддатлари ЎзРнинг Меҳнат кодексига (270-модда) белгиланган. Унга кўра, ишга тиклаш низолари бўйича буйруқ чиққан кундан эътиборан 1 ой, қишлоқ хўжалик корхонасига етказилган зарарни ундириш бўйича бу ҳолат аниқлангандан бошлаб бир йил, бошқа низолар бўйича уч ой муддат белгиланган. Ушбу муддатлар узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган бўлса, суд ёки меҳнат низолари комиссияси бу муддатни тиклаши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

ХIII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатлари тушунчаси ва ҳуқуқий табиати

Ҳозирги вақтда ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётларда ижара тушунчасини аниқлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ижара тушунчаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмастан, унинг моҳиятини тўла англамасдан туриб, ижара муносабатларини амалиётга, хўжалик фаолиятини юритишга ҳар томонлама, тўла, тўғри ва кенг жорий этиш мумкин эмас. Шунинг учун ижара тўғрисида аниқ ва чуқур илмий тушунчага эга бўлиш, унинг туб моҳиятини очиб бериш халқ хўжалигида, хусусан қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш учун ўта муҳимдир.

Шу сабабдан ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий масалаларга оид илмий, илмий-оммабоп асарларда ижара тушунчасини аниқлашга қаратилган кўплаб фикрларни, қарашларни кўриш мумкин. Чунончи, бир гуруҳ олимлар ижара тушунчасини очиб беришда унга нисбатан хўжалик юритиш шакли ва усули сифатида ёндашадилар, ижарани бевосита ишлаб чиқариш муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур этадилар.

Масалан, М.Лапуста ва В.Масленниковларнинг ёзишларида, «Ижара – мулкни ёллаш учун топшираётган мулк эгаси ва мулкни ёллаётган ижарачи ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларининг шакли бўлиб, бунда мулк ижарачига маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш) мақсадида эгаллаш ва фойдаланиш учун маълум мезон асосида берилади».¹ Шундай фикрни Р.Д.Рўзиев ҳам қўллаб-қувватлайди, унинг айтишича, «ижара – мулкдан фойдаланишни амалга ошириш шакли, хўжалик юритиш усулидир»². Шундай қилиб, мазкур муаллифлар ижарани ишлаб чиқарувчи билан ишлаб

¹ Лапуста М., Масленников В. *Арендный подряд* – М.: Экономика, 1991, 12-бет.

² Рўзиев Р.Д. *Арендные правоотношения в сельском хозяйстве. Автореф. канд. дисс.-Т., 1991, 12-бет.*

чиқариш воситалари ҳамда мулкни бир-бирига узвий боғлаб, улардан тўларок, унумлироқ, самаралироқ фойдаланиш йўли ва усули сифатида кўрсатадилар.

Баъзи муаллифлар ижарага хўжалик ҳисоби муносабатларининг олий кўринишдаги шакли деб таъриф берадилар. Масалан, Н.Копаневнинг фикрича, «ижара қишлоқ хўжалиги тизими шароитида ишлаб чиқариш воситалари эгалари (ижарага берувчи) билан у ёки бу гуруҳ ходимлар ёхуд айрим ходимнинг ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишдаги хўжалик ҳисоби муносабатларининг олий шаклини ўзида ифодалайди.»³ Шундай қилиб, Н. Копанев ижарани ишлаб чиқарувчи билан ишлаб чиқариш воситаларини бир-бирига узвий боғлаб, хўжалик ҳисоби асосида улардан самарали фойдаланиш усули сифатида қарайди.

Ижара тушунчаси тўғрисида фикр юритганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, махсус адабиётларда «ижара», «пудрат» ҳамда «мулкий ёлланиш» тушунчалари аралаштириб юборилган. Буни биз, масалан Ю.В. Темнийнинг ижарага берган таърифида кўришимиз мумкин. Унинг ёзишича: «Ижара – мулкий ёлланишдир. Шундай мулкий ёлланиш бўйича кишилар ўргасидаги муносабат ижара муносабатларидир».⁴ Ижара тушунчасини бу ҳолда талқин қилиш билан асло келишиб бўлмайди. Мулкий ёлланиш шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг бир институти бўлиб, фақат мол-мулк муносабатларидагина қўлланилади. Ижара тушунчаси эса анча кенг бўлиб, барча кўринишдаги мулкчилик муносабатларига нисбатан тааллуқли бўлади.

Айтиш лозимки, «ижара», «ижара пудрати» ва «мулкий ёлланиш» тушунчаларининг ҳар бири ўзларига хос мазмунга эга бўлиб, уларни аралаштириб юборишга йўл қўйиш мумкин эмас. «Пудрат ва ижара,- деб ёзади Ф.М.Раянов, – бу ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўзаро алоқасининг иккита мустақил шаклидир, улар ҳар хил ҳодисаларни келтириб чиқаради. Биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг ички хўжалик пудрати шаклини ижара

³ Копанев Н.Г., Чубуков Г.В. Семейный и личный подряд в селе. – М.: Юрид. лит., 1989, 45-бет.

⁴ Аренда предприятий и самоуправление.-М., 1990, 86-бет.

пудрати деб атаганимиз билан моҳияти ўзгармайди: пудрат ижара бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.»⁵

Маълумки, пудрат, шу жумладан ижара пудрати ҳам маълум ишни бажариш усули, меҳнатни ташкил этишнинг бир шакли ҳисобланади. Ижара эса – ана шу мулк эгаси томонидан фойдаланиш учун мол-мулкни ёки табиат ресурсларини бериш ёхуд топшириш усулидир. Ижара тушунчасини аниқлашда илмий адабиётларда учрайдиган яна бир салбий ҳолат тўғрисида гапириб ўтиш ўринлидир. Кўпчилик муаллифлар ижарага тушунча беришда, унинг моҳиятини очишда уни бир қанча турларга бўлиб ташлайдилар. Масалан, В.Башмачников ижарани икки турга, яъни хўжаликдан ташқаридаги ижара ёки бошқача айтганда, эркин, ҳақиқий ижарага ҳамда хўжалик ичидаги ижарага ажратади.

Шунингдек, А.Гвоздиков ва Т.Пестряковлар ҳам ижарани уч турга, яъни, ички хўжалик ижараси, мақсадли ижара ва эркин ижарага бўладилар.⁶ Кўриниб турибдики, ижара ва пудрат тушунчалари бир-бири билан аралаштириб юборил-япти.

Ижарани таснифлаш мумкин, лекин юқорида санаб кўрсатилган турларга асосан эмас. Бизнингча, ижарани қуйидагича таснифлаш керак: биринчидан, ижарага берилаётган мулк эгаларининг тоифаларига қараб (давлат, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, фуқаро ва бошқалар); иккинчидан, ижарага берилаётган мулкнинг таркибига қараб (ер ёки бошқа табиий бойлиқлар, трактор, корхона, уй-жой, ферма ва бошқалар); учинчидан, ижара шартномасининг муддатига қараб (узоқ муддатли, қисқа муддатли); тўртинчидан, ижарачиларнинг таркиби бўйича (жамоа, якка шахс, деҳқон хўжалиги, жамоа хўжалиги, кооператив ва шунга ўхшашлар) ва ниҳоят, бешинчидан, ижарага берилаётган мол-мулкнинг сифати, қиймати, ўлчовига нисбатан. Ижара тушунчаси тўғрисида фикр юритиш ижарани мулккий муносабатларни амалга оширишнинг энг муҳим шакли, унинг мулк

⁵ *Раянов Ф.М. Правовая концепция аренды и практика АПК. /Сов. гос-во и право, 1989, №3, 30-бет.*

⁶ *Гвоздиков А., Пестрякова Т. Формы арендных отношений в сельском хозяйстве /АПК: экономика, управление, 1990, №10, 74-бет.*

ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, бир гуруҳ муаллифлар ижара тушунчасини аниқлашда уни мулкни бериш, мулкдан фойдаланиш шакли сифатида қарайдилар. Чунончи, «ижара деганда, – деб ёзади Н.Иброҳимов, -шартнома асосида ер, бошқа табиат ресурслари, корхоналар (бирлашмалар) ва бошқа мулкний комплексларга, шўнингдек, хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эғалик қилиш, ундан фойдаланиш тушунилади». ⁷

Ижара арабча «ижора» деган сўздан келиб чиққан бўлиб, мол-мулкни ёллаш бўйича шартнома, – деб ёзадилар А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиев, -унга кўра бир томон (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижарачи) маълум тўлов эвазига мол-мулкни вақтинча фойдаланиш учун беради. ⁸

Биз Р.Гусевнинг фикрига қўшиламыз, унингча: «Ижара деганда, мулк эгаси томонидан мол-мулкни ва табиий ресурсларни бошқа фойдаланувчига хўжаликда ишлатиш учун, қоидага кўра, ҳақ эвазига (ёки бепул) ва маълум муддатга бериш тушунилади» ⁹.

Ижара тўғрисидаги умумий тушунча Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни 1-моддасида берилган. Ушбу модда қоидаларига кўра, ижара – шартнома асосида ерга, бошқа табиий ресурсларга, шўнингдек хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эғалик қилиш ва ундан фойдаланишдир. Ижара тушунчаси жуда кенг ва мураккаб бўлиб, у мулкчилик муносабатлари билан бўлган ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Ижара юзасидан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормалари билан тартибда солинади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Булар, биринчидан, мулк эгаси томонидан ўз мол-мулк-

⁷ Иброҳимов Н.Хўжалик юртишининг янги механизми. Саволлар ва жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1990,23-бет.

⁸ Ўлмасов А.,Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқа лугат – маълумотнома. – Т.: 1991, 39-бет.

⁹ Қаранг: Хозийство и право. 1989, № 3, 30-бет.

кини ижарага топшириш мумкинлиги, мулк эгаси бўлмаганлар бундай ҳуқуққа эга бўлмаслиги; иккинчидан, мол-мулк ижарага фақат олдиндан белгиланган муддатга берилиши; учинчидан, мол-мулк ижарага ҳақ эвазига топширилиши; тўртинчидан, ижара муносабатлари фақат шартнома асосида вужудга келишлиги; бешинчидан, ижарага топширилган мол-мулкдан ижарачининг мустақил тарзда фойдаланиши билан характерланади.

Ижара – мулк эгаси (ижарага берувчи) томонидан шартнома асосида мулк эгаси бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга (ижарачи) табиий ресурслар ва бошқа мол-мулкларни маълум муддатга ва маълум ҳақ (ижара ҳақи) эвазига беришдир.

Ижара тушунчаси назарий масалаларини тадқиқ қилиш унинг ҳуқуқий табиатини, ижара муносабатларининг қайси ҳуқуқ соҳасига тааллуқли эканлигини аниқлаш вазифаларини кўяди. Шунинг таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий адабиётларда ижара муносабатларининг юридик табиати бўйича бир хилдаги аниқ фикрлар йўқ. Бу ҳолат шу билан боғлиқки, ижара муносабатлари ўзида давлат, маъмурий, фуқаролик, хўжалик, молия, ер, кооператив ҳуқуқлари меъёрлари билан тартибга солинадиган ташкилий ва мулкый муносабатлар тизимлари жамланмасини ифода этади.

Айтиш керакки, алоҳида ҳуқуқ институти сифатида вужудга келиш асоси бўлган ҳар қандай турдаги ижтимоий муносабатлар бир томондан ички бирликка эга бўлиши, бошқа томондан эса ўзига хос автономлик, мустақиллик характерига эга бўлиши керак. Ижара муносабатларида бир хиллик, ўхшаш характерни ва ички бирликни кўриш мумкин. Бу муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг мустақил тури сифатида ўз доираси ва ички мазмунига эга. Буни, юқорида таъкидланганидек, қуйидагиларда кўриш мумкин: бу муносабатлар эркин тарзда вужудга келади, шартнома асосида вужудга келади, маълум муддатга, ижара ҳақи эвазига, фақат мулк эгасининг ижарага берувчи бўлиш ҳуқуқига эга ва ҳоказо.

Ижара муносабатларининг ҳуқуқнинг мустақил институти сифатидаги ички бирлиги ўз ичига кўпгина субинститутларни, яъни ер ижараси муносабатлари, ўрмон ижараси муносабатлари, ижара ҳақи ва бошқаларни олади. Ижара муносабатлари институтини субинститутларга гуруҳлаш бу

муносабатларни янада тўлароқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга айтиш керакки, бу субинститутлар айрим ҳуқуқ соҳаларининг мустақил институтларини ташкил этиши мумкин. Масалан, ер ижараси ер ҳуқуқининг алоҳида, мустақил институти ҳисобланади ёки мол-мулк ижараси фуқаролик ҳуқуқининг, корхоналарни ижарага олиш эса хўжалик ҳуқуқининг мустақил институти бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Маълумки, ҳар бир ҳуқуқий институт ўзига хос хусусиятларга, белгиларга эга бўлади ва шу муносабатларга тегишли бўлган барча ҳуқуқий меъёрларни бирлаштиради. Ижара муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар, юқорида таъкидланганидек, ўз ўрнини фуқаролик, хўжалик, кооператив, ер ва бошқа қонун соҳаларида топган. Шу билан бирга бу нормаларнинг барчаси битта қонунда – Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунида жамланган. Шулардан келиб чиққан ҳолда савол туғилади, ижара муносабатлари институти қайси ҳуқуқ соҳасига тегишли?

Маълумки, ижара муносабатларининг негизида мулк ёки табиат объектлари ётади. Мулк ёки табиат объектларига бўлган асосий ҳуқуқий қоидалар биринчи навбатда давлат ҳуқуқининг манбаи бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган. Чунончи, Конституциянинг 53-моддасида Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади, дейилади. Шу асосий қонуннинг 54-моддасида эса, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, деган асосий қоидалар белгиланган. Айни пайтда шуни айтиш керакки, табиий ресурслар – ер, ер ости бойликлари, ўрмонлар, сувлар давлат мулки ҳисобланади. Улар корхона, муассаса ташкилотлар ва фуқароларга фақат фойдаланиш учунгина берилади. Шунинг учун қайси табиат объектидан фойдаланиш юзасидан муносабатлар келиб чиқмасин, шу муносабатларнинг бирон-бир иштирокчиси албатта давлат ҳисобланади.

Маълумки, ижара, юқорида таъкидланганидек, мулкрий муносабатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий шакларидан бири бўлиб, ҳуқуқий табиатига кўра ашёвий ҳуқуқ турларидан бири ҳисобланади. Ашёвий ҳуқуқ тури сифатида ижара

муносабатлари фуқаролик ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солиниб, қуйидаги хусусиятлар касб этади: биринчидан, у ўзгалар мулкини эгаллаш ҳисобига вужудга келади; иккинчидан, ижарачининг ҳуқуқи мулк эгасининг ҳуқуқига нисбатан ўз мазмунига кўра чегараланган бўлади; учинчидан, ижара ҳуқуқи мулк эгасининг розилиги билан шартнома асосида келиб чиқади; тўртинчидан, мулк ҳуқуқи доимо мулк эгасида сақланади, ижарачига ўтмайди. Ёхуд, ҳуқуқий адабиётлада тўғри таъкидланганидек, ижарага олинган давлат мулки ижара корхонасининг мулки бўлмасдан, балки унинг махсус ашёвий ҳуқуқида бўлади¹⁰, бешинчидан, ижарачи ижарага олинган мол-мулкка нисбатан мустақил хўжалик юритиш, олинган фойдага нисбатан эса тўла тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади ва ҳоказо.

Томонлари тенг даражада кўриладиган, эквивалент баробарида қиймат ва баҳо билан ўлчанадиган мулкрий муносабатлар, табиийки, фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Мулкни ижарага топширишда ҳам томонлар тенг даражада кўрилади, бу жараён ихтиёрийлик асосида шартномага биноан вужудга келади. Шу билан бирга мулкрий ёлланиш, мулкрий низоларни ҳал этиш, айнан мулк ижарасининг ўзи ҳам фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан ҳисобланади ва шу ҳуқуқ соҳасининг меъёрлари билан тартибга солинади. «Агар қонун чиқарувчи, -ёзади И. Костик, - ҳақиқатан ҳам ижарачини ернинг хўжайини қилишни хоҳласа, ижара муносабатлари айнан шартнома билан, яъни фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солиниши керак»¹¹. Унинг фикрича ижара муносабатлари фуқаролик ҳуқуқининг институти бўлиши керак.

Мулкни ижарага топширишдан асосий мақсад ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хўжалик фаолиятини юритишдан иборатдир. Ҳозирги амалда бўлган ижара тўғрисидаги қонунга мувофиқ айрим олинган участкалар, цехлар, ҳатто корхоналар ҳам ижарага берилиши мумкин. Шу билан бирга айтиш лозимки, ижара бозор муносабатлари шароитида хўжалик

¹⁰ Суханов Е.А. *Лекарди о праве собственности*. - М.: Юрид. лит-ра, 1991, 105-бет.

¹¹ Костик И. *Внутрихозяйственная аренда: правовой аспект / АПК: экономика, управление*. 1991, №2, 30-бет.

юретишнинг энг мақбул шакл ва усулларидан бири сифатида қаралмоқда. Айниқса, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида ижара пудрати жуда кенг тарқалган. Шунинг учун бир қатор муаллифлар ижара муносабатларини хўжалик ҳуқуқининг институти сифатида қарайдилар.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини қўллашни ердан фойдаланишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун техника, асбоб-ускуналар, иморат-иншоотлар ва ҳоказолар билан биргаликда ер ҳам ижарага берилиши керак, негаки ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий восита ролини ўйнайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ер ижараси билан боғлиқ бўлган бир неча ҳуқуқий меъёрларни ўзида мужассам этган. Ер ижараси ер ҳуқуқининг муфтақил институтларидан бири эканлиги шак-шубҳасиздир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тизимида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Бу жараён айниқса давлат хўжаликларини жамоа хўжаликларига, ширкатларга, ижара жамоаларига, қишлоқ хўжалиги кооперативларига айлантиришда яққол намоён бўлмоқда. Ушбу хўжалик тузилмалари ижарачилар сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги тизимида жамоа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари асосий, салмоқли ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунида, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативларининг намунавий уставида кооперация тизимида татбиқ этиладиган ижара муносабатларини тартибга солишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамланган ҳамда амалиётга татбиқ қилинмоқда. Шу ўринда ижара муносабатларини кооператив ҳуқуқнинг институтларидан бири сифатида таъкидлаш мумкин.

Юқорида айтилганлардан кўришиб турибдики, ижара муносабатларининг доираси жуда кенг ва кўп қирралидир. Ижара муносабатларининг у ёки бу томони ҳуқуқнинг турли хил соҳаларига тааллуқли бўлиб, турли ҳуқуқ соҳалари билан тар-

тибга солинади. Чунончи, мулкни топшириш фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари, ер ижараси билан боғлиқ муносабатлар ер ҳуқуқи билан, ижара ҳақи молия ҳуқуқи билан, жамoa хўжаликларидa, қишлоқ хўжалиги кооперативларидаги ижара муносабатлари кооператив ҳуқуқи билан, ижара корхоналарининг хўжалик юритиш фаолияти хўжалик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Шунинг учун, ижара муносабатларини ҳуқуқнинг айнан бир соҳаси, масалан, фақат фуқаролик ёки хўжалик ҳуқуқи соҳасининг институти деб эътироф этиш, бизнингча, тўғри эмас. Чунки ижара муносабатларини давлат, маъмурий, меҳнат, фуқаролик, хўжалик, ер, ўрмон, тоғ-кон, кооператив ҳуқуқи соҳаларининг ҳам институти деб эътироф этиш мумкин. Шунинг учун, ижара муносабатларининг, юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, мустақил ҳуқуқ институти эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу муносабатлар турли хил ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинишлигини айтиш ўринлидир.

2-§. Қишлоқ хўжалигида ижара ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиш асослари

Хар қандай турдаги ҳуқуқий муносабатлар, ўз-ўзидан, стихияли тарзда келиб чиқмасдан, маълум сабабларга кўра, меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳолатда тегишли асосларга биноан вужудга келади. Ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг бундай асослари бўлиб, биринчи навбатда қонунлар, қонун ости меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади. Шундай қонунлар жумласига биринчи галда Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунини кўрсатиш мумкин. Бу қонун республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижара муносабатларининг вужудга келиши учун асосий база ролини ўйнайди. «Ижара тўғрисида»ги қонунда ижара муносабатларининг вужудга келиш асослари, бу муносабатларнинг хусусиятлари, субъектлари, шу муносабатда қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга айтиш лозимки, ижара муносабатларининг вужудга келишида бошқа бир қатор қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Коопера-

ция тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Юқорида санаб кўрсатилган қонунларда ижара муносабатлари, ижара муносабатлари қўлланиладиган соҳалар, бу муносабатларнинг субъектив ва объектив таркибидаги алоҳида хусусиятлар эътиборга олинган бўлиб, улар шу тармоқ ёки соҳадаги ижара муносабатларини ёхуд айрим субъектларнинг бу муносабатларда қатнашиш асосларини белгилаб беради.

Масалан, ширкат хўжаликларида ижара муносабатларининг қўлланишида Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунининг ижарага бағишланган меъёрлари, фермер хўжаликлари ижара муносабатларининг субъекти сифатида қатнашиши учун «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг кўпгина моддалари, ер ресурслари ижара муносабатларининг объекти бўлишида Ер кодексининг меъёрлари, чет эл сармоядорларининг Ўзбекистон Республикасида ижара муносабатларининг субъекти сифатида қаралишида «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ги қонундаги қоидалар асос бўлиб хизмат қилади.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида санаб кўрсатилган қонунлар ижара муносабатлари вужудга келишининг умумий қоидаларини белгилаб бериб, ҳар бир айрим олинган ижара муносабатларининг вужудга келишида эса ижара шартномаси асос бўлиб ҳисобланади. Бу қоида бевосита Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида белгиланган. Унга кўра, ижарага берувчи билан ижарачи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат ижара шартномасидир. Бу қоида ижара муносабатларида шартноманинг ролини аниқ кўрсатиб турибди. Шуни айтиш керакки, айрим олинган ҳар бир аниқ ижара муносабатлари шартнома туфайли вужудга келиб, фақат шу шартнома муддати мобайнида амалда бўлади. Демак, қонунлар фақат хўжалик фаолиятида ижара муносабатларини қўллаш мумкинлигини эълон қилади ва унинг мезонлари, қоидаларини белгилайди. Шундай

қилиб, хўжалик алоқаларининг ташкилий шакли сифатида ижаранинг амалда бўлиши қонунда белгиланганидан эмас, балки тегишли шартномалар борлигидан келиб чиқади. Шунинг учун ижара муносабатларини тартибга солувчи асосий манбалардан бири шартнома бўлиб, амалда барча масалалар шартнома билан тартибга солинади. Буни тасдиқлаш учун «Ижара тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига ҳавола қилиш мумкин, унда ижарада барча шартлар шартномада кўрилади, дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни 5-моддаси 3-бандида ижара шартномаси асосий мазмунини ташкил этувчи шундай шартлар санаб кўрсатилган. Аниқ бир олинган ижара шартномасида, мана шу шартлардан биронтаси бўлмаса, ушбу шартнома тузилмаган ҳисобланади.

Энг аввало ижара шартномасида ижарага берилаётган мол-мулкнинг таркиби белгилаб олиниши лозим. Моҳиятига кўра ушбу шарт асосий ҳисобланиб, ижара муносабатлари айнан ана шу мол-мулкларнинг берилиши фактига асосан тузилади.

Ижара шартномасида ижарага топширилаётган мол-мулкнинг таркиби (ишлаб чиқариш фондлари номи) корхона, бирлашма, ташкилот, бўлим, цех ва ҳоказо; 2) ер участкасининг жойлашган ўрни ва миқдори; 3) айрим мулк объектларининг сони ва номи шаклида кўрсатилиши керак. Бунда ижарачи ижарага берилаётган мол-мулкларни кўриб, текшириб олиши шарт. Ижарага берувчи ижарачи олишни хоҳламаган мол-мулкларни мажбурлаб беришга ҳақли эмас.

Шуни айтиш керакки, ижарага берилаётган мол-мулкнинг таркиби тўғрисида аниқ тасаввур ижарага берувчи учун ҳам жуда муҳимдир. Чунки, ижара муддатининг тугаши ёки шартноманинг тугатилиши муносабати билан ижарага берувчи мол-мулкларини қайтариб олишда бу мол-мулкларнинг шартномада кўрсатилган рўйхати муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ижара шартномаси мазмунининг асосий шартларидан навбатдагиси – ижарага берилаётган мол-мулкнинг қийматини аниқлашдир. Ижарага берилаётган мол-мулкнинг қиймати шартномада бу мол-мулкни ижарага бериш вақтида аниқланади. Ижарага берилаётган мол-мулкнинг қийматини шартномада аниқ кўрсатиш ижарага берувчи ва ижарачи-

нинг мулкый ҳуқукларини ҳимоя қилишда муҳим ўринни эгаллайди, мулк йўқолганда ёки унга зарар етказилганда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Мол-мулкни ижарага бериш тартибини белгилаш – ижара шартномасининг навбатдаги муҳим шартларидан ҳисобланади. Бу жараён тарафлар томонидан ўзаро келишиб, қонунда белгиланган тартибда ижара шартномасида аниқ кўрсатилиши лозим. Чунончи, ерни ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўрнатилган қоидалар асосида тегишли ташкилий- ҳуқуқий тadbирлар амалга оширилганидан кейингина ажратиб берилади.

Ижара шартномасида кўрсатилиши лозим бўлган кейинги шартлардан бири – ижара муддатидир. Ижара муддати амалдаги «Ижара тўғрисида»ги қонунимизда кўрсатилмаган. Қонундаги ушбу камчилик, албатта, ижара шартномасида тўлдирилиши керак. Акс ҳолда мол-мулкни аниқ белгиланмаган муддатга ёки муддатсиз бериш ижара муносабатларининг ҳуқуқий табиатига ётдир. Шунинг учун ижара шартномасида ижарага берилаётган мол-мулкнинг ёки табиат объектларининг фойдаланиш муддати аниқ кўрсатилади. Ижарага берилаётган мол-мулкнинг фойдаланиш муддати 10 йилдан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Айниқса, табиат объектлари, хусусан ер узоқ муддатга, масалан, 25, 50 йилга берилгани маъқул.

Ижара ҳақи шартлари ва микдори, уни тўлаш муддатлари ижара шартномасида белгиланиши лозим бўлган энг асосий шартлардандир. Бу жараёнда бевосита ижарага берувчи ўз мол-мулкни ижарага ўзига маъқул ҳолда топширишни, ижара ҳақи воситасида кўпроқ фойда олишни кўзлайди, ижарачи эса ижарага олинган мол-мулкдан камроқ даромад йўқотишни кўзлаб ҳаракат қилади. Шунинг учун ижара шартномасини тузиш ижара ҳақининг энг маъқул вариантини топишни тақозо этади ёхуд бу келишмовчилик ижара шартномаси тузилмасдан қолинишига олиб келиши мумкин.

Ижара ҳақи ижарага олинган бутун мол-мулк учун яхлит ёки ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида, натура, пул ёки аралаш шаклларда белгилаб қўйилиши мумкин. («Ижара тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси). «Ижара тўғрисида»ги қонунда кўрсатилишича, ижара ҳақи тарафларнинг ўзаро

келишувига биноан белгиланади, ер ва бошқа табиий ресурслар учун ижара ҳақи эса Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган тартибда ва доирада белгиланади.

Навбатдаги асосий шартлардан бири- ижарага берувчи ижарачига бериши керак бўлган мол-мулкнинг ҳолатини ижара шартномасида аниқ кўрсатишдир. Маълумки, мол-мулк фойдаланилганда ишдан чиқиши ёхуд яроқсиз ҳолга тушиб қолиши, сифати ўзгариши табиий. Бундай ҳолларда, мулкни ижарага топшириш пайтидаги ҳақиқий ҳолатини аниқлаб бўлмаслик мумкин. Бу эса ижарага берувчи билан ижарачи ўртасида мулкдан фойдаланиш, уни таъмирлаш, ижарачи томонидан сотиб олиш ёки ижара муддати тугагандан сўнг мулкни топширишда низоли ҳолатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун, мол-мулк ижарага топширилаётганда унинг ҳолати шартномада, албатта, қайд этилиши лозим.

Ижара шартномасининг асосий шартларидан яна бири – агар ижарага олинган мол-мулк кейинчалик сотиб олиш шартини билан топширилган бўлса, уни сотиб олиш шартлари, тартиби ва муддатини белгилашдир.

Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасида кўрсатилишича, ижарачи ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг розилиги билан тўла ёки қисман сотиб олиши мумкин.

Ижарага берилган мол-мулкни сотиб олиш учун тарафлар ўртасида сотиб олинаётган мол-мулкнинг таркиби (уй-жой, иншоот – бинолар, асбоб-ускуналар, техника ва бошқалар), пул баҳоси, сотиб олиш шакллари, кимосиди савдоси, акциялар чиқариш, нақд пулга сотиб олиш, сотиб олишда учинчи шахсларнинг, жумладан кредиторларнинг қатнашуви, кафолатлар ва сотиб олинаётган мол-мулкнинг сифати ва бошқа қоидалар белгилаб қўйилиши мумкин.

Ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага бериш шартини, тартиби ва имкониятини белгилаш–ижара шартномасининг асосий шартларидандир. Ижарачи ижарага олинган мол-мулкдан бевосита фойдаланиши, ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини юритиши ёки бу мол-мулкнинг бир қисмини иккиламчи ижарага топшириши мумкин. Мол-мулкни иккиламчи ижарага топшириш учун мулк эгасининг розилиги талаб этилади. Мулк эгасининг мол-мулкни икки-

ламчи ижарага бериш ҳақидаги розилиги ижара шартномасини тузишда аниқ-равшан келишиб олинади ҳамда шартномада алоҳида банд сифатида қайд этилади. Ижара шартномасида ушбу банднинг қайд этилиши иккиламчи ижара муносабатларининг келиб чиқиши учун асос бўлади. Акс ҳолда эса иккиламчи ижарага йўл қўйилмайди.

Юқорида санаб кўрсатилганлардан ташқари, ижара шартномасида Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига кўра қуйидаги шартлар белгиланиши керак: 1) тўла амортизациядан сўнг мол-мулк кимга қарашли бўлиши шартлари; 2) ижарага олувчи ижарага берувчига тақдим этадиган ахборотнинг кўлами ва ахборотни бериш муддатлари; 3) тарафларнинг масъулияти.

3-§. Қишлоқ хўжалигида ижара ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари ва объектлари

Ижара муносабатлари субъекти ва объектларини Ўзбекистон Республикасининг ҳозирда амалда бўлган бир қатор қонунлари аниқлаб беради. Булар жумласида Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги, Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бир қатор бошқа қонунларини кўрсатиш мумкин. Ушбу қонунларда ижара муносабатларининг субъектлари ва объектлари доираси аниқ белгиланган.

Маълумки, ижара муносабатларининг асосида мол-мулк ётади, шунинг учун ҳам мулкчилик муносабатларининг характери ижара муносабатларининг субъекти ва объектларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Ёхуд мулкни тасарруф этиш, эгаллаш ва ундан фойдаланиш борасидаги ўзига хос хусусиятлар ва қоидалар ижара муносабатларининг субъекти ва объектларини белгилаш учун муҳимдир.

Ижара муносабатларининг субъектлари мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш мазмунига кўра икки гуруҳга бўлинади. Мол-мулкни ижарага топширувчи – ижарага берувчи, мол-мулкдан фойдаланувчи эса ижарачи деб юритилади. Демак, ижара муносабатларининг субъектлари-

ни ижарага берувчи ва ижарачилар ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида кўрсатилишича, ижарага берувчи ва ижарачи ижара муносабатларининг субъектлари ҳисобланадилар.

Ижарага берувчилар ва ижарачиларни бир-биридан қандай фарқ қилиш мумкин? Кимлар ижарага берувчи бўла олади? Бу каби саволларга жавобни ижара муносабатларининг асосини ташкил этган мулк ҳуқуқи мазмунидан излаш керак бўлади. Мулк ҳуқуқининг мазмуни уч унсурдан: тасарруф этиш, эгаллаш ва фойдаланиш ҳуқуқидан иборат бўлиб, шулардан биринчиси фақат мулк эгасигагина тегишли бўлади, яъни фақат мулк эгасигагина мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Мулк эгаси бўлмаганлар эса бундай ҳуқуққа эга эмаслар.

Мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи фақат мулк эгасида экан, демак у ўз мол-мулкни ижарага бериш ваколатига ҳам эга бўлади. Ёки бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунда ҳам шу қоида белгиланган. Ушбу қонуннинг 4-модда 2-қисмида белгиланишича, мол-мулк эгаси мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган ижарага берувчи ҳисобланади. Мулк эгаси бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар, ўз-ўзидан равшанки, ижарага берувчилар бўлмайдилар.

Ижара муносабатлари субъектларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни 4-моддаси 2-бандида кўрсатилишича, ижарага берувчи субъект сифатида «чет эл юридик ва жисмоний шахслари» ҳам тан олинади. Бу қонуннинг «Ижара тўғрисида»ги қонунда белгиланиши бежиз эмас. Чунки, бозор иқтисодиётининг барча мезонларини тан олган мустақил Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларининг мамлакатимизга кириб келиши учун кенг имконият ва шароитлар яратиб берилган. Чет эл инвесторларининг республикамиз ҳудудида ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолияти юритиши қонун билан кафолатланган. Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги¹² қонунни кўрсатиш мумкин.

¹² *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, №5, 128-модда.*

Бу қонунда белгиланишича, Ўзбекистон Республикасида: 1) хорижий давлатлар; 2) ажнабий юридик шахслар; 3) халқаро ташкилотлар; 4) ажнабий фуқаролар, фуқароларнинг уюшмалари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; 5) чет элда яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эллик инвесторлар бўлишлари мумкин (1-модда). Демак, шу санаб кўрсатилган субъектлар Ўзбекистон Республикасида ижарага берувчилар сифатида ҳаракат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунчиликда табиат объектлари, хусусан ерни ижарага беришнинг алоҳида тартиби белгиланган. Табиат объектларининг мулк сифатидаги ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларга нисбатан фақат давлат мулкчилиги ўрнатилганини эътиборга олиб, бу объектларни ижарага берувчи субъектлар ҳам Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан алоҳида тартибда аниқ қилиб белгиланган. Табиат объектларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонунларда бу бойликларни фақат халқнинг иродасини бевосита ифода этадиган давлат органи ижарага топшириб, ижарага берувчи субъект сифатида ҳаракат қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ижара муносабатларида субъект сифатида ижарага берувчилар билан бир қаторда ижарачилар ҳам иштирок этадилар. Ижарачилар деганда, мулк эгасидан (ижарага берувчидан) мол-мулкни фойдаланиш учун (хўжалик фаолияти юритиш, хизмат кўрсатиш) маълум муддатга, маълум ҳақ эвазига олувчи субъектлар (юридик ва жисмоний шахслар) тушунилади. Ижарачилар ижара муносабатларида ижарага берувчилар билан тенг даражада кўрилади.

Ижарачилар мулк эгаси эмас, балки мулкдан фойдаланувчилардир. Мулк эгаси ҳеч қачон ўз мулкига нисбатан ижарачи бўла олмайди. Ижарачи эса ўз навбатида ижарага олган мол-мулкка нисбатан унинг эгаси ҳисобланмайди.

Ижарачи субъектлар доираси Ўзбекистон Республикасининг ҳозирда амалдаги қонунлари билан белгиланган. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 4-модда 3-бандига кўра, юридик ва жисмоний

шахслар, шу жумладан Ўзбекистон ва чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар, халқаро уюшмалар ва ташкилотлар, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ижарачи бўлишлари мумкин.

Ижара муносабатларидаги субъектлар тизимида фуқаро-ижарачилар алоҳида аҳамият касб этади. Фуқаролар ижарачи субъект бўлишлари учун, биринчидан, 16 ёшга тўлган, иккинчидан, муомала лаёқатига эга бўлишлари ва учинчидан, ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишлик талаб этилади.

Фуқароларнинг ижарачи субъект сифатидаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида» (3-бўлим, 29-30-моддалар), «Талбиркорлик тўғрисида»¹³ (1-модда), «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (5, 11-моддалар) қонунлари билан тартибга солинади. Бу қонунларда фуқароларнинг ер, иншоот ва биноларни, техника воситаларини, бошқа асбоб-ускуналарни ижарага олиш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланган.

Юқорида айтилганлардан ташқари, қонунларимизда республикамиз ва чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар, халқаро уюшмалар ва ташкилотлар ижарачи субъект бўлиши мумкин эканлиги кўрсатилган.

Ижара муносабатлари объектлари деганда, мулк эгаси (ижарага берувчи) томонидан ижарачига фойдаланиш учун топширилаётган мол-мулк, ашёлар доираси тушунилади. Бу мол-мулк, ашёлар доираси жуда кенг ва хилма-хилдир. Чунки, ижара муносабатлари, маълумки, амалда ҳар қандай ишлаб чиқариш-хўжалик объектлари ва бўлинмалари, ишлаб чиқариш воситалари, моддий-техника, ер ва бошқа табиий ресурсларга нисбатан қўлланилади.

Демак, қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларининг объектлари бўлиб, ер, боғлар, токзорлар, ўрмонлар, ховузлар, чорва моллари, паррандалар, фермалар, асалари уялари, устахоналар, гаражлар, гишт заводлари, қайта ишловчи цехлар, тегирмонлар, омборхоналар, трактор, комбайн, автомобиллар, станок, асбоб ва аппаратлар, арава, техника жиҳозлари, иншоот ва бинолар, молхоналар, маданият уйлари, клублар, кутубхоналар, болалар боғчалари, стадионлар, спорт майдончалари ва бошқалар ҳисобланади.

¹³ Ўзбекистон Республикаси: қонун ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992

Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига биноан ижара муносабатларининг объектлари бўлиб, биринчи навбатда, корхоналар, айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар, фермалар, бошқа бўлинмалар, ташкилотлар кўрсатилган. Қишлоқ хўжалигида ижарага қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар (консерва заводлари, ёғ заводлари, тегирмонлар, гишт заводлари, нон заводлари ва бошқалар), бригадалар, звенолар, чорвачилик фермалари, қишлоқ хўжалик кооперативлари берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунда ижара муносабатларининг объектлари сифатида айрим бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, инвентарлар, асбоблар, бошқа моддий бойликлар кўрсатилган. Демак, турар жойлар; ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган айрим жойлар; омборхоналар, гаражлар, молхоналар, тракторлар, автомобиллар, юк машиналари, комбайнлар ва шунга ўхшашлар ижара муносабатларининг объектлари бўлади. Бу объектлар ижарага асосан қишлоқ хўжалик корхоналари (давлат хўжалиги) маъмурияти, жамоа хўжалиги бошқаруви томонидан берилади.

Санаб кўрсатилганлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунда ижара муносабатларининг объектлари сифатида ер ва бошқа табиий ресурслар ҳам кўрсатилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер асосий восита ролини ўйнайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида ер ижара муносабатларининг алоҳида, ўзига хос, зарурий унсури сифатида қаралади. Ерни ижарага бериш тартиби, муддатлари, ижарага берувчи, ер ижара ҳақи каби масалалар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси билан тартибга солинади.

Айтилганлардан барча турдаги корхоналар, мол-мулк ёки табиий ресурслар ҳам ижара муносабатларининг объектлари бўлиши мумкин деган хулоса келиб чиқмайди. Ёхуд Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси 4-бандида таъкидланишича, ижарага топширишга йўл қўйилмайдиган корхоналар, ташкилотларнинг турлари, мулк ва табиий ресурсларнинг турлари республикамиз қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Чунончи, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги «Ижарага топширилиши чекланадиган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва мол-мулклар» хусусидаги 613-ХП-сон қарорига 3-иловада ижара муносабатларининг объекти бўлиши мумкин бўлмаган корхоналар, мол-мулклар белгилаб қўйилган. Булар, биринчидан, умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар; иккинчидан, қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари ясаб сотувчи корхоналар; учинчидан, шаҳарларнинг муҳандислик инфратузилмаси, электр, иссиқлик, газ таъминоти, водопровод – канализация хўжалиги, шаҳар ёритувчи гармоқлари ва ободонлаштириш объектлари, шунингдек ана шу объектлардан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни таъминлаш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи корхоналар; тўртинчидан, алоқа объектларини қуриш, монтаж қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар; бешинчидан, атир-упа ва косметика буюмлари, рўзғор кимёси моллари тайёрлаб чиқарувчи корхоналар; олтинчидан, соғломлаштириш муассасалари ҳамда болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг бошқа хил муассасаларидир.

Юқорида санаб кўрсатилган корхоналар ёки мол-мулкларнинг ижара муносабатларининг объектлари бўлиши мумкин эмаслигига асосий сабаблар бўлиб, уларнинг ўта давлат аҳамиятига молик бўлиши, давлат тасарруфидан чиқаришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, умумхалқ манфаатларининг устуворлиги, аҳолининг ҳаёти ва соғлиги учун хавфлилик даражаси ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар ҳисобланади.

4-§. Қишлоқ хўжалигида ижара ҳуқуқий муносабатларининг мазмуни

Ижара ҳуқуқий муносабатларининг мазмуни деганда, ижарага топширилган мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш юзасидан келиб чиқадиган ижарачи ва ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси тушунилади. Демак, ижара ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ

ва мажбуриятлари йиғиндиси шу муносабатларнинг мазмунини ташкил этади.

Ижарага берувчи ва ижарачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмуни ижарага топширилаётган мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари билан характерланади, яъни ижарага топширилаётган мол-мулк бўйича ижара ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари ўзларига тааллуқли маълум ҳуқуқларга эга бўладилар.

Шуни айтиш керакки, ижара ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари айнан бир хил, ўхшаш бўлмасдан, улар мазмунан бир-биридан фарқ қилади. Ижарага берувчи ва ижарачи мол-мулкни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш бўйича ўзларига тегишли булган ҳаракатларнигина амалга ошира оладилар. Чунончи, ижарачи ҳеч вақт ижарага олинган мол-мулк юзасидан тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлмайди, у бу мол-мулкнинг эгаси ҳисобланмайди, мол-мулкнинг эгаси бўлиб доимо ижарага берувчи қолади.

Демак, ижарага берувчи мулк ҳуқуқи мазмунининг учала унсурини ҳам ўзида сақлаб қолади. Яъни улар ижара ҳуқуқий муносабатларида ижарага берилган мол-мулкка нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Мол-мулк ижарага топширилганда унга нисбатан эгалик ҳуқуқи ўзгармас экан, демак тасарруф қилиш ҳуқуқи ҳам ўзгармайди, яъни у мол-мулк эгасидан бошқа ҳеч кимга ўтмайди. Шунинг учун ижарачилар фақат мол-мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Ижара ҳуқуқий муносабатлари мазмуни ҳақида фикр юритганда бу муносабатлар субъектларининг ижара шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқларининг ўзгариши, тугатилиши ва узайтирилиши масалаларига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Аввало шуни айтиш керакки, ижара шартномаси шартлари қонунда белгиланган тартибда ўзгариб туриши мумкин. Ижара шартномаси шартларининг ўзгариши, бекор қилиниши, тўхтатилиши ва узайтирилиши Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 13-19-моддалари билан тартибга солинади.

Ижара муносабатлари шартларининг ўзгариши, ижара шартларини ўзгартириш деганда, ижарачилар ихтиёридаги ижарага олинган мол-мулк, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш режимининг ўзгариши тушунилади. Масалан, ижарага берилган бугдой экиш учун мўлжалланган ердан пичан ўриш ёки яйлов мақсадларида фойдаланиш ёхуд чорва моллари сақлаш учун ажратилган бинолардан бошқа мақсадларда, гараж, омборхона эҳтиёжлари учун фойдаланиш ижара шартномаси шартларининг ўзгаришига мисол бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ижарага топширилган мол-мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа субъектга ўтиши ёки берилган мол-мулкнинг бирор қисми олиб қўйилиши ёки қўшиб берилиши, агар ижарачи ташкилот бўлса, унинг тугатилиши, ижара муддатининг узайтирилиши ижара шартномаси шартларини ўзгартиришга олиб келмайди. Бундай ҳолатлар ижара шартномасини бекор қилиш, тўхтатиш ёки узайтиришга асос бўлади. Демак, бу жараёнларда ҳеч қандай ижара шартларининг ўзгариши рўй бермайди.

Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига кўра, ижара шартномаси шартларининг ўзгартирилишига тарафларнинг келишуви билан йўл қўйилади. Бир томонлама, яъни ижарага берувчи ёки ижарачининг ўзбошимчалиги билан ижара шартномаларининг ўзгартирилиши ижара шартномасини қўпол суратда бузиш ҳисобланади ва у шартномани бекор қилиш ёки тўхтатиш учун асос бўлади. Масалан, пахта етиштириш учун ажратилган ер участкасидан яйлов мақсадида фойдаланиш ижара шартларини ўзгартириш ҳисобланиб, бу ҳаракат ижара шартномасини ижарага берувчи томонидан бир томонлама бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин. Ижара муносабатлари мазмунида ижара шартномасини бекор қилиш ва тўхтатиш муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига кўра, ижара шартномаси бир неча асосларга биноан бекор қилиниши ва тўхтатилиши мумкин. Булардан биринчиси, тарафларнинг келишуви бўлиб, улар ижара шартномасини бекор қилишга ўзаро келишсалар, шартноманинг ҳаракат қилиши тўхтатилади. Ижара шартномасининг тарафларнинг ўзаро келишувига биноан

бекор қилинишига асосий сабаблар бўлиб, ижарачиларнинг ижарага олинган мол-мулкдан ихтиёрий воз кечиши, уларнинг касал ва ногирон бўлиб қолиши, ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланишнинг самарасизлиги, ижарачининг имкониятлари етишмаганлиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ижара шартномасини бекор қилиш ва тўхтатишнинг иккинчи асоси қилиб, қонунда тарафларнинг бири шартнома шартларини бузган тақдирда иккинчисининг талабига кўра ижара шартномаси тегишли суднинг қарори билан бекор қилиниши мумкинлиги белгиланган (ЎЗР «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 13-моддаси, 2- банди).

Ижара шартномаси шартларини бузиш деганда, ижарага олинган мол-мулкни қаровсиз қолдириш, унга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш, ундан қонун талаблари асосида фойдаланмаслик, ижарага берувчи томонидан асбоб-ускуналар, техниканинг ўз вақтида берилмаслиги ва бошқаларни тушуниш мумкин. Бундай ҳолатларда бирон-бир тараф (ҳуқуқи бузилган тараф) ижара шартномасини бекор қилиш ва тўхтатишни талаб этишга ҳақли бўлади.

Ижарачи ногирон бўлиб қолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳоллар ижара шартномасини бекор қилишнинг қонунда белгиланган учинчи асосидир (Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 13-модда, 3-банди).

Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунида ижара шартномасини бекор қилиш ва тўхтатиш учун асос бўладиган сабаблардан яна бири сифатида ижарачи содир этган жинояти учун келгусида шартномани бажара олишига имкон бўлмайдиган усулда жазоланган ҳолатлар кўрсатилган (13-модда, 3-банди). Шартномани бажара олишга имкон бермайдиган жазоларга озодликдан маҳрум қилиш, ўлим жазоси, хизматни бошқа жойда ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишини киритиш мумкин. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, жинoий жазo белгилaш тўғрисидаги суднинг ҳукми кучга кирмай туриб, ижарачининг айби суд томонидан аниқланмай туриб, ижара шартномасини бекор қилиш қонунга хилофдир. Фақатгина ижарачининг айби суд томонидан тасдиқланиб, ҳукм кучга киргандан сўнггина

ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қилиши ва тўхтатиши мумкин.

Ижара шартномасини бекор қилиш ва тўхтатиш учун яна бир асос ижарачининг вафот этишидир. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунининг 15-моддасида кўрсатилишича, ижарачи вафот этган тақдирда, унинг меросхўрларидан бири амал қилиб турган ижара шартномаси ва унинг шартлари асосида ўзини ижарачи деб эътироф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Аммо, амалда ижара шартномасининг тузилишига вафот этган ижарачининг шахсий фазилатлари асос қилиб олинган бўлса, у ҳолда ижарага берувчи меросхўрни ижарачи деб эътироф этишдан бош тортишга ҳақлидир. Бу ҳуқуқий қоидадан кўришиб турибдики, ижарачининг вафот этиши ижара шартномасининг бекор қилиниши ва тўхтатилишига олиб келиши мумкин.

Қонунда белгиланганлардан ташқари, ижара шартномаси бекор қилиш ва тўхтатиш учун яна қуйидагилар асос бўлиши мумкин. Яъни, биринчидан, мол-мулк ижарага топширилган муддат тугаганда, яъни ижара шартномаси муддатининг тугатилиши; иккинчидан, ижара корхонаси тугатилганда ёки унинг фаолияти тўхтаганда; учинчидан, ижарага олинган мол-мулкдан нооқилона, самарасиз, хўжасизларча фойдаланилганда; тўртинчидан, мол-мулк, бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан экологик талабларга риоя қилмасдан фойдаланилганда; бешинчидан, белгиланган муддатда ёки ижара ҳақи узлуксиз тўлаб келинмаганда; олтинчидан, мол-мулк, бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан экологик талабларга риоя қилмасдан фойдаланганда ва, ниҳоят, еттинчидан, мол-мулк (асосан ер ва табиий ресурслар) давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб кўйилганда ижара шартномасини бекор қилиш ва тўхтатиш мумкин бўлади.

Ижара муносабатлари мазмунининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш ижара шартномасини узайтириш ва давом эттириш муаммосини алоҳида таҳлил этишни тақозо қилади.

Ижара муносабатлари мазмуни унсурлари ичида ижара шартномасини давом эттириш ва узайтириш мустақил унсур ҳисобланиб, у мол-мулкдан вақтинчалик фойдаланиш, жумладан, мол-мулкдан ижара асосида фойдаланишга тааллуқ-

лидир. Табиийки, шартномани давом эттириш ва узайтириш мол-мулкдан муддатсиз фойдаланишга тааллуқли бўлмайди. Масалан, ер муддатсиз фойдаланиш учун берилганда, бу пайтда шартномани узайтириш ёки давом эттиришга ҳеч қандай ҳожат сезилмайди. Агар мол-мулк бирон-бир муддат тугаганидан сўнг, шартнома муддатини давом эттириш ва узайтириш муаммоси келиб чиқади. Маълумки, ижара шартномаси муддатли шартномалар гуруҳига тааллуқли бўлиб, унинг муддати тугагандан кейин эса шартномани қандай давом эттириш ёки узайтириш масаласи туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунида ижара шартномасини давом эттириш ва узайтиришнинг бир қанча йўллари кўрсатилган. Чунончи, шу қонуннинг 14-моддасида кўрсатилишича, ижара шартномаси тугагандан кейин ҳам ижарачи ижарага олинган мулкдан амалда фойдаланишни давом эттираверса ҳамда ижарага берувчи ижара шартномаси муддати тугаганига қадар бунга ҳеч қандай эътироз билдирмаган ва шартномада ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда шартнома худди шу муддатга давом эттирилган ҳисобланади. Демак, шартнома муддати тугагач, тарафлар бир-бирига эътироз билдирмасалар, муддат тугаганлиги ҳақида бир-бирига хабар қилмасалар, ижара шартномаси худди ўша шартлар асосида ўша муддатга тузилган ҳисобланиб, шартнома давом эттирилади.

Бундан ташқари, шунини айтиш керакки, ижара шартномасини давом эттириш ёки узайтириш ижарага берувчи ва ижарачининг ўзаро келишувига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда ижара шартлари, муддатлари илгари тузилган ижара шартномасидан фарқ қилиши ҳам мумкин. Барибир, бу ҳолатда ҳам ижара шартномаси давом эттирилган ва узайтирилган ҳисобланади. Агар ижарага берувчи бошқа ижарачи билан шу мол-мулкка нисбатан ижара шартномасини тузса, унда шартнома давом эттирилган ва узайтирилган эмас, балки қайтадан тузилган ҳисобланади.

Шундай қилиб, ижара шартномасини давом эттириш ва узайтириш ҳуқуқи деганда, ижарага берувчи ва ижарачи томонидан илгари тузилган ижара шартномаси муддати тугаганидан сўнг худди шу ижарага берувчи ҳамда ижарачи ўртасида янги ижара шартномасини яна давом эттириш ва узай-

тиришни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Ижара шартномасини давом эттириш ва узайтиришнинг аҳамияти шундан иборатки, у ишлаб чиқариш воситаларидан, бошқа мол-мулкдан самарали, оқилона, узокни кўзлаб фойдаланиш имконияти ва кафолатининг ортикча ҳаракатларидан ижарага берувчи ва ижарачини халос этади.

XIV боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий тамойиллари ва хусусиятлари

Мамлакатимизда мустақилликка эришилгани, ўз миллий бойликларимизга мустақил эгалик қила бошлашимиз натижасида, шунингдек юртимизда ривожланган демократик жамиятлардаги сингари тўлақонли бозор муносабатлари шаклланаётганлиги оқибатида ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолатни ва қонунчиликни таъминлаш давлатимиз ички сиёсатининг асосий хусусиятларидан бирига айланиб қолди.

Ана шундай шароитда мамлакатимизнинг миллий бойлигини яратишга асосий ҳиссани қўшаётган халқ хўжалиги тармоғи–аграр секторда банд бўлган ходимлар меҳнатига одилона ва оқилона ҳақ тўланишини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда тақсимотнинг ўзига хос иқтисодий қонунлари ва тамойиллари амал қиладди. Улар: яратилган маҳсулотнинг миқдори ва сифати асосий кўрсаткич эканлиги, меҳнат ҳақи миқдори эркин белгиланиши, бозордаги талаб ва тақлиф кабилардан иборат.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари: саноат, қурилиш, транспорт ёки бошқа соҳалардан унча катта фарқ қилмайди ва умумий бўлган меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Аммо шу билан бирга ушбу тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи муайян фарқларни ҳам кузатиш мумкин.

Энг аввало қишлоқ хўжалик корхоналари мулкчилик шакли хилма-хиллигига асосланган ҳолда икки турдаги меҳнат фаолиятига: нодавлат қишлоқ хўжалик корхонаси аъзоси, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги), деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги аъзоси саналувчи шахслар меҳнатига

ҳамда ушбу қишлоқ хўжалик корхоналарида ёлланиб ишлаётган, меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига таяниши (ширкат хўжалиги) эътиборга олинмоғи лозим.

Бунда қишлоқ хўжалиги корхонаси муассасалари, аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли қонунлар («Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида») асосида, олинган фойдани тақсимлаш тарзида амалга оширилиши, улар меҳнатига ушбу корхоналарнинг бевосита ўзида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ички локал меъёрий ҳужжатлар асосида ҳақ тўланиши назарда тутилиши керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ёлланиб ишловчи ходимлар меҳнати, шу жумладан улар меҳнатига ҳақ тўлаш масалалари ушбу тармоқ хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда унинг асосида қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ёлланиб ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш пайтида меҳнат қонунчилиги билан белгилаб қўйилган асосий тамойиллар: иш ҳақи ишнинг натижасига кўра энг кўп миқдори чегараланмаган ҳолда иш берувчи билан ходим ўртасидаги ўзаро келишув асосида белгиланиши, меҳнатга ҳақ тўлаш пайтида ижтимоий адолатнинг, ижтимоий ҳимояга муҳтож табақалар манфаатларининг ҳисобга олиниши шартлиги, иш ҳақи тўлашда камситишга йўл қўйилмаслиги, қонунчиликка қатъий риоя этилиши лозимлиги каби тамойилларга амал қилиниши лозим бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида аграр сектор халқ хўжалигининг етакчи тармоғи эканлигига, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири эканлигига асосланган ҳолда давлатимиз ва ҳукуватимиз раҳбарияти ушбу соҳада ислоҳотларни авж олдириш ҳамда чуқурлаштиришга катта эътибор қаратмоқда. Шунга қарамасдан, ушбу соҳада ислоҳотларнинг секин амалга ошаётганлиги, уларнинг амалий самараси пастлиги, мулкчилик ва меҳнат муносабатларида янгича қарашлар қарор топиши қийин кечаётганлиги қайд этилмоқда. Ана шундай ҳол юз беришининг чуқур иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий

илдизлари мавжудлиги эътибордан соқит қилинмагани ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарида тақсимот принципларига тўла риоя этилмаётганлиги, ишловчилар ўз меҳнатлари самарасидан етарли фойдалана олмаётганликлари, моддий манфаатдорлик етарли таъмин этилмаётганлиги, яъни қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида мавжуд бўлиб турган қатор муаммолар тўғаноқ бўлаётганлиги алоҳида қайд этилмоғи зарур.

Ҳозирги пайтда ана шу муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши учун қишлоқ хўжалик корхоналарига нисбатан солиқ сиёсати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан стратегик хом ашёни эркин сотиш сиёсати, бу тармоқ корхоналарига нисбатан молия-банк сиёсати тубдан қайта кўриб чиқилиши, ушбу масалаларда эркинликнинг янада кучайтирилиши шу куннинг энг долзарб вазифаларидан бўлиб қолди. Ушбу масалаларда ижобий ўзгаришларга эришмасдан туриб қишлоқ хўжалигида туб ислохотларни амалга ошириш, бу тармоқда ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилаш, уларни унумлироқ ва самаралироқ ишлашга рағбатлантириш жуда қийин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари таркибий ва ташкилий тузилишини тақомиллаштиришга, бу корхоналарнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий мустақиллигини оширишга қаратилган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги янги қонунлар, ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигида ислохотларни авж олдиришга қаратилган бир қатор қарорларининг¹ амалда ишлаш-ишламаслиги, самараси кўп жиҳатдан бу соҳада моддий манфаатдорликнинг амалда таъминланишига, моддий манфаатдорлик тамойилининг рўёбга чиқарилишига бевосита боғлиқ бўлади.

¹ Қаранг: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 3 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори ва бошқалар.*

2-§. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг турлари, тизимлари ва шакллари

Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи тирикчилик ўтказишнинг ягона манбаи ҳисобланмасда, аммо кенг тарқалган ҳамда асосий шаклидир. Шу туфайли иш ҳақининг ошириши фуқаролар турмуш даражасини юксалтириш, жамият аъзолари моддий фаровонлигини оширишнинг муҳим усуллари билан бири, мамлакат иқтисодий аҳолисининг энг объектив кўрсаткичи саналади.

Иш ҳақи ходимлар меҳнати учун уларни тақдирлаш шакллари билан бўлиб, жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топишига хизмат қилади.

Иш ҳақи иқтисодий категория сифатида мамлакат миллий даромадининг ходимларга берилиши лозим бўлган қисмини ифода этади, ҳар бир ходимнинг ушбу миллий бойликларнинг яратилишидаги ҳиссасини миқдор ва сифат жиҳатдан ўлчаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари иш ҳақининг манбаи бўлиб ушбу соҳа корхоналари томонидан олинган фойда ҳисобланади.

Иш ҳақи ҳуқуқий категория сифатида меҳнат муносабати иштирокчиларининг иш ҳақи юзасидан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари доирасини белгилайди.

Ҳар бир ходимнинг иш ҳақи у сарфлаган меҳнат миқдори ва сифати, ишнинг аниқ натижаларига боғлиқ бўлиб, энг кўп миқдори чекланмаган.

Иш ҳақи ўз таркибий тузилишига кўра икки қисмдан: тариф разрядлари, мансаб маошларидан иборат асосий қисм ҳамда мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларда ифодаланувчи қўшимча қисмдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи тўлаш юзасидан ягона сиёсатни амалга ошириш, халқ хўжалиги тармоқлари, минтақалар орасида ушбу масаладаги асоссиз фарқларга барҳам бериш, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги 590-сон қарори билан 92 та тариф жадвали тасдиқланди. Ушбу жадвалда халқ хўжалиги тар-

моқларида банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш юзасидан тариф коэффицентлари назарда тутилиб, ўз ичига 28 разрядни (ишларни оддийдан мураккабга томон, иш ҳақининг ҳам шунга мутаносиб тарзда ўсиб боришини белгиловчи) олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 майдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 8 майдаги 2-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф жадвалини янада такомиллаштириш ҳақида»ги қарорига кўра ягона тариф разрядлари жадвалига киритилган разрядлар йигирма иккитагача («О» разряд билан 22 та) камайтирилди. Ҳозирги пайтда 0 разряд билан 22 разряд ўртасидаги нисбат 7-2 коэффицентни ташкил этади.

Мамлакатимизда иш ҳақи тўлаш икки усулда:

А) давлат йўли билан марказлаштирилган тартибда ҳамда

Б) локал нормалар воситасида (жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари, корхонанинг бевосита ўзида қабул қилинган низомлар ва бошқалар) ҳуқуқий тартибга солинади. Ҳозирги, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида нодавлат мулкчилигига асосланувчи корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга давлат аралашуви энг кам даражада бўлиб, бундай аралашув ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, улар аҳволини ёмонлаштириб юборишга йўл қўймаслик, қонунларда белгиланган кафолатлар ва имтиёзлардан амалда фойдаланиш учун самарали чораларнинг белгиланишига қаратилган.

Мамлакатда белгиланган ягона тариф разрядлари жадвали, энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслик талабларига риоя этилгани ҳолда иш ҳақи тури, шакли, тариф ставкалари, мансаб маошлари, мукофот турлари, миқдорлари, тўланиш шартлари ва тартиблари мустақил равишда иш берувчилар томонидан, жумладан қишлоқ хўжалик корхоналарининг бевосита ўзлари томонидан белгиланади.

Ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашда тариф тизимларидан, ишбай баҳолардан фойдаланилган ҳолда ишбай ёки вақтбай иш ҳақи тўлаш тизимлари жорий этилади. Хизматчиларга эса мансаб маошлари тизими асосида иш ҳақи белгиланади.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида айтилишича: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ҳамда оила (жамоа) пудратига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларига мулкый пайлар бўйича тўланадиган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига кирмайди». Яъни кооператив (ширкат) аъзоси ҳисобланувчи шахслар у ерда меҳнат қилганлари тақдирда уларга белгиланган разрядлар, тариф ставкалари, ишбай баҳолар асосида вақтбай ёки ишбай меҳнат ҳақи тўланади.

Кооператив (ширкат) аъзоси бўлган шахслар ҳам, у ерда ёлланиб ишлаётган ходимлар ҳам ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоя қилинишлари, уларга ўртача иш ҳақи ва иш жойи (лавозими) сақлаб турилиши бўйича қонунда кўзда тутилган барча кафолатлар ва кафолатли тўловлар тўла-тўқис таъминланиши зарур. Меҳнат шароитлари яратилиши, улар меҳнати техник ва санитария жиҳатидан ҳар томонлама муҳофаза этилиши, ёлланма ходимларга иш ҳақи қонунда белгиланган муддатларда, жойда ва тартибда бериб турилиши, уларнинг иш ҳақидан меҳнат қонунларида кўзда тутилганидан кўп ушлаб қолинишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни 20-моддасида, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида ушбу тарафларнинг келишувига кўра натура ҳолида ҳам меҳнат ҳақи тўланиши мумкинлиги айтилган.

Давлат қишлоқ хўжалик қорхоналарида меҳнат қилаётган ходимлар (ишчи ва хизматчилар) га иш ҳақи тўлаш Меҳнат кодекси ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ходимлари ҳам нормал шароитлардан четга чиқиб меҳнат қилгани ҳолларида улар меҳнатига меҳнат қонунларида белгиланган миқдорларда иш ҳақи тўланади.

Жумладан, улар иш вақтидан ташқари вақтларда истисно тариқасида ишлашга жалб этилганларида улар меҳнати-

га ишбай ёки вақтбай нархларда камида икки баробар ҳақ тўланиши шарт. Ишдан ташқари вақтдаги иш деганда, иш кунидан кейин қолиб ишлаш, дам олиш кунлари ва байрам кунлари ходимларнинг ишга жалб этилишлари тушунилади. Дам олиш кунини ёки байрам кунини ишлаган ходимга бошқа дам олиш кунини берилиши мумкин ва бу ҳолда унинг дам олиш кунини ишлагани учун бир баробар миқдорда иш ҳақи тўланади.

18 ёшга етмаганлар иш вақтидан ташқари ишларга (тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга) жалб этилишлари мумкин эмас (Меҳнат кодексининг 245-моддаси). Шунингдек, ҳомиладор аёллар, 14 ёшга етмаган (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар ҳам ўзларининг розиликларисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга юборилишлари мумкин эмас.

Иш вақтидан ташқари ишлар иш берувчи томонидан аниқ ва қатъий ҳисобга олиб борилиши, унинг миқдори узлуксиз икки кунда 4 соатдан, бир йил давомида 120 соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Тунги ишларда ишлаганлик учун ҳам камида бир ярим баробар оширилган миқдорда иш ҳақи тўланади. Тунги ишлар деганда, соат 22.00дан соат 6.00гача бўлган вақтларда бажарилган ишлар тушунилади. Тунги ишларга жалб этиладиган ходимлар доираси ҳам қонунчилик билан чекланган.

Яроқсиз маҳсулот тайёрланган ҳолда, башарти бунда ходим айбдор бўлмаса, унга ўртача иш ҳақи миқдорда ҳақ тўланади. Агар бунда ходим айбдор бўлса, у ҳолда иш ҳақи тўланмайди.

Бекор туриб қолинганда ва бу ҳол ходимнинг айбсизлиги билан юз берса, унга ўртача иш ҳақи сақланади. Ходимнинг айби билан бекор турилган вақт учун иш ҳақи тўланмайди.

Бир неча касбда (лавозимида) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доирасининг кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганлиги, ўриндошлик асосида меҳнат қилганлиги учун меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади (Меҳнат кодексининг 160-моддаси).

Меҳнатга ҳақ тўлашга оид шартлар меҳнат шартномаси тарафларининг ўзаро келишуви билангина ўзгартирилиши мумкин. Аммо, технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берганида меҳнатга ҳақ тўлашнинг якка шартлари истисно тариқасида ходим розилигисиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ходимларига ҳам бошқа тармоқларидек компенсация тўловлари тўланади, уларни хизмат сафарига юбориш тартиблари ва хизмат сафари пайтида сафар харажатларини (суткалик пул, йўл ва турар жой харажатлари) қоплаш умумий қоидалар билан белгиланган меъёрлар ва тартибларда амалга оширилади.²

Қишлоқ хўжалиги ходимлари давлат ва жамоат ишларини бажаришлик учун асосий ишларидан озод қилингани ҳолда жалб этилганларида (сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, депутатлик фаолияти, одил судловни амалга оширишга жалб этилиш ва бошқалар) уларнинг иш жойлари (лавозимлари), уларнинг иш ҳақлари сақлаб турилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қафолатланади.

Ходимнинг иш ҳақидан унинг розилигисиз ушлаб қолинишига умумий қоидага кўра йўл қўйилмайди. Бирок, Меҳнат кодексининг 164-моддасига кўра қуйидагилар унинг розилигисиз меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин:

- а) белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- б) суднинг қарори асосидаги ижро ҳужжатлари билан белгиланган суммалар;
- в) иш ҳақи ҳисобидан берилган бўнақлар, хизмат сафари учун берилган ва сарфланмасдан қолган пул маблағлари;
- г) келгусидаги меҳнат таътилининг олдиндан берилиши туфайли тўланган пуллар, башарти ходим белгиланган муддат ишламасдан ишдан бўшаётган бўлса;
- д) ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарар. Зарар миқдори ходимнинг ойлик иш ҳақидан ошмаса;
- е) интизомий жазо тариқасида ходимга қўлланилган жарима суммаси.

² Қаранг: «МДХ мамлакатлари доирасида хизмат сафарига юбориш ҳақида йўриқнома»

Иш ҳақининг ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган суммаси 50% дан ортиқ бўлмаслиги, яъни ходимга ҳар қандай ҳолда тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг камида ярми тўланмоғи шарт.

Иш ҳақи тўлаш, кафолатли ва компенсация тўловлари тўлаш, иш ҳақидан ушлаб қолишни чеклашга доир қоидалар қишлоқ хўжалик корхоналарида ёлланиб ишлаётган ходимларга ҳам, абзолик асосида меҳнат қилаётган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилаверади.

3-§ . Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби

Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш пайтида ушбу корхонадаги мавжуд мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усули, корхонага раҳбарлик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми каби бир қатор омилларнинг аҳамияти каттадир.

Давлат қишлоқ хўжалик корхоналари (ўрмон, балиқчилик, кўриқхона ва бошқа хўжаликлар, тажриба ва тадқиқот участкалари ва ҳоказолар) раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш давлатнинг ваколатли органлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва бошқалар) томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари, мансаб маошлари тизимлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатларда давлат қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларини мукофотлаш, моддий рағбатлантириш шартлари ва тартиблари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Нодавлат мулкчилигига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарини, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонуни 15-моддасига кўра, бевосита ўзи ёки ўзи вакил қилган орган орқали, шу жумладан корхона раҳбари лавозимига ишга ёллаш асосида тайинланган шахс орқали бошқариш мумкин дейилган. Бундай ҳолда корхона мулкдори билан корхона раҳбари лавозимига ишга ёлланаётган шахс ўртасида меҳнат шартномаси (контракт) тузилади.

Акциядорлик жамиятлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ёки бошқа хўжалик юритиш шаклига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарига раҳбарлар ва мутахассислар ана шундай меҳнат шартномаси (контракт) асосида ҳам тайинланишлари мумкин. Ана шундай ҳолларда раҳбар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли қонунлар, қишлоқ хўжалик корхонаси устави, корхона аъзолари умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ равишда тузилган меҳнат шартномаси (контракт) шартларига асосан амалга оширилади. Бундай меҳнат шартномаларида тўланадиган иш ҳақи миқдори, устама ҳақлар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар шартнома (контракт) тарафларининг ўзаро келишувлари асосида белгиланади ва энг кўп миқдор билан чегараланмаган. Бу тўловларнинг миқдори корхона раҳбари ёки мутахассиснинг корхона идораларига қўшган шахсий ҳиссасига, унинг иш самарадорлигига, корхонанинг хўжалик-молиявий фаолияти якунларига бевосита боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида корхона фаолиятига раҳбарлик бевосита кооператив (ширкат хўжалиги) ёки бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхонаси аъзолари орасидан сайланиш (тайинланиш) асосида амалга оширилган тақдирда ушбу корхона аъзоси бўлган шахсларнинг раҳбар, мутахассис сифатида мунтазам фаолият олиб борган даври учун корхона уставига, корхона аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ равишда белгиланадиган миқдорда иш ҳақи ҳамда бошқа тўловларни тўлаш амалга оширилади. Бу ҳолда ҳам раҳбарлар ва мутахассислар меҳнатига тўланадиган иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар ҳажми корхона иш натижаларига, ушбу шахслар томонидан шахсан қўшилган ҳиссаларга ва бошқа омилларга бевосита ёки билвосита боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Дехқон хўжаликлари ва фермер хўжаликлари шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари одатда ушбу оила бошлиғи ёки оиланинг бошқа аъзоси бўлиши туфайли бундай корхоналарга ёллаш асосида раҳбарларни тайинлаш қонунчиликида кўзда тутилмаган, бундай корхона раҳбарлари эса ўз фаолиятлари учун иш ҳақи олмайдилар, чунки дехқон, фермер хўжалигининг барча даромадлари шу хўжалик (оила)нинг мулкидир.

Аммо, деҳқон ёки фермер хўжаликларига вақтинча ишларни бажаришлик учун мутахассислар (агрономлар, ветеринарлар, бухгалтерлар ва ҳоказо) жалб этилишлари мумкин. Бундай ҳолларда ушбу мутахассислар меҳнатига тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида тарафлар келишуви билан белгиланган миқдорларда, шартларда ва тартибларда, аммо қонунчиликда белгилаб қўйилганидан паст бўлмаган миқдорларда иш ҳақи тўланиши лозим бўлади.

Деҳқон, фермер хўжаликларида, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам муайян ишлар тегишли мутахассислар ёки бошқа шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар (пудрат, у ёки бу хизмат турини кўрсатиш) тузиш асосида бажарилиши мумкин. Бундай ҳолларда ишларни бажарган фуқароларга ҳақ тўлаш ўзаро тузилган шартнома, фуқаролик қонунчилиги талабларига мувофиқ иш якунларига кўра амалга оширилади.

4-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида даромадларни тақсимлашнинг ҳуқуқий асослари

Нодавлат мулкчилигига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарида (қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), ўзаро мулквий ҳиссалар қўшишга, пай бадалларини умумлаштиришга асосланган бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик фаолияти натижаларига кўра олинган соф фойда унинг муассислари ҳамда бошқа аъзолари ўртасида тақсимланади. Соф фойдани тақсимлашнинг асосий тамойиллари ва умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида», «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонунларида белгилаб қўйилган.

Жумладан «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси, 2-бандида айтилишича: «Солиқлар ва бошқа тўловлар бюджетга тўлаб бўлингач, қолган соф фойда (даромад) корхонанинг тўла ихтиёрида қолади ва қонунда бевосита назарда тутилган ҳоллардан ташқари, улар-

дан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди. Корхона соф фойдани (даромадни), башарти унинг уставида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ўзи билганича тасарруф этади».

Ушбу қоида қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳам тўла тааллуқлидир. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, банк фоизлари, кредитлар билан ҳисоб-китоблар қилиб бўлингач, моддий ва бошқа харажатлар, иш ҳақи сарф-харажатлари қоплаб бўлингач қолган сумма ҳисобидан кооператив уставида кўзда тутилган махсус фондларни барпо этади. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ корхона фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш ваколати кооператив (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишига берилган бўлиб, бўлинмас, пай ва бошқа жамғарма (фонд)ларни ташкил этиш турлари, микдорлари, улардан фойдаланиш тартибларини белгилаш ишлари ҳам умумий йиғилиш томонидан ҳал этилади.

Кооператив (ширкат хўжалиги) даромадларини кооператив аъзолари ўртасида тақсимлаш уларнинг пай жамғармасига қўшган мулкӣ (пул) улушлари микдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида айтилишича: «Мулкӣ пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига кооператив (ширкат)нинг якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради».

Мулкӣ пай микдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкӣ пайчнинг аниқ микдори кооперативнинг (ширкатнинг) аъзосига, мол-мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган унинг ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда

кооператив (ширкат)нинг юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) даромадининг (фойдасининг) пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якуналарига кўра тақсимланади ва мулк пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларига кўра деҳқон ва фермер хўжаликлари умумий биргаликда хўжалик юритувчи оила аъзолари томонидан ташкил этилади. Шу сабабли ушбу хўжаликлар мулки умумий ҳиссали мулк бўлиб ҳисобланади ва шу туфайли олинган фойда (даромад) хўжалик аъзолари томонидан биргаликда тасарруф этилади.

Фермер хўжалиги улушбай асосда ташкил этилган тақдирда, унинг аъзоси ўзи қўшган улушга мутаносиб равишда даромад (фойда) дан ўз улушини олишга ҳақли (18-модда).

Умумий биргаликдаги мулкчиликка асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари аъзолари ўртасида олинган даромад (фойда)ни тасарруф этиш юзасидан ихтилофлар юз берган тақдирда, бундай низолар фуқаролик ва оила қонунчилиги нормаларига мувофиқ равишда суд йўли билан ҳал этилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ фермер ва деҳқон хўжаликлари пайчилик асосида иттифоқлар, уюшмалар, кооперативлар, биргаликда хўжалик бирлашмасининг бошқа шакллари ташкил этсалар, улар фаолиятида иштирок этсалар, у ҳолда ушбу уюшмалар томонидан олинган соф даромад (фойда)нинг ўзлари қўшган пай бадалларига мутаносиб келадиган қисмини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат – кооператив қишлоқ хўжалик корхоналарида фойда (даромад)ни тақсимлаш муассислар қўшган пай улушларига мутаносиб равишда амалга оширилади.

XV боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ШАРТНОМА МУНОСАБАТЛАРИГА УМУМИЙ ТАВСИФНОМА

1-§. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатларининг тушунчаси ва моҳияти

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг таркиб топиши, иқтисодиётни ишлаб чиқаришни бошқаришнинг демократик шакллари жорий қилиниши натижасида шартномавий муносабатларнинг ривожланиши учун йўл очилди. Ўтмишда шўролар ҳокимияти даврила қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бошқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш марказлаштирилган режага асосан амалга ошириларди. Давлат фақат давлат мулкани эмас, шунингдек колхоз-кооператив мулкани ҳам бошқаришда, тасарруф этишда етакчи ва ҳукмрон ваколатга эга эди. Давлат фақат хўжаликни бошқариш эмас, шунингдек сиёсий ҳокимият органи сифатида ҳам ушбу хўжаликни амалга ошириш билан боғлиқ мулкীয় муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган тартиб – қоидаларни ўзи ўрнатарди. Бундай шароитда том маънодаги шартномавий муносабатлар учун ўрин йўқ эди.

Сўнгги йилларда мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасиз томонидан қабул қилинган қонунларда иқтисодий ва хўжаликни уюштиришда шартномавий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Булар мулкчилик ва ер тўғрисидаги қонунлар, Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, ер кадастри, тadbиркорлик, корхоналар, кооперативлар, жамоа хўжаликлари, бирлашмалари, деҳқон хўжалиги, банклар тўғрисидаги ва бошқа муҳим қонунлар фуқароларга, корхоналарга, ташкилотларга жамиятнинг барча жабҳаларида тенг ҳуқуқ тамойили асосида шартномавий муносабатлар ўрнатиш билан тақиқланмаган ҳар қандай мулкীয়, ишлаб чиқариш, хўжалик-тадбиркорлик муносабатларида ташаббускорлик кўрсатиб, эркин қатнашишлари учун имконият яратиб берди.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабатлар моҳияти ва мазмуни жиҳатидан олдинги, яъни шўро

давридаги шартномавий муносабатлардан тубдан фарқ қилади. Ўтмишдаги шартномавий муносабатларда улар тарафларининг эрк-иродаси, хоҳишлари тўлиқ ифода этилмасди. Чунки шартномаларнинг мазмуни, уларни тузувчиларнинг эрки билан эмас, юқоридан туширилган ва мажбурий бўлган режа ва топшириқларга асосан белгиланарди. Давлат мулкчининг якка ҳукмронлик ролига барҳам берилиши, жамиятда хусусий мулкчиликка рухсат берилиши, жамиятда турли шаклдаги мулкнинг баб-баравар ҳаракатда бўлишига кенг имкониятлар яратилиши туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати доираси кенгайди, улар шартномалар тузишдаги олдинги чекланишлардан озод бўлди, энди улар фақат ўзларининг шахсий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида шартномалар тузиб, қишлоқ хўжалиги соҳаларида, жамоа тузилмаларида тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишга, юридик шахслар билан биргаликда умумий мулк ҳуқуқига эга бўлишга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида фақат ўз меҳнати эмас, балки ёлланма меҳнатни жалб қилиш, фойдаланиш ва унинг учун ишлаб чиқаришда керакли бўлган қурол-аслаҳаларга эга бўлиш каби ҳуқуқларга эришди.

Ўтмишда шартномавий муносабатлар бевосита режага асосан вужудга келар эди. Чунки шартномалар режага асосан тузилар ва ўз моҳияти билан режани амалга ошириш вазифасини бажарарди. Режалаштириш ҳужжатининг ўзида тузиладиган шартноманинг барча шартлари батафсил назарда тутилган бўларди. Шартноманинг тарафлари унинг шартларини келишиб олиш учун ортиқча иш қилолмас ҳам эди. Хусусий мулкчилик ва бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро иқтисодий мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиши натижасида хўжалик соҳасида тузиладиган шартномалар моҳияти жиҳатидан ҳақиқий ҳуқуқий ҳужжат мақомига эга бўлди. Энди уларни том маънода шартномалар деса бўлади. Шундай экан, ҳозирги шароитда шартномавий муносабатлар режага асосан эмас, балки бевосита иқтисодий ва ҳуқуқий тенг ҳисобланган тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан вужудга келади.

Кишлоқ хўжалигига алоқадор шартномаларнинг турларини, улар ҳар бирининг моҳиятини, мазмунини ва қайси мақсадда қўлланишини билиш, улардан фаол фойдаланиш ва уларнинг бекам-кўст бажарилишини таъминлаш ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиш ва жамоа хўжалигининг иқтисодий шароитини мустаҳкамлашда албатта ижобий роль ўйнайди.

Бозор муносабатлари янада кенг кўламда қонун ҳужжатларида шартнома-тадбиркорлик соҳасида турли мажбуриятларнинг вужудга келиши учун лозим бўлган асосий муҳит ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига хос шартномалар билан тартибга солинувчи мулкий муносабатларнинг моҳиятини белгилаб берувчи энг муҳим хусусият ушбу муносабатларнинг ҳақ эвазига амалга оширилишидир. Ушбу белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий мезон шартномаларга бағишланган деярли барча қонун ҳужжатларида ўз аксини топти.

Ҳақ эвазига амалга ошириладиган муносабатларда иқтисодий жиҳатдан мустақил, ҳуқуқий жиҳатдан тенг тарафлар қатнашини мумкин. Шартноманинг асосий белгиси ва хусусияти ҳам ушбу тамойил асосида ўз ифодасини топади. Шундай экан, шартномаларга бағишланган қоидалар императив (қатъий) эмас, балки диспозитив (танлашга йўл қўювчи) хусусиятга эга бўлиши инобатга олинади. Бу демак, деҳқон хўжаликларига, фермерларга, ширкатларга ва кишлоқ хўжалигидаги бошқа юридик шахсларга фаолиятнинг турини танлашда, бошқаришда, шартномаларнинг мазмунини белгилашда ва мажбуриятларини бажаришда кенг эркинлик бериш назарда тутилади. Шартнома тарафларининг ҳатти-ҳаракатлари қонун билан батафсил белгиланмаслик, яъни тартибга солинмаслик ёки бошқача қилиб айтганда фақат қонунда назарда тутилган ҳаракатлар эмас, балки қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришлари мумкин деган тамойилга асосланади.

Ўтмишда шартномага фақат битимнинг бир шакли сифатида баҳо берилар эди. Турли тадбиркорлик фаолияти мулкчиликнинг турли шакллари асосида амалга оширилиши, тадбиркорликка кенг йўл очилиши, Ўзбекистон Конституциясининг 53- моддасига биноан»... иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат эркинлиги, барча мулк шаклла-

рининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг кафолатланиши» шартноманинг юридик ҳужжат сифатида мавқеини юқори даражага кўтарди. Эндиликда шартнома уч хил аҳамиятга эга, жумладан: а) у юридик факт сифатида мулкӣ муносабатларни ўрнатиш, ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади; б) ушбу факт асосида вужудга келади; в) ҳуқуқий (шартномавий) муносабат ролини бажаради; г) юридик ҳужжат сифатида тарафларнинг ўзаро келишувини тасдиқлайди ва уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солишни таъминлайди.

Шартноманинг учинчи аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Бунга сабаб унинг тарафларига янги Фуқаролик кодексида берилган ҳуқуқий лаёқатдан иборат. Кодекснинг 35-моддасига «Шартнома тузиш эркинлиги» деб ном берилган ва ушбу ном унинг мазмунида ўз аксини топган. Моддада, масалан, қуйидаги қоидалар назарда тутилади: «Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.

Шартнома тузишда мажбур қилишга йўл қўйилмайди ...

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қуйилган ҳоллар бундан мустасно»

Мазкур моддадан қисқартириб олинган қоидалар шундан далолат бермоқдаки, тарафлар шартнома тузишда эркиндирлар, уларни ҳеч ким мажбур қилолмайди, тузилган шартномада фақат уларнинг ҳақиқий хоҳиш – эрклари ўз ифодасини топади. Қонунда назарда тутилмаган шартномани тузиш ва ушбу шартнома шартларини мустақил равишда белгилаш учун тарафларга ҳуқуқ берилиши шартноманинг ҳуқуқий ҳужжат сифатида мавқеини кўтаришга асос солди. Демак, тарафларнинг хатти-ҳаракатлари шартномада назарда тутилган тартиб-қоидалар билан тартибга солиниши, ушбу қоидаларга риоя қилинмаган тақдирда айбдор томонга жавобгарлик юклатилиши мумкин. Лекин, бундай ҳулосага асосан шартномани меъёрий характерга эга бўлган юридик ҳужжат деб бўлмайди, унда назарда тутилган тартиб-қоидалар, шартлар унинг тарафлари томонидан белгиланган ва фақат уларга тегишли бўлиб, ушбу шартнома бўйича улар томони-

дан ўз зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашга қаратилади.

Шартноманинг тушунчаси Фуқаролик кодексининг 353-моддасида баён этилган. Моддага мувофиқ «икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади». Демак, шартнома тарафларнинг келишувидан иборат бўлиб, ушбу келишувга яқун ясовчи ва тегишли шаклда расмийлаштирувчи ҳужжатдир. Келишувнинг ўзи эса хўжаликнинг тadbиркорлик соҳасида бирон-бир фаолиятни амалга ошириш ва тегишли натижага эришиш учун шартнома тарафлари томонидан ўз манфаатларини кўзлаб маълум ҳуқуққа эга бўлиши ва шунингдек ўз зиммасига мажбуриятлар олиши ёки вужудга келган муносабатларга ўзгартиришлар киритиши ва шунингдек келишган ҳолда уларни давом эттиришни тўхтатишига қаратилган бўлиши мумкин.

Шартноманинг тушунчасини ўрганишда Фуқаролик кодекси 353-моддасининг мазмунига алоҳида аҳамият бериш керак. Баъзи ҳолларда, шартнома билан мажбурият тушунчасини бир хилдаги тушунча деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, булар бир-биридан жиддий фарқ қилади ва уларни аралаштирмаслик керак. Шартномага асосан ҳуқуқ ва бурчлар вужудга келар экан, мажбурият эса ушбу ҳуқуқ ва бурчларни амалга ошириш учун бажарилиши зарур бўлган муайян ҳаракатлардан ташкил топади. Мажбуриятнинг тушунчаси Фуқаролик кодексининг 234-моддасида баён этилган.

Шартнома ҳам битим турларидан иборат. Лекин улар бир-биридан фарқ қилади. Битим бир тарафлама бўлиши мумкин. Бундай битимда бир тарафнинг хоҳиши бўлиши зарур. Шартномани тузишда икки ёки бир неча шахс қатнашади. Шунинг учун ҳам шартномаларга икки ёки кўп тарафли битимлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Лекин шуни аниқлаб олиш керакки, агар битимнинг турлари, яъни унинг бир ёки кўп тарафлама бўлиши битта ёки кўпчилик шахснинг ўз хоҳишини ифода этиши билан белгиланса, шартноманинг тушунчаси унда қатнашувчи шахсларнинг сони билан ҳам белгиланади. Иқтисодий муносабатлар ўзларига хос ривожланиш қонуниятларига эга. Шу билан бирга улар товар-пул муносабатлари ривож топган жамиятда ҳуқуқнинг

таъсирига мухтож. Ҳуқуқ ушбу муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатини, манфаатларини муҳофаза қилиш, муносабатларни тартибга солиш қоидаларини белгилаб беради.

Ҳуқуқий нормаларнинг иқтисодий муносабатларга таъсирчан бўлиши, товар-пул муносабатлари чекланган социалистик жамиятда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий меъёрлар эмас, кўпроқ маъмурий – ҳукмронлик усулларини қўллаш амал қилар эди. Мавжуд ҳуқуқий нормалар ҳам мазмун жиҳатидан ушбу усул таъсири остида белгиланар эди.

Шартномани товар-пул муносабатларининг ҳосиласи десак муболаға қилмаган бўламиз. Чунки товар-пул муносабатлари ривожланмаган, чекланган жамиятда шартномага ўрин йўқ. Шартнома қўлланган тақдирда ҳам, у ўз табиатига хос вазифани бажармайди. Бундай жамиятда марказлашган шакллантириш тизими ҳукм суради, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши товар-пул муносабатларининг, ушбу муносабат шаклларининг жорий бўлишига боғлиқ. Бундай ҳаракат қанчалик илдам бўлса, ушбу жараёнга мансуб ҳуқуқий шаклларининг таркиб топиши ва қўлланиши ҳам шунчалик тез равишда амалга ошади. Товар-пул муносабатларига нисбатан монанд ҳуқуқий шакл сифатида биринчи ўринда шартнома туради. Чунки товар-пул муносабатларида қатнашувчи тарафлар мулк эгаси сифатида иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ҳаракат қиладилар. Бундай ҳаракатлар келишув ва шартномалар тузиш йўли билан расмийлаштирилади ва тартибга солинади.

Демак, шартноманинг тушунчаси асл маънода бўлиши ва унинг кенг қўламда тарқалиши жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг характериға боғлиқ. Республикамиз иқтисодий негизининг мулкчиликнинг турли шакллари-дан ташкил топиши, бозор муносабатларининг ривожланиши ва товар-пул шаклларининг иқтисодиёт (хўжалик) соҳасида таркиб топиши шартномалар воситасида тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларнинг ривожланиши учун асос солди.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома ўз табиати жиҳатдан ўзгарди, унинг мазмунини ташкил қилувчи шартларни белгилашда қатъий режалаштирув ҳужжати бўлиб эмас, балки демократик тамойилларга асосан амалга оширила бошланди. Шартнома ҳақиқатан ҳам унда қатнашувчи тарафларнинг хоҳиш-иродасини ўзида мажбурий эмас, эркин равишда ифода этувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат мақоми даражасига эришди. Шартноманинг келишув сифатида том маънога эга бўлиши унда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли кафолатлар ҳосил этади.

Иқтисодий ва ҳўжалик муносабатлари турли шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади. Шартномалар эса, ўз навбатида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятлари, аҳамияти ва вазифалари ҳисобга олинган ҳолда таснифланади. Бунинг натижасида шартномалар муайян иқтисодий муносабатларнинг ҳаракатга келтирувчи юридик шакли сифатида тегишли гуруҳларга бўлинади ва маълум тизимни ташкил қилади, чунончи:

а) мол-мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказиш бўйича вужудга келган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар;

б) мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топшириш бўйича вужудга келган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар;

в) муайян ишни бажариш бўйича вужудга келадиган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар;

г) хизмат кўрсатиш бўйича вужудга келадиган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар.

Шартномалар тизимини ва ушбу тизим қандай гуруҳлардан ташкил топишини билиш шартномалар ёрдамида тартибга солинадиган муносабатларга хос хусусиятлар ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишга ва тадбиркорликнинг турли соҳаларида шартномалардан фаол ва малакали фойдаланишга ёрдам беради.

а) гуруҳидаги шартномалар таркибий қисми қуйидагилардан иборат: олиш–сотиш шартномаси; етказиб бериш (товарни етказиб бериш) шартномаси; қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини контрактация қилиш шартномаси; айирбошлаш (бартер) шартномаси; ҳадя шартномаси; тармоққа улаш орқ-

али энергетика ва бошқа ресурслар билан таъминлаш; умр-бод асраш шарты билан уй-жойни (квартирани) топшириш;

б) гуруҳидаги шартномалар таркибий қисми қуйидагилардан иборат: мулк ижараси; прокат; қарз; мулкдан тўлик фойдаланиш; уй-жой ижараси; лизинг шартномаси;

в) гуруҳидаги шартномалар таркибий қисми қуйидагилардан иборат: пудрат; қурилишга оид пудрат; илмий тадқиқот; тажриба – конструкторлик ишларини бажаришга оид пудрат; маиший пудрат;

г) гуруҳидаги шартномалар таркибий қисми қуйидагилардан иборат: хизмат кўрсатиш; юк ва йўловчи ташиш; экспедиция; топширик; комиссия; воситачилик; омонат; пул маблағларини сақлаш ва ҳисоб-китоб қилиш.

Шартномаларнинг турлари юқоридагилар билан чекланмайди. Масалан, суғурта шартномаси; биргаликдаги фаолият шартномаси: асар, ихтиро ва бошқа ижодий меҳнат натижалари билан боғлиқ, яъни интеллектуал мулк ҳисобланган шартномалар, нашриёт шартномаси ва ҳоказолар мавжуд. Лекин буларда мазмун ва қайси мақсадга эришишни мўлжаллаб тузилганлиги нуқтаи назаридан юқоридаги гуруҳларга мансуб бўлган турли шартномаларнинг шартлари мужассам топганлиги туфайли, уларни аниқ бир гуруҳ таркибига киргазишга тўғри келмади.

Ҳар бир гуруҳ таркибидаги шартномалар иқтисодий мазмуни ва улар томонидан тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусияти ва аҳамияти билан бир-бирига ўхшаш, ушбу муносабатларни амалга ошириш ҳуқуқий шакллари ва усуллари билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, а) гуруҳидаги шартномаларнинг моҳиятини ифодаловчи асосий белги мол-мулкка бўлган ҳуқуқнинг бир шахс эгалигидан иккинчи шахс эгалигига ўтишдан иборат. Лекин бундай ўтиш ҳар хил усул ва ҳуқуқий шакллари қўллаш йўли билан амалга оширилади. Олиш-сотиш шартномаси ҳамда контрактация шартномаси ҳам иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий шакллариандир. Иккала шартнома асосида ҳам мол-мулк ва у бир шахс эгалигидан иккинчи шахс эгалигига ўтиш ётади. Лекин бу ўтишлар ҳар хил усулда амалга оширилади ва шу туфайли шартномаларнинг тарафлари ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқ ва бурчлар ҳам бир-бирига мутлақо ўхшаш эмас. Масалан,

олди-сотди шартномасининг предмети ҳар қандай мол-мулкдан, тарафлари эса ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган ҳар кимдан иборат бўлиши мумкин. Контрактация шартномасининг предмети қишлоқ хўжалик маҳсулоти, тарафлари эса, бир томондан, ушбу маҳсулотни экиб, ундириб етиштирган хўжалик, деҳқон, иккинчи томондан, маҳсулотни қайта тайёрлаш учун харид қиладиган (сотиб оладиган) ташкилот, корхонадан иборат. Лекин умумий хусусиятларига кўра контрактация ҳам олди-сотди шартномасининг бир тури ҳисобланади.

б) гуруҳидаги шартномаларга асосан мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқида ўзгариш юз бермайди. Мулк шартномалар воситасида бошқа шахсларга фақат фойдаланиш учун берилади. Демак, ушбу шартномалар хусусиятларини ифодаловчи асосий белги улар воситасида вужудга келадиган муносабатларнинг мол-мулкдан фойдаланишга қаратилган бўлишидан иборат. Шунинг билан бирга ушбу гуруҳ таркибидаги шартномалар ҳам шахсан ўзларига тааллуқли хислатлар билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, прокат шартномаси ҳам ижара шартномасининг бир тури. Иккала шартнома воситасида ҳам мол-мулк вақтинча фойдаланиш учун берилади. Лекин улар ўртасида жиддий фарқ ҳам бор. Ижара шартномасининг предмети ҳар қандай мол-мулкдан, ер участкасидан, корхоналардан, бинолардан, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш воситаларидан ва бошқа асбоб-ускуналардан иборат бўлиши мумкин. Прокат шартномасининг нарсаси (предмети) эса шахсий, оилавий, уй-рўзгор ва бошқа эҳтиёжларни қаноатлантиришга хизмат қилувчи мол-мулкдан иборат. Ижара шартномасига асосан ижарачи мол-мулкни унинг эгасининг рухсати билан бошқа шахсга ҳам ижарага бериши мумкин. Пудрат шартномасига мувофиқ мол-мулкни прокатчи томонидан бошқа шахсга прокатга беришга йўл қўйилмайди.

в) гуруҳидаги шартномалар хусусиятларини ифодаловчи асосий белги улар воситасида вужудга келадиган муносабатларнинг маълум бир ишни бажаришга қаратилган бўлишидан иборат. Ишнинг тури ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, пудрат шартномаси асосида қишлоқ хўжалигида сув омборларини, электр иншоотларини қуриш, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш каби ишлар. Ишларнинг тури хил бўлиши ушбу гуруҳдаги шартномаларнинг нарсаси

(предмети), мазмуни, шакли ва улар асосида тартибга солинадиган муносабатларнинг ҳуқуқий қоидалари турлича бўлиши учун ҳам асосий сабаб бўлади,

г) гуруҳига кирган шартномаларга асосан бир ташкилот ёки фуқаро иккинчи ташкилот (ташкилотлар) ёки фуқарога (фуқароларга) хизмат кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Хизматнинг ҳар хил турлари мавжуд, масалан турли транспортларда юк ва йўловчилар ташиш, вақтли матбуот нашрларини етказиб бериш, экспедиторлик вазифасини бажариш, омонат сақлаш ва ҳоказо. Хизматнинг турларига қараб хизмат кўрсатувчи билан миждоз (клиент) ўртасида турли ҳуқуқ ва мажбуриятлар келиб чиқади ва булар тегишли шартномаларнинг мазмунини ташкил қилади. Масалан, экспедиция шартномаси бўйича хизмат кўрсатиш экспедитор (юк ташувчи ташкилот) миждоз номига қишлоқ хўжалигига темир ёки ҳаво йўллари орқали келиб тушган юкни (трактор, машина, ўғит ва ҳоказо) тегишли вокзал ёки аэропортда қабул қилиб олиши ва миждоз манзилига етказиб топшириши мажбуриятдан иборат. Маиший хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича хизмат театр ва киноларда томошалар кўрсатиш, спорт, ҳаммом, саргарош, телефон алоқаси, мусиқа ўргатиш, тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари фаолиятларидан фойдаланиш, телевизор, радио ва бошқа уй-рўзғор асбоб-ускуналарнинг фойдаланишга яроқли бўлишини таъминлаш кабилардан иборат.

Юқорида келтирилган шартномаларнинг «Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи» дарслигининг предметиға, яъни унинг мазмунини ташкил қилувчи хўжалик муносабатларига бевосита ёки билвосита алоқаси бор. Масалан, контрактация шартномасининг предметиға фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотини ташкил қилади, шундай экан у қишлоқ хўжалигида бевосита алоқадор ҳисобланади. Ижара шартномасининг предмети ердан иборат бўлса, ерни қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам ижарага олиш мумкин, фарқи фақат ердан қандай вазифани амалга ошириш учун фойдаланишдан иборат. Пудрат шартномасидан бинолар, иншоотлар қуриш учун қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам фойдаланиш мумкин. Рента шартномасининг предмети кўчмас мулк ёки кўчар мулкдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Лекин кўчмас мулк сифатида аксарият ҳолларда ер рентаси қўлланилади. Кредит шартномасидан қишлоқ

хўжалик корхоналари ҳам, шунингдек турли ташкилот ва муассасалар ҳам фойдаланади. Демак, шартномалар қўлланиш вазифасига қараб баъзан фақат битта соҳага (контрактация), аксарият ҳолларда эса турли соҳаларга хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда шартномаларнинг қишлоқ хўжалик муносабатларига билвосита алоқадор эканлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Шартномаларни таснифлаш учун уларнинг мазмунини, тарафлар ўртасида келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни атрофлича пухта ўрганиш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Шартномаларнинг турларини билиш ва уларнинг қайси гуруҳга тегишли эканлигини аниқлаш улардан самарали фойдаланишда ёрдам беради.

Шартномани тасдиқлашда улар томонидан тартибга солинадиган ижтимоий- иқтисодий муносабатларнинг, жамият ривожланишининг у ёки бу босқичида рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

2-§. Контрактация шартномаси тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Контрактация шартномаси республикамизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлари билан бу маҳсулотларни харид қилувчилар, истеъмолчилар ўртасида тузилади. Шунга кўра контрактация шартномаси таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 465-моддасида ифода этилади. Контрактация шартномасига мувофиқ хўжалик қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга-тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Мана шу таърифдан маълумки, контрактация шартномаси субъектлари бўлиб бир томондан маҳсулот етиштирувчи хўжалик, жамоа хўжалиги, фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа хўжаликлар иштирок этса, иккинчи томондан маҳсулот тайёрловчи ташкилотлар қатнашадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контрактация қилиш шартномасини тузишдан мақсад фуқароларнинг шу маҳсулотларга бўлган, саноат корхоналарининг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжларини таъминлашдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг янада ривожланиши учун зарурий имкониятларни вужудга келтиришдан иборатдир. Контрактация шартномаси айрим шартномаларга, масалан, маҳсулот етказиб бериш, олиш-сотиш шартномаларига ўхшаб кетсада, ўзига хос хусусиятлари билан улардан фарқланади. Контрактация шартномаси ҳам, маҳсулот етказиб бериш шартномаси ҳам маҳсулот етказиб бериш шартномаси сингари тузилади, аммо ундан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу хусусиятлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш юзасидан белгиланган шартноманинг предмети фақат қишлоқ хўжалигида етиштирилган хом ашёлар бўлса; у маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўлади. Шунинг ҳам контрактация шартномасининг предмети фақат саноат маҳсулотлари бўлади.

Контрактация шартномасининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, бу шартнома бўйича бир томонда тегишли тайёрлов ташкилотлари иштирок этса, иккинчи томонда эса фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар иштирок этадилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ўзлари етиштирган маҳсулотларини тайёрлов ташкилотларига шартномага мувофиқ белгиланган миқдорда сотадилар. Тайёрловчи ташкилот шу маҳсулотни қабул қилиб, унинг нархини тўлайди. Давлат буюртмасини бажарганларидан сўнг ошиқча бўлган маҳсулотларни давлатнинг тайёрлов ташкилотлари ҳам, хом ашёни қайта ишловчи корхоналарга, шунингдек бошқа истеъмолчи ташкилотларга ҳам сотиши мумкин.

Контрактация шартномасининг иштирокчилари бўлиб, мулкчилик шаклларидан ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни амалга оширувчи ташкилотлар, корхоналар (тайёрлов, савдо, қайта ишловчи ва бошқалар) билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон, фермер хўжаликлари ҳисобланадилар.

Контракция шартномасида қатнашаётган тарафлар бўлиб, деҳқон хўжалиги, фермер, жамоа хўжалиги (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилотлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчилар, истеъмолчилар, қайта ишловчи корхоналар ҳисобланадилар.

Хўжалик субъектлари ўртасида тузиладиган контракция шартномасига оид муносабатлар тегишли қонунлар ва қонунларга мувофиқ чиқарилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Булар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Қоперация тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида» қонунлар ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Президент Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низом» қабиаларни киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрловчи ташкилотлар томонидан истеъмолчиларга етказиб берилади. Бунинг учун аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар билан тайёрловчилар ўртасида контракция шартномаси тузилган бўлиши керак. Тузиладиган шартнома лойиҳаси кўпинча буюртмачи томонидан тайёрланади. Тайёрланган лойиҳада контракция шартномасининг барча шартлари аниқ ифода этилиб, иккинчи тарафга юборилади. Иккинчи тараф ўзига тақдим этилган лойиҳа нусхасини олиши билан унда белгиланган шартларни кўриб чиқади.

Шартномалар бевосита хўжаликларда тузилади. Тайёрловчи хўжаликка ваколатли вакилини юборади. Шу юборилган вакил билан шартнома шартлари хусусида келишиб олинади. Шартномалар тарафларнинг келишувига кўра бир йилдан беш йил муддатга тузилади.

Тайёрловчи хўжаликларга вакилни юбормасдан шартнома лойиҳаларини тузиб уларга жўнатиши мумкин. Агар хўжаликлар турли вилоятларда жойлашган бўлса, шартнома лойиҳаси уларга почта орқали жўнатилади. Шартнома лойиҳаси олинган кундан бошлаб хўжалик ўттиз кун давомида уни кўриб чиқиши ва имзолаб, тайёрловчига қайтариши шарт. Агар шартнома шартлари тўғрисида хўжаликнинг эътирози бўлса, шартнома лойиҳаси олинган кундан ёки тайёрловчининг вакили келган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда бу ҳақда келишмовчиликлар баёнини тузиб, уни шартнома лойиҳаси билан бирга тайёрловчи ташкилотга жўнатади. Бу эса ўз навбатида янги таклиф ҳисобланади.

Тайёрловчи ташкилот шартнома лойиҳаси тўғрисида келишмовчилик баёнини олган кундан бошлаб ўттиз кун муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим. Зарур ҳолларда иккинчи тараф маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси вакили билан биргаликда таклиф қилинган барча шартларни кўриб чиқишга ва шартнома лойиҳасига киритишга ҳақли. Агар келишмовчилик баёнини олгандан сўнг таклиф қилинган шартларга улар рози бўлмаса, ўттиз кун муддат ичида уни кўриб чиқиши учун тегишли хўжалик судига жўнатишга ҳақли. Хўжалик суди қабул қилган қарор ҳар икки тараф учун мажбурий кучга эга бўлади.

Агар тайёрловчи келишмовчиликлар баёнини олгач, ўттиз кун мобайнида унинг тартибга солинмаган шартларини ҳал қилиб бериш учун хўжалик судига юбормаса, таклиф қабул қилинган ҳисобланади.

Шартнома тузишнинг бу тартиби давлат контракти шартномасини тузишга қаратилган усуллардан биридир.

Контрактация шартномаси уч нусхада тузилиб, томонларнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Шартнома давлат буюртмаси бўйича етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек давлат буюртмаси таркибига кирмайдиган маҳсулотлар етказиб беришга қаратилган бўлса ҳам давлат рўйхатидан ўтказилади.

Тузилган контракция шартномасида маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (маҳсулотнинг турлари бўйича), сифати, нархи, шартноманинг умумий суммаси, етказиб бериш тартиби ва шартлари, маҳсулотни топшириш – қабул қилиш пунктлари ва даврлари (муддатлари) кўрсатилади.

Тарафларнинг келишуви билан маҳсулот бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олинган бўлса, шу маҳсулотнинг миқдори ва ўзининг ёки жалб этилган транспорт билан ташиб олиб кетиш тартиби кўрсатилади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ҳажмларига мувофиқ контракция шартномаси бўйича сотилиши керак бўлган маҳсулотнинг хўжаликда қайта ишланган миқдори ҳам ҳисобга олинади.

Шартномада маҳсулот жойлаштирилган идиш, ўраш-жойлаш, тамғалаш тартиби, тайёрловчининг маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиш ва белгиланган нархлар бўйича тўлаш мажбурияти, ҳисоб-китоб қилиш тартиби кўрсатилади.

Контракция шартномасида тайёрловчининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни ташкил қилиш ва қабул пунктига транспортда ташиб келтириш бўйича хўжаликларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳам белгиланиши мумкин.

Бундан ташқари, тарафлар, юқорида кўрсатилган шартлардан ташқари, Республикаимизнинг қонунларига зид бўлмаган бошқа шартларни ҳам ўзаро келишиб, шартнома лойиҳасига киритишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар тузилган контракция шартномасига мувофиқ муайян мажбуриятларга эга бўладилар. Уларнинг мажбуриятлари ФКнинг 466-моддасида қонуний белгилаб берилган. Бу қонунда белгиланишича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контракция шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Агар маҳсулот етиштирувчи ана шу моддада кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти контракция шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни

ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Худди шунингдек, тайёрловчи ҳам контрактация шартномаси бўйича маълум бир мажбуриятларга эга бўлади. Жумладан, ФКнинг 467-моддасига мувофиқ, агар контрактация шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тайёрловчи етиштирувчи жойлашган ерда ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилиши (қабул қилиб туриши) ва олиб кетишни таъминлаши (таъминлаб туриши) шарт. Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрловчи жойлашган ерда ёки у кўрсатган бошқа ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи томонидан контрактация шартномасига мувофиқ ва шартлашилган муддатда келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Контрактация шартномасига мувофиқ олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган тайёрловчи етиштирувчининг талабига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш чиқиндиларини тарафлар келишилган нарҳда етиштирувчига қайтариши шарт.

Тарафлар тузилган контрактация шартномаси шартларини бажармаслиги ёки маромига етказиб бажармаслиги бўйича жавобгар бўладилар. Уларнинг жавобгарлиги қонунга мувофиқ ёки шартномада белгиланганидек миқдорда ва тартибда бўлади. Шартнома шартларини бажармаганлиги ёки маромига етказиб бажармаганлиги учун тарафларнинг мулкий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги низом»нинг бешинчи бўлимида белгиланган. Унда белгиланишича, барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг йигирма беш фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртacha миқдоридан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни кўшмаган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, шартнома бажарилмаганлиги ёки маромига етказиб бажарилмаганлиги сабабли тайёрловчига етказилган зарарнинг жарима билан қопланмай қолган қисми ҳам тўланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини бевосита хўжаликларда қабул қилиб олиш рад этилса, тайёрловчи хўжаликка ҳар бир рад этилган ҳол учун белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан, ўша пайтда шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб, қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг тўрт фоизи миқдорида жарима тўлайди. Тез бузиладиган маҳсулотлар бўйича эса унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилгани туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланган қисми ҳам тўланади.

Қабул қилиш – топшириш жойига етказиб келтирилган маҳсулот қабул қилиб олиш асосиз рад этилганда, тайёрловчи хўжаликка уни етказиб келиш харажатларини қоплайди.

Шартномада белгиланганидек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хўжаликнинг ўзида қабул қилинадиган бўлса, хўжалик топшириладиган маҳсулотни тайёрлаб қўйиши ва бу ҳақда тайёрловчини хабардор қилиши лозим. Агар хўжалик топширилиши шарт бўлган маҳсулотни тайёрлаб қўймаган ва бу ҳақда тайёрловчини огоҳлантирмаганлиги сабабли тайёрловчи қабул қилиш жойига транспорт юборган бўлса, хўжалик тайёрловчига транспорт ва шу транспортнинг бекор туриб қолиши бўйича барча харажатларни қоплаши шарт.

Контрактация шартномаси бўйича топширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини қабул қилиб олишда сунъий тарзда пасайтирган ёки миқдорини нотўғри белгиланган бўлса, тайёрловчи хўжаликка тўланмаган суммани ва тўланмаган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Шартномага мувофиқ топширилган маҳсулотнинг қийматини тўлаш кечиктирилгани учун ҳам тегишли жавобгарлик белгиланади. Контрактация шартномасига мувофиқ топширилган (юклар жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асосиз бош тортилганида (хўжаликка тегишли суммалар белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказилмаганда, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топшириғи акцепти асосиз равишда тўлиқ ёки қисман рад этилганда) тайёрловчи хўжаликка тўланмаган суммани, уни тўлашдан бош тортган сумманинг беш фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, тайёрловчи хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Хўжалик томонидан юклаб жўнатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиб олгач, тайёрловчи уч ойдан ортиқ муддатга ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлаган бўлса, хўжалик судида банкрот бўлган деб топиш ҳақида иш кўзғатиш мумкин.

Тайёрловчи ёки хўжалик томонидан маҳсулот учун ҳисоб-китобларда ортиқча олинган пул суммаси ўз вақтида қайтарилмаганида айбдор томон бу суммани қайтаради ва бу маблағдан фойдаланилган барча давр учун йилига йигирма беш фоиз даромад тўлайди.

Шартномада хўжаликни идиш ва ўраш материаллари билан таъминлаш тайёрловчи зиммасига юклатилган бўлсада тегишли идиш билан таъминланмаганлик учун жавобгарлик белгиланади. Жумладан, хўжалик тегишли идиш ва ўраш-чирмаш билан боғлиқ материаллар билан таъминланмаган бўлса, шу вақтда амалда бўлган қийматнинг икки баравари миқдорида жарима тўлайди.

Хўжаликни идиш билан таъминламаганлик натижасида маҳсулотнинг сифати пасайганлиги ёки тез бузиладиган маҳсулотлар фойдаланишга, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолганлиги сабабли хўжалик зарар кўрган бўлса, зарарнинг жарима билан қопланмай қолган қисми ҳам ундириб олинади.

Шунингдек, тайёрловчи томонидан хўжаликка берилган идиш йиллик контракция шартномаси муддати тугагандан сўнг қайтарилмаса, тайёрловчи қайтарилмаган идиш қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди.

Шунингдек, тайёрловчи ҳам идишни хўжаликка ўз вақтида қайтармаса, шу идиш қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди.

Контракция шартномасига мувофиқ тарафлар, яъни хўжалик тайёрловчи томонидан жўнатилган транспортнинг, худди шунингдек, тайёрловчи ҳам транспортнинг бекор туриб қолишида айбдор бўлса, асосий ва қўшимча вақт нормаларидан ортиқча бекор туриб қолганлик учун амалдаги қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Шартнома шартларини бузганлиги учун юқорида кўрсатилганидек айбдор томоннинг жарима тўлаши уни шартномада белгиланган мажбуриятни бажаришдан озод қилмайди.

Аммо табиий офатлар ёки тайёрловчининг айби билан шартнома шартларини бажармаганлик учун хўжалик тегишли ташкилотларнинг хулосаси ва асосларига биноан жавобгарликдан озод бўлиши мумкин. Маҳсулотлар етказиб бериш бўйича тузиладиган давлат контракти шартномасини тузиш муддатини кечиктирганлик учун ҳам қонунда жавобгарлик белгиланган. Жумладан, контрактация шартномасини тузиш муддатини ўтказиб юборганлик ёки асоссиз бўйин товлаганлиги учун тарафлар муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизи миқдорида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортик бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

Бундан ташқари, шартномада тарафларнинг келишувига кўра мажбуриятларни бажармаганлик ёки маромига етказиб бажармаганлик учун амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган жазо чоралари белгиланиши ҳам мумкин.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида давлат контракти шартномасининг ижро этилишига назар ташласак, аввало шартнома тузилишидаги камчиликлар, сўнгра эса шартномани ижро этмаслик ёки маромига етказиб бажармаслик оқибатида зарар келиб чиқаётганининг гувоҳи бўламиз.

Шу сабабли республикамызда санация ўтказилиб, қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодий қийинчиликлардан олиб чиқишга ва уларнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шунга ўхшаш қатор ҳолатларни ҳисобга олиб, республикамызда хўжалик шартномалари хусусида янги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай қонуннинг қабул қилиниши шартнома интизомини мустаҳкамлаб, тарафларнинг масъулиятини кучайтиришга, аҳолининг моддий ва маиший фаровонлиги ошишига олиб келар эди.

3-§. Қишлоқ хўжалигида қурилиш пудрати шартномаси

Қурилиш пудрати шартномаси энг муҳим фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан бири бўлиб, у қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қурилиш пудрати шартнома муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи асосий меъёрий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида», «Қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисида», «Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни ташкил этиш тўғрисида»ги низомлар, «Бозор муносабатлари шароитларида қурилишда шартномавий нархларни белгилаш тартиби» муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 ноябрда қабул қилган «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан тегишли лойиҳа ҳужжатлари бўлмаган ва молиялаш манбалари тасдиқланмаган объектлар қурилишига йўл қўймаслик; қурилиш қиймати ошиб кетишига олиб келадиган унумсиз харажатларни кескин қисқартириш чораларини кўриш; объектлар қурилишига, шу жумладан объектларни тўлиқ қуриб топшириш шarti билан буюртмаларни тендер (танлов) асосида жойлаштириш тизими кенг жорий этилишини таъминлаш; хусусий қурилиш фирмалари, кичик ва ўрта пудрат қурилиш ташкилотлари барпо этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини, пудрат ишлари бозори, қурилиш моллари улгуржи бозорларини шакллантиришни ривожлантириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

Биринчидан, пудрат қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилиш бошқарув тузилмаларини ихчамлаштириш ва монополиядан чиқариш; иккинчидан, хусусий қурилиш фирмалари ташкил этилишини рағбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта ва кичик

корхоналар ва ташкилотларнинг бозор инфратузилмасини ривожлантириш; учинчидан, капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг аҳамиятини кучайтириш, буюртмаларни жойлаштиришда ҳамма жойда тендер савдоларини жорий этиш, устун даражада фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш; тўртинчидан, инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш даражасини ошириш ҳамда уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш, қурилишнинг меъёрий-техник негизини янгилаш; бешинчидан, тармокни бошқаришнинг барча бўғинларида институционал ислохотларни амалга ошириш, бошқаришнинг устун даражада бир-икки бўғинли тизимига ўтган ҳолда қурилиш мажмуини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва ниҳоят, бригада пудратини жорий этиш, ишнинг тугалланган босқичлари бўйича ҳақ тўлаш асосида пудрат қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш шакллари ва механизмини такомиллаштириш, шунингдек қурилиш ишлари муддатларини қисқартириш ва таннархини пасайтириш ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги объектлар қуриш, ишлаб турган объектларни кенгайтириш, техника билан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш, тузатиш ва илгари тўхтаиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар, хизматларнинг бутун мажмуини бажаришга ва товарлар етказиб беришга танлов савдоларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди. Капитал қурилишдаги тендер савдолари тизими ўзида қурилишнинг келишилган қиймати ва муддатлари доирасида буюртмачи (инвестор)га, қурилиш, монтаж, тузатиш ва бошқа ишлар ҳажмлари бажарилишини, зарур сифатга эга бўлган товарлар ва хизматлар харид қилинишини, асбоб-ускуналар етказиб берилишини, монтаж қилиниши ва созланишини кафолатловчи ташкилотни танлов асосида танлаш усулини ифодалайди.

Мазкур Низом маблағ билан таъминлашнинг марказлаштирилган манбалари, ўз маблағлари ва давлат бошқаруви ижро этувчи органларининг, давлат корхоналарининг, шунингдек устав жамғармасида давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг уларга тенглаштирилган маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун тендер савдолари ўтказишда мажбурий ҳисобланади.

Савдони ўтказиш ва унинг вақти тўғрисидаги қарор тасдиқланган техник-иқтисодий асослар ёки лойиҳа бўйича буюртмачи (инвестор) томонидан қабул қилинади. Савдолар ўтказиш усулига кўра очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ савдоларда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Ёпиқ савдолар республиканинг буюртмачи томонидан олдиндан белгиланган ташкилотлари, хорижий ва хусусий фирмалар иштирокида ўтказилади, уларга махсус билдиришнома юборилади. Пудрат савдолари одатда очиқ ўтказилади. Ёпиқ пудрат савдолари Вазирлар Маҳкамаси ёки у томонидан вакил қилинган орган томонидан белгиланган тартибда фавқулодда ҳолларда ўтказилади. Пудрат савдосида лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи, мулкчиликнинг барча шаклларидаги юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек қурилиш маҳсулотлари ва асбоб-ускуналари тайёрловчи корхоналар қатнашиши мумкин.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини), иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш, ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қурилиш пудрати шартномаси шартли равишда «контракт» тушунчасида амалдаги қонун ҳужжатларида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Қурилишда тарафларнинг ўзаро муносабатларига ва жавобгарлиги тақсимотига кўра контрактнинг қуйидаги турла-

ридан фойдаланиш мумкин. Биринчидан, тўғридан-тўғри контрактлар, асбоб-ускуналар ва материалларни етказиб берган ёки бермаган ҳолда комплекснинг таркибий қисми бўлган алоҳида объектларда қурилиш, монтаж ёки махсус ишлар ҳажмларини бажариш юзасидан тузилади. Тўғридан-тўғри контракт бўйича пудратчи фақат ўзининг тўғридан-тўғри мажбуриятлари, ўз ишлари ва хизматлари учун жавоб беради, умуман комплекс қурилишини тугаллаш учун ҳамда барча ишларни мувофиқлаштириш учун жавобгарлик буюртмачи зиммасида қолади. Иккинчидан, лойиҳа-қурилиш контрактлари объектни лойиҳалаш ва қуриш бўйича мажбуриятларни бош пудратчи зиммасига юклашни назарда тутлади. Объектни лойиҳалаш лойиҳалаш институтларининг кучи билан ҳам, пудратчининг лицензияга эга бўлган лойиҳалаш бўлинмалари кучи билан ҳам ва унинг раҳбарлигида бажарилиши мумкин. Учинчидан, «тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш» контрактлари лойиҳа-қурилиш контрактининг ривожлантирилиши ҳисобланади. Бунда бош пудратчи буюртмачининг барча анъанавий функцияларини, шу жумладан ишга тушириш, созлаш ва ишга тушириш ишларини ўз зиммасига олади. Объект буюртмачига доимий фойдаланишга тўлиқ тайёр ҳолда топширилади.

Пудратчи (буюртмачининг розилиги ёки усиз, агар бу контрактда акс этган бўлса) бош пудратчи ролини бажаради ва ишларнинг бир қисмини ёки турини бажариш учун бошқа ташкилотларни (ёрдамчи пудратчиларни), улар билан ёрдамчи пудрат контрактлари тузган ҳолда жалб этиши мумкин. Ушбу контракт контрактларнинг тўғридан-тўғри турларига киради.

Етказиб берувчи заводлар билан контрактлар, қоидага кўра, фақат мураккаб ва ноёб асбоб-ускуналарни яратишда ёки асбоб-ускуналарни тўплам ҳолда етказиб бериш юзасидан тузилади.

Уч томонлама контракт учинчи шахслар (суғурта компанияси ёки маблағ билан таъминловчи банк ва таркибига пудратчи кирадиган пудратчи ташкилотлар уюшмаси) иштирокида тузилади, улар буюртмачига нисбатан (агар улардан бири иқтисодий ночор бўлиб қолса) кафил сифатида чиқиши керак. Бош пудратчининг кафили бош пудратчи иқтисо-

дий ночор бўлиб қолганда буюртмачининг манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Пудратчи мажбуриятларини бажармай қолган тақдирда иқтисодий жавобгарликни ўз зиммасига оладиган суғурта компанияси, банк ёки юқори ташкилот кафиликка олувчи бўлишлари мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш пудрати контрактини «тайёр қурилиш объектини сотиш» шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Қурилиш бозорининг ривожланиши билан тайёр объектни сотиш шартномаси кенг қўлланилиб, пудратчи фақатгина объектни қуриш мажбурияти билан чекланиб қолмай, балки брокер сифатида қатнашиб, пудрат савдоси орқали уни топширишга ҳақли бўлади. Танлов савдолари (тендер) асосида қурилиш пудрати контрактини тузиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, танловнинг шартлари буюртмачи томонидан белгиланади. Унинг буюртмачи учун афзаллиги шундан иборатки, у пудрат савдоси асосида пудратчи ташкилотни ўзи танлаб шартнома тузади.

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича буюртмачи бўлиб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари қатнашиши мумкин. Пудратчи бўлиб эса, мулкчилик шаклидан қатъи назар, қурилиш-монтаж, лойиҳа-қурилиш ва бошқа ташкилот ва корхоналар ҳамда алоҳида жисмоний шахслар ёки қонунчиликда ўрнатилган тартибда қурилиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномага эга бўлиб, рўйхатдан ўтказилган ишларни мувофиқлаштириш бўйича вазифани ўз зиммасига олган воситачи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Якка тартибдаги музокаралар асосида буюртмачи томонидан бош пудратчи танлангандан кейин тарафларга дастлабки (контрактдан олдинги) битим тузиш тавсия қилинади. Унда буюртмачи ва бош пудратчининг қурилиш юзасидан контрактнинг мазмуни бўйича мақсади, шартлашилган муддатларда контрактни тузишни ва ишларни бажаришни бошлашни таъминловчи дастлабки тадбирлар белгиланади.

Дастлабки битим ўз ичига объектнинг номи ва унга доир асосий маълумотлар (бош пудратчининг қуввати, ишларининг базавий нархлардаги ҳажми, қурилишнинг норматив муддати ва қурилишни бошлашнинг мўлжалдаги муддати); лойиҳа-смета ҳужжатлари таркиби, ҳажми ва уларни бериш

муддатлари; қурилиш майдонини бош пудратчига топшириш муддатлари ва иморатларни бузиш зарурияти туғилган тақдирда уни бўшатиш шартлари; қурилишни асбоб-ускуналар, материаллар, конструкциялар ва буюмлар билан таъминлаш тартиби ва шартлари; контракт турини (анъанавий, лойиҳа-қурилиш ёки тайёр ҳолда топшириш) танлаш ва уни тузиш муддатлари; қурилишни маблағ билан таъминлаш манбаи; тарафларнинг контрактни тузишдан олдинги битимни бузганлик учун жавобгарликни олади.

Дастлабки битим контракт тузиш учун замин бўлиб хизмат қилади ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни прогноزلаш, конструкциялар, буюмлар, асбоб-ускуналар тайёрлашга буюртмаларни жойлаштиришни ҳозирлаш, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, етказиб берувчилар билан контрактларни тайёрлаш ва шу кабилар учун асос ҳисобланади. Шунингдек, дастлабки битим банк ихтиёрига кўра бош пудратчи фаолиятини кредитлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин ва айни бир вақтда контракт имзолангунгача тарафлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳужжат бўлиши мумкин.

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Қурилиш пудрати шартномаси иштирокчилари ўз зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришда ўзаро ҳамкорлик қилиши лозим. Фуқаролик кодексининг 667-моддасига биноан, агар қурилишни ва у билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қурилиш пудрати шартномасини тегишли даражада бажаришга тўсиқлар борлиги маълум бўлса, тарафларнинг ҳар бири бундай тўсиқларни бартараф этиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаган тараф тегишли тўсиқлар бартараф этилмаганлиги туфайли етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда бир тараф ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш учун қилган харажатларни бошқа тараф тўлаши лозим. Қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисидаги низом контракт тизимининг турларига қараб, унинг иштирокчиларининг ўзаро муносабатларида вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг нуфузли хусуси-

ятларини белгилайди. Контракт турига қараб ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиши энг аввало, дастлабки келишувда, кейин тарафлар томонидан имзоланган контрактда ўз ифодасини топади. Хусусан, контрактни тузувчи буюртмачи ва пудратчи ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юқорида қайд қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган бўлиб, тарафлар муайян контрактнинг турини эътиборга олиб, ўзаро келишилган ҳолда ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга ҳақлидир. Энг муҳими, тарафлар шартномада ўзаро белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимотига кўра, бир-бирининг ишига ноўрин аралashiши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 676-моддасига мувофиқ буюртмачи, пудратчининг оператив-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, ишларнинг бажарилишини ва сифатини, уларни бажариш муддатларига (графикка) риоя этилишини, пудратчи берган материалларнинг сифатини, шунингдек буюртмачининг материалдан пудратчи тўғри фойдаланилаётганлигини текширишга ва назорат қилишга ҳақли. Буюртмачи ишларнинг бажарилиши устидан текширув ва назоратни амалга ошираётганда қурилиш пудрати шартномаси шартларидан ишлар сифатини ёмонлаштириши мумкин бўлган даражада чекинishi ёки бошқа камчиликларни аниқласа, бу тўғрида дарҳол пудратчига хабар бериши шарт. Буни хабар қилмаган буюртмачи аниқланган камчиликларни кейинчалик важ қилиб келтириш ҳуқуқини йўқотади.

Агар пудратчи буюртмачидан қурилиш жараёнида олган кўрсатмалар қурилиш пудрати шартномаси шартларига зид бўлмаса ва пудратчининг оператив хўжалик фаолиятига аралашшдан иборат бўлмаса, пудратчи бундай кўрсатмаларни бажариши шарт.

Ишни текширмагани ва назорат қилмаганини важ қилиб келтиришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида бундай текшириш ва назоратни амалга ошириш буюртмачининг зиммасига юкланган ҳоллар бундан мустасно.

Қурилиш юзасидан контракт тузишнинг дастлабки битимда келишилган муддатлари бошланганда буюртмачи бош пудратчига контрактни тайёрлаш учун етарли бўлган қуйидаги техник ҳужжатларни бериши керак: қурилишнинг тасдиқ-

ланган титул рўйхати; белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иқтисодий асослашлар, лойиҳа ва сметаларни ишлаб чиқиш бўйича йўриқномалар ва кўрсатмаларда назарда тутилган қурилиш қийматининг йиғма ҳисоб-китоби билан бирга лойиҳа ёки ишчи лойиҳа – 2 нусха; қурилишнинг биринчи йили учун асбоб-ускуналар ва материаллар бериш жадвали, агар бу қурилишнинг узлуксиз технологиясида кўзда тутилган ва улар билан таъминлаш буюртмачи зиммасига юкланган бўлса, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат нусхаси; қурилиш чиқиндиларини, ортиқча тупроқни ташлаш жойини ажратиш тўғрисидаги рухсатнома; етишмаган тупроқни қазиб олиш учун карьерлар очишга рухсатнома; ерларни унумдор қилишга мўлжалланган унумдор тупроқ қатламини ўйиш учун жой ажратишга рухсатнома; кенгайтириш, реконструкциялаш ва техникавий қайта жиҳозлашга мўлжалланган ишлаб турган корхоналар бино ҳамда иншоотларининг ҳолатини ва мустақамлигини тасдиқловчи материаллар.

Объект қурилиш икки ва ундан кўпроқ бош пудратчилар томонидан амалга оширилган тақдирда буюртмачи мазкур ҳужжатларни ҳар қайси бош пудратчига ўзлари бажарадиган иш ҳажми учун контракт тайёрлаш учун беради. Бунда барча бош пудратчилар учун умумий бўлган ҳужжат турлари бўйича ҳужжатлар кўчирмалари ва нусхалари берилади.

Қурилиш пудрати шартнома муносабатларида қатнашувчи буюртмачи ўз зиммасига олган лойиҳалаштиришга оид мажбуриятларни ўзаро келишилган шартлар асосида ишлаб чиқиб, ўз вақтида тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 670-моддасига кўра, пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт.

Қурилиш пудрати шартномасида бошқа кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган ҳамма ишларни бажариши шарт, деб қайд этилади.

Қурилиш пудрати шартномасида лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни аниқланган, шунингдек қайси тараф ва қанча муддатда тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши лозимлиги назарда тутилган бўлиши керак.

Пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.

Пудратчи буюртмачидан ўн кун ичида ўз хабарига жавоб олмаган тақдирда, агар қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида бунинг учун бошқа муддат назарда тутилмаган бўлмаса, тегишли ишларни тўхтатиб, бекор туриб қолиш натижасида кўрилган зарарни буюртмачининг зиммасига юклаши шарт. Агар буюртмачи қўшимча иш бажариш зарурати йўқлигини исботласа, бу зарарни қоплашдан озод этилади.

Қурилиш пудрати контрактда тарафларнинг асосий мажбуриятларидан бири бўлиб, қурилиш материаллари, конструкцияни ишлов ва технологик аслаҳалар билан таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 672-моддасига кўра, агар шартномада бутун қурилишни ёки унинг муайян қисмини моддий таъминлаш буюртмачи томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлмаса, қурилишни материаллар, шу жумладан, деталлар ва конструкциялар, шунингдек ускуналар билан таъминлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлади.

Қурилишни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган тараф ўзи топширган материаллар (деталлар, конструкциялар)дан, шунингдек ускуналардан бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиб бўлмаслиги вужудга келганлиги учун, агар фойдаланиб бўлмаслик иккинчи тараф жавоб берадиган вазиятлар туфайли вужудга келганлигини исбот қилмаса, жавобгар бўлади.

Буюртмачи берган материаллар ёки бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиш мумкин эмаслиги аниқланган ва буюртмачи уларни алмаштиришдан бош тортган тақдирда, пудратчи қурилиш пудрати шартномасидан воз кечишга ва буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмига мутаносиб равишда шартнома нархини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачининг энг муҳим мажбуриятларидан бири бажарилган ишга ҳақ тўлашдир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 673-моддасида ифода қилинганидек, буюртмачи пудратчининг бажарган иши учун сметада назарда тутилган миқдорда қонун ёки қурилиш пудрати шартномасида белгиланган муддатда ва тартибда ҳақ тўлайди. Қонун ёки шартномада тегишли кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ушбу Кодекснинг 638-моддасига мувофиқ ҳақ тўланади.

Қурилиш пудрати шартномасида ишларга объект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла ва тўлиқ ҳажмда тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Қурилиш пудрати шартномасида ишларни топшириш ва қабул қилиб олиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараёнда қурилиш пудрат шартномаси иштирокчиларига муайян мажбурият юклатилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 680-моддасига мувофиқ, пудратчидан қурилиш пудрати шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишни ўз ҳисобидан ташкил этади ва амалга оширади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишларни қабул қилиб олишда давлат органларининг ва фуқаролар ўзини бошқариш органларининг вакиллари иштирок этиши лозим.

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича тарафлар шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарликка тортиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатлари шароитида қурилиш пудрати шартнома муносабатлари иштирокчилари ўз зиммаларига олинган ҳуқуқ ва мажбуриятларни лозим даражада оқилона бажариши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший ҳамда бошқа объектлар қурилишини амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлаш учун шароит яратади.

4-§. Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим ўрин эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятнинг бош мақсадларидан бири бўлиб тадбиркорлик субъектининг фаолиятини авж олдириш, рақобатдош маҳсулотлар билан жаҳон бозорига чиқиш доирасини кенгайтириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишда, ўз маҳсулотини чет элларда сотишда кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш ҳисобланади¹.

Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолият қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ муносабатларини тартибга солишда Фуқаролик кодекси, 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ва 1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг хориждан қарз олишлар тўғрисидаги қонунлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни б-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда битимлари, шунингдек халқаро нормалар, қоидалар ва шартлар билан тартибга солинади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон, 1993. 96-97-бет.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Корхоналар (26-модда), Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) (23-модда), ижара (4-модда), Фермер хўжалиги (23-модда), деҳқон хўжалиги (19-модда), Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари (2-модда) тўғрисидаги қонунларида кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият бўйича ваколатлари ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлари ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунлар биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, иккинчидан, чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш, учинчидан, хорижий мамлакатлар тадбиркорлик субъектлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга катта имконият яратиб беради.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият давлат томонидан тартибга солинади. Шу мақсадда, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг бир қатор шакллари қўлланилади. Булар жумласига, ташқи иқтисодий фаолият субъектларини рўйхатдан ўтказиш; табақалаштирилган солиқлар ва имтиёзлар тизимини, шу жумладан валюта бўйича ҳам белгилаш; ташқи иқтисодий фаолиятни ахборот билан таъминлашнинг давлат тизимини яратиш; айрим минтақалар, тармоқлар ва корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш учун дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, бюджетдан қарз бериш тарзида молиявий ёрдам кўрсатиш, хатарни суғурта қилиш; республика ташқи иқтисодий алоқаларининг турли шаклларини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли комплекс дастурларни қабул қилиш ва экспертиза қилиш, Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган товарлар ва бошқа мол-мулкларни ҳужжатлаштириш; маҳсулотни (ишларни, хизматларни) экспорт ва импорт қилиш тартибини белгилаш; валюта ва бошқа фондлар маблағларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш қабилар қиради.

Ўзбекистон қонунларида хорижий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқни ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларга қўллашнинг шартлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1189-моддасига кўра, шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солинади. Шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин.

Қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан шартнома тузилаётганда ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда танланиши мумкин. Тарафлар, шунингдек исталган вақтда шартнома тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 1190-моддасида кўрсатилганидек, қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, бу шартномага нисбатан: олди-сотди шартномасида – сотувчи; ҳаё шартномасида – ҳаё қилувчи; ижара (мулк ижараси) шартномасида – ижарага берувчи; мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномасида – ссуда берувчи; пудрат шартномасида – пудратчи; йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида – ташувчи; транспорт экспедицияси шартномасида – экспедитор; қарз шартномасида ёки бошқа кредит шартномасида – кредитор; топшириқ шартномасида – воситачи; омонат сақлаш шартномасида – сақловчи; суғурта шартномасида – суғурталовчи; кафиллик шартномасида – кафил; гаров тўғрисидаги шартномада – гаровга қўювчи; алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномасида – лицензиар ҳисобланувчи тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда ушбу модда биринчи қисмининг қоидаларидан қатъи назар:

кўчмас мулк тўғрисидаги шартномага нисбатан бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи; биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага ва қурилиш пудрати шартномасига нис-

батан ана шундай фаолият амалга оширилаётган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи; кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан кимошди савдоси, танлов ўтказилаётган ёки биржа жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб ўтилмаган шартномаларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, бундай шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони амалга ошираётган тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган асосий фаолият жойи бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони аниқлашнинг имконияти бўлмаган тақдирда, шартнома энг узвий боғланган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилнинг 14 июнида қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни, мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулки халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормаларига мувофиқ муҳофаза қилинишини таъминлайди, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимида самарали равишда қўшилиши учун ҳуқуқий асос яратиб беради.

Ушбу Қонуннинг 1-моддасига кўра, ташқи иқтисодий фаолият деганда, Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатлари тушунилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилнинг 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонуни 26-моддасида кўрсатилганидек, корхона қонунларга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Олинган валюта корхонанинг валюта баланси ҳисобига ўтказилади ва ундан корхона мустақил фойдаланади. Корхонанинг валюта тушумидан мазкур

корхона ўз валюта маблағи ҳисобидан қилган бевосита валюта ҳаражатлари чегириб ташлангандан сўнг, республика ва маҳаллий бюджетларга валюта ажратмалари ўтказилади.

Республика ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар миқдори қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корхонанинг валюта маблағини қонунларда назарда тутилгандан бўлак ҳолларда ўзга йўл билан тортиб олиш тақиқланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг барча валюта ҳаражатлари уларнинг валюта тушумлари, шунингдек чет эл валютасини олишнинг қонунларда руҳсат этилган бошқа манбаларидан келган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқи бўлган тадбиркорлик субъектлари доираси қонунда белгиланган. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик корхоналари мустақил ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятнинг қатнашчилари бўлишлиги ҳуқуқий жиҳатдан соҳавий қонун ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига кўра, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) етиштирилаётган маҳсулотни экспортга чиқариши, шунингдек чет эллик шериклар билан ҳисоб-китоб қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни 23-моддасига асосан, фермер хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни бошқа шаклларда хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг шароитда амалга оширади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 19-моддасига кўра, юридик шахс тариқасида рўйхатга олинган деҳқон хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни бошқа шаклларда хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг шароитларда амалга оширади.

Қонунга кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташқи иқтисодий алоқага тўғридан-тўғри чиқиш ҳуқуқининг мажбурий шартларидан бири бўлиб уларни рўйхатга олиш ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига муво-

фик, мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олиниб, республика ҳудудида ёки унинг ташқарисидан иш олиб бораётган юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин. Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси амал қилиб турган қонунлар доирасида ташқи иқтисодий алоқалардаги ўз иштирокининг турлари, шакллари ва йўналишларини мустақил белгилаши, ўз хоҳишига қараб ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши учун зарур бўлган юридик ва жисмоний шахсларни белгиланган тартибда шартнома асосида ёки бошқача тарзда ҳақ тўлаб ёхуд тўламасдан жалб этиши мумкин. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги соҳасида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир иштирокчи чет эл валютасидаги даромадга эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақлидир, унинг қарорига кўра, ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари қонунларда белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказилиши ёхуд уларга ишониб топширилиши мумкин. Ҳуқуқлар ана шу тарзда ўзгача ўтказилган тақдирда, тарафлар ўзаро муносабатларни шартномалар (битимлар) асосида тартибга соладилар.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари тегишли ҳуқуқларга эга бўлиши билан бир қаторда, муайян мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Хусусан, Қонуннинг 9-моддасига кўра, ташқи иқтисодий фаолият субъекти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонун меъёрлари ва ўзга меъёрларга, ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро нормалар ва қоидаларга риоя этиши, белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тақдим этиши, халқаро ҳамкорлик доираларида бажарилаётган ишлар, қидирув ишлари ва лойиҳаларнинг санитария-гигиена, экология талаблари ва бошқа талабларга мувофиқлиги ҳақида экспертиза хулосасини олиши ҳамда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг

айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонуний манфаатлари таъминланишига кафолат беради. Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини бузувчи ҳужжатларни қабул қилган тақдирда, улар келтирган зарар Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ суд тартибида, шу идоралар томонидан ташқи иқтисодий фаолият субъектларига тўланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида белгилаб қўйилган субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти уларни рўйхатга олган идоранинг тақдимномасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 6 (олти) ойгача муддатга тўхтатиб турилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунлари бузилган, субъект синган ҳолларда ҳамда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа асосларга кўра субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти мустақил равишда ёки суд қарори билан тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда зарарни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарор устидан суд тартибида шикоят берилиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси жавобгар бўлмайди. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар. Шартнома мажбуриятларига риоя этмаган тақдирда ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъектлари қонунларда ва тузилган шартномаларда кўзда тутилган мулки билан ва бошқача тарзда жавобгар бўладилар. Шартнома талабларини бузганлик учун жарималарни тўлаш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш айбдор томонни мажбуриятларни бажаришдан, башарти қонунда ёки шартномада ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса, озод этмайди. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган низолар судлар томо-

нидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва ҳамма томонидан эътироф этилган, халқаро ҳуқуқ меъёрларида белгиланган тартибда чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий таъминлашнинг самарадорлигини ошириш иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

XVI боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалик корхоналарининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил қилиш хуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун илдам қадамлар билан бораётган, ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларининг хуқуқлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил қилиш ўзининг мураккаблиги ва кўп қирралиги билан характерланади. Биринчи навбатда, бу ҳол хуқуқ ва манфаатларнинг қонуний тарзда кафолатланганлигида ифодаланади. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва тадбиркорлар фаолиятининг хуқуқий кафолатларини таъминламасдан туриб, уларни бузилиши тўғрисида сўз юритиб бўлмайди. Қонунда кўрсатилган ҳолларда кимнингдир хуқуқ ва манфаатлари бузилган тақдирдагина бузилган хуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш механизми ишга солиниши керак.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан кафолатланганлиги қонунчиликда кенг маънода кўрсатиб берилган, жумладан:

- а) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;
- б) ўз фаолиятини амалга ошириш учун керак бўлган мол-мулкни сотиб олиш;
- в) қонунда кўрсатиб берилган тартибда фаолият кўрсатишни танлаб олиш;
- г) мулк ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотни ва фойдани тасарруф қилиш;

д) бошқа ташкилотлар ва бирлашмаларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш;

е) маҳсулотларини сотиш шакли ва усуллари ҳамда нархларини белгилаш масалаларини ҳал қилиш;

ж) мустақил тарзда ходимлар штатини аниқлаш ва белгилаш;

з) ўз фаолиятларини амалга ошириш, ходимларни мустақил тарзда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

и) ходимларга иш ҳақини тўлаб бориш;

й) ходимларга қонунда кўрсатилган муддатларда таътил бериш;

к) пенсияга чиққанларга пенсия тўлаш ва ҳоказо.

Давлат қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи барча субъектларга бозор, моддий неъматлар, молиявий меҳнат, ахборот ва табиий бойликларга нисбатан тенг ҳуқуққа эга эканлиги, мулк турларидан ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, кенг тармоқда фаолият кўрсатишларини кафолатлайди. Баъзи тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятини хавф-хатардан сақлаб қолиш учун суғурта жамиятлари ва фирмалар орқали суғурта қилиш имконияти, шунингдек ўзининг шахсий ор- номусини ҳимоя қилишлик ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат қишлоқ хўжалик ташкилотларига (корхоналарига) ва тадбиркорларга банклардаги ўз маблағларини ўзларига маъқул бўлган шаклларда пул, чек ва бошқа тўлов воситалари билан ёки пул ўтказиш йўли билан, биринчи талабга асосан ҳисобварағида бўлган пул миқдоридан чекланмаган миқдорда хоҳлаганича олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг мулк шаклларида қатъи назар, барча банклар ва валюта биржаларида валюта маблағларини шартнома асосида эркин йўл билан сотиши ёки сотиб олиш ҳуқуқига эга. Булар ўз мутахассисларини хорижий давлатларга хизмат вазифаси билан сафарга юбориш, хорижий давлатларининг фуқароларини ёлланма ходим сифатида жалб қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни мустақил тарзда ҳал қиладилар.

Давлат ўзининг мутлақ ваколатига кирадиган ишлар бўйича қишлоқ хўжалик ташкилотларининг (корхоналарининг) тадбиркорлик фаолиятига қонунда кўрсатиб ўтилган ҳоллардагина: қонунчиликка риоя қилиш, жамиятнинг муҳофаа ва хавфсизлигини, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш, солиқ, нарх-наво масаласини тартибга солиш, ижтимоий ҳимояланишни қафолатлаш, экология, тозалик ва ённинг қарши курашиш қондаларига риоя қилиш масалаларидагина аралашади. Бошқа масалаларда эса аралашмайди.

Қонунда махсус кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқари, давлат бошқаруви органлари томонидан тижорат ташкилотлари (корхоналари) ҳисобидаги пул маблағларидан судсиз олишга қонунчилик йўл қўймайди. Агар тижорат ташкилотлари (корхоналари) давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органларнинг ҳаракатидан норози бўлсалар, улар бу органларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят қилишлари мумкин.

Давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида корхоналарга зарар етказилган бўлса, етказилган зарар билан олинishi лозим бўлган, лекин олинмай қолган фойда ҳам тўла ҳажмда ундириб олинishi керак. Булардан ташқари, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш борасидаги бошқа қафолатлари ҳам қонунчиликда белгилаб қўйилган. Айниқса, бу борада хусусий тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда. Бунга асосий сабаб, кўп йиллар мобайнида мамлакатимизда хусусий мулкнинг ман қилинганлиги ва асосий эътибор давлат мулкига қаратилиб, шахсий мулк ва уни ҳимоя қилиш масаласига етарли даражада эътибор берилмай келинганликдир.

Бугунги кунда бошқа мулклар қатори хусусий мулк ҳам ҳар қандай тажовуздан етарли даражада ҳимоя қилинган. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи барча органлар хусусий тадбиркорларни ҳар қандай тажовузликлардан (талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўзларининг манфаатларига тўғри келмайдиган қарор қабул қилишга мажбурлаш, хусусий корхоналарда меҳнат фаолиятини амалга оширмайдиган шахсларни ишга қабул қилишга мажбурлаш ва бошқалардан) ҳимоя қилади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тadbиркорлар ўз ҳуқуқлари, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқларини ўзлари ўз хоҳишлари бўйича ва қонуни кўрсатилган тартибда тасарруф қиладилар. Аграр соҳада ҳам ҳуқуқ бузилиш ҳоллари рўй берганда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни давлат томонидан ҳимоя қилишнинг юзага келади.

Қонунчилик бўйича ман қилинган ҳаракатларни бажариш, ўзига юклатилган бурчларни бажармастлиги ҳуқуқнинг бузилганлигидан далolat беради. Ҳуқуқнинг бузилиши қандай бўлишидан қатъи назар, ғайриқонуний ҳаракат ҳисобланади. Ҳар қандай ҳуқуқни бузишлик, ўз моҳиятига қура, юридик факт ҳисобланади ва ҳуқуқни бузиш шакли ҳисобланган маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий тартибга тажовуз қилишга қаратилган айбдор шахснинг ҳаракати бу соҳада ҳуқуқни бузишлик ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи бу ҳуқуқ соҳасининг субъектларига ҳуқуқ нормаларини тўғри бажаришга қаратилган мажбуриятларни кўзда тутаяди. Қишлоқ хўжалик меъёрларини бажариш борасидаги талаблар бу ҳуқуқ меъёрларида белгилаб қўйилган. Белгилаб қўйилган талабларнинг бузилиши бу ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқни бузишга қаратилган ҳаракат ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқни бузишлик турли ҳуқуқ (жиноят, фуқаролик, маъмурий) соҳаларида кўзда тутилган санкцияларни қўллашга сабаб бўлади. Бу соҳада ҳуқуқни бузишлик юридик факт ҳисобланиб, жавобгарликни келтириб чиқарганлиги учун эмас, балки қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқий меъёрларни бузганлиги учун ғайриқонуний ҳисобланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг мустақил ҳуқуқ соҳаси эканлигини инкор этиб бўлмайди. Бу ҳуқуқ соҳаси, бошқа ҳуқуқ соҳалари каби, ўзининг предмети, услублари, тамойиллари ва манбаларига эга. Лекин, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқни бузишлик бошқа ҳуқуқ соҳаларидагидек турли ҳуқуқий оқибатларга олиб келади ва турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли бўлган санкцияларни қўллашга сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг қонуний кафолатлари хўжалик, ижтимоий ва бошқа фаолиятларни ташкиллаштириши мақсадида уларнинг аниқ қилиб юридик жиҳатдан мустаҳкам белгилаб қўйилганлигидан далолат беради. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг қонуний тарзда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларга риоя қилмаслиги ва бажармаслиги аграр соҳалаги ҳуқуқбузарлик бўлиб, уни бузган шахсга нисбатан нохуш ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган юридик факт ҳисобланади. Бундай нохуш ҳуқуқий оқибатлар қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган юридик механизм мавжуд бўлгандагина вужудга келади.

2-§. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган юридик механизмнинг умумий тавсифи

Бозор муносабатларига ўтиш, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар олдига маълум талаблар қўядики, булар томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятлар ва қонуний бурчларининг лозим даражада бажарилмаслиги улар учун кўп миқдорда зарар келтириши мумкин. Бу ҳолатнинг ўзи уларни объектив тарзда қонунчилик талабларига риоя қилишга ва бажаришга мажбур этади. Лекин, шундай бўлсада, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмини ташкиллаштиришни шундай жорий қилиш керакки, бу механизмни хоҳлаган вақтда татбиқ қилиш имкониятининг аниқ бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалиқ соҳасида қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш ўз навбатида ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш механизми ва чоралари тизимига риоя қилишга қаратилган бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиғи соҳа-

сида ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларни ҳимоя қилишнинг механизми ва чораларини амалга ошириш яқин кунларгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, прокуратура, суд, хўжалик судлари фаолиятига киритилган эди. Бу органлар қишлоқ хўжалиги соҳасида корхоналар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлатнинг ҳуқуқий механизмини татбиқ этиш борасида муҳим роль ўйнаб келган. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кўрсатиб келган фаолиятларини камситиб бўлмайди. Аммо бозор муносабатларига ўтиш қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янги ҳуқуқий механизмини ташкил қилишнинг ҳаётий зарурият эканлигини тақозо этди. Булар жумласида аудиторлик ва сўғурта фирмаларини кўрсатишимиз мумкин.

Аудиторлик фирмаси – бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкӣ ҳамда молиявий ҳолатини объектив тарзда тасдиқлайдиган мустақил гувоҳдир. Аудиторлик фирмаси тижорат асосида қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва тадбиркорларнинг мол-мулкини баҳолайди ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатларга қўшиб қўйиш ва тақдим этишлик учун тегишли ҳужжатлар беради. Аудиторлик фирмалари ўзларининг берган ахборотлари учун мулкӣ жавобгардирлар.

Тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлар бир-бирлари билан турли хилдаги битимларни тузиш жараёнида тарафларнинг тўлов қобилиятига эга эканлиги тўғрисида аудиторлик фирмалари томонидан берилган маълумотномаларга асосланадилар. Шу билан биргаликда аудиторлик фирмаси хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартномалардан келиб чиққан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун қафолат берувчи шахс сифатида хўжалик муносабатларида қатнашиши мумкин.

Тарафларнинг мулкӣ аҳволи тўғрисида аудиторлик маълумотномаси билан таъминланган шартнома бажарилмай қолган ҳолларда, айбдорлар томонидан ундириб олиниши керак бўлган неустойкани кейинчалик умумий ёки хўжалик судлари орқали улардан ундириб олиш шарти билан тўлаш мумкин. Аудиторлик фирмалари келишиб туриб, ўзи-

нинг бошқа функциялари қаторида аудиторлик сертификати билан ҳам шуғулланувчи Аудиторлик палатасига қўшилишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган ташкилотлардан яна бири – суғурта фирмалари (жамиятлари) дир. Суғурта фирмалари тижорат корхоналари ва тадбиркорларнинг вакиллиги асосида уларнинг фаолиятларини суғурта қилиш билан шуғулланувчи мустақил тижорат ташкилоти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва тадбиркорлар ўзларининг тузган шартномаларини (контрактларини) суғурта қилиш фирмалари (жамиятлари) орқали суғурта қилишлари мумкин.

Умумий қоида бўйича суғурта фирмалари қишлоқ хўжалик корхоналари ва тадбиркорларнинг тузган шартномаларини (битимларини) битим иштирокчиларининг мулкӣ ҳамда молиявий аҳволи тўғрисида аудиторлик фирмалари томонидан берилган маълумотнома бўлган тақдирдагина суғурта қиладилар. Агар суғурта қилинган шартнома бажарилмаса, бундай ҳолда суғурта фирмаси (жамияти) шартноманинг бажарилмай қолиши натижасида етказилган зарарни суғурта қилган тарафга тўлайди ва ўз навбатида аудиторлик фирмаси билан биргаликда шартнома шартларини бузган тарафга нисбатан судга даъво қўзғатади.

Суғурта товар эгаларини ўз товарларининг баҳоси пайсӣб кетиши натижасида йўқолиб кетишининг олдини олиш ва ҳимоя қилиш борасида ҳам қўлланилади. Суғурта фирмалари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фермалар, хўжаликлар, қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва тадбиркорларнинг ижтимоий ҳолатларини бир меъёрда сақлаб туриш, тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятларини молиявий жиҳатдан таъминлаб туриш предметига нисбатан улар билан шартномалар тузиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органлардан яна бири – ҳакамлар судларидир.

Ҳакамлар судлари тарафлар томонидан шартномага асосан ихтиёрий равишда сайланадиган ҳамда хўжалик судларига тааллуқли бўлган хўжалик низоларини кўриб, ҳал қилув-

чи нодавлат органлардир. Ҳакамлар судлари кўп йиллар мобайнида фаолият кўрсатиб келаётган бўлишига қарамасдан, бозор муносабатларига ўтиш давридагина буларнинг фаолияти янада ривож топди.

Ҳакамлар судларининг давлат органлари ҳисобланган умумий ва хўжалик судларидан ютуқли жиҳати шундан иборатки, ҳакамлар судининг судьяларини тарафларнинг ўзлари сайлайдилар. Ҳакамлар судининг судьяларини сайлаш механизми турлича бўлиши мумкин. Лекин қандай шаклда сайлашдан қатъи назар, тарафларнинг розилиги талаб этилади. Агар тарафлар рози бўлмаса, ҳакамлар суди ишни кўролмайди. Низони ҳакамлар судига ўтказиш тарафларнинг келишуви билан расмийлаштирилади.

Ҳакамлар суди томонидан кўрилган иш юзасидан чиқарилган қарорга низоли ҳуқуқий муносабатнинг тарафлари рози бўлсалар, у ҳеч қандай тасдиқлашни талаб этмайди ва тарафлар ҳамда банклар ва бошқалар томонидан бажаришлик учун мажбурий тусга эга бўлади. Агар низоли ҳуқуқий муносабатнинг тарафларидан бири ёки иккаласи ҳакамлар судининг чиқарган ҳал қилув қарорига қўшилмасалар, бунда улар бу масала юзасидан умумий ёки хўжалик судига мурожат қилишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари ва механизмлари тизимидан қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги хўжалик биржалари билан шартнома тузишда ҳам фойдаланилади. Биржалар битимларни расмийлаштирадilar, биржалар доирасида биржа арбитрлари (хўжалик судлари) фаолият кўрсатади. Биржалар бирлашувидан ташкил топган биржа Палаталарини ташкил этишдан асосий мақсад тижорат ташкилотлари ва хўжалик биржаларининг аъзолари ҳисобланган тадбиркорларни ҳимоя қилишга қаратилганлигидир. Булар ҳам қонунда белгилаб қўйилган ваколат доирасида фаолият кўрсатиб, тижорат ташкилотлари ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини юқорида кўрсатиб қўйилган тартибда ҳимоя қиладилар.

Битимларни биржалар томонидан рўйхатга олиш маълум маънода биржаларда тузилган шартномаларнинг ҳақиқий ва қонуний бўлишлигини таъминлайдиган кафолатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Битимларни биржаларда рўйхатга олиш масаласи ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Битимларни биржаларда рўйхатга олиш, битим тузилган жойнинг ва битимнинг мазмуни, шунингдек битим тузган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигидан далолат беради. Рўйхатга олганлик тўғрисидаги ҳужжатда битимнинг мазмуни ва унинг иштирокчилари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар, тарафларнинг қайси бири томонидан битим бўйича ўзига юклатилган мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда муҳим роль ўйнайди.

3-§. Қишлоқ хўжалигига оид қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати

Прокуратура органлари барча соҳаларда амалдаги қонунларнинг аниқ ва тўғри бажарилиши устидан назорат қилиш борасидаги ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-121-моддаларига, шунингдек «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга асосланиб амалга оширади. Бу қонун 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган юридик механизмлар тизими ичида прокурор назоратига муҳим роль ажратилган. Прокуратура бозор муносабатларига ўтиш давригача асосан ўз фаолиятини тор маънода фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиб келган бўлсада, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг қайси бир ташкилий-ҳуқуқий шаклда хўжалик юритишларидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий институтлардан бирига айланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида бу соҳага оид бўлган қонун талабларига риоя қилишни таъминлаш, уларнинг тўғри бажарилиши устидан назорат қилиб бориш прокуратура органла-

рининг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида бу борада шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади».

Прокурорлар қишлоқ хўжалиги соҳасига оид бўлган қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш ва уларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш билан чекланмасдан, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг кенг қамровли (шахсий, мулкӣй, ташкилий) ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳам ҳимоя қилади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича ўзларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли равишда амалга оширишда прокурорлардан бу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини яхши ўзлаштириб олишлик талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига оид бўлган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб боришлик прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг асосий, мустақил йўналишларидан бири ҳисобланади. Ана шу назоратни амалга оширувчи прокурорлар ихтисослаштирилади, улар учун юридик ва услубий дарсликлар ва қўлланмалар тайёрланади, қуйи прокурорлар учун бу соҳада нималарга эътибор бериш кераклиги борасида юқори прокурорлар томонидан умумлаштирилган ҳолда берилган кўрсатмалар чоп этилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида шу соҳага оид бўлган ташкилотлар (корхоналар) ва тадбиркорларга уларга тегишли бўлган экинларни пайҳон қилганлик, молларни ўғирлаб кетиш ёки ўлиб қолиши, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни амалга ошириш учун техника воситаларини мойлар ва ёқилғи билан таъминлаш, маҳсулотларнинг камомадлиги ва бошқа ҳолатлар бўйича етказилган зарарни ундириб олишлик масаласи нафақат фуқаролик, шу билан биргаликда маҳсус қонунлар билан тартибга солинади. Қишлоқ хўжалиги бўйича прокурор назоратини ихтисослашган асосда амалга оширишлик табиатни муҳофаза қилиш, ер ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларига ҳам татбиқ этилади.

Ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олишга қаратилган прокурор фаолиятининг шакллари, қонунчиликнинг барча соҳасида қандай шаклда амалга оширилса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Прокурор қишлоқ хўжалик ташкилотлари (қорхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатини ҳимоя қилишни амалга оширишда ҳуқуқ бузилиш ҳолларининг олдини олиш, эҳтиёт чорасини кўриш, тавсияномалар киритиш, протест келтириш, маъмурий, интизомий чора кўриш, ишлар бўйича ёки жиноий иш кўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш, судга даъво кўзғатиш каби процессуал воситалардан фойдаланади.

Прокурор назорати қонун бузилишига қарши кураш олиб боровчи давлат механизмлари ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Қонун бузилиш ҳолларининг олдини олиш ва бунга қарши курашиш борасидаги прокурор назорати қонунчиликнинг барча тизими бўйича бир хилда амалга оширилади. Қонунлар бузилишининг олдини олиш, уларнинг аниқ ва тўғри бажарилишини кузатиб бориш шакллари борасидаги прокурор фаолиятининг қайси йўналишлар билан амалга оширилишини белгилайдиган ҳуқуқ нормалари умумҳуқуқий маънода мустақил прокурор назорати деб аталади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви органлари томонидан қонунчиликнинг аниқ ва тўғри бажарилиши устидан прокурор назоратини муваффақиятли равишда амалга ошириш биринчи навбатда прокуратура ходимларининг қонунни бузиш ҳолларининг олдини олиш ва бунга қарши кураш олиб бориш шаклларини яхши ўзлаштириб олганликларига боғлиқ бўлса, иккинчидан, прокуратура ходимларининг ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини ва бу соҳага тегишли бўлган қонунларни яхши ўзлаштириб олганликларига боғлиқ бўлади. Лекин бу соҳа бўйича прокурорларнинг прокурорлик назорати борасида умумлаштирилган ҳолда берган маълумотларидан шунини аниқлаш мумкинки, прокурорлар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчиликнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини етарли даражада билмаслик бу қонунларни нотўғри татбиқ этишга сабаб бўлаётганлигини амалиётдан билиб олиш мумкин.

Прокуратура ходимлари қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича прокурор назоратини амалга оширишда бу соҳадаги корхоналарнинг локал ҳужжатларига етарли даражада ўз эътиборларини қаратишмайди. Бунга асосий сабаб, прокуратура органлари фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар (қарорлар) устидан назорат олиб боради деб ҳисоблаб келинганликдир. Ваҳоланки, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг хўжалик-ишлаб чиқариш, айниқса ижтимоий фаолиятларининг муҳим қисми локал меъёрлар билан тартибга солинади. Шунинг учун мустақил хўжалик юритувчи қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари)нинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашликни, бугунги кунда амалдаги қонунчилик асосида қабул қилинган локал меъёрларни ҳисобга олмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Прокурор назорати амалиётини умумлаштириш шунинг кўрсатадики, прокурорлар, қишлоқ хўжалиги соҳасида хусусий секторнинг тезкорлик билан ривожланиб бориши ва муҳим ўринни эгаллаб боришига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига етарли даражада эътибор бермайдилар.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви органлари томонидан қонунчиликнинг аниқ ва тўғри бажарилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишни бўйлаштириш мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва бурчлари ўзгарган бўлишига қарамасдан, уларнинг қонунга ҳилоф равишда қарор қабул қилиши, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари)нинг фаолиятига аралаштиришга ҳаракат қилиши, ўзларининг қабул қилган қарорларини бажаришга мажбур этиш ҳоллари амалиётда учраб туради. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ихтиёрий равишда қишлоқ хўжалик ташкилотлари (ташкilotлари), бирлашмаларини ташкил қилиш тамойилининг бузилиш ҳоллари амалиётда учрайди.

Қишлоқ хўжалигида баъзи бир давлат бошқаруви органлари ўзларининг буйруқлари билан ишлаб чиқариш бошқармаларини ташкил қилиб, уларнинг уставини тасдиқлайдилар. Бу масалага ва бошқа қонунчиликнинг бузилиш ҳолларига ҳамма вақт ҳам прокуратура органлари етарли даражада эътибор беравермайдилар. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича қабул қилинган қонун ҳамма меъёрий жиҳатларни чуқурроқ ўрганиш масалаларига прокуратура ходимлари томонидан кўпроқ эътибор беришликни талаб этди.

4-§. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари)нинг ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан кўриладиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг юридик механизми тизимида умумий ҳамда хўжалик судларининг фаолияти асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Бунга асосий сабаб бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш доирасининг янада кенгайиб кетганлигидир.

Ҳозирги кунда хўжалик судларига тааллуқли бўлган низоли ишлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 23 -моддасида кўрсатилган. Ушбу моддага кўра хўжалик судларига қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (корхона, муассаса, ташкилотлар), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгилаб қўйилган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқларининг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактлар (юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар)ни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги (қасод бўлиши) тўғрисидаги ишлар.

Қонун билан хўжалик судларига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Хўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва ташкилотлари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилганда, ҳамма талаблар умумий судда кўрилиши керак.

Юқоридаги моддадан кўриниб турибдики, хўжалик судлари иқтисодиёт соҳасида корхона муассаса, ташкилот ва тадбиркорлар ўртасидаги низоларни кўриб ҳал қиладилар. Иқтисодий низолар деганда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича келиб чиққан низолар тушунилади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча низолар ҳам хўжалик судларида кўриб ҳал қилинади.

Хўжалик судларидан фарқли ўлароқ, умумий судлар, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган фуқаро бўлган низоларга доир ишларни кўриб ҳал қилади. Бу низолар моддий ҳуқуқни турли соҳаларидан, фуқаролик, оила, меҳнатга оид фаолият ва бошқалардан келиб чиқади. Бундан ташқари, қонунда кўрсатиб қўйилган органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни ҳамда алоҳида тартибда кўриб ҳал қилинадиган ишларни ҳам умумий судлар кўриб ҳал қилади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар суд ҳимояси учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини ўзлари мустақил тарзда тасарруф қиладилар, яъни амалга

оширадилар. Суд ҳимояси учун судга мурожаат қилиш даъво асосида амалга оширилади. Даъво – ўзининг бузилган ёки имзоланилаётган ҳуқуқини ёки қонун билан қўриқланидиган қонуний манфаатини суд орқали ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилган шахснинг талабидир.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш куйидаги йўллар билан амалга оширилади: а) ҳуқуқни тан олиш; б) ҳуқуқ бузилганлигига қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш; в) ҳуқуқнинг бузилишига хавф туғдирадиган ёки ҳуқуқни бузадиган ҳаракатларнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатларга чек қўйиш; г) бурчни натура шаклда бажаришга мажбур этиш; д) етказилган зарарни, неустўйка (жарима ва пеня) ларни ундириш; е) ҳуқуқнинг бузилишини тўхтатиш ёки тугатиш; ё) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган амалдаги қонунчиликка зид бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш; ж) қонунда кўрсатилган бошқа воситалар билан.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар, ўзларининг ор-номуси, шаъни, қадр-қиммати ва ишбилармонлик нуфузига путур етказишга қаратилган маълумотларни тарқатган шахс уларнинг қанчалик ҳақиқатга тўғри эканлигини исботлай олмаса, бу маълумотлар тўғрисида раддия беришликни суддан талаб қилишга ҳақлидир.

Раддия беришлик тартибини суд фуқаролик қонунчилигига мувофиқ равишда белгилайди. Раддия бериш тўғрисида суднинг чиқарган ҳал қилув қарорини бажармаса, бундай маълумотларни тарқатган шахсга суд жарима солишга ҳақли. Жарима фуқаролик процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда солинади. Солинган жарима нотўғри ахборот тарқатган шахснинг суд ҳал қилув қароридан кўрсатиб қўйилган ҳаракатларни бажаришдан озод қилмайди.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво қўзғатиш ва даъво талабларини кўриб чиқиш тартиби хўжалик процессуал ва фуқаролик процессуал қонунчилиги билан белгиланади. Лекин корхоналар ва тадбиркорларнинг жавобгарларга нисбатан билди-

рилган моддий ҳуқуқий талаблари қишлоқ хўжалик ҳуқуқи меъёрларига асосланади. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш шу соҳадаги ҳуқуқ бузилишларини кўриб ҳал қилиш асосида амалга оширилади. Ана шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш борасида қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг соҳаларини аниқлаб ҳисобга олиш зарур.

Ишни қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг иштирокида кўриб ҳал қилиш жараёнида судлар фақатгина хўжалик процессуал ва фуқаролик процессуал қонунчилигига асосланибгина қолмасдан, шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги қонунчилигига, қишлоқ хўжалигига оид қонунларни татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари борасида юқори судларнинг тушунтиришлари ва раҳбарий кўрсатмаларига амал қилади. Юқори судларнинг қишлоқ хўжалигига оид қонунчиликни татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари борасида берган тушунтиришлари ва раҳбарий кўрсатмалари низоларда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорларнинг иштирокига боғлиқдир. Уларнинг жавобгарларга нисбатан билдирилган моддий-ҳуқуқий талабларини тез ва тўғри ҳал қилиш асосан қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи нормаларини тўғри тушуниш ва татбиқ этишга боғлиқ бўлади.

Умумий ҳамда хўжалик судларининг амалиёти шунини кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг иштирокида содир бўлаётган ҳуқуқнинг бузилиши ҳоллари кўпчилик қисми қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қонунчиликни нотўғри қўллаш натижасида юз бермоқда. Бунга мисол қилиб, маҳсулотларни қайта ишлайдиган турли корхоналар билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида тузиладиган хўжалик шартномаларини ўз вақтида тузмаслик ёки бу шартномаларни тузиш тартибига риоя қилмасдан, саводсизларча тузишлик ҳолларини кўрсатишимиз мумкин. Бундай ҳолатлар топширилган маҳсулот

учун ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб- китоб қилишда харидор ҳақиға хиёнат қилишга сабаб бўлади.

Кишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар билан тузиладиган хўжалик шартномаларини тузишдаги камчиликларга Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини яратиш тўғрисида»ги қонуни барҳам беради. Чунки бу қонун хўжалик шартномаларини қандай тартибда тузиш, нималарга эътибор бериш, шартномаларни ўз вақтида бажариш ва уларни бажармасликларнинг ҳуқуқий оқибатлари батафсил баён қилиб берилган¹.

Кишлоқ хўжалик ташкилотлари томонидан кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун давлат томонидан берилган имтиёزلардан юридик жиҳатдан қонунга ҳилоф равишда нотўғри фойдаланиш, ўз навбатида, ажратилган пулларнинг анчаси йўқ бўлишига олиб келади. Бугунги кунда кишлоқ хўжалик ташкилотларининг иштирокида ҳисоб-китоб, ишлаб чиқариш ва молиявий ва бошқа бир қатор ҳуқуқий муносабатлар борасида муҳим хусусиятлар борки, бу хусусиятларни ҳисобга олмасдан туриб уларнинг мулкӣ ва бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишни амалга ошириб бўлмайди. Бу хусусиятларни билмаслик ёки уларни инкор этиб тан олмаслик судлар томонидан маълум хатоликларга йўл қўйилишига олиб келадиган асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик судлари кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бошқариш соҳаси, янги ташкил қилинадиган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган хатоликларни тузатиш борасидаги даъво аризаларини ҳам кўриб ҳал қиладилар. Бу даъво аризалари билан судга мурожаат қилишга асосий сабаб маҳаллий маъмурий органларнинг хизмат мансабларини суистеъмол қилишлари ва кишлоқ хўжалик қонунчилигини етарли даражада билмасликлари ҳисобланади.

Ер муносабатлари, янги деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш нафақат эъти-

¹ «Халқ сўзи», 1998 йил 19 сентябр.

борсизлик билан, кўпчилик ҳолларда қонунчилик талабларига ҳилоф равишда амалга оширилади. Бунинг оқибатида ер участкасининг аниқ эгасини, унинг эгалловчиси, ундан фойдаланувчи ёки уни ким ижарага олганлигини аниқлаш қийин бўлиб қолади. Ваҳоланки, ер ислоҳотларини амалга ошириш шароитида тегишли ҳужжатлар асосида иш юриштиш қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Ҳозирги кунда деҳқон (фермер) хўжаликлари манфаатларини хўжалик судлари орқали ҳимоя қилишга эҳтиёж кун сайин кучайиб бормоқда. Фермер хўжаликлари томонидан хўжалик судларига берилган даъво аризалари бўйича хўжалик судлари томонидан кўрилиб, ҳал қилинган ишлар бўйича умумлаштирилган суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жойларда турли тузилмалар фермер хўжалиklarини ташкил қилиш ва уни ривожлантиришга тўсқинлик қилиб келмоқдалар.

Деҳқон (фермер) хўжаликларида фаолият кўрсатиб келаётган фермерларнинг ўз соҳаларига оид бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни билмаслиги, тегишли ҳужжатларни қонуний тарзда тайёрлаш ва тўғри расмийлаштиришни билмаслиги, ўз навбатида ташкилий ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда хатоликларга йўл қўйишга олиб келибгина қолмай, пировард натижада кейинчалик уларга маънавий ҳамда мулкӣ зарар етказилишига ҳам сабаб бўлади. Кўпчилик фермер хўжаликлари ташкил этилган дастлабки даврларида уларда давлат божини, адвокат ва юридик жиҳатдан ёрдам кўрсатган шахсларга ҳақ тўлаш учун етарли маблағ бўлмади. Шунинг учун фермер хўжалиklarининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини умумий ҳамда хўжалик судлари ҳимоя қилиши борасида давлат даромадига ундириладиган давлат божини тўлашдан уларни озод қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдамни текин кўрсатиш масаласини тегишли давлат тизимлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва бошқа органлар) ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунларимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича махсус тайёргарлик курсларини ўтаган шахсларгина фермер ёки деҳқон хўжалигини ташкил этиб, унга раҳбар бўлишлиги Россия Федерациясининг қонунидагидек аниқ кўрсатилмаган.

Россия Федерациясининг Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисидаги қонунида деҳқон хўжалигини ташкил этиш ва бу мақсадни амалга ошириш учун ер участкасини олиш ҳуқуқига қишлоқ хўжалиги соҳасида маълум тажрибага ва қишлоқ хўжалиги мутахасислигига эга бўлган ёки бу соҳа бўйича махсус тайёргарлик курсини ўтаган ҳар бир шахс эга, деб кўрсатилган. Бу ҳолатнинг қонуний тарзда белгилаб қўйилганлиги қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиб, фаолият кўрсатиш орзусида бўлган шахсларнинг ҳуқуқини чеклайди. Шу билан биргаликда, деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида фуқаролар томонидан берилган аризаларни жойларда асоссиз равишда рад қилиш учун асос сифатида бундан фойдаланадилар ва кўпчилик ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари фуқаролардан қишлоқ хўжалиги соҳасига оид бўлган билимга эга эканлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этишни талаб қиладилар. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар, яъни Россия Федерациясининг юқорида кўрсатилган қонунидаги камчиликлар, деҳқон (фермер) хўжаликларини нафақат ташкил этишга, шу билан ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликларининг бир меъёردа ривожланишига имкон бермайди ва тўсқинлик қилади.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) билан боғлиқ иқтисодий низолар ичида, уларнинг кўпчилик қисмини бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан тузилган шартномавий алоқаларнинг бузилиши натижасида вужудга келадиган низолар ташкил қилади. Бундай низолар бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг мустаҳкамланиб бориши билан кўпайиб боради. Чунки бундай шароитда хўжалик шартномаси хўжалик алоқаларини ҳуқуқий ҳамда иқтисодий тартибга солиб бориш борасида асосий ҳужжат ролини ўйнайди.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларини ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-

каси қонунига мувофиқ ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексига мувофиқ фаолият кўрсатаётган барча корхоналарнинг касод бўлиши, яъни банкротга учраганлик ҳолларига ҳам жорий қилинади (3-модда).

Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича, банкротлик тўғрисидаги қонунда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кўрилади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тadbиркорларни банкротга учради деб қачонки улар, кредитордан олган товарлари, бажарган ишлари кўрсатган хизматлари учун кредитор томонидан талаб қилинаётган пулни тўлаш қобилиятига эга бўлмай қолсалар, сўз юритиш мумкин. Бу қарздорнинг мажбурияти унинг мулкига нисбатан ошганлигига боғлиқ бўлгани, бюджет ҳамда нобюджет фондларга мажбурий тўловларни тўлашни таъминлаш қобилиятига эга бўлмай қолиши ёки қарздорнинг баланс тузилиши талабига жавоб бермай қолишини ҳам ўз ичига олади. Корхона ва тadbиркорларнинг банкротга учраганлиги тўғрисида тегишли хўжалик суди ҳал қилув қарори чиқаради. Хўжалик судининг бу масала бўйича чиқарган ҳал қилув қарори тегишли корхона ёки тadbиркорни банкротга учради деб топиш учун асос бўлади. Хўжалик судидан ташқари бошқа бирон-бир давлат органи, шунингдек корхонанинг эгалари бундай ҳал қилув қарорини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Банкротлик масаласини хўжалик судининг ўзи бевосита ҳал қила олмайди. Қонуннинг 5-моддасида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган шахсларининг доираси кўрсатилган. Пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожат этиш ҳуқуқига қарздор, кредитор, прокурор, солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар эга.

Мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, прокурор, солиқ органлари ва бошқа вако-

латли органлар эга. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳамда бошқа шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин. Ушбу моддада кўрсатилган шахсларни, корхона ёки тадбиркорни банкротга учради деб топиш масаласини хўжалик суди бу ҳақда берган аризага мувофиқ, хўжалик процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилади.

Хўжалик судида кўриб чиқиш учун тақдим қилинган ишда муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ ҳолатлар ва материалларга асосланиб, хўжалик суди корхонани синган, яъни банкротга учради деб топиш масаласини ҳал қилишни кейинга қолдириб, корхонани тиклаш ва ташкил этиш ишларини қайта кўриб чиқишни тайинлаши мумкин. Бундай ҳолда хўжалик суди Хўжалик процессуал кодекснинг 83-моддасига асосланиб, иш бўйича иш юритишни тугатиш ва қарздорнинг мулкни ташкилий жиҳатдан бошқариш ёки унга иқтисодий жиҳатдан ёрдам бериб, соғломлаштириш (санация)га ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Қарздор ташкилотнинг қарзларини тўлаш қобилиятини тиклаш учун реал имконият мавжуд бўлса, унга тегишли бўлган мулкни ташқи бошқарув бўйича бошқаришга йўл кўйилиши мумкин. Қарздор ташкилотга қарашли мулкни ташқи бошқариш қарздор мулкнинг маълум бир қисмини сотиш ёки бошқа ташкилий ва иқтисодий тадбирларни амалга ошириш билан таъминланади. Қарздор мулкни ташқи бошқариш хўжалик суди томонидан ёки қонун асосида белгилаб кўйилган, танлов асосида аниқлаб олинган бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

Қарздорга, корхонага нисбатан мулк эгаси бўлган мулкдор ёки бошқа шахслар томонидан, шу жумладан қарздорнинг кредиторлари томонидан молиявий ёрдам йўли билан унинг ўз қарзларини тўлаш қобилиятини тиклаш ва иқтисодий жиҳатдан соғломлаштиришга санация дейилади. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва иқтисодий жиҳатдан соғломлаштириш имконияти бўлган тақдирда уни санацияга ўтказиш масаласини хўжалик суди ҳал қилади. Бу масала Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғри-

сида»ги қонуни асосида ҳал қилинади. Ушбу қонуннинг II бобида судгача санация қилиш кўрсатилган. Судгача санация қилиш қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юртиш бошлангунга қадар амалга оширилади ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини, иқтисодий жиҳатдан қодирлигини тиклаш ҳамда келгусида самарали фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиб берилишини ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздорнинг муассислари (қатнашчилари), мол-мулк эгасини банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига тақдим этилгунга қадар қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади. Қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар улар билан тузилган келишувга асосан кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин.³

Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- а) қарзни ўзаро ҳисобга олишни ташкил этиш;
- б) тўлаш муддати ўтказиб юборилган тўлик ёки қисман сотиб олиш;
- в) ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;
- г) четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;
- д) ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ва фаолиятини давом эттиришдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш;
- е) қарздорнинг фаолиятини давом эттириш учун қарздор бўлган кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзлардан сийлов бериш тўғрисидаги аҳдлашувга эришишга қаратилган келишув;
- ё) мажбурий тўловларни тўлаш ва давлат кредитларини қайтаришни санация муддатига кечиктириш;
- ж) қарздор- юридик шахсни қайта ташкил этиш.

³ *Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни, «Халқ сўзи», 1998 йил 29 сентябр.*

Судгача санация қилиш тамойили бошқа чора-тадбирларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Судгача санация қилишни давлат маблағларини жалб этган ҳолда ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган орган амалга оширади.

Судгача санация қилиш чоғида давлат томонидан ёрдам кўрсатиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хўжалик судларидан ташқари, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъволи ишларнинг маълум бир қисми умумий судлар томонидан ҳам кўриб ҳал қилинади. Умумий судларга тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар берилади, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустаснодир деб Фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасида белгилаб қўйилган. Ушбу модда бўйича қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган фуқаролар ўртасида келиб чиққан низоларга тааллуқли қилиб белгилаб қўйилганлиги учун умумий судлар ҳам, фуқаролик процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда бу низоларни кўриб ҳал қилиш йўли билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорларнинг бузилган ёки низолаштилаётган ҳуқуқлари ва уларнинг қонун билан қўриқланадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар. Бу ишларни кўриб ҳал қилиш жараёнида судлар иш моддий ҳуқуқининг қайси бир соҳасидан келиб чиққанлигига қараб, қишлоқ хўжалиги, фуқаролик, меҳнат қонунчилигига асосланади.

Умумий судлар томонидан кўриб ҳал қилинадиган ишларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари)га фуқаролар ва меҳнат жамоаси аъзолари томонидан етказилган зарарни ундириб олиш тўғрисидаги ишлар ташкил қилади. Етказилган зарар тўла ҳажмда қоплашиши керак. Лекин етказилган зарарни ундириб олиш тўғрисидаги иш бўйича ундириладиган зарарнинг миқдори асоссиз равишда камайтирилиши ёки суднинг етказилган зарарни ундириш тўғрисида чиқарган ҳал қилув қарорининг бажарилмаганлиги натижасида ундирилиши лозим бўлган зарарнинг маълум бир қисми ундирилмай қолади.

Ундирилган зарарнинг тўла ҳажмда ундирилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасида кўрсатилган. Ушбу моддада кўрсатилишича, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, зарар етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда ундирилади. Ушбу Кодекснинг 989-моддасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар томонидан ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тadbиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар, деб кўрсатилган. Бу моддаларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, етказилган зарар уни етказган шахсдан тўла ҳажмда ундирилиши керак.

Етказилган зарарни ундириб олишда жабрланувчининг айби ва зарар етказган шахснинг мулкий ҳолати суд томонидан ҳисобга олиниши мумкин. Бу ҳолат Фуқаролик кодексининг 1004-моддасида кўрсатилган. Лекин қандай асослар ва ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда қарздордан ундириладиган зарар миқдорини камайтириш мумкинлиги масаласи қонунчиликда батафсил ҳал қилиб берилмаган. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тadbиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида, етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни субъективизм асосида кўриб ҳал қилиш, судларнинг бундай ишлар бўйича чиқарган ҳал қилув қарорларини лозим даражада бажармаслик масаласи бўйича қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги ўз навбатида кўп миқдорда зарар кўришга сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тadbиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кейинчалик такомиллашиб бориши ўз навбатида нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни, шу билан биргаликда умумий ҳамда хўжалик судларининг фаолиятларини белгилаб берадиган қонунчиликнинг такомиллашиб боришига ҳам боғлиқдир.

5-§. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) низоларини талабнома асосида кўриб ҳал қилиш

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) нинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг процессуал воситаларидан бири улар ўртасида келиб чиққан низо-ларни талабнома билдириш асосида ҳимоя қилишдир. Қиш-лоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) низоларини та-лабнома билдириш асосида ҳал қилишга, қонун ёки тараф-лар ўртасида тузилган хўжалик шартномасида назарда ту-тилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Агар низоларни талаб-нома билдириш асосида ҳал қилиш мумкинлиги қонун ёки шартномада назарда тутилмаган бўлса, бундай тартибда ни-золарни ҳал қилишга йўл қўйилмайди.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартно-мавий-ҳуқуқий базасини яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида кўрсатилишича, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир⁴.

Бундай тартибда низоларни ҳал қилиш ўзига хос хусуси-ятларга эга. Унинг асосий хусусияти шундаки, ҳуқуқи бузил-ган ёки қонуний манфаати ҳимоя қилиниши керак бўлган шахс хўжалик судига даъво қўзғатишдан олдин низоли ҳуқуқий муносабатнинг иккинчи томонига талабнома билдириши ке-рак. Талабнома билдирмасдан туриб у даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар иккинчи тараф билдирилган эътирозно-мага асосан ўз мажбуриятини бажармаса, шундан сўнг хўжа-лик судига келиб чиққан низоли ҳал қилиб бериш учун даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади ва хўжалик судига даъво қўзғат-иш йўли билан ўзининг бузилган, низолашилаётган ҳуқуқини ёки қонуний манфаатини суд орқали ҳимоя қилади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) низола-рини талабнома асосида ҳал қилиш ҳоллари қонун ёки шартномада кўрсатилган бўлса, низоли ҳал қилиш учун

⁴ «Халқ сўзи», 1998 йил 19 сентябр.

билдириладиган талабнома албатта ёзма равишда ёзилиб, ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари (муовини), тадбиркор фуқаро томонидан имзоланиб тақдим этилиши керак. Талабномада куйидагилар ўз ифодасини топиши лозим:

- а) талабнома билдираётган хўжалик субъектининг номи;
- б) талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;
- в) арз қилувчининг талаби;
- г) талабнома пул билан баҳоланиши керак бўлса, унинг суммаси, яъни қиймати ва унинг асослантирилган ҳисоби;
- д) талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;
- е) тегишли қонунчиликка ҳавола қилинган ҳолда, билдирилган талабни асослайдиган ва уларни тасдиқлайдиган ҳолатлар ва далиллар;
- ё) ҳавола қилинадиган ҳужжатлар ва далилларнинг рўйхати;
- ж) низони ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Талабномада арз қилувчи шахс томонидан билдирилган талабни асослайдиган ва тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхаси ёки тегишли тартибда тасдиқланган унинг кўчирмаси илова қилинади. Агарда бу ҳужжатлар иккинчи тарафда мавжуд бўлмаса, тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаси ёки қонунда кўрсатиб қўйилган тартибда расмийлаштирилган ва тасдиқланган унинг нусхаси билдирилган талабномага илова қилинади.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома қабул қилиб олинган кундан бошлаб қонунда белгиланган маълум муддатда кўриб ҳал қилиниши керак. Агарда ҳал қилиш муддати халқаро шартномаларда, тарафларнинг келишуви билан, шунингдек хорижий фирмалар билан тузилган контрактлар бўйича товарларни экспортга чиқариш учун буюртмачилар ва етказиб берувчилар, хориждан импорт асосида келтирилган товарларни қабул қилиб олувчилар ва буюртмачилар, импорт бўлган буюртмаларни бажарувчи таш-

килотларнинг талабларида бошқача қилиб белгиланган бўлса, кўрсатилган муддатда кўриб ҳал қилинади.

Талабномани кўриб ҳал қилганлик натижалари бўйича хўжалик юритувчи субъект талабнома билдирган субъектга бир ой ичида хабар бериши керак. Талабномага берилган жавобда қуйидагилар кўрсатилади:

а) талабнома қисман ёки тўла қаноатлантирилган миқдорда тан олинган пул суммаси, пулни ўтказганлик тўғрисидаги тўлов қоғозининг рақами ва муддати ёки уни пул билан баҳолаш мумкин бўлмаса, талабномани қаноатлантириш усуллари ва муддати;

б) талабномани қисман ёки тўла қаноатлантириш рад этилган тақдирда тегишли қонунчилик ва далилларга асосланиб рад этиш сабаблари;

в) берилган жавобга илова қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхати.

Агар талабномага жавобда тан олинган пул суммасини ўтказганлик тўғрисида хабар берилмаган ва банк томонидан берилган пулни ўтказиш тўғрисидаги топшириқни бажарганлик илова қилинмаган бўлса, талабнома билдирган шахс ўзи билдирган талабномасига жавоб олгандан сўнг маълум муддат ўтгандан кейин, қарздор томонидан тан олинган пул суммасини қонунда белгилаб қўйилган тартибда тўлаш муддатини кечиктиргани учун тўланиши лозим бўлган пеняни ҳисоблаб, сўзсиз тартибда қарздорнинг ҳисобрақамида турган пулдан ундириб бериш тўғрисида банкка инкасса топшириғини беришга ҳақли.

Талабномани қисман ёки тўла қаноатлантириш рад этилган ёки билдирилган талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда талабнома билдирган шахс хўжалик судига даъво қўзғатишга ҳақли бўлади.

Иқтисодиёт ва уни бошқариш соҳасидаги низоларни талабнома билдириш йўли билан ҳал қилиш шартномавий интизомни мустаҳкамлайди, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) фаолиятини такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги низоларни эътирозномага асосан ҳал қилиш тарафларнинг келишуви ёки тегишли қонунларда белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан, бу тар-

тибга риюя қилмаган ҳолда хўжалик судига низони ҳал қилиш учун даъво қўзғатилган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда даъво аризасини қайтаради:

а) даъвогар томонидан билдирилган талабноманинг нусхаси ёки унинг жўнатилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим қилинмаган бўлса;

б) бир вақтнинг ўзида бир неча жавобгарларга нисбатан даъво қўзғатилганда, ҳеч бўлмаганда уларнинг биттасига нисбатан талабнома билан муурожаат қилмаган бўлса.

Агар даъвогар низони талабнома билдириш йўли билан ҳал қилиш тартибига риюя қилган бўлса, лекин талабноманинг жўнатилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлмаса, бу ҳолат даъво аризасини қайтариш ёки уни кўрмасдан қолдириш учун асос бўлмайди. Даъво аризасини қабул қилиб олишда билдирилган эътирозномага жавоб бўлмаса, бундай ҳолларда хўжалик судининг судьяси эътирозномага жавоб бериш муддатининг ўтган ёки ўтмаганлигини текшириши керак. Шу билан биргаликда тарафларнинг келишуви, халқаро шартномалар, шунингдек хорижий фирмалар билан тузилган контрактларда бошқача муддат белгилаб қўйилмаган бўлса, кўрсатилган муддатда эътирозномани кўриб ҳал қилиш мумкин. Агар билдирилган эътирозномага жавоб олмасдан, эътирознома билдириш учун белгиланган муддат ўтмасдан туриб хўжалик судига даъво қўзғатилган бўлса, суд томонидан даъво аризаси даъвогарга қайтариб берилади.

Қарздор томонидан тан олинган суммани низосиз тартибда ундириб олиш тартиби белгилаб қўйилган бўлса, пулларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаларини хўжалик суди қабул қилиб олмайди. Лекин тан олинган суммани сўзсиз тартибда ундириб олиш қоидаларига риюя қилиб, қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамидаги пулдан кредиторнинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан ундириш тўғрисидаги талабини банк рад қилган бўлса, бундай ҳолларда суд даъво аризасини кўриб ҳал қилиш учун қабул қилиб олиши керак.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) низоларини эътирознома асосида кўриб ҳал қилиш бизнинг янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик

процессуал кодексида кўрсатилмаган. Лекин бу масала Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини яратиш тўғрисида»ги қонунига «Хўжалик шартномаси бўйича талабно-малар ва даъволар» бўлимидаги 17, 18 ва 19-моддаларда кўрсатилган. Шу билан бирга бошқа бир қатор Хамдўстлик мамлакатларининг қонунларида ҳам кўрсатилган. Масалан, Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикаларда. Бундан ташқари, низоларни бундай тартибда кўриб ҳал қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ҳам белгиланиши ёки алоҳида қонунларда ифодаланган бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) низоларини талабнома билдириш йўли билан ҳал қилиш тартибини билиб олиш бозор муносабатларига ўтиб боришнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этади.

6-§. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари давлат нотариал идоралари томонидан ҳимоя қилиниши

Шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган давлат органларидан бири давлат нотариал органларидир. Давлат нотариати ўз фаолиятини Олий Мажлис томонидан 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат нотариати тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширади. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат нотариал органларининг роли бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар каби каттадир. Нотариат бу борада сезиларли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги кунда «Давлат нотариати тўғрисида»ги қонунга асосан давлат нотариал идораси бўлмаган жойларда нотариал ҳаракатлар уларни бажариш ваколати берилган ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Давлат нотариал органларида низосиз характердаги ишлар кўриб ҳал қилинади. Нотариат муҳим аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан кўрикланадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Шу жумладан, қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларни ҳам.

Нотариал идоралар битимларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш мақсадида шартномаларни тасдиқлайди, ҳужжатларнинг нусхалари тўғрилигини тасдиқлайди, қарздорни низосиз характердаги мажбуриятларни мажбурий тартибда бажаришга мажбур этишни таъминлайди ва бошқа бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширади. Кўриб ҳал қилинаётган ишнинг низосиз тусдалиги нотариуснинг ваколатига қаратилган масалаларни алоҳида услубда ҳал қилишни талаб қилади. Давлат нотариал идораларида, шунингдек хусусий тартибда фаолият кўрсатаётган нотариуслар нотариал ҳаракатларни якка ўзлари амалга оширадилар. Нотариал органларнинг нотариуслари ва хусусий нотариуслар ёзма далилларга асосланган ҳолда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш билан боғлиқ бўлган муҳим аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширадилар.

Нотариуслар қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликка мувофиқ қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларга ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ҳар тарафлама ёрдам беришлари керак. Масалан, муҳим аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни тегишли корхоналардан, мансабдор шахслардан талаб қилиб олади. Нотариус тижорат ташкилоти (корхоналари) ва тадбиркорларнинг илтимосига кўра ариза, битим лойиҳаларини тузиши, ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаши ва улардан кўчирмалар олиши мумкин. Шу билан биргаликда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Умумий қоидага кўра нотариал ҳаракатларни ҳар қандай нотариус амалга оширади. Шунга кўра нотариат ҳаракатини амалга ошириш учун қайси нотариусга мурожаат қилишган

бўлса, ўша нотариус тегишли ҳаракатларни амалга оширади. Лекин бу умумий қоиладан истисно тариқасида шундай нотариал ҳаракатлар борки, булар фақат қонунда кўрсатилган нотариуслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Масалан, иморат қуриш учун ажратилган ер участкасида иморатни қуриш тўғрисидаги шартнома, ер участкаси қайси ҳудудда бўлса, ўша жойдаги нотариус томонидан гувоҳлантирилади. Иморатни, дала ҳовлиси, дала боғларини, машиналар учун қурилган гаражларни сотиш тўғрисидаги шартномалар эса тегишли ер участкалари ва мулк турган жойдаги нотариуслар томонидан гувоҳлантирилади.

Қонунда кўрсатиб қўйилган ҳолларда нотариуслар муҳим аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни бажаришдан бош тортишлари мумкин. «Давлат нотариати тўғрисида»ги қонунда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 273-275-моддаларида кўрсатилишича, нотариуслар нотариал ҳаракатни бажариш тўғрисида уларга мурожаат қилган шахсларнинг талаби бўйича талаб қилинган нотариал ҳаракатларни бажармасалар ёки бундай бажаришдан бош тортсалар, уларнинг бундай ҳаракатлари устидан умумий судларга шикоят қилиш мумкин. Нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни нотўғри бажарганликлари ёки нотариал ҳаракатларни бажаришдан бош тортганликлари тўғрисида умумий судларга шикоят қилинган бўлса, бундай шикоятни умумий судлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 28-бобида кўрсатилган 273, 275-моддаларга асосланиб ҳал қилади.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун тегишли миқдорда давлат божи ундирилади. Давлат божининг миқдори ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги қонуни ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги қарорида ва унга киритилган ўзгартишлар ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 октябрдаги 358-сон қарорида кўрсатилган.

XVII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1-§. Қишлоқ хўжалик қонунларини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси

Қишлоқ хўжалик қонунларини бузганлик учун жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарлик институтининг бир қисми бўлиб, унинг тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқий адабиётларда қишлоқ хўжалик ҳуқуқий жавобгарлик масаласига алоҳида эътибор берилган.¹

Қишлоқ хўжалиги тизимида содир этилган ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланиладиган юридик жавобгарлик тушунчаси, биринчидан, юридик жавобгарлик ҳуқуқий категория сифатида намоён бўлиши, қўлланиши билан, иккинчидан, унинг асосий мақсади ва моҳияти қишлоқ хўжалиги (аграр) қонунларининг бузилишига қарши курашиш ҳамда шу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш билан фарқланади.

Қишлоқ хўжалик қонунларини бузганлик учун юридик жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, қишлоқ хўжалик тизимида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқбузарлиги – айбдорнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик тизими ёки аграр соҳасига етказилган зарар, ривожлантиришга тажовуз қилиш ҳамда қишлоқ хўжалик тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга путур етказиш ҳамда қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасидаги қонун ва талабларни бузишда намоён бўлади.

Яна шунини ҳам таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалик тизимида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик субъектининг ҳуқуқий меъёрларга қарши қилган хатти-ҳаракати, қасдан ёки эҳтиётсизликдан қишлоқ хўжалик тизимига ҳамда жамоатчилик учун хавфли бўлган ҳаракат оқибатидир.

¹ *Сельскохозяйственное право: Учебник. – М. Юрид лит. 1985. – 480-504-бетлар.*

Қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос белгилари бўлиб уни қишлоқ хўжалик (аграр) қонунларига ҳилофлиги, яъни ҳуқуққа ҳилофлиги, айбнинг мавжудлиги, жамоат учун ҳамда қишлоқ хўжалик тизимини ривожлантириш учун хавфлилиги ҳисобланади ҳамда улар етказган зарарининг оқибати билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалик тизими (аграр соҳа)да содир этилган ҳуқуқбузарлик таркибига: субъект, субъектив томон, объект, объектив томонлар, ҳуқуқбузарлик оқибатида ва қишлоқ хўжалик (аграр) тизимида етказилган зарар ҳамда у билан боғлиқ бўлган ҳолатлар киради.

Қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлиб, фуқаролар, деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжаликлари), ижарачилар, тадбиркорлар, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, ўзаро ҳамкорликдаги қўшма корхоналар ҳамда хусусий корхоналар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони эса қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган айб оқибатида етказилган зарар, яъни айбнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик тизимида содир этилган ҳуқуқбузарликда субъект ўзининг билиб қилинаётган хатти-ҳаракатининг оқибатини сезиши, қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасидаги қонун-қоидалар ва талабаларни бузиши ҳамда қишлоқ хўжалик тизимига маълум миқдорда зарар етказишини кўз олдида келтирмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалик тизимида ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этиш мотив ва мақсади турлича бўлиши мумкин. Масалан: экилган дарахтларни қасдан олиб ташлаш, ерни рекултивациялаш қоидаларига амал қилмаслик, ўрмонларни қасдан кесиш ҳоллари ва бошқалар. Ушбу ҳолатлар бевосита қасдан содир этилиши ва амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик тизимида ҳуқуқбузарлик баъзи ҳолларда эҳтиётсизлик оқибатида ҳам содир этилади. Ушбу ҳолатлар ўз бурчига совуққонлик билан қарашда, бепарқлик оқибатида ҳамда айрим ҳолларда бевосита ҳаракатсизлик жараёнида вужудга келади. Бунда айбдор билиши лозимки, у ўз ҳаракати билан масалан, қишлоқ хўжалик тизимида кимё-

вий моддаларни ишлатиш қоидаларини бузиши, ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳамда эрозиядан сақлаш қоидаларини бузиши, сув ресурсларини ифлослантириш қоидаларини бузиши оқибатида тегишли иқтисодий ёки экологик зарар етказади.

Қишлоқ хўжалик тизимида содир этиладиган ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб, субъект томонидан ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ бўлган маълум фаолиятнинг бузилиши, яъни субъектларга етказиладиган зарар ҳисобланади. Масалан: қишлоқ хўжалик тизимида ирригация тизимининг бузилиши, суғориш қоидаларининг бузилиши, сувдан фойдаланиш қоидаларига эътибор бермаслик ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалик тизимида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг объектив томони эса, ҳуқуққа қарши ҳаттиҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида субъект томонидан ҳуқуқий муносабатнинг бузилиши ҳамда белгиланган қишлоқ хўжалик (аграр) қонунларига ва бошқа ҳуқуқий нормаларга ҳамда қоидаларга амал қилмасликдир.

Бунда субъектлар томонидан қишлоқ хўжалик (аграр) қонунларига тўла ёки қисман риоя қилмаслик ёки қишлоқ хўжалик корхоналари ва мансабдор шахслар томонидан белгиланган аниқ мажбуриятлар амалга оширилмаслиги мумкин. Мисол: ички тартиб қоидаларининг бузилиши, фуқароларнинг деҳқон, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик фаолияти қонунлари ҳамда ҳуқуқларини бузиши ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалик (аграр) қонунлари ва ҳуқуқий нормаларини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг интизомий, маъмурий, фуқаролик (мулкӣ) ва жиной турлари қўлланилади.

2-§. Қишлоқ хўжалик қонунларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик

Қишлоқ хўжалик қонунларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик ҳодимларини интизомий жавобгарликка тортишдан асосий мақсад, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун моддий ва маънавий

жавобгарликни ҳис этиш, ҳуқуқбузарнинг қонунни бузиш ҳолларининг олдини олиш, кишлоқ хўжалик (аграр) қонунларига ҳамда меҳнат қонунларига ўзаро ҳурмат билан қараш ва кишлоқ хўжалик тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда, амалга оширишда меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилишни таъминлашдир.

Кишлоқ хўжалиги соҳасида интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб интизомий ҳуқуқбузарлик (жиноят) содир этиш ҳисобланади. Интизомий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида давлат томонидан белгиланган режа ва тадбирларни бажармаслик ҳамда амалга оширмаслик, ўз бурчига садоқат билан ёндашмаслик оқибатида кишлоқ хўжалик (аграр) қонунларининг бузилиши ва оқибатда кишлоқ хўжалик тизимига зарар етказилишининг ўзи кифоядир.

Интизомий жавобгарликнинг субъекти сифатида кишлоқ хўжалик тизимида ишлайдиган фуқаро ва мансабдор шахслар, ижарачилар, фермер, деҳқон хўжаликлари, кишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), хусусий ва давлат чорвачилик фермалари, корхона, муассаса ташкилотлар ва бошқа кишлоқ хўжалик соҳасидаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган хўжаликлар ва бошқалар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, интизомий жавобгарликка тортиш асосан меҳнат қонунлари билан тартибга солинади.

Кишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) ва фермер хўжаликлари ҳамда ўз уставига эга бўлган айрим корхоналар уставлари асосида интизомий жазони қўллашлари мумкин.²

Шунинг учун ҳам интизомий ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб нафақат иш тартиби, балки кишлоқ хўжалик коо-

² *Кишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни ва фермер хўжаликларининг уставлари тартиби ҳолати, Ўзбекистон Республикаси «Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунининг 6-моддаси ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 8-моддаси талабига мос келиши шарт.*

Ўзбекистон Республикаси «Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунининг 33-моддасида ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 36-моддасида ушбу қонун талабларини бузганлик учун маълум жавобгарлик кўрсатилган.

Қаранг: «Халқ сўзи», 1998 йил 6 июн.

перативининг (ширкатнинг), фермер хўжалигининг уставга асосан белгиланган ички иш тартиби ва уни тўлдириб турадиган тегишли ҳуқуқий меъёрлар (актлар) ҳисобланади.

Интизомий жавобгарликка тортиш қишлоқ хўжалиги (аграр) соҳасида бошқа юридик жавобгарликлар турига қараганда анча таъсирли ва ижобий натижа беради.

Интизомий жавобгарликка тортиш шартларидан бири ҳуқуқбузарликнинг маълум айбга эга бўлиши ҳамда интизомий ҳуқуқбузарликни содир этган субъектнинг у ёки бу миқдорда етказган зарари ҳамда унинг оқибати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарида ишчи, ходим томонидан етказилган зарар ва уни қоплаш белгиланган тартибда олиб борилиши зарур.

Интизомий жавобгарлик меҳнат интизомини бузиш оқибатида ҳамда ўз хизмат вазифасини етарли даражада ҳамда бурчини масъулият билан бажармаслик жараёнларида вужудга келади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида аниқ интизомий жазолар тури кўрсатилган.

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортик бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 40%идан ортик бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4 – бандлари).³

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.

³ Меҳнат интизومي ва амалдаги қонунларни бузганлик учун интизомий жазо чораларига тортиш тартиби ва унинг ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига батафсил ёритилган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Тошкент, Адолат, 1996 й.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари маъмурияти томонидан ишлаб чиқариш жараёнига виждонсизларча муносабатда бўлиб, ўз бурчини бажармаган меҳнат иштирокчисига нисбатан жазо чораларининг қўлланиши ушбу ташкилотда маълум ижобий ҳолат юзага келтириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Интизомий жазо чораси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82-моддасига асосан, иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Интизомий жазо қўлланишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазонинг қўлланишида содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганда, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтгандан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармоийиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддаси).

Масалан: қишлоқ хўжалиги соҳасида интизомий жавобгарлик агротехника қоидаларини бузганлик, экилган ва етиштирилган экинларга яхши қарамаслик, ер оқилона фойдаланилмай, ундаги экилган экин маҳсулотининг сифати ёмонлашиши, ернинг мелиоратив ҳолатларини сақлаш талабини

бузганликда, қишлоқ хўжалик тизимида агрохимикатлардан фойдаланиш қоидаларини бузганда, сувдан фойдаланиш тартибини бузганда ва ер ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаганда ва уларни муҳофаза қилмаган тақдирдагина қўлланилади.

Интизомий жавобгарликка тортишнинг асосий хусусиятли томонларидан бири, мулккий ёки маъмурий жавобгарликка тортишдан фарқи шундаки, мулккий, интизомий жавобгарликка тортилаётган ходим, албатта, шу қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати), деҳқон ва фермер хўжалиги ёки ижара хўжалигининг аъзоси бўлиши шарт.

Ёки интизомий жавобгарликка тортилаётган субъект фақат ушбу корхонада ишлаётган бўлиши шарт бўлиб, ўша қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси, ташкилоти раҳбари томонидан интизомий жавобгарликка қонун асосида тортилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати), фермер ҳамда ижара хўжаликларида содир этилаётган интизомий ҳуқуқбузарликнинг қай даражада, қандай характерда, оғир ёки енгиллик даражаси, айбнинг қанчалик мавжудлиги ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган ходимнинг ҳолати албатта ҳисобга олинмоғи лозим.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) аъзолари ўзлари томонидан мулкка етказилган зарарни ва мулкни фойдаланиш ҳолатидан чиқариш, мавжуд техникадан (тракторлардан) ўзбошимчалик билан фойдаланиш билан ушбу қишлоқ хўжалик корхонасига етказган зарарини қоплаши ёки тўлаши зарур.

Айниқса ходим томонидан маст ҳолда ножўя ҳаракатлар содир этилганда у ушбу қишлоқ хўжалик корхонасига етказилган барча зарарни тўлаши шарт. Ёинки, ишчи ва хизматчилар томонидан биргаликда бажаришлари лозим бўлган ишларни бажаришда, қишлоқ хўжалик тизимида (ширкат, фермер, ижара хўжаликларида) ҳар бир хизматчи ёки ишчи ўзлари мустақил шартнома тузмасдан, балки жамоа шартномаси тузишлари мумкин.

Албатта, улар ушбу ширкат, фермер, ижара хўжаликларига касаба уюшмаларининг розилиги билан амалга оширилиши ва ушбу қишлоқ хўжалик корхона, муассаса ва ташки-

лотларининг барча қатнашчилари (аъзолари)нинг розилиги бўлиши кифоя.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик тизимида интизомий жавобгарликнинг қуйидаги икки хусусияти кўпроқ инобатга олинади:

биринчидан, – қишлоқ хўжалик соҳасида интизомий жавобгарлик фақат ходим ишлаётган ушбу қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) деҳқон ва фермер хўжалиги, ижара хўжалиги ҳамда корхона, муассаса, ташкилот томонидан қўлланиши билан;

иккинчидан, – интизомий жавобгарлик маъмурий ва жинсий жавобгарликка нисбатан анча кам аҳамиятлилиги ёки энгил характерда содир этилганлиги билан фарқланади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик тизимида интизомий жавобгарлик яқка тартибда қўлланилганидан кўра, умумий йиғилишларда ёки ўртоклик судларида ушбу ҳуқуқбузарликларни муҳокама қилиб, кўпчилик ичида қўллаш ижобий натижа беради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 183- моддасига асосан: «Интизомий жазони амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади».

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Шунинг учун ҳам интизомий жавобгарлик масаласи қишлоқ хўжалик тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, нозик масаладир. Унинг содир этилиши оқибатида ҳуқуқ соҳасининг белгиланган ҳуқуқий тартиби ва меъёрларини бузиш мумкин.

Хуллас, қишлоқ хўжалик соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, хўжалик фаолияти, унинг мулки ва қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, тузилган барча шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ўз вақтида таъминлаш ва унинг ҳуқуқий кафолатини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги ходимларининг ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва бо-

шқа ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида қонун билан ҳимоя қилиш, нафақат қишлоқ хўжалик (аграр) ҳуқуқи билан, балки маъмурий, фуқаролик (мулкӣ) ва жиноят қонунлари билан ҳам тартибга солиниши, қишлоқ хўжалик тизимида қонунларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди.

3-§. Қишлоқ хўжалик қонунларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик

Маъмурий – ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури сифатида қишлоқ хўжалик қонунларини бузганлик учун кенг қўлланилади.

Маъмурий – ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун фақат маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши асос бўлади.

Маъмурий – ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг асоси ва унинг тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатилган.⁴

Мазкур қонуннинг 10-моддасига асосан: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади».

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Маъмурий жавобгарликнинг мақсади–барча фуқароларнинг қонунларни аниқ ва иккиланмай бажаришлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларни ҳурмат қилишлари, лозим бўлган бурч (мажбурият)ларини ўз вақтида бажаришлари, амалга оширишлари ёинки тегишли ҳуқуқбузарликни содир этганларни тарбиялаш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик тизимида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тушунчаси шуни белгилайдики, бунда ҳуқуққа

⁴ Қаранг: *Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекси. Тошкент, «Адолат», 1995.*

ва белгиланган қонунга қарши қилинган хатти-ҳаракат оқиба-тида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик тизимига ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик қонунларига ҳамда уни амалга ошириш талабларига риоя этмаслик ёки унга амал қилмаслик, бузиш тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик (жиноят) ўзига қуйидаги 4 унсурки. яъни субъект, объект, субъектив томон ва объектив томонларни қамраб олади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлиб фуқаро ва мансабдор шахслар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 13-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик кўп шаклли бўлиб, ижтимоий соҳада ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида учрайди.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектларининг қишлоқ ва сув хўжалик тизими бошқарувида, агросервис хизмати соҳасида, қишлоқ хўжалик корхоналарини материал ва техник воситалар билан таъминлашда, қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасида ишлаётган ходимлар ва тadbиркорлар фаолиятининг бузилишида ҳамда улар тўғрисидаги қонун талабларини бузиш оқибагида маъмурий жавобгарлик вужудга келиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасининг энг асосий манбаи – ер, ердан фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам асосий ҳуқуқбузарлик деганда ердан фойдаланиш ва унинг қишлоқ хўжалик тизимидаги тартиб-қондасига амал қилмаслик ҳолларини тушуниш мумкин.

Ер билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқбузарлик турлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда тасдиқланган Ер кодексида аниқ кўрсатилган.⁵ Бундай битимларни амалга оширишда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.

Қуйидаги ҳолатларда ҳам айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

- ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаганликда;
- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганда;

⁵ Қаранг: *Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Халқ сўзи», 1998 й., 2 июн.*

- қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганликда, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқава сувлар билан ифлослантирганликда;
- ерлардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаганликда;
- вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайтариш муддатини бузганликда ёки ерларни белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаганликда;
- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларга ва мулкдорларга қаршли ер участкаларининг марза белгиларини йўқ қилганликда;
- ўзбошимчалик билан пичан ўрганликда ва чорва молларини боққанликда;
- ёввойи ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини кўрмаганликда;
- ердан хўжасизларча фойдаланганликда, ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан сақлаш мажбуриятларини бажармаганликда;
- ер участкалари бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатлари ва тартибини бузганликда.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо турлари қўлланилади:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 3) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- 4) маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ер билан боғлиқ содир этилган қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган: ерлардан хўжасизларча фойдаланиш

ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш; ер бериш тартибини бузиш; вақтинча эгаллаб турган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик; хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастрини юритиш қоидаларини бузиш, чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ва шикастлантириш.

Ушбу қонунга мувофиқ содир этилган юқоридаги ҳуқуқбузарликлар фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бозор муносабатларига ўтишда қишлоқ хўжалик (аграр) тизими ердан оқилона фойдаланиш, айниқса суғориладиган ҳудудларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши ва уни муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда сув ва сувдан фойдаланиш қонунларига амал қилишни таъминлайди.

Шунинг учун ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сув билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик турлари ва улар учун жавобгарлик ҳам аниқ кўрсатилган.

Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (72-модда), сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (74-модда), сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш (75-модда), сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (76-модда), фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кўрсатилган ушбу ёки сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 115- моддаси талабидан келиб чиқади.⁶

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1994 й, №5, 221-модда.

Давлат ердан фойдаланиш ва у билан боғлиқ барча масалаларни назорат қилади ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа ташкилотларнинг асосий ҳуқуқий мажбурияти деб белгилайди.

Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасида етиштирилаётган маҳсулотларни йиғиштириб олиш, экилган майдонларни пайҳон қилмаслик ҳам асосий муаммодир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти 1994 йил 21 ноябрда қабул қилган «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги⁷ фармони катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик кўрсатилган.

Жумладан, 104-моддада шундай дейилади. «Чорва моллари ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб, юбориши, кўчатларга шикаст етказиши:

– фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса-иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтиш;

– ҳамда ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса:

– фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик масаласи кўрсатилган.

VII бобда 5 турдаги (60-64-моддалар) табиат ресурсларига эгалик ҳуқуқини бузиш, VIII бобда 32 турдаги (65-96-моддалар) табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан

⁷ Қаранг: «Правда Востока», 1994 й. 22 ноябр.

фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, X боб, 9 турдаги (104-112-моддалар) қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликлар учун аниқ жазо чоралари баён этилган.

Албатта, ҳозирги экологик вазият ва бозор иқтисодиёти талаби қишлоқ хўжалик (аграр) тизимида мазкур қонунлар билан бирга «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланиш»⁸ тўғрисидаги қонун ва унга доир талабларни ўз вақтида эътибор билан бажаришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология хизмати барча соҳаларида санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиш, у қайси мулк формасида бўлишидан қатъи назар, барча корхона, муассаса, ташкилотлар, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида санитария қонунларига амал қилиши ҳам бевосита таъкидланган.

Шунинг учун ҳам барча қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), деҳқон, фермер ва ижара хўжаликлари, шунингдек фуқаро ва мансабдор шахслар қишлоқ хўжалик ҳамда ёрдамчи хўжаликлар юритиш соҳасида чорва молларини сақлаш, урчитиш, уларни ҳар қандай ветеринария-санитария кўрикларидан ўтказиб туриш ҳамда зоология ва ветеринария талабларини ўз вақтида бажаришлари, турли ветеринария касалликларининг олдини олишлари ҳамда унинг учун тегишли чора-тадбирларни белгилашлари зарур.

Амалиётимизда санитария ва ветеринария талаби билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»⁹ ва «Ветеринария тўғрисида»-ги қонунларида¹⁰ ўз ифодасини топган.

Жумладан «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига асосан: «Давлат бош санитария врач ва унинг муовини санитария қонун ва талабларини буз-

⁸ *Ушбу талаб Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 47-51-моддаларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1993 й., № 1, 38-модда.*

⁹ *Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1992, № 9, 355-модда.*

¹⁰ *Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1993, № 9, 335-модда.*

ганлик учун, гигиена талабларига риоя этмаганлик, ушбу масала бўйича тегишли кўрсатмаларни бажармаганлик учун тегишли маъмурий жазо чораларини белгилаши мумкин».

Мансабдор шахсларга – икки ойлик иш ҳақидан ошмаган миқдорда;

бошқа фуқароларга нисбатан,- бир ойлик иш ҳақидан ошмаган миқдорда жарима солиниши мумкин.

Ушбу маъмурий жавобгарлик натижасида ундирилган жарималар Тошкент шаҳар ва вилоят эпидемия фондларига ўтказилади.

Айниқса ҳозирги бозор шароитида қишлоқ хўжалик тизимида барча қишлоқ хўжалик кооперативлари, деҳқон, фермер хўжаликлари ва ижарачилар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхона, муассаса, ташкилотлари мавжуд бўлган трактор, автомобиллардан оқилона фойдаланишлари, уларни сақлашга эътибор беришлари, уларни ишлатиш қоидаларига амал қилишлари лозим ҳамда уларни талон-ғорож қилишга ва бўлак-бўлак қилиб ташландиқ ҳолатга қўймасликлари шарт.

Ушбу ҳолатларга йўл қўйган ҳайдовчи ва механизаторлар мансабдор шахснинг тегишли буйруғига асосан ёки бошқа органлар томонидан ҳайдовчилик ҳуқуқидан маълум муддатга маҳрум этилиши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 112-моддасига асосан: «Механизаторлар томонидан тракторлар, комбайнлар ва бошқа хил ўзи юрар қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш:

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга ёки механизаторларни ушбу машиналарни бошқариш ҳуқуқидан бир йилгача муддатга маҳрум қилишга сабаб бўлади».

Амалдаги қонунга мувофиқ қишлоқ хўжалик (аграр) соҳасида ишловчилар хавфли бўлмаган иш шароитида ишлаш ва соғлиқларини муҳофаза қилиш ҳуқуқларига эга.

Демак, барча қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), деҳқон, фермер хўжаликлари ва ижарачилар ушбу талабни амалга оширишлари, техника хавфсизлигини таъминлашлари, санитария – гигиена қоидаларига риоя қилишини таъминлашлари зарур.

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси, уларнинг соғлиги ва меҳнат шароитини муҳофаза этиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда¹¹. (XIII боб, 211-223-моддаларида) ва Меҳнат кодексидида¹² батафсил кўрсатилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддасига: «Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши:

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади», – деб кўрсатилган.

Хуллас, барча қонунларнинг таҳлили ва маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари қишлоқ хўжалик тизимида аграр ва бошқа қонунларнинг бекам-кўст ўз вақтида амалга оширилишини, аграр соҳада иқтисодий ислохотларни, барча мулк, жумладан хусусий мулк шаклларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни, қишлоқ хўжалик тизимида сифатли ва самарадор маҳсулот ишлаб чиқаришни, меҳнатга доир ўз бурчини садоқат билан бажаришни таъминлайди.

4-§. Қишлоқ хўжалик қонунларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарар учун келиб чиқади.

Фуқаролик – ҳуқуқий (мулкий) жавобгарликка тортишдан асосий мақсад қишлоқ хўжалигида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни ўз вақтида қоплашдир.

Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидида ифодаланган.¹³

¹¹ Қаранг: *Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари*, 1993 й, № 5, 223-модда.

¹² Қаранг: *Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси*. Тошкент, Адолат, 1996.

¹³ *Фуқаролик ҳуқуқий (мулкий) жавобгарлиги ва етказилган зарар ҳамда бошқа барча масалалар Фуқаролик кодексидида ўз аксини топган ва аниқ кўрсатилган.*

Қаранг: *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси*. -Т. Адолат, 1996.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

а) етказилган зарарнинг мавжудлиги;

б) айбнинг мавжудлиги;

в) қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қонунга ҳилофлиги;

г) зарар охири зарурий мудофаа туфайли етказилган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни ҳисобга олиб жазо чорасини белгилаши.

Шунинг учун ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг энг асосий характерли томони шундаки, субъектнинг қишлоқ хўжалик (аграр) тизимида ёки экологик соҳада маъмурий ёки жинсий жавобгарликка тортилиши уни етказилган зарарни ўз вақтида тўлаш ёки қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Етказилган зарарли аниқлаб, уни қоплаш ёки тўлатиш Ўзбекистон Республикасида суд ва хўжалик судларининг қонунга асосан ҳуқуқий ваколатига киради.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик давлатнинг манфаатига, қишлоқ хўжалигидаги субъектлар, мулк эгаси ва уларга етказилган зарарни қоплаш ҳамда қишлоқ хўжалик (аграр) қонунларининг бажарилишига қаратилган.

Қишлоқ хўжалик (аграр) ҳуқуқи соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги шаклларда намоён бўлади: биринчидан, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлар давлат мулки бўлиб ушбу объектларни олди-сотди, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш, айирбошлашга руҳсат этилмайди. Қонунда кўрсатилган асосда қилинаётган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келиши мумкин эмас ва ҳар қандай тузилган битимлар ушбу кодексга (113-128-моддаларига) мос келиши керак.

Иккинчидан, табиий бойликлардан фойдаланишда қишлоқ хўжалиги субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга улар ўзлари томонидан етказилган зарарни тўлашлари шарт. Ушбу талаб Фуқаролик кодекси (324-331-моддалари) талабидан келиб чиқади.

Масалан: деҳқон, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ва бошқа корхона, муассаса, ташкилотлар чиқарган зарарли чиқитлар билан қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини пасайтиришлари ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини бузишлари мумкин.

Учинчидан, табиий бойликлардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш талаблари ва қонунларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни қоплаш, тўлаш.

Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида (86-88-моддалар), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (117-118-моддалар), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» (25-модда), «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларида (47-50-моддалар) батафсил кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини 14-моддасида зарарни қоплаш масаласи аниқ ифодаланган.

Агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши талаб қилиши мумкин.

Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек шахс ўз ҳуқуқлари бузилганида одатдаги фуқаролик муаммоси шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалик қонунчилигида фуқаролик-ҳуқуқий (мулкӣ) ҳуқуқбузарликларнинг турли шакллари содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

1. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини бажармаслик

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар ер участкаларидаги зарарни ёки бой берилган фойдани Фуқаролик кодекси ва Ер кодекси асосида тўлашлари ёки қоплашлари лозим. Ушбу ҳолатлар учун жавобгарликнинг умумий қонидаси Фуқаролик¹⁴ ва Ер кодекслари¹⁵ да аниқ кўрсатилган.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Т.Адолат, 1996.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Халқ сўзи», 1998, 2 июн.

Масалан: шундай жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 48-моддаси талабидан келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, куйидаги мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Улар:

- 1) бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;
- 2) зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларни жорий этишлари;
- 3) ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;
- 4) мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни комплекс реконструкциядан чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;
- 5) хўжаликнинг бутун ички суғориш ва коллектор – дренаж тармогини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;
- 6) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва захланишига, ерларнинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўйилмайдиган усуллар билан амалга оширишлари;
- 7) қишлоқ хўжалик экинлари ва дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;
- 8) ушбу Кодексга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига биноан ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик кўрсатилган.

333-моддага асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

Фуқаролик қонунчилигида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар катта аҳамиятга эга.

Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига мол-мулкига етказилган зарар етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин.

Қонуний ҳаракатлар туфайли зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим ва ҳоказо (ФК, 985-модда).

2. Қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик ишлаб чиқаришининг нобудгарчилиги учун фуқаролик-ҳуқуқий (мулкӣ) жавобгарлик

Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 86-моддасига асосан:

- ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;
- давлат қўриқхоналари, заказниклар, миллий табиат боғлари, табиат ёдгорликлари, маданий-тарихий ёдгорликлар, сув ҳавзалари, сув таъминоти манбалари, курортлар теварагида, дарёлар, каналлар, сув ташламалари, йўллар, узатувчи қувурлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари бўйлаб муҳофаза, санитария ва ихота зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;
- сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган

бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

Қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қуйидагилар томонидан қопланади:

– қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари ажратиб бериладиган юридик ва жисмоний шахслар;

– ерларни қишлоқ хўжалиги ва ўрмон оборотидан чиқариб ёки у қадар қийматга эга бўлмаган ерлар қаторига ўтказган ҳолда объектлар атрофига муҳофаза, санитария ва ихота зоналари ўрнатилган юридик ва жисмоний шахслар (Ер кодексининг 87-моддаси).

3. Қишлоқ хўжалигида ер-сувдан фойдаланиш тартибини бузганлик оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик

Қишлоқ хўжалик тизимида ер-сувдан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига асосан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга бериледи:

1) қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига – товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш учун;

2) тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига илмий тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига – фермер хўжаликларини юритиш учун;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига – деҳқон хўжаликларини, яқка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига – жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

6) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга – ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Шунга ўхшаш ҳолат Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги¹⁶ қонунининг 47-моддасида кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиши жамоа, давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ҳамда деҳқон хўжалиklarининг суғориладиган ерларида қулай сув режимини вужудга келтириш мақсадида амалга оширилади.

Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш сувдан меъёрлар бўйича фойдаланишнинг белгиланган йўсинига риоя этган ҳолда сувдан умумий фойдаланиш тартибида ҳам, махсус фойдаланиш тартибида ҳам амалга оширилади.

Сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасини суғориш, сув чиқариш, зах қочириш тармоқларидан фойдаланувчи органлар белгиланган тартибда расмийлаштирадilar.

Шунинг учун ҳам ушбу Қонуннинг 117-моддасига асосан, корхоналар, ташкилотлар муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида етказилган зарарни қонунларда белгиланадиган миқдорда ва тартибда қоплашлари шарт, деб кўрсатилган.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 118-моддасига биноан, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарар харажатларини тўлашда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгар бўладilar.

4. Қишлоқ хўжалигида экологик талабларни бузиш оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланиши

Қишлоқ хўжалик (аграр) тизимини ривожлантириш кўп томонлама экологик талабларга етказилган зарар учун маълум жавобгарлик мавжудлигини келтириб чиқаради.

¹⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги» қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1993, № 5, 221-модда.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 51- моддасига асосан амалга оширилади. Унда: «Корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар»,-деб кўрсатилган

Шундай экан, атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди (49-модда).

Экологик ҳуқуқбузарлик (жиноят)ни содир этиш натижасида етказилган зарар асосан икки шаклда намоён бўлади:

1) иқтисодий, зарарнинг ушбу шаклда содир этилиш жараёни табиат ресурслардан фойдаланувчи субъектларнинг мулки ҳамда даромадларига зиён етказди;

2) экологик етказилган зарарнинг характери шуки, у ер-сувни ифлослантириш, ерларни фойдаланишдан чиқариш, ўрмонларни қирқиш, атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасида мана шу масалага катта аҳамият берилган.

«Фаолияти теvarак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаидан етказган зарарни, агар зарар баргараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт».

Хуллас, ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик тизимида экологик муаммолар кўп. Улар суғориладиган ерларнинг шўрланиши, эрозияга учраши, сув ресурсларининг, ҳавонинг ифлосланишида намоён бўлади ҳамда ишлаб чиқариш корхо-

на, муассасалари, ташкилотлари томонидан ифлослантириш жараёнида вужудга келади.

Шунинг учун ҳам ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун кўпроқ фуқаролар, мансабдор шахслар, деҳқон, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари) ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, амалдаги қонунларга риоя этмаган, субъектларга эса кучли иқтисодий чоралар белгилаш ҳамда зарарсиз янги технологияларни қўллаш талаб этилади.

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қонунчилигини бузганлик оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий (мулкий) жавобгарлик

Қишлоқ хўжалиги (аграр) соҳасида қонунларни мустаҳкамлаш ва унга амал қилиш катта аҳамиятга эга. Агарда меҳнат қонунларига риоя этмай маълум зарар етказилса, ходим томонидан у албатта тўланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 198-моддасига асосан:»Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади».

Шунингдек, Меҳнат кодексига ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳолатлари ҳам аниқ кўрсатилган(202-модда).

Аграр қонунларимизда ҳам шу масалага алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»¹⁷ги қонунида: «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги

¹⁷ *Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июнь.*

қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Дехқон хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик аъзоларининг ва унда вақтинча ишлаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига улар меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Дехқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг ердан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланмаганлиги учун жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белгиланади,» деб кўрсатилган (31-модда).

Худди шунингдек ҳолатлар, яъни меҳнат қонунчилигининг бузилиши билан боғлиқ бўлса ва тегишли амалдаги қонун талаблари бузилган бўлса, зарарни қоплаш, тўлаш масаласи Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»¹⁸ги қонуни 33-моддасига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»¹⁹ги қонуни 36-моддасига асосан, меҳнат мажбуриятларини бажармаганлик оқибатида етказилган зарар тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 989-моддасига биноан эса: «Юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплайди...

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар», - деб таъкидланади.

Агарда қонунга ҳилоф тарзда деҳқон, фермер, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки ижарачи фаолиятига ва унинг хўжалик фаолиятига аралашуш оқибатида тегишли зарар етказилса, улар судга ёки хўжалик судларига мурожаат қилиб, етказилган зарарни ундириб олишлари мумкин.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёки органлар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида, шу жумла-

¹⁸ *Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил.*

¹⁹ *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисидаги» қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июн.*

дан давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳужжатлар чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларнинг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим. Зарар ушбу Кодексининг 15-моддасида назарда тутилган тартибда тўланади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 990-модда).

5-§. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик қишлоқ хўжалик муносабатлари субъектларининг жиноят қонунларида белгиланган ижтимоий хавфли ғайриқонуний хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этганларида қўлланилади.

Демак, қишлоқ хўжалигига оид қонунларни бузганликда қўлланиладиган жиноий жавобгарлик учун асос бўлиб, ушбу соҳада содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига оид жиноий ҳуқуқбузарлик деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг қасдан ёки эҳтиётсизликдан жиноят қонунларида белгиланган қоидаларни бузишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари тушунилади.

Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликлар давлатнинг қишлоқ хўжалигига оид сиёсатига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришга, қишлоқ хўжалигида қонунчиликни таъминлашга жиддий путур етказди.

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик деб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муносабатларида келиб чиқадиган ҳуқуқий тартиб-қоидаларни бузганлик учун қўлланиладиган жиноий жазо чораларига айтилади. Таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солувчи қонунларда жиноий жазо чоралари бевосита кўрсатилган бўлмайди. Шу сабабдан қишлоқ хўжалик қонунчилигида белгиланган жиноий ҳуқуқбузарлик учун жиноят қонунчилигида белгиланган жазо чораси қўлланилади. Демак, қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганликда жиноий жавобгарликни қўллаш учун қишлоқ хўжалик қонун-

лари нормалари билан биргаликда жиноят қонунлари нормалари бузилган бўлиши ва шу ҳуқуқбузарлик учун Жиноят кодексига жазо чораси белгиланган бўлиши керак. Акс ҳолда жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарликни қўллашдан асосий мақсад ушбу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда содир этилган жиноятлар учун тегишли жазо тайинлашдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноий жавобгарликка тортиш учун қонунда кўрсатилган шарт-шароитлар вужудга келган бўлиши керак. Бу шарт-шароитлар жиноий ҳуқуқбузарликнинг таркибини ташкил этиб, шу хилдаги жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Булар: ҳуқуқбузарлик, айбнинг мавжудлиги, ижтимоий хавфлилик даражасининг борлиги, ҳуқуққа хилофлиги ҳамда жазога сазоворлик кабилардир. Демак, шу унсурлар бўлгандагина жиноий жавобгарликка тортиш учун тўла асос бўлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган жиноятларнинг субъекти бўлиб юридик ва жисмоний шахслар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган жиноятларнинг объекти бўлиб эса Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги тизими, ер, сув муносабатлари, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифати ва самарадорлиги, қишлоқ хўжалик қорхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган жиноятларнинг субъектив томони бўлиб, субъектнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан, яъни ҳуқуқбузарликдан келиб чиққан оқибатга нисбатан бўлган руҳий муносабати тушунилади.

Аграр соҳада содир этилган жиноятларнинг субъектив томонининг хусусияти шундаки, улар бевосита содир этилган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг мотив ва мақсади билан ҳам ҳар доим боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалиги тизимидаги содир этилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар оқибатида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимига етказилган моддий, маънавий ҳамда иқтисодий зарар ушбу жиноятларнинг объектив томони бўлиб ҳисобланади.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган жиноят турлари ва улар учун жиноий жавобгарлик кўрсатилган. Булар қуйидагилардир:

1) иқтисодий соҳасидаги жиноятлар (ЎЗР ЖКнинг III бўлими). Масалан: ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда); мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш (172-модда); мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш; сохта тадбиркорлик (179-модда); банкротликни яшириш (181-модда); солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда) ва бошқалар;

2) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар. Масалан: сифатсиз маҳсулот чиқариш ва сотиш (184-модда), харидор ёки буюртмачиларни алдаш (187-модда);

3) экологик соҳасидаги жиноятлар.

Булар: экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193-модда); атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда); атроф табиий муҳитни ифлослантириш (196-модда); ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (197-модда); экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни nobуд қилиш (198-модда); ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузиш (199-модда); ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш (200-модда); зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (201-модда); ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш (202-модда);

4) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар ҳам қишлоқ хўжалик соҳасида содир этилган жиноятларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан: «Тақиқланган экинларни етиштириш» (270-модда) ва бошқалар.

Юқорида санаб кўрсатилган қишлоқ хўжалигига оид қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик жазо чоралари сифатида жарима, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш қабилар қўлланилади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи предмети ва тизими	
1-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг тушунчаси, предмети ва ўзига хос хусусиятлари	6
2-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари	10
3-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг институтлари	16
4-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг тизими	18
5-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг асосий тамойиллари	19
II боб. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари	
1-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари тушунчаси, хусусиятлари ва таснифи	21
2-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг конституциявий асослари	25
3-§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбаи сифатида қонунлар	31
4-§. Қонун ости меъёрий ҳужжатларининг ағраф муносабатлари тартибга солишдаги аҳамияти	35
III боб. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш	
1-§. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг тушунчаси, мақсади, йўналишлари ва хусусиятлари	43
2-§. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг шакл ва тамойиллари	46
3-§. Қишлоқ хўжалигини тартибга солувчи давлат органлари тизими ва уларнинг асосий йўналишлари	49
IV-боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати	
1-§. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тушунчаси, улар турлари ва ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи	57
2-§. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ҳуқуқий ҳолати	68
3-§. Қишлоқ хўжалигидаги акциядорлик жамиятларнинг ҳуқуқий ҳолати	75
4-§. Бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати	78
5-§. Ижара жамоасининг ҳуқуқий ҳолати	84
V боб. Фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳолати	
1-§. Фермер хўжалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби	95
2-§. Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи	98
3-§. Фермер хўжалиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш	99
4-§. Фермер хўжалигини тугатиш асослари ва тартиби	104
VI боб. Деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий ҳолати	
1-§. Деҳқон хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий табиати ва ўзига хос хусусиятлари	108
2-§. Деҳқон хўжалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби	111
3-§. Деҳқон хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи	114

4-§. Деҳқон хўжалиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш	115
5-§. Деҳқон хўжалигини тугатиш асослари ва тартиби	118
VII боб. Деҳқонларнинг ҳуқуқий мақоми	
1-§. Деҳқонлар ҳуқуқий мақомининг умумий тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари	121
2-§. Ширкат хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати	124
3-§. Фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати	128
4-§. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати	131
5-§. Қишлоқ хўжалигида ижарачи деҳқонларнинг ҳуқуқий мақоми	133
VIII боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи	
1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари	138
2-§. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъект ва объектлари	143
3-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни..	147
4-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш	150
IX боб. Қишлоқ хўжалик корхоналари мулкнинг ҳуқуқий ҳолати	
1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналари мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари ва турлари	153
2-§. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари	155
3-§. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) мол-мулки	161
4-§. Фермер хўжалигининг мол-мулки	166
5-§. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки	168
X боб. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш	
1-§. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, мезонлари ва мазмуни	171
2-§. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш ...	178
3-§. Қишлоқ хўжалигида ички хўжалик муносабатларини ташкил қилишда пай шаклининг афзаллиги ва моҳияти ҳамда онла (жамоа) пудрати асосида тадбиркорликни амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби ...	184
XI боб. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш	
1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий муносабатларнинг умумий тушунчаси	193
2-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий фаолиятини режалаштириш	200
3-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида кредит муносабатлари	203
4-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари	207

XII боб. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга

солиш

- 1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари 212
- 2-§. Қишлоқ хўжалигида иш вақти ва дам олиш вақти 218
- 3-§. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш 219
- 4-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизоми 223
- 5-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби . 225

XIII боб. Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга

солиш

- 1-§. Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатлари тушунчаси ва ҳуқуқий табиати 230
- 2-§. Қишлоқ хўжалигида ижара ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиш асослари 238
- 3-§. Қишлоқ хўжалигида ижара ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари ва объектлари 243
- 4-§. Қишлоқ хўжалигида ижара ҳуқуқий муносабатларининг мазмуни . 248

XIV боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий

тартибга солиш

- 1-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий тамойиллари ва хусусиятлари 255
- 2-§. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг турлари, тизимлари ва шакллари 258
- 3-§. Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби 263
- 4-§. Қишлоқ хўжалик корхоналарида даромадларни тақсимлашнинг ҳуқуқий асослари 265

XV боб. Қишлоқ хўжалигидаги шартнома муносабатларига умумий

тавсифнома

- 1-§. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатларининг тушунчаси ва моҳияти 268
- 2-§. Контракция шартномаси тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари .. 278
- 3-§. Қишлоқ хўжалигида қурилиш пудрати шартномаси 286
- 4-§. Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш.. 297

XVI боб. Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

- 1-§. Қишлоқ хўжалик, корхоналарининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари 305
- 2-§. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган юридик механизмнинг умумий тавсифи 309
- 3-§. Қишлоқ хўжалигига оид қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати 313

4-§. Кишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш ...	317
5-§. Кишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) низоларини талабнома асосида қўриб ҳал қилиш	329
6-§. Кишлоқ хўжалик ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари давлат нотариал идоралари томонидан ҳимоя қилиниши	333
XVII боб. Кишлоқ хўжалик қонуларини бузганлик учун жавобгарлик	
1-§. Кишлоқ хўжалик қонуларини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси	336
2-§. Кишлоқ хўжалик қонуларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик	338
3-§. Кишлоқ хўжалик қонуларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик	344
4-§. Кишлоқ хўжалик қонуларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик	351
1. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини бажармаслик ..	353
2. Кишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик ишлаб чиқаришининг нобудгарчилиги учун фуқаролик-ҳуқуқий (мулкӣ) жавобгарлик	355
3. Кишлоқ хўжалигида ер-сувдан фойдаланиш тартибини бузганлик оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик .	356
4. Кишлоқ хўжалигида экологик талабларни бузиш оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланиши	357
5. Кишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қонунчилигини бузганлик оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий (мулкӣ) жавобгарлик .	359
5-§. Кишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик	361

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

*Китоб Очиқ Жамият Институти –
Кўмак Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
кўмагида чоп этилган.*

Масъул муҳаррир
Нашриёт муҳаррири
Саҳифаловчи

М.Усмонов
А.Имомназаров
О.Тошмухамедов

Босишга рухсат этилди 29.08.2000.
Бичими 60x90 ¹/₁₆ Ҳажми 23 б. т. Адади 3000
“Тошполитграфкомбинат” АКда босилди
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30
Буюртма № К-8272